

: ()

Шарх ал-ақидатул холиса

في العقيدة السلفية

تأليف

Саййид Қосим ал-Андижоний

المتوفى بالمدينة المنورة

Китоб Мухтарам Устоз, Доктор Абу Мужоҳид Абдулазиз ибн Абдулфаттоҳ Қори раҳбарлигига Мадина Мунавварадаги Ислом Университети талабалари: Сайфуллоҳ Носирхон, Абдулқодир Ҳасан ва Довуд Мирзолар томонидан нашрга таёrlанди.

Муаллифнинг таржимаи ҳоллари

Аллома Сайид Қосим ибн Абдул Жаббор ал-Андижоний Туркистоннинг улуғ уламоларидан бўлиб, Фаргона водийси шаҳарларидан бири Андижонда бундан бир аср муқаддам тавалтуд топдилар.

У киши дастлаб Туркистоннинг таникли уламоларидан ўша пайтларда ўқитиладиган илмларни ўргандилар, сўнгра Ҳиндистонга сафар қилиб, у ердаги уламолар қўлида куръон, ҳадис ва бошқа фанлардан иборат юқори билимларни таҳсил олдилар ҳамда Ҳиндистонда машхур бўлган Девбанд илмгоҳи тарафидан олий ижозат (диплом)га эга бўлдилар.

Шундан сўнг Туркистонга қайтдилар, етук уламолар ва мамлакат арбоблари билан учрашиб, улар ҳамроҳлигида коммунистик тузумга қарши юқори фаолият олиб бордилар, Туркистонни коммунистик ўрус мустамлакасидан озод этиш йўлида жиҳод қилдилар.

Ишларнинг бошқача тус олаётганини кўргач, динларини сақлаб қолиш ниятида Ҳижозга (Макка ва Мадина минтақаси қўшилиб Ҳижоз деб аталган) хижрат қилдилар. Маккада мужовир бўлиб, унда бир қанча уламолар билан кўришдилар, у кишидан дарс олган уламолар ичida масжидул-ҳаром имом хатиби шайх Абдузоҳир Абус-Самҳ ҳам бор эди.

Кейин Мадинаи мунавварада мужовирлик қилиб, у ерни маскан тутдилар. Ҳамда масжида набавии шарифда, шаръий билимлар илмгоҳида, Боби Мажийдий тарафдаги етимлар уйида ҳам муаллимлик қилдилар. Бунга қўшимча Мадинанинг баъзи вақф мадрасаларида Туркистон муҳожирлари учун ўзбек тилида дарс берар эдилар.

У кишининг ҳадисда иснодлари⁽¹⁾ бор бўлиб, олти китобдаги⁽²⁾ иснодларини у кишидан устозимиз шайх Ҳаммод ибн Мухаммад ал-Ансорий олганлар, камина ҳам у киши (Ансорий)дан «илк бор» лафзи билан сифатланмиш мусалсал ҳадис⁽³⁾ иснодини олганман, у киши эса шайх Сайид Қосим (таржимаи ҳол соҳиби)дан олган эканлар. Шунингдек, олти китобдаги иснодини ривоят қилишимга ижозат бердилар, бу китобларни-да у киши (Сайид Қосим)дан олган эканлар.

Устоз Сайид Қосим араб ва ўзбек тилиларида кўп асарлар битган муаллиф эдилар. Менда бу кишининг асарларидан ўн бешдан ортиғи мавжуд бўлиб, кўплари ўз кўллари билан ёзган кўлёзмалардир. Шулардан араб тилида «ал-Мисбоҳ фи улумил ҳадис» китобини ёзганлар. Ўзбек тилида эса салафлар йўлига мувофиқ ёзилган катта тафсирлари бор бўлиб, унга «Манбаул Ирфон» деб ном кўйганлар. Шунингдек, «ал-Ақидатул Холиса», «Ислом йўли», «Лозим вазифалар», «Хотунлар ойнаги» ва шу каби муҳим китоблар таълиф қилган бўлиб, «Муҳтасари жомеул усул» китобини ўзбек тилига таржима қилганлар. Имом Абу Ҳанифага-да таржимаи ҳол ёзганлар.

Аллоҳ таоло бу улуғ алломанинг кўнглига Туркистонликлар тилида шунча китобларни битмоқни солмогини Яратганнинг тавфиқидан деб биламан. Зотан, Туркистон аҳли бугунги кунда бу китобларга ниҳоятда муҳтождурлар. Китоблар эса чоп этишга ҳомийлик қиладиган, тарқатадиган кишиларни кутиб турибди. Бирон бир томон (ташкилот ёки муассаса) шу маънодаги керакли китобларни таржима қилишга уринса, бу йўлда узоқ вақт ўтган бўлар ва ушбу буюк олим қалами бирла битилган ишончли, илмга бой, тўғри ақидали асарлардек

(1) Ҳадис илмида Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламдан бошлаб то ҳадисни ривоят қилувчигача бўлган ровийлар силсиласи "иснод", деб аталади. Ҳадис саҳиҳ бўлиши учун ровий ўзи тақводор, ростгўй, ҳофизаси ўткир бўлиши билан бирга ҳадисни ўз шайхи бўлмиш ровийдан ўз қулоги билан эшитган бўлмоғи, устози ҳам ўз навбатида шайхидан эшитмоғи... ва ҳоказо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассалламга етиб бормоғи шарт.

(2) Булар: "Саҳиҳ Бухорий", "Саҳиҳ Муслим", "Сунан Абу Довуд", "Сунан ан-Насорий", "Сунан ат-Тирмизий" ва "Сунан Ибн Можа"дир.

(3) Ҳар бир ровий, ёки ҳадисда муайян бир лафз ё ҳаракат такрорланган бўлса, ўша ҳадис "мусалсал ҳадис" (силсилали ҳадис) деб аталган. Ҳар бир ровий ҳадисни ривоят қилиш пайтида: "устозимдан илк бор ушбу ҳадисни эшитганман" деганлиги учун юкоридаги ҳадис «илк бор мусалсал ҳадиси» деб аталган.

таржималарга эриша олмаган бўлардилар.

Аллома Сайид Қосим ал-Андижоний 1393нчи хижрий йилда, ўн тўққизинчи муҳаррамда вафот этдилар, ва Бақеул-Гарқад қабристонида мадфундурлар. Аллоҳ таоло у кишини Ўзининг кенг раҳматига олсин, омийн.

Ушбу таржимаи ҳолни доктор Абу Мужоҳид Абдулазиз ибн Абдулфаттоҳ ал-Қори Мадинаи набавийяда 1423 йил, рабиул аввалда ёздилар.

بسم الله الرحمن الرحيم

الحمد لله، وسلام على عباده الذين اصطفى، وصلى الله على سيدنا محمد، وعلى آله وأصحابه أجمعين إلى يوم الدين.

Билмак керакким, тавхид Исломнинг асосий, аввалги рукни бўлуб, бунингиз инсон чинакам мусулмон бўлолмайдур. Инсонга лозимдурки, энг аввалги лозим бўлғон вазифасини билиб, яратқан худосини таниб, зот ва сифотда биргина бўлғон маъбудини яхши тариқада билсун.

Оллоҳ таоло зот ва сифотда биргина бўлуб, бошқа маҳлуқларидан зот ва сифотда Оллоҳ таолоға шарик бўладурғон кимса йўқдур, ёлғуз ўзи ҳақиқий маъбуздур. Яраткувчи, рўзи бергувчи Ўзигина бўлуб, ҳамма бандаларга Ўзигина ҳукм қиласудур.

Бандаларининг ўрталарида ҳукмларини юргузмак учун бандаларидан лойиқ ва муносиб одамларни таллаб олиб, уларни бандалари бирла ўзининг ўрталарида эътимодлик элчи-пайғамбарлар қилғондур.

Бу пайғамбарлар Оллоҳ таоло томонидан бандаларни ёлғуз Оллоҳ таолоғагина ибодат қилмоққа чакириб, бандалар ўрталарида ўз замоналарига мувофиқ аҳкомларни юргузуб келгандур.

Охирида инсоният олами илм бирла муттасиф бўлуб, Оллоҳ таолонинг қудрати нучук эканлиги зоҳир бўладурғон замон келганда дунёда ақллари хур, димоғлари юқкори бўлғон араблардан ўзи маънавий тариқада тарбият қилғон ҳазрат Мұхаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тиллари узун, сўзлари ўтқур бўлғон, сўзамолликда ўхшашлари йўқ бир қавм - араблардан таллаб олиб, ўзи бирла бандалари ўрталарида ўзи хуш кўрган Исломни ёймоқ учун куфр ва ширк тойғинлиқ, қоронғуликларида ботқан арабларни бутун дунёга нур ва хидоят бўлғон Исломга чақирмок учун пайғамбар қилиб кўндарди, ўзига ибодат қилмоққа чақирмоқға буюрди. Бутун инсонларни шул зотға эргашмакга буюрди.

Чунончи ҳазрат Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ёлғузлиқ ҳолда Маккай мукаррамада:

— «Эй ҳалойиқ! Мен сизларга Оллоҳ

таолонинг пайғамбари - элчисидурман»⁽¹⁾, деб одамларни Оллоҳ таолони ўзига ибодат қилмоққа чақирғани турдилар. 23 йил муддатида бутун Араб ярим жазирасини Ислом нури бирла ёруттилар.

Хижратдан юз йил ўтмай туруб бу Араб жазирасидаги мусулмонлар ўз мужоҳидлари воситалари бирла Осиё ва Африқия, Ёврупо китъаларида, инсонлар кўп яшайдурғон ерларда Исломни ёйиб бўлуб эдилар.

Ояти каримада буюрадурки:

.(- :)

«Раҳматим ҳар нарсани ўзига оладур. Уни Оллоҳ таолодан қўрқуб, закот бериб, бизнинг оятларимизга иймон келтурганлар ҳақларига ёзурман. Ул ҳудодан қўрқанлар бу ўқумаган пайғамбарга иймон келтурурлар. Ул ўқумаган пайғамбар - ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашадурларки, сифатларини Таврот, Инжилда ёзиғлиқ топадурлар: ул пайғамбар яхши ишга буюруб, ёмон ишлардан манъ қиласудур; яхши, кўнгил тортадурғон нарсаларни ҳалол қиласудур, кўнгил тортмайдурғон иплос нарсаларни ҳаром қиласудур; улардан қийинлиқларни кўтарадур. Шул (ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам) пайғамбарга

(1) Аъроф сураси, 158.

иім он келтуруб, бошларига күтәрадурлар, күмак қыладурлар. Шул зотға эргашиб, унға нозил бўлғон китоб - Куръони каримга эргашадурлар. Ана ўшал одамларгина најсом тоңкучилардурлар». (Аъроф сураси: 156-157-оят).

Бир минг уч юз саксон беш йилдан буён шул Ислом динида бўлуб келган мусулмонларга ўз динлари Исломни яхши кўз бирла кўруб, динсизлик - диндорлик, динлардан қайси дин инсонларни дунёда инсоният, шахомат, сўзи ўткур, эркинлик бирла олиб юрар эканлигини тушунмак керак. Бу тушунушни Ёврupo кузғунларидан ўрганмай, ўзларининг файласуфларининг сўзларига қулоқ солиб, ўз кўлидаги бизоатини ўзи таниб, қадрини билмакка урунмоқ керак. Димогини мустамлакачилар кутқуларидан озод қилиб олмоқ лозимдур. Димоғларини, фикрий тушунчаларини ажнабийлар интригаларидан⁽¹⁾ озод қилиб олмасалар, ўз мамлакатларидаги олғон истиқлоллари маънисиз бўлуб қолур.

Ўз қардошларимиз хидматлариға бу «ал-Ақидатул Холиса» арабий китобимизни шарҳи, «Лозим вазифамиз» отлиқ рисоламиз, «Манбаул Ирфон» отлиқ тафсиримиз тақдим қилинмоқдадурлар.

Бу даҳрийлик, динсизлик - хурофотчилик, ширклардан, далилисиз тушунчалардан узок ўзидан бошқаларға тақлид юзасидан заннийётни яқийнийётдан ажратолмағонлиқдан чиққон бир онгизлиқдур. Ақлға бу нарсаларнинг алоқаси йўқдур. Мусулмон кишига ислом буюрган усул бирла ҳар нарсанинг ҳақиқатини билмак мумкиндур, исломда ақл ишлатмак учун усул бордур, бундан ташқари тариқада баҳс қилмоқ лозим натижани бермайдур.

Дарвин, Фрўйд, Спенсаларнинг назарияларидан иборат бўлғон нушуъ ва иртиқо масъаласи тамом заннийётдан иборат бўлуб, Куръони карим оятлари, аходиси набавийя, бу иккиларидан олинғон фиқҳ муқобилларида ҳеч нарса бўлмай, инсонни куфр томонига тортқилайдур. Бу хил нарсаларга юз қилмоқ ёвруполикларга эргашмак бўлуб, болалиқдан иборатдур.

Ислом мамлакатлари ёвруполикларга *оралашқонларга* оралашқонларидан буён мусулмонларнинг холатлари ўзгарди, Оллоҳ таоло нозил қилғон Куръони Карим, ҳазрат расууллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг суннатларидан узок, улуми динийядан иборат бўлғон тафсир ва ҳадис, фиқҳдан хабарсиз, динни ўзлаштуриб олмай, дин ва ақидани расм ва одатдан иборат билиб, қуруқдан қуруқ: "мен мусулмонман", демакдан бошқани билмай, охирда динсизликка шикор бўлуб, ҳар бир шомолға учуруг бўлуб қолдилар. Ёшларимиз Ёврupo моддапастликларига шикор бўла бошладилар.

Куръони карим ақларимизни ишлатмакка чакириб турмакда бўлуб: «*Куръони каримни тушиунуб туруб ўқимайдурларми?! Кўнгулларида қуфллари борми?!*», деб турган бир ҳолатда бизлар ақларимизни ишлатмак ўрнига қўлларимизни қулоқларимизға тикиб олиб, ёвруполиклар турмушларига қараб қуюкуб кетмакдадурмиз. Ҳолбуки, ёвруполиклар ўзлари динсизлик ботқоқлариға ҳаммаёклари бирла ботиб қолғон бўлуб, ўзларини чиқаролмай ётибдурлар. Уларнинг кўзларига узоқдан Исломнинг ёруғлиги кўрунуб турган бир ҳолатда бизнинг ёшларимиз этакларини турмушлаб олиб, динсизлик қоронғуликларига қараб қуюкуб кетмакда бўлуб, жаханнам дарвозасини қоқмоқдалар.

Оллоҳ таоло бизнинг кўзларимизни очсун, бизни ҳидоят қилсун, омийн.

(1) яъни: дасиса, макрларидан. (мусахҳих).

الحمد لله وحده، والصلوة والسلام على سيدنا محمد × الذي لا نبي بعده، وأشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له، وأشهد أن محمداً عبده ورسوله، صلى الله عليه وعلى آله وأصحابه الذين هم كالنجوم فمن اقتدى بهم اهتدى، ومن حاد عن طريقهم ضل وغوى، والله يهدي من يشاء إلى صراط مستقيم.

Билмак керакким, инсоннинг нажотига кафил бўлладургон нарса ақидаси бўлуб, уни тўғрилаб, ақида нимадан иборатдур билиб, унинг тақозосича юруб, ширк ва ширкка элтадурган нарсалардан ўзини сақлаб, ҳар ҳолида шунга мувофиқ юрмакдур.

Чунки Оллоҳ таоло азамати-улуғлиги банданинг кўнглида ўрнаб, Узининг фазлидан бошқа кимсанинг ҳеч нарсага кучи етмас эканлигини тилдагина эмас, ақида ва амалда таҳқиқлаб олмаса, ул банда ўзини Ислом буюруб, қилмоғини лозим қилғон нарсаларини жойига еткузмакка элта олмай, ахирда ақида ва амалларида ширк пайдо бўлуб, йўлдан тойиб кетмаклиги мукаррардур.

Мадинаи Мунавварада турган вақтимда араб тилида «**ал-Ақидатул Холиса**» отида бир рисола ёзиб эдим. Эмди шул рисоламни ўзумизнинг туркий тилимизда таржима ва шарҳ килиб, ўз қавмимизнинг хидматлариға тақдим қилмоқдаман.

Бу китобда ақидани ҳар бир куфр, ширк, бидъатлардан тозалаб, Исломни аслий ва ҳақиқий суратида кўрсатмак борасида баҳс қилиб, ақидаға оралашиб қолғон расм ва одатларни ақидадан ажратиб, ҳазрат расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ширк ва жаҳолатға ботиб қолғон арабларни озгина муддатда қайси даражага еткузганликларининг сирларини очиб кўзга кўрсатурмиз.

Бу бидъат ва ширкнинг динимизга оралашиб қолғонликлари бизларни ёмон ҳолатларга элтганликларини бу баҳслар бирла очиб, ўзумизни асри саодат мусулмонлари қоторлариға қўшмоқ йўлида сўзлаб, асбоблар хозирлайдурмиз. Мусулмонларнинг дунё ва охиратдаги нажот ва саодатлари нимада эканликларини кимёвий таҳлил бирла шарҳ қилиб, юрмаклари лозим бўлғон йўлларини чизиб берадурмиз.

وَاللَّهُ الْهَدِيُ إِلَى سَبِيلِ الرَّشادِ.

۱ - لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ.

Оллоҳ таолодан бошқа чинакам маъбуд йўқдур. Ибодат қилинмоққа лойиқ бўлғон зот Оллоҳ таолонинг ўзигина бўлуб, ҳазрат Мухаммад расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳ таолонинг пайғамбаридалар.

«لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ» - ибодат қилинмоққа ҳақлиқ бўлғон зот Оллоҳ таолонинг ўзигинадур. Оллоҳ таолодан бошқа ибодат қилинмоқда бўлғон ҳамма маъбуллар ботилдурулар, ибодат Оллоҳ таолонинг ўзига махсус бўлуб, шарики йўқдур.

Бул сўз ўзи кофирдан ўлумни дафъ қилмоқ, мусулмонлар қоторлариға қўшулмоқнинг бошламасидур. Бул ўзи бир даъво бўлуб, бунинг чин ва ҳакиқат эканлиги зохир бўлмоқ учун сўздан амалға ошмоқни лозим қиласидур. Улда иймоннинг меваси бўлғон амаллар (энг аввалгиси намоз) бўлуб, ҳалол ва ҳаромни амалға оширмоқ буюруқларни "лом" демай ерига қўймоқ - амалға оширмоқ; қилмоқдан манъ қилинғон нарсалардан ўзини тортмоқ; ҳар бир амални қорни очқонда таом емак, чанқагонда ичмак лозим бўлғон сувдек билиб қўз олдида тутмаги лозимдур.

Чунки «لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ»нинг маъноси - "мен ўзум Оллоҳ таолонинг бандаси эканлигимга иқор қилдим, Оллоҳ таоло менинг ҳақиқий маъбудумдур, Оллоҳ таолодан бошқа маъбуллар тамом ботилдурулар, мен ул ботил маъбуллардан безордурман", демакдур.

Еру осмонларни, уларда бор маҳлуқларни Оллоҳ таолонинг ўзи яратқандур. Демак, маъбуд ўзидур, маҳлуқларни яратқан Оллоҳ таоло ўзигина маъбуудур, ўзи идора қилиб турадур, уларға ўзи рўзи берадур, ўзи фойда берадур, зарар қиласар, ўзи тиргузадур, ўзи ўлдурадур, тарбият қилғувчи ўзидур, кўз юмуб очкунча бандаларидан ғофил бўлмағай, ўзидан бошқа борлиқни ўзи тутуб турадур, яратмоқда Оллоҳ таолога шарик йўқдурки, ул шарик бўлмоғининг сабабидан ибодат қилинмоққа мустаҳиқ бўлуб қолғон бўлсун.

لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ، لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки:

.(:)

«Оллоҳ таоло осмонларни устунсиз яраттики, уни сизлар кўруб турмакдасизлар. Ерга тебраниб кетмасун деб тоғларни лангар қилиб қўйди. Унда ҳар хил жондорларни ёйди. Юқоридан - булутлардан ёмғурлар ёғдурдик. Ер юзида ҳар хил гиёҳ-кўкат ундердик». (Лукмон сураси: 10-оят).

.(:)

«Мана бу нарсалар Оллоҳ таоло яратқан нарсаларидан. Сизлар менга қўрсатингларчи, Оллоҳ таолодан бошқа маъбулларингиз нима нарсани яратқандур?!». (Лукмон сураси: 11-оят).

Ва яна бошқа бир оятда буюрадурки:

.(:)

«Ёки Оллоҳ таолога шунинг учун шариклар исбот қилмоқдадурларми, улар (исбот қилмоқда бўлғон шариклар) Оллоҳ таоло яратқан маҳлуқлардек маҳлуқлар яратқан бўлуб, Оллоҳ таоло яратқан маҳлуқларига оралашиб кетган бўлуб, бир бирларидан ажратиб бўлмайдурген бўлуб қолгондурларми?! Балки Оллоҳ таолонинг ўзи ҳамма нарсани яратқандур. Оллоҳ таоло ўзи биргина яратқувчи бўлуб, ҳамманинг узасида ҳукмни юргузгувчибур». (Раъд сураси: 16-оят).

Демак, бандаларнинг ибодат қилмоқлариға мустаҳиқ бўлғон зотлар шундоғ нарсаларни вужудга келтурган бўлсунларки, унинг бирла ибодат қилинмоққа мустаҳиқ бўлуб қолғон бўлсун. Ҳамда ибодат қилғувчи бандаларга қилғон эҳсонотлари санаб битирмаксиз бўлсунки, унинг қоруғини қайтармоқ мумкин бўлмасун. Бул ўзи Оллоҳ таолога махсусдур, буни мушриклар ўзларида биладур, иқорда қиласидурлар.

Бу түғрида Қуръони каримда саноқсиз оялтар келгандурлар⁽¹⁾.

"مُحَمَّدٌ رَسُولُ اللَّهِ" - ҳазрат Мұхаммад ибн Абдуллоҳ расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам Оллоҳ таолонинг энг охирги күндурган пайғамбаридурлар. Бутун инсоният дунёсини куфр ва ширк қоронгуликларидан Ислом ёруғлиғига чиқармоқ учун күндургандур.

Чунончи шул оялтарда баён буюрулгандур:

.(:)

.(- :)

Оллоҳ таоло ҳазрат Мұхаммад расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламни инсонлар бирла жинларга пайғамбар қилиб юборғондур, шуни мен тасдиқ қилурман; ҳар бир хукмлари бажо келтурмак лозим бўлғон хукмдур, ҳар бир берган хабарлари рост ҳақиқатдур деб биламан.

Ҳазрат расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламға итоат қилмоқ Оллоҳ таолога итоат қилмоқдур. Чунончи ояти каримада буюруладур:

.(:)

«Ҳар ким бу пайғамбарга итоат қилиб, ҳукмиға бўйунсунса, ул Оллоҳ таолога итоат қилғон бўладур. Ва ҳар ким бўйунтovлиқ қилиб, юз ўғурса, сени уларға пойлоқчи қилиб юбормадиқ». (Нисо сураси: 80-оят).

Демак, ҳазрат Мұхаммад расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламға эргашмакдагина инсон нажот топадур. Улда буюруғлариға хилоф қилмай бажо келтурмак; манъ қилғон нарсаларидан ўзини тортмоқ; кўрсатган тариқаларида Оллоҳ таолога ибодат қилмоқ; бор бўйича ҳар бир юруш ва турушда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам юрган ва буюрган тариқаларида юрмак, иттибоқ қилмоқдур.

Ва яна бир оядда буюруладурки:

.(:)

«Ҳар бир юборғон пайғамбаримизни халойиқ итоат қилсунлар дебгина юборғондурмиз». (Нисо сураси: 64-оят).

Демак, бутун дунёда юборилғон пайғамбарлар халойикқа йўлбошчи бўлубгина келгандурлар. Халойиқ уларнинг юрган йўлларида юрсун, чизган чизикларидан чиқмасунлар. Пайғамбарлар Оллоҳ таолонинг хукмларини халқ ўрталарида юргузадургон хукмдорларгинадурлар.

Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам буюрудурлар:

.() .()))

«Бу миллатдан бир киши - яхудий ёки насроний бўлсун - менинг пайғамбар бўлғонлиғимни эшишиб туруб иймон келтурмаса, албатта ул дўзахқа киргай».

Демак, ер юзида қайси бир миллат бўлсун, не қадар тараққиётларға эга бўлғон бўлуб, дунёни эгаллаган бўлсалар, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламға иймон

(1) Масалан, Анкабут сураси 61-63-оятлар:

келтуруб, исломға кирмасалар, уларнинг ўқуғон илмлари, ҳосил қилғон ахлоқлари, ўзлари иттибоъ қилиб юрмакда бўлғон динлари уларға фойда бермагай. Балки улар ўзларини абадий бўлғон дўзах азобига ҳозирлаган бўлурлар. Бу яхуд ва насоролар эргашмакда бўлғон динлари уларға фойда бермагай. Ҳақиқатда насронийят ва яхудийят ҳазрат Ийсо ва Мусо алайхимасалом келтурган динлари бўлмоқдан чиқиб қолғон бўлуб, таҳриф қўли иплос қилиб кўйғондур. Ҳақиқатда динлигича бўлуб турган бўлуб, таҳриф қўли иплос қилмагонда эди, янада исломға кирмагунларича нажот соҳилига чиқолмағай эдилар.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки:

.(- :)

«Биз китоб берган аҳли китоблар - яхуд ва насоролар ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ўз болаларини таниғонлариdek танийдурлар. Албатта, улардан бир фирқа ҳақни билиб туруб яширадурлар. Бул ўзи - Ислом дини Худойинг томонидан келган дини ҳақ бўлуб, шак қилгувечилардан бўлуб ўлтурмагил». (Бакара сураси: 146-147-оят). Яъни, сенинг пайғамбарлиғинг Оллоҳ таолонинг ваҳий ҳукми бирла келган бир ҳақиқатдур, коғирларнинг инкор қилиб қабул қилмагонлари, сени ёлғончи қилғонликлари сени шубҳага солиб кўймасун. Уларнинг инкор қилмоқлари ҳақни ноҳақ қилиб кўймагай. Ўз ўзунгдан шакка тушуб ўлтурмагил.

Бу оятдан бошқа оятлар-да кўпдурлар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға итоат қилмоқнинг вожиблиғида келган оят ва ҳадислар кўп бўлсаларда, инсоният, башарийядан юқорига кўтариб, Оллоҳ таолоға хос бўлғон нарсаларни ҳазрат Мұхаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға нисбат қилмоқ жоиз эмас. Чунончи тадбири умур, ғайбни билмақдек нарсаларни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёки умматларидан бирор кимсага нисбат қилмоқ мамнӯдур.

Ояти каримада буюрадур:

.(:)

«Сендан қиёмат кунининг вақти қачондур деб сўрайдурлар. Қиёматнинг қачон бўлишини Оллоҳ таолонинг ўзи биладур, дегил. Қиёмат куни ўз вақтида бирдан келиб қолгай, ҳалқнинг кўзига ўзи кўрсатиб қўйгай, қиёмат кунини қачон келишини билмак осмонлар бирла ердагиларга оғирдур. Сенинг билиб суруштуруб қўйғонинг бордек сендан сўрапдурлар?! Қиёматнинг қачон келишининг илми Оллоҳ таолонинг ўз наздидадур, ва лекин кўп кишилар билмайдурлар, дегил». (Аъроф сураси: 187-оят).

.(:)

«Айтгилки, ўзум учун нафъ ва зарарга эгалим йўқтур, ва лекин Оллоҳ таоло хоҳласа ҳар нарса бўла билур. Ғайбни билсан эди, яхшилиқдан кўп нарсалар ҳосил қилур эдим, менга ҳеч ёмонлиқ етмас эди. Мен албатта Оллоҳ таолонинг азобидан коғирларни қўрқутқувчи, иймон келтурганларга Оллоҳ таолонинг раҳматидан хуши хабар бергувчи дурман, дегил». (Аъроф сураси: 188-оят).

Тадбири умур тўғрисида ояти каримада буюрадур:

.(:)

«Осмондан ергача тортиб ҳамма ишларни юргузуб туродур». (Сажда сураси: 5-оят).

Бу маънода қуръони каримда оятлар кўпдурлар.

Ҳазрат расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг файсалаларига итоат қилмоқ тўғрисида ояти каримада буюрадур:

)

.(:)

«Худойингга қасамки, улар ўз ўрталаридағи тортышмоқларидағи жанжалларини сенга пеш қылсалар, сүнгра улар ўрталарида қилғон ҳукмларингга күнгилларида бирор шубҳа қолдурмай таслим құлмағұнларича ўзларининг мусулмонлық дағыларидан ҳақын ғашылдаударлар». (Нисе сураси: 65-оят).

Демак, ҳазрат расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам ҳақларидан Оллох таолонинг ҳақ пайғамбари дурлар, деб құя қолмоқ бирлагина чинакам мусулмон бўлуб кетолмайдурлар. Ҳар бир қилғон ҳукмларидан, қилинглар деб қўйғон буйруқларидан таслим қилмоқни ўзларига лозим тутмоқларидагина ўзларининг мусулмонлық дағыларини ҳақиқатга чиқара биладурлар.

۲ – أَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

Оллоҳ таолодан бошқа чинакам маъбуд йўқдур, деб гувоҳлик бераман, ҳамда ҳазрат Мұхаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳ таолонинг бандаси ва пайғамбари бўлуб, бутун инс ва жинларни куфр ва ширк тойғинлиқ қоронғулиқларидан Ислом ёруғлиғига чиқармоқ учун кўндурган пайғамбариурлар, деб гувоҳлик бераман.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадис шарифларида буюрудурларки:

»

.() .«

«Одамларға қарши Оллоҳ таолонинг ўзидан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдур деб, мени Оллоҳ таолонинг пайғамбариурлар деб, гувоҳлик бергунларича уруш қилмоққа буюрлдим. Улар шундоғ деб икрор қиласалар, ўз жон ва молларини мендан сақлаб қолурлар, фақатгина ҳаққи бирла (қасос, закотдек нарсаларда Оллоҳ таолонинг хукми бирла) олинур, ҳисоблари (ҳақиқатдаги ҳоллариға қараб) Оллоҳ таологадур». Бу ҳадисни Бухорий, Муслим саҳиҳларида, Абу Довуд, Тирмизий, Насойи, Ибн Можа суннанларида келтурубдурлар.

Ва яна бир ҳадиси шарифда келибдурки:

: »

.() .«

«Ислом беш нарсага бино қилинғондур: Оллоҳ таолодан бошқа маъбуд йўқдур, ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳ таолонинг чин пайғамбариурлар, деб гувоҳлик бермак, намозни ўқумоқ, закот бермак, Рамазон ойида бир ой рўза тутмак, йўл сафарига борди-келди масориғига кучи етса умрида бир бор ҳаж қилмоқдур», деб исломнинг аввалги рукни бўлғон шаҳодат калималарини айтиб эътиқод қилмоқ деб, баён буюрдилар. Ундан кейин ўз муқаррар вақтларида беш вақт намозни ўтамоқдур. Сўнгра пули нисобга етганда закот бермак, Рамазон ойида бир ой рўза тутмакдур, зоду роҳилаға қодир бўлса умрида бир бор ҳаж қилмоқдур, деб буюрдилар.

Демак, шаҳодат калималари исломнинг энг аввалги, асосий рукнидур, бунингиз бошқа рукнлар эътиборга ўтмайдур.

Ва яна бир ояти каримада буюрадурки:

.(:)

«Албатта ул кишиларки, коғир бўлуб, коғирликларича ўлганурлар, улардан бири ер тўла олтунлари бўлуб, ўзларини азобдан қутқазмоқ учун ул олтунларни фидя қилиб юбормоқ истасалар, улардан ҳаргиз ул фидялари қабул бўлмагай. Улар учун алам берадурғон, қаттиқ азоб бордур, уларга ёрдамчилар бўлмагайлар». (Оли Имрон сураси: 91-оят). Иймонсиз амал қабул бўлмағонидек, коғирлар ҳарна борларини бериб, ўзларини ажратиб олмоқ истасалар, ажратиб ололмағайлар.

Бу куфр ва ширкка куфр ва ширкнинг ҳамма қисмлари кирадурларки, ҳаммаларидан сақланмоқ лозимдур. Бу куфр ва ширкка далолат қиласурғон сўзларнинг чинакам ва ҳазилларидан баробар сақланмоқ керакдур. Чунончи, куфр ва ширкнинг анвоълари етмиш еттинчи моддадан тўқсонинчи моддага [кадар] баёнлари бўлурлар.

Банданинг "мен мусулмондурман", деб қилғон даъвоси ўзининг Ислом жамиятига қўш[ул]ғонлиғига бир даъводур. Бу даъвонинг ҳақиқатга айланиши юккорида айтилган Ислом биноси бўлғон беш нарса бўлуб, бундан энг аввалгиси намоз ўқумоқ бўлуб, ва ҳам беш рукннинг қолғонлариур. Ва лекин нажотига кафил бўладурғон ўзининг эътиқодини тасҳихлаб, чин-ҳазилда ўзини куфр ва ширкдан ўз сўзларида сақланмоқда давом этмақдур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки:

.(:)

«Манъ қилинғон нарсаларингизнинг кабира, зўрларидан ўзларингизни сақласангизлар,

кичик гуноҳларингизни кечиб, ўзларингизни жаннатга киргузгаймиз». (Нисо сураси: 31-оят). Сизлар Оллоҳ таоло манъ қилғон нарсаларнинг зўрларидан, гуноҳи кабира аталғонларидан ўзларингизни сақлаб умр ўтказсангизлар, майда-чийда – кичик гуноҳларингизни кечиб, ўрнига ҳар хил йўл ила афв қилиб, яхши амалларга айлантуруб юборумиз ва сизларни гуноҳлардан тозалаб, қиёмат куни дори кароматимиз бўлғон жаннатга киргузурмиз⁽¹⁾.

Кабира аталғон гуноҳлар – оят ва ҳадисларда иртикоб қилғонларга вайд ва таҳдидлар қилинғон, ҳадлар таъин қилинғон гуноҳлардурлар. Улар банда чин кўнгил бирла тавба қилиб, ўзини тортиб, Оллоҳ таоло томонига юз қилса, уларни кечиб юбормоқни Оллоҳ таоло ваъда қилғондур⁽²⁾.

Гуноҳи кабираларни баъзи ҳадисларда (9) тўққуз, баъзи ҳадисларда (7) етти деб ривоят бўлубдур. Дин уламоларидан баъзи муҳаққиқлари ҳадисларда ҳар бир қилмоғига вайдлар келган гуноҳларни санаб китоб шаклида ёзибдурлар. Чунончи, Ҳофиз Заҳабий « » отида китоб ёзиб, унда кабира гуноҳларни санаб етмишга еткузубдур.

Бизда шул китобдан гуноҳи кабираларни санаб, кўзларига кўрсатиб ўтурмиз:

1 - Биринчиси ширк бўлуб, бул ўзи Нисо сураси 48 ва 116-оятларда баён бўлғондур.

Ширк гуноҳи кабираларнинг энг зўридур, бул ўзи инсонни диндан чиқариб мушрик қилиб кўядур. Яна қайтиб мусулмон бўлуб ширкни тарқ қилмагунча ул ундан кечилмайдур, абадий жаҳаннамда қолиб кетадур. Қайтиб Исломга кирмак бирла ўзини жаҳаннамга кирмакдан кутқаза оладур.

Бул ерда Исломдан чиқармайдурғон кабира гуноҳларни ёзилур эди, факатгина илгари ўтган (Ҳофиз Заҳабийдек) уламолар ширкни кабира гуноҳлар қаторларида ёзиб ўтганлари учун бизда нақл қилдик.

2 - Биравни ҳақсиз ўлдурмақдур.

3 - Жодугарлик қилмоқ.

4 - Намоз ўқумаслиқдур. Намоз ўқумаслик кўп хатарлик гуноҳдур, намоз ўқумоқ ўзининг "мен мусулмонман" деган даъвосини тасдиқ қиласурғон гувоҳ ўрнига ўтадур.

5 - Закот бермаслиқдур. Бу-да ўзининг мусулмонлиги учун иккинчи гувоҳдур.

6 - Узрсиз рўзасини очмоқ, ёки рўза тутмаслиқдур. Бул ўзи ўзининг мусулмонлиги учун учунчи гувоҳдур.

7 - Кучи етиб туруб фаризатул ҳажни адo қиласлиқдур. Бул ўзининг мусулмонлиғига тўртунчи гувоҳдур.

8 - Ота-онаға нофармонлиқ қилмоқдур.

9 - Яқин қариндошлари бирла сўзлашмай қўймоқдур.

10-11 - Зино ва ливота қилмоқдур.

12 - Судхўрлик қилмоқдур.

13 - Етимнинг молини емакдур.

14 - Оллоҳ таоло ва расули айтмаган сўзларни айттилар деб тўқумоқ.

15 - Подшоҳнинг ўз раийясига зулм қилмоғидур.

16 - Жиход вақтида урушдан кочмоқдур.

17 - Мутакабирлик қилиб гердаймақдур.

18 - Ёлғон гувоҳлик бермакдур.

19 - Қимор ўйнамоқдур.

20 - Маст қиласурғон шароб ичмак (хамр ичмак, шароб ичмак, бўза ичмак).

21 - Покдоман хотунни зино қилди, деб тухмат қилмоқдур.

22 - Ғаниматдан ўғрилик қилмоқдур.

23 - Ўғрилик қилмоқдур.

24 - Йўлтўсарлик - қароқчилик қилмоқдур.

25 - Ёлғондан қасам ичмақдур.

(1) (оят) Нажм сураси: (32-оят). (оят) Шўро сураси: (37-оят).

(2) Зумар сураси: (53-оят).

- 26 - Зулм қилмоқдур.
27 - Нотұғри солиқ солмоқдур.
28 - Ҳаромхұрлық - балохұрлық қилмоқдур.
29 - Үзини ўзи ўлдурмақдур.
30 - Ёлғон сүзгә одат қилмоқ.
31 - Билиб турууб нотұғри ҳукм қилмоқ.
32 - Порахұрлық қилмоқ.
33 - Хотун киши үзини әркак кишига ўхшатмоқ.
34 - Құшмачилиқ қилмоқ.
35 - Ҳалола қилмоқ ва қылдурмоқ.
36 - Сийдикдан үзини сақламаслиқ.
37 - Хұжакұрсынлиқ қилмоқ - риё бирла иш қилмоқ.
38 - Дунә учун илм ҳосил қилмоқ.
39 - Хиёнат қилмоқ.
40 - Қылғон эхсонига миннат қилмоқ.
41 - Тақдирға иймон келтурмаслик.
42 - Биравни лаънат қилмоқ.
43 - Тилчилик қилмоқ.
44 - Чақымчилік қилмоқ.
45 - Ваъдага хилоф қилмоқ.
46 - Фолбинлар сүзларига ишонмак.
47 - Хотун киши әрига бўйунтовлиқ қилмоқ.
48 - Сураткашлик қилмоқ.
49 - Мусибатда саннаб йигламоқ.
50 - Үзини уруб йигламоқ.
51 - Хукуматга қаршилиқ қилмоқ.
52 - Кучлик кучсизга зўрлиқ қилмоқ.
53 - Қўшнига озор бермак.
54 - Мусулмон кишига озор бермак.
55 - Оллоҳ таолонинг бандаларига гердайиб озор бермак.
56 - Эркак киши ипак кийим киймак, ва олтун тоқмок.
57 - Куйлак ва иштонни ошугини ёштуриб киймакдур.
58 - Оллоҳ таолонинг отини айтмай жондор сўймоқ.
59 - Қулнинг қочмоғи.
60 - Билиб турууб үзини отасидан бошқаға нисбат қилмоқ.
61 - Динда жанжал қилишмоқ.
62 - Ошиқча сувни халойиқдан қизғанмок.
63 - Тортмоқ – ўлчовда кам қилмоқ.
64 - Оллоҳ таолодан қўрқмай хотиржам юрмак.
65 - Узрсиз намозни ўз вақтидан кечиктурмак.
66 - Жамоатни тарқ қилмоқ, жумъа намозини ўқумай қўймоқ.
67 - Васиятни тенг қилмаслиқ.
68 - Олдамчилик қилмоқ.
69 - Мусулмонларга тилчилик қилмоқ.
70 - Саҳобалардан бирор кимсани сўкмак.
Бул ўзи Заҳабийнинг « » китобидандур.
Нававий үзининг « » китобида куйидаги нарсаларни зиёда қилибдур:
71 - Намозни ўз вақтидан илгари ўқумоқ.
72 - Узрсиз гувоҳликни ёширмоқ.
73 - Зихор қилмоқдур.
74 - Узрсиз тўнғуз гўштини емакдур.
75 - Амри маъруф, наҳий мункар қилмоқни ташлаб қўймоқ.

- 76 - Куръони каримни ёд қилғонидан кейин унутуб қўймоқ.
 77 - Куръони каримни ёд қилғон қориларни ёмонламоқ.
 78 - Байтуллоҳни хурматсизламақдур.
 79 - Фийбат қилмоқ.
 80 - Ота-онасини сўкмак, яъни аввал бирорвинг ота-онасини сўқадур ул бунинг ота-онасини сўқадур.

81 - Гуноҳи сағираларда давом эта бермак.

Гуноҳи кабиралар тавбасиз кечилмагай. Гуноҳи кабираларга иртикооб этган киши тавбасиз ўлуб кетган бўлса, Оллоҳ таолонинг ихтиёрида бўлуб, хоҳласа адли бирла азоб қилғай, хоҳласа фазли бирла кечиб юборгай.

Бу гуноҳи кабиралар икки қисм бўладур:

Аввалгиси бир кимса нима бўлуб бир гуноҳи кабира иртикооб этадурда бирдан тавба қилмай ўлуб қоладур. Мана бунда бироз умид борки, Оллоҳ таоло азоб қилмай кечиб юборса.

Яна бири гуноҳи кабирага иртикооб этмакда давом этадурда, "Худойим Кариму Раҳиймдур, бизнинг ибодатимизга муҳтож эмас", деб юра берадур. Мана бу кишининг иши кийиндор. Бу хил сўзларни шайтоннинг тузоғига тушганларгина айтадурлар.

Ояти каримада буюруладурки:

:) .(

«Албатта, Оллоҳ таоло ширк келтурганни мағфират қилмайдур. ундан қуи (кабира гуноҳ)ларни хоҳлаганига кечиб юборгай». (Нисо сураси: 48, 116-оят).

Оллоҳ таолонинг ширқдан қуи гуноҳларни кечиб юбормогига: "хоҳлаганига", деб қайд қилиб қўйғондур. Шул хоҳлаганига ҳамма гуноҳи кабира қилғонлар кира биладурларми? Оллоҳ таоло биладур.

Хадиси шарифда келибдурки: «ҳадис». «Шафоатим умматимдан гуноҳи кабира қилғонларғадур», деб қўйғондурлар. Бу хадисни имом Аҳмад муснадида, Абу Довуд, Насойи суннларида, Ибн Ҳиббон саҳихида, Ҳоким Мустадракда келтурубдурлар.

Бу шафоат дўзахга кирмақдан тўсадурми, ёки дўзахга киргандан кейин дўзахдан чиқармоқ учун бўладурми, бизга маълум эмас.

Гўрга киргандан кейин қиёмат қойим бўлғунча, ҳамда шафоат вақтиғача бўладурғон азобларга чидаб бўлур ми? мана бу нарсаларни ўйламоқ керак. Ҳар ҳолда кўзимизни очайлик.

Оллоҳ таоло Ғафур Раҳийм, Латийф Рауфдур, мағфират қилғувчи, меҳрибон мушфикдур, шунинг баробарида "Азизун зунтиқом"дур, ал-Воҳид ал-Қаҳҳор - ғолиб ўч олғувчи, ёлғуз хукмини юргузгучидур. Демак, икки томоннида кўзда тутайлик.

Ғаффор - мағфират қилғувчи бўлуви баробарида, Рассоқ - рўзи бергувчидур. Бу иккисигада иймонимиз комил бўлсун, рўзи бергувчидур деб қўюб, ризқ-рўзи орқасида тинмай урунғонимизда гуноҳларни кечгувчидур деб гуноҳдан сақланмоқ хаёлимизга келмайдур. Ҳолбуки бу икки томоннида кўзда тутайлик. Шунинг учун ўзумизни хавф ва ражо ўртасида сақламоқ лозимдур. Шундагина Оллоҳ таолонинг фазл ва карамига лойик бўла билурмиз.

Оллоҳ таоло дунё инсонларни тўрт оёғлиқ ҳайвонлардек емак, ичмак, ўйнамоқ, кулмак учунгина яратқан бўлмай, ўзига ибодат қилдурмок учун яратқандур⁽¹⁾.

Бизни ўзининг борлиги, маъбуслиги, Қаҳҳор, Карим Раҳийм, Ҳалимлигига музҳир қилмоқ учунгина яратғондур. ақл, фикрларла ўйламоққа кодир қилиб яратқандур. Бу нарсалар биздан ўйламоқни талаб қиладур, фақатгина бизлар қосирдурмиз, ўз вазифаларимизни билиб адо қилмаётидурмиз.

Дуо.

(1) Зориёт сураси: (56-оят).

اللهم افتح عيوننا وارفع صدورنا وارفع غلاف قلوبنا، وصلى الله على سيدنا محمد ﷺ وعلى آله وأصحابه أجمعين

٣ – لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ لَهُ الْحَمْدُ يُحْبِي وَيُحِبُّهُ الْخَيْرُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ
وَإِلَيْهِ الْمَصِيرُ.

Оллоҳ таолодан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдур, ўзи ёлғуз бўлуб шарийги йўқдур мулк ўзиникидур, ҳамма мақтov ўзигадур, тиргузадур, ўлдурадур, ҳамиша тирик бўлуб, ҳаргиз ўлмайдур, ҳамма яхшилиқ ўз қабзасидадур, ҳар нарсага қодирдур, ҳамма халойиқ ўлуб ўзига қайтурлар.

Оллоҳ таоло ўзи ёлғуз ҳақиқий маъбуддур, ўзи ёлғуз бўлмоқнинг маъноси адад жиҳатидан бўлғон бир маънони ўзига олмайдур, саноққа кирмайдур. Чунки саноққа кирмак махлукнинг сифатидур. Шунинг учун "ваҳдаҳу"ни ёлғуз деб таржима қилинди.

«لَهُ الْمُلْكُ» Мулк ўзининг мулкидур, мулкга эга бўлмоқда кимсанинг Оллоҳ таолоға шарикчилиги йўқдур.

Бу уч калима: тавҳидур-рубубийя, тавҳид улухийя, тавҳидул-ибодани ўзига оладур.

Ҳамма яхшилиқ бирла мақтовлар Оллоҳ таолонинг ўзига махсусдур. Чунки бутун оламни бу хил интизом ва ҳасан суратда яратиб, уларни юрмак, тўхтамоқ, айланмак, унмак, ўсмак, зўраймоқ, бошқа бутун ҳолатларда кеча бўлсун кундуз бўлсун ғофил бўлмай, парвосизлик вужудға келмай, ҳормай толмай, кўз юмуб очқунча тағиyr бермай тутуб тургувчи, ҳар жондорларға ўз миқдорларича рўзи бериб тургувчи Оллоҳ таолонинг ўзидур.

Шунинг учун ҳамма мақтовлар ўзига оиддур. Ҳамма яхшилиқ сифатлари бирла мавсуф бўлуб, ҳамма мақтовларға мустаҳиқ ўзидур. Ҳамма махлукларни истиҳқоқсиз эҳсоноти номутаноҳиялари бирла моламаол айламак ила муомала қиласур.

Демак, ҳамма мақтовлар, шукрлар, ибодатлар Оллоҳ таолонинг ўзига махсус бўлуб, ҳаммаси ўзининг ҳаққидур. Ундоғ бўлса уларни бошқаларга сарф қилмоқ Оллоҳ таолонинг ҳаққига тажовуз қилмоқ бўлуб, зулмдур.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки:

(:)

«Албатта ширк келтурмак зўр зулмдур». (Лукмон сураси: 13-оят).

Чунки ҳамду сано ибодат бўлуб, уни Оллоҳ таолодан бошқаға қилмоқ жоиз эмас бўлуб, ширқдур.

Ўлдургувчи, тиргузгувчи Оллоҳ таолонинг ўзидур. Бирор кимсани Оллоҳ таолонинг ҳукмидан тошқори бирор кимсани ўлдуролмагай. Тиргумак бўлса, Оллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимсага мумкин эмас. Демак қўрқмоқ, умид қилмоқ Оллоҳ таолонинг ўзидан бўлуши керак, бошқадан қўрқмоқ ваҳмдан иборатдур.

Бошқаға, бирор кимсага нафъ еткузмак Оллоҳнинг ҳукмидан тошқори мумкин эмас. Ундоғ бўлса, Оллоҳ таолонинг ўзидан умид қилмоқ лозимдур. Бошқадан истиқлол тариқада умид қилмоқ жоиз эмас, ширқдур.

Оллоҳ таоло ҳамиша тирик бўлуб, ҳаргиз ўлмагай. Ўлмак, йўқ бўлмоқ, янги пайдо бўлғон нарсанинг ҳаққидур. Бу янги пайдо бўлғон нарса махлукдур, янгилик замонанинг таъсири остиға кирган нарсанинг ҳолидур, чунончи Ибн Дурайд ўзининг "Мақсурा"сида айтадурки:
шеър

Икки янги нарса - кеча ва кундуз бир янги нарсага истийло килсалар, бир янгини йўқ бўлуб, чириб кетмакга элтгайлар.

Икки янгилар кеча ва кундуздан иборатдурлар. Булар кун бирла ойнинг мухталиф ҳаракатларидан пайдо бўладурлар. Ҳар нарса кун бирла ойнинг таъсири остиға кирса, эскийдур. Чунки кун бирла ой мухталиф ҳаракатларидан кеча ва кундуз пайдо бўладур. Демак, замон пайдо бўладур. Замона остиға кирган нарса эскиб, битмакга борадурда, йўқ бўлмоққа борадур - ўладур.

Кун бирла ойни Оллоҳ таоло яратқандур, ой, кун, сайёраи собита юлдузлар, осмонлар бирла ер ҳаммалари, жаннат ва дўзах бирла қўшуслуб, Оллоҳ таолонинг махлуклари дурлар. Фақатгина жаннат ва дўзахдан бошқа нарсалар битадурлар. Демак, Оллоҳ таоло махлукларидан таъсиранланмақдан покдур.

«بِيَدِهِ الْخَيْرُ». Ҳамма хайр ва яхшилиқ Оллоҳ таолонинг қабзасидадур. Ҳамма фазл ва

марҳамат Оллоҳ таолонинг ўзидандур. Оллоҳ таоло меҳрибончиликларни юзга бўлуб, бу дунёда бирини халққа бергандур, қолғон тўқсон тўққузини ўзи олиб қолғондур. Шул бандалариға - маҳлуқотлариға бериб кўйғон бир ҳиссалари бирла бир-бирларига ўрталарида шафқат қилурлар. Халқ ўртасида бир сўз бордур, улда: "Бер, деди Субҳон, бера берди султон, бер демаса Субҳон, қайдан берур султон?!", деб машҳурдур.

«وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ فَدِيرُ». Оллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдур, мулк ўзининг мулки бўлуб, ўз ихтиёридадур, қудрат ўзига оиддур.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки:

.(:)

«Макка коғирларига айтгилки, худойимнинг раҳмат ҳазинасига эга бўлсангизлар эди, тугаб қолмогидан қўрқуб сарф қилмай, тутуб қолгай эдингизлар. Инсон жуда мумсикдур». (Исро сураси: 100-оят).

Ва яна бир ояти каримада буюрадурки:

.(:)

«Ҳар нарсанинг ҳазиналари бизнинг олдимиздадур. Уларни ўз миқдорларида тушуруб туурмиз». (Ҳижр сураси: 21-оят).

Демак, фазл, қарам, эҳсон, қудрат, тириклиқ, тиргузмак, ўлдурмак Оллоҳ таолонинг ўзига хосдур. Ҳамма хайрот ўзининг ихтиёридадур.

«وَإِنَّهُ أَمَّا الْمَصَبِّرُ». ўлуб қайтмақ, тўпланмоқ Оллоҳ таоло ҳузуригадур.

Яъни қиёмат куни ҳамма илгариги, кейинги ҳалойиқлар ҳаммалари Оллоҳ таоло ҳузурига ҳозир қилинурлар; унда ўз қилимишларидан ҳисоб берурлар; яхши амал қилғонлар жаннат ва ризвонда бўлуб, ёмон амал қилғонлар ғазаб ва дўзахда бўлурлар; ҳар тоифа ўз ҳисобини тамом олурлар, деб эътиқод қилмоқ лозимдур. Бу хил кишилардан Оллоҳ таолонинг ҳукмлариға хилоф ҳаракат вужудға келмагай.

Қиёмат куни борасида келган ояtlар 89 оятдурлар, ўлгандан кейин қиёмат кунида тирилмак борасида келган ояtlар 26 оятдурлар, амалга кўра жазо топмоқ борасида келган ояtlар 72 оятдурлар.

٤ – سُبْحَانَ اللَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، وَلَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ.

Оллоҳ таоло пок бўлуб, ҳамма мақтовлар ўзига хосдур. Оллоҳ таолонинг ўзидан бошқа ҳакиқий маъбуд йўқдур. Улуғлиқ сифатлари бирла сифатланган зотдур. Ҳамма тоқат ва қувват Оллоҳ таолонинг ўзи бирлагинадур.

Оллоҳ таоло юқори ва улуғлиқ бирла васф қилинадур. Бутун борликнинг молики бўлуб, бандаларига фазл ва марҳамат юзасидан бериб қўйғондур. Шунинг учун ҳамма бандаларнинг зиммаларига Оллоҳ таолоға ҳамду сано айтмак ва шукрлар адо қилмоқ лозимдур. Бу ҳамду санони Оллоҳ таолонинг ўзига қилмоқ ўзига ибодат қилмоқдур. Чунки Оллоҳ таоло жуда улуғ бўлуб, улуғлиқ ўзига хосдур. Ҳамма тоқат ва қувват Оллоҳ таолонинг ўзигагина бўлуб, бошқага нисбат қилмоқ жоиз эмасдур.

Оллоҳ таоло ўзи ҳаракат қилдурмаса, банда ҳаракат қилолмагай. Ўзи чора ва йўл кўрсатмаса, банда йигнани жойидан жилдура олмагай. Ҳар нарса Оллоҳ таолонинг ҳукми ва иродаси бирла вужудга келур.

Шунинг учун уламолар () оятининг тафсирида қуйидаги сўзларни айтибдурлар:

Чунончи ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анҳумадан: «Вал-бақиятус-солиҳат» нима?, деб сўралғонда: «Ла илаҳа иллаллоҳ, ва Аллоҳу акбар», деб жавоб берибдурлар.

Ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳудан сўралғонда айтибдурларки: «Ла илаҳа иллаллоҳ, ва Субҳоналлоҳ, ва алҳамду лиллоҳ, ва Аллоҳу акбар, ва Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳил алиййил азиймдур», дебдурлар.

Ҳазрат Ибн Умар розияллоҳу анҳума айтибдурларки: «Ал-бақиятус-солиҳат: La ilâha illâ Allâhu akbar, wa Subhâna Allâhu, wa la ҳavla wa la qâvvata illâ billâhi al-âliyî ilâ azîyîm».

Хофиз Ибн Жарир айтибдурки: «Мен ўз китобимда топтимки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: Субҳоналлоҳ, валҳамду лиллаҳ, ва ла илаҳа иллаллоҳ, ва Аллоҳу акбар, шулар ал-бақиятус-солиҳатдурлар».

Мужоҳид: «Ал-бақиятус-солиҳат Субҳоналлоҳ, валҳамду лиллаҳ, ва ла илаҳа иллаллоҳ, ва Аллоҳу акбардур», дебдур.

Ҳасан Басрий ва Қатода: «Ал-бақиятус-солиҳат La ilâha illâ Allâhu akbar, wa Subhâna Allâhu, wa la ҳavla wa la qâvvata illâ billâhi al-âliyî ilâ azîyîm», дебдурлар.

Ва яна имом Аҳмад ривоят қилибдурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «Ал-бақиятус-солиҳатни зикрларингизда кўп айтинглар», «Ул нимадур?», дейилса, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ул миллатдур», дебдурлар. «Миллат нимадур?» дейилса, «Ул тақбир, тасбих ва алҳамду лиллоҳ, ва La ҳavla wa la қуввата илла биллаҳдур», дебдурлар.

Ва яна имом Аҳмад ҳазрат Шаддод ибн Абс розияллоҳу анҳудан ривоят қилибдурки, айтибдурлар: Мен ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшиздимки буюрдилар: «Одамлар олтун-кумушларни тўпласалар, сизлар бу калималарни тўпланглар:

.«

Бу хадисни Насойи-да сунанида келтурубдур.

«Эй Худо! Албатта, мен Сендан динда маҳкам турмакни, тўғри йўлдан иборат бўлғон Исломга ҳамма ёғим бирла осилиб олмоқни, неъматларингга шукр қилмоқни насиб қилмогингни тилайман. Ибодатингга яхши тариқада машғул бўлмоғимни насиб қилғил. Мени нифокдан барийъ қилғил. Тилимни рост сўзлайдурган қилғил. Сенинг илмингда бор нарсаларнинг яхисини тилайдурман. Сенинг илмингда бор нарсаларнинг ёмонидан ўзунгга паноҳ элтаман. Ўтган замондаги ўзунг билган нарсалардан мағфират қилғил. Албатта, сен

(1) Каҳф сураси: (46-оят).

ҳамма айбларни билгүвчи дурсан».

Табароний (Мўъжам ал-Кабирда бўлса керак)⁽¹⁾ ҳазрат Саъд ибн Жунода розияллоҳу анхудан ривоят қиласурки, айтибдурлар: Мен Тоифликлардан энг аввал мусулмон бўлғон кишидурман. Тоифнинг устидаги Сарот номлик ердан эрта билан туруб жўнаб, аср вақтида Минога етиб келдимда тоғқа чиқиб олдим. Сўнгра тоғдан тушуб ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурлариға келиб мусулмон бўлдум. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга (Қул хуваллоҳу аҳад) сураси бирла (Иза зулзилат)ат) сурасини ўргаттилар. Ҳамда шул калималарни ўргаттилар: «Субҳоналлоҳ, валҳамду лиллаҳ, ва ла илаҳа иллаллоҳ, ва Аллоҳу акбар»ни ўргаттилар-да, шул калималарни: «Ал-бақиятус-солиҳатдур», дедилар.

Ва яна шул санад бирла ривоят бўлғон бир ҳадисда келибдурки ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «Ҳар ким кечаси туруб, таҳорат қилиб, оғзини яхши ювуб, юз карра субҳоналлоҳ, юз карра алҳамду лиллаҳ, юз карра Оллоҳ акбар, юз карра ла илаҳа иллаллоҳ, деса, ҳақсиз тўқган қондан бошқа ҳамма гуноҳларни кечгай». Чунки қон иши кечилмагай.

Ҳаққул-абд масъаласи Муздалифадаги вукуф вақтидаги дуода Оллоҳ таоло бандасидан ўтуб, ҳақ эгасини рози қилур, деган ҳадис келибдур. Ҳар ҳолда Оллоҳ таолога осондур. Оллоҳ таоло бандаларининг кўнгулларида маҳфий туттган нарсалардан хабардор бўлуб, ҳеч ким билмаган нарсаларни биладур. Азизун-Зунтиқомдур, ғолиб ўч олғувчи дур, деган оятнида унутмаслиқ керак. Бандаларга лозимдурки ўзларини қил узасида, ҳавфу ражо ўртасида олиб юрсунлар.

Алий ибн Талҳа ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анхумадан ривоят қилибдурки, айтибдурлар: «Ал-бақиятус-солиҳат Оллоҳ таолонинг зикри бўлуб, улда: Ла илаҳа иллаллоҳ, ва Аллоҳу акбар, Субҳоналлоҳ, валҳамду лиллаҳ, ва таборакаллоҳ, ва Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ, ва астагфируллоҳ, ва саллаллоҳ ала расулиллаҳдур. Намоз, рўза, ҳаж, садақа, кул озод қилмоқ, хотун қариндошларнинг ҳолларидан хабар олиб юрмакни ўзига одат қилмоқ, яхши амаллар қилмоқда давом этмақдурки, улар эгалари учун сақланиб кўюладурлар».

Авфий ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анхумадан накл қилиб, «Бул сўз жуда тўғри сўздур», дебдурлар.

Абдурраҳмон ибн Зайд ибн Аслам: «Шулар ҳаммалари яхши амалдурлар», дебдур. Шуни Ҳофиз Ибн Жарир тафсирида ихтиёр қилибдур.

(1) Мўъжам ал-Кабир (6-жилд, 51-бет).

- أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، أَسْتَغْفِرُ اللَّهَ تَعَالَى مِنْ كُلِّ ذَنْبٍ أَذْنَبْتُهُ عَمْدًا أَوْ خَطَاً، أَوْ سِرًّا أَوْ عَلَانِيَةً، صَغِيرَةً أَوْ كَبِيرَةً، وَأَنُوْبُ إِلَيْهِ مِنْ الذَّنْبِ الَّذِي أَعْلَمُ بِهِ، وَمَنْ الذَّنْبُ الَّذِي لَا أَعْلَمُ، إِنَّكَ أَنْتَ عَلَامُ الْعِيُوبِ. (ن).

Оллоҳ таолодан мағфират талаб қиласман, Оллоҳ таолодан мағфират талаб қиласман, Оллоҳ таолодан мағфират талаб қиласман. Ҳар бир гуноҳданки, уни қасддан қилғон бўлай ёки унутуб қилғон бўлай, ёширин қилғон бўлай ёки ошкор қилғон бўлай, ул гуноҳи сагира бўлсун ёки кабира бўлсун, уларни ўзум биладурман ёки унутқондурман, шул ҳамма гуноҳлардан тавба қилдим. Албатта, сен ўзунг ҳамма гайбларни билгувчиурсан.

Демак, ҳар бандага ўзининг билган (эсида бор) ёки билмаган (унутуб қўйғон, эсида йўқ) гуноҳларидан тавба қилиб, ўтган гуноҳларини кечиб юбормоғини тилаб юрмаги лозимдур. Чунки банда ҳамма вақт гуноҳ қилмоқдан амонда эмасдур. Ҳамма вақт шайтон банданинг орқасидан тушгандур⁽¹⁾.

Унинг учун ўзини унутуб қўймай, ўзидан хабардор бўлиб юрсун, ҳамма вақт ўзининг оёгининг остига қараб юрмаги лозимдур. Ўз қилмишларига кўз ташлаб, ўз бошиға нималар келар эканлигини билмагани учун, ўзини ҳисобга тутиб юрсун. Ажали қачон ёқасидан тутар эканлигини билмагани учун билар билмасдан қилғон гуноҳларидан тавба қилиб, ўзини унутмай, ҳамма вақт ўзини ўлумга ҳозирлаб юрсун. Қуйидаги ҳадисни ўз назарида сақлаб юрсун:

Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки:

.«» »

Бухорий ҳазрат Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилибдур. «дунёда ғаридек ёки йўловчидек бўлуб юргил», дедилар.

Банда бу дунёда ўзини ҳисобга тутуб юрмаса, охиратида иши қийин бўлуб қолғай. Шунинг учун ҳадиси шарифда буюрулубдурки:

.«» »

«Ҳисобга тутулмай туруб ўзларингизни ҳисобга тутуб юринглар», деб келибдур .

٦ - اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ أُشْرِكَ بِكَ شَيْئاً وَأَنَا أَعْلَمُ بِهِ، وَأَسْتَغْفِرُكَ لِمَا لَا أَعْلَمُ، إِنَّكَ أَنْتَ عَلَّامُ الْغَيْوَبِ،
وَسَتَارُ الْغَيْوَبِ، وَكَشَافُ الْفُلُوْبِ، وَغَفَارُ الذُّنُوبِ.

Эй Худо! Мен сенга билиб турууб ширк келтурмакдан панох элтаман, билмаганимдан мағфират қилмоғингни тилайман. Сен албатта ғайбларни билгүвчидурсан, айбларни ёпқучидурсан, күнгилларни очкучидурсан, гунохларни кечгучидурсан.

Хадиси шарифда келибдурки:

:

»

«

«Ширк сизларда қумусқанинг юрушидан махфийроқдур. Эмди сени бир нарсага далолат қилурманки, уни қылсанг Оллоҳ таоло сендан ширкнинг кичиклари бирла катталарини кеткүзгай. Ул будур: эй Худо, билиб турууб сенга ширк келтурмакдан панох элтаман. Билмаганимдан мағфират қилмоғингни сендан тилайман, деб уч бор айтурсан», дедилар. Бу хадисни Ал-Ҳаким ат-Тирмизий «Наводирул Үсул»да ҳазрат Абу Бакр ас-Сиддик розияллоху анху воситалари бирла ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васалламдан накл қилибдур.

Демак, бандалар билар билмас ширкка тушуб қолмоқдан амин эмасдурлар. Шунинг учун билар билмас бандадан содир бўлуб қоладурғон ширкларни даф қилмоқ йўлини ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васаллам кўрсатиб бердилар. Оллоҳ таолонинг ўзи осмонлар бирла ерни ва улар ўргатларидағи нарсаларни яратқандур. Бандаларга лозимдурки, худойлариға юз қилиб, шу хил гуноҳ ва ширкларнинг билар билмас вужудга келиб қолмоғидан сақланиб, ўз ҳолидан қўрқуб, уларни даф қилмоқка урунуб, ўзини ҳамма вакт Оллоҳ таолога муҳтож билиб, тилакларини Оллоҳ таолонинг ўзидан тиламакда бўлсунлар. Чунончи бу ҳадисда бунинг йўлини кўрсатиб бердилар. Бу нарсаларни бунда ёзиб ўтмақдамиз. Буларни халқ ўргатларида «олти диний калима» атайдурлар. Уни халқ болаларга ўргатадурлар, эртаю кеч ёшлиқдан болалар ўрганиб, ўзлари учун вирд қилиб оладурлар. Ва лекин маъносини ўргатмайдурлар. Буларни ёдлаб маъносини билиб тушунуб юрмаклари лозимдур. Беш кунлик дунёда турмай ўтуб кетадурлар. Дунёга берилмай, ўзини унутмай, беш намоздан кейин эрта билан турганларидан кейин ўқуб маъноларини тушунуб юрсунлар. Бу дунёга берилиб, ҳамма ёгини унутуб, охиратини шул дунёга сотиб қўймасунлар. Бу хил кишиларни Оллоҳ таоло ояти каримада:⁽¹⁾ «Улар тўрт оёғлиқ ҳайвонлардек, балки ундан-да тойгонроқдур», деб буюрадур.

(1) Аъроф сураси: (179-оят).

٧ - التَّوْحِيدُ هُوَ إِفْرَادُ اللَّهِ تَعَالَى بِالْعِبَادَةِ، وَنَفْيُ الْعِبَادَةِ عَمَّا سِوَاهُ، وَالْإِخْلَاصُ لِهِ بِالْتَّوْحِيدِ.
قال تعالى:

Тавхид деб Оллоҳ таолонинг ўзига ибодатни хос қилмоқ, Оллоҳ таолодан бошқага ибодат қилмоқни нафй қилмоқдур, ширк ва ширкка элтадурган нарсалардан ўзини сакламоқ, тавхид борасида ихлос бирла бўлмоқни айтиладур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки:

«Жинлар бирла инсонларни ўзумга ибодат қилмоқлари учунгина яраттим».

«Оллоҳ таолога ибодат қилинглар, бирор нарсани Оллоҳ таолога шарик қилманглар».

Биз айтиб келмакдамизки, ҳамма вакт бандаларга лозимдурки ўзларини дин ва ибодат тўғрисида хавфу ражо ўртасида, қил узасида олиб юрсунлар. Ҳар нафасда ширк кириб қолмоғидан қўркуб юрсунлар. Бандага ўзининг иймонини ўзи бирла олиб кетмак фикрида бўлмоқ керакдур. Чунки инсоннинг ўладурган вақти ўзига маълум эмас. Нафаси чиқиб кирмай қолса ўлуб кета берадур. Ҳар нафас ўзини ўлимга ҳозир тутмак лозимдур. Лозим бўлғон нарсани ташлаб қўймокни ғафлат дейиладур. Бу тўғрида сўзланадурган сўзлар қўп бўлуб, ўз жойи, ўз муносабатида сираси бирла келур, иншоаллоҳ таоло.

(۱) Зориёт сураси: (۵۶ -оят).

(۲) Нисо сураси: (۳۶ -оят).

٨ - إِنَّ هَذَا التَّوْحِيدَ قِسْمَانٌ:

الْأَوَّلُ: إِثْبَاتُ حَقِيقَةِ الرَّبِّ، وَصِفَاتِهِ، وَأَفْعَالِهِ، وَأَسْمَائِهِ، وَتَكْلِيمِهِ لِمَنْ شَاءَ مِنْ عِبَادِهِ، وَإِثْبَاتُ
عُمُومِ قَضَائِيهِ وَقَرَرِهِ وَحَكْمَتِهِ، لِيُنْسَى كَمِثْلُهُ شَيْءٌ فِي ذَلِكَ الْكُلُّ. كَمَا أَخْبَرَ بِهِ عَنْ نَفْسِهِ:

(١)

(٢)

Албатта бу тавхид икки қисм бўлуб, аввалгиси Оллоҳ таолонинг борлиги, ҳақиқатини исбот қилмоқ; сифат, феъллари, отларини; ўзининг китобида сўзламаги; бандаларидан хоҳлаганига сўзламаги; умум қазою қадарини ва ҳикматларини исбот қилмоқдур.

Бу тўғрида Оллоҳ таолонинг ўхшashi йўқдур. Чунончи Оллоҳ таоло ўз китобида буюрадурки: «Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайхи васаллам, айтгилки, Оллоҳ таоло бир бўлуб, ўзи ёлгуздур. Оллоҳ таолога ҳамма муҳтождур. Оллоҳ таоло ҳеч кимга муҳтож эмас. Кимсани түгдурмагон, кимсадан түгулмагон. Ҳеч ким Оллоҳ таолога тенг эмас».

Оли Имрон сурасида буюрадурки: «Оллоҳ таоло шундог зотдурки, ўзи маъбуд бўлуб, ўзидан бошиқа маъбуд йўқдур. Оллоҳ таоло ҳамиша тирик бўлуб, оламни тамом тутуб туродур. Албатта Қуръони каримни сенга Оллоҳ таоло ҳақ узра нозил қилди. Бу Қуръони карим ўзидан илгари нозил бўлғон Таврот ва Инжилни Оллоҳ таоло нозил қилгондур, деб тасдиқ қиласидур. Ҳақ бирла ботилни бир-биридан ажратгучи Қуръони каримни Оллоҳ таоло нозил қилди. Шубҳасиз Оллоҳ таолонинг оятларига кофир бўлғонларга қаттиқ азоб бордур. Оллоҳ таоло ғолиб бўлуб, ўч олгувчидур. Албатта, Оллоҳ таолога еру осмонда бор нарсалар махфий қолмагайлар. Оллоҳ таолонинг ўзигина оналарингиз қоринларида хоҳлаган тариқасида суратларингизни тортадур. Ўзидан бошиқа маъбуд йўқ бўлуб, Ғолиб, ҳикмат соҳибидур».

Тавхиднинг бу қисмида Оллоҳ таоло кимсага муҳтож эмас, ҳамма Оллоҳ таолога муҳтождурлар, Оллоҳ таоло бирла бандалари ўрталарида ота-болалиқ йўқдур, эру хотинлик, тенгу тўшликнинг муносабати йўқлигини баён буюрадур. Оллоҳ таолонинг қудрати қоҳирасига бўйунсунмаган, саркаш тоғийларға азоби қаттиқ бўлуб, уларни қўюб бермай, ўз ҳадларидан ошқонликлари учун азоб қилур-да, берган неъматларини улардан тортиб олур, хоҳлаганига неъматлар бериб сарафroz қилур эканлигини баён буюрадур. Унинг орқасидан ўзи санъати боҳираларини билдуруб, инсонларни ўзи истаган тариқасида ўз илмига мувофиқ таратқучи Ўзи эканлигини иршод буюрадур. Бул ўзи тавхиди рубубийятдур.

(١) Ихлос сураси.

(٢) Оли Имрон сураси: (1 - 6 -оят).

٩ - الثاني: هُوَ التَّوْحِيدُ فِي الْقَصْدِ وَالظَّلْبِ، وَهُوَ تَوْحِيدُ الْأَلْهَيَّةِ، وَهُوَ تَوْحِيدُ الْعِبَادَةِ، وَهُوَ إِفْرَادُ اللَّهِ بِالْعِبَادَةِ بِجَمِيعِ أُنْوَاعِهَا، وَنَفْيُ الْعِبَادَةِ عَمَّا سِوَاهُ عَمَلاً وَاعْتِقَاداً، وَخَلَافَةُ شِرْكٍ. فَالْمُشْرِكُونَ جَعَلُوا اللَّهَ شُرَكَاءَ فِي هَذَا التَّوْحِيدِ، تَعَالَى اللَّهُ عَمَّا يَقُولُ الظَّالِمُونَ عُلُوًّا كَبِيرًا.

Иккинчиси қасд ва талаб тавҳиди бўлуб, ул тавҳиди улухият ва тавҳидул-ибода дейилур. Бул ўзи ибодатнинг ҳамма хилини ўзига оладур. Оллоҳ таолодан бошқадан амалий, эътиқодий ибодатларни нафй қилмоқдур. Бунинг хилофи ширкдур. Мушриклар шул улухият ва ибодат тавҳидларида Оллоҳ таолоға шариклар исбот қилдилар. Оллоҳ таоло шул золим мушриклар нисбат қилғон шариклардан пок ва мубарраъдур.

Билмак керакким, ўн учунчи рақамдаги масъалада ибодатнинг ҳамма хилларини баён қилиб, ундан кейинги масъаладан тортиб йигирма саккизинчи рақам масъала - назр масъаласигача бирма бир ибодатнинг ҳамма хилларини тафсил бирла баён қилиб ўтуладур. Сўнгра йигирма тўққизинчи рақамлик масъаладан тортиб ўттиз тўртинчи рақамлик масъалагача ибодатнинг шартларини баён қилинур.

Инсонга лозимдурки, ибодатнинг ҳамма қисмларидаши ширкнинг эҳтимоли бор нарсаларда ширкдан ўзини сақламокни кўзда тутсан, ширк масъалаларини қулай англамасун. Инсоннинг энг азиз нарсаси динидур. Дининг энг аввалги нарсаси бўлғон нарса иймонидур. Шунинг бирлагина мусулмонлар қаторлариға қўшула оладур.

Ширкдан ўзини сақлаб, эътиқодини тасҳихлаб, ҳар ҳолатида ўзини ҳисобға тутуб, амал ва эътиқодида ширк пайдо бўлуб қолмағиға йўл қўймасун.

Одамларнинг тахмин бирла қилғон ҳукмлари, шайтон томонидан уларға чиройлик қилиб кўрсатилган бузук йўллари ҳеч вақт ишга ярамайдур. Ҳар бир кўрганига инод-ке斯基сламак юзасидан қарши турмак, расм ва одатлар орқаларидан юра бермак, шариат буйруғича юрганликлариға далолат қилмайдур. Шариатнинг ўлчови бор бўлуб, улда ақидасидур, улда Оллоҳ таоло ва расули томонларидан китоб ва суннатда келган, дин имомлари томонларидан тасниф қилинғон китобларда ёзилғон тариқада бўлмоғи лозимдур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кофирларға карши қилғон жиҳодлари нима учун эди? Ҳазрат Мұхаммад расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мабъус (пайғамбар) бўлмай туруб, араб жазирасидаги инсонларнинг ҳолатлари нучук эди?

Ақидалари бузук, дин йўқ бўлуб, бир-бирлариға қарши урушуб кирилишиб ётмоқда бўлғон бир қавм эдилар. Ўз қизларини тириклай гўрга тиқиб қўйор эдилар.

Ҳазрат Мұхаммад расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбар бўлғонларидан кейин озгина муддат - 23 йил ичида Исломға кириб, Исломда қайси даражада кўтарилидилар? Улар қўмондон, улар йўлбошчилар, улар Исломни дунёда таратқучи инсонлар бўлуб етишдилар. Улар ўзлари энг хуш ахлоқликлари сабабидан ҳалқ ўрталарида фаришталардек кўрунур эдилар. Кофирлар: золимларнинг зулмларидан мазлумларни кутқазғувчи Оллоҳ таолонинг фаришталари келдилар, деб бир бирлариға ёзишур эдилар.

Бунинг сири уларнинг Оллоҳ ва расулидан бошқага бўйун эгмасликларида эди. Улар ўзларини ақидалариға ширк кириб қолмоғидан сақлар эдилар. Улуғлариға Оллоҳ таолоға хос бўлғон қиём ва рукуъ, саждани қилмас эдилар, улуғлариға бош эгиб энкаймас эдилар. Улуғлариға қўл қўгуштуруб, тортилиб қўйғон суратдек турмас эдилар.

Ҳакиқатда инсонлар инсониятда ҳаммалари баробардурлар.

Ислом кўрсатган тариқадаги таҳийятлари: «ассалому алайкум», «ва алайкумус салом» эди. Итоат қилмоқ шариат кўрсатган тариқада бўлмоғи лозимдур.

Ҳар бир мусулмон ўзини дунёда шу хил равища кўзга кўрсатмаги лозимдур. Инсонларнинг бир-бирларидан фарқлари худодан кўрқмоқ эканлигини оят каримада буюрадур:

()

«Албатта сизларнинг Оллоҳ таоло ҳузурида мукаррамроғингиз Оллоҳ таолодан

(1) Ҳужрот сураси: (13 -оят).

күркәнроғингиздур», деб буюрадур.

Хазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадис шарифларида буюрубдурларки:

«

»

Байҳақий "Шуабул иймон"да келтурубдур. «Бир киши бир кишидан диндорлик ёки яхши амал бирлагина афзал бўла биладур».

Ундоғ бўлса, кўнглумиздан инсон, мол, хотун, ўғул-қиз, ўз жонига ибодат қилмоқни томури бирла юмуруб ташламоғимиз керакдур.

Эшоним, домлам, пирим, бойим, хўжайиним, давлатим, болам, хотунум, деб Оллоҳ таоло, охират, ҳисоб, жазони унутуб, ҳалол-ҳаромни суруштурмай қўймоқ ўзи Оллоҳ таолоға ибодат қилмоқ ўрнига бошқаға ибодат қилмоқ бўлуб, ундан сақланмоқ керак.

١٠ - وَهَذَا التَّوْحِيدُ هُوَ الَّذِي دَعَتْ إِلَيْهِ الرُّسُلُ أُمَّمَهُمْ وَقَوْمَهُمْ، وَنَزَّلْتُ فِيهِ الْكِتَبُ، وَلَمْ يَخْلِفْ فِيهِ أَحَدٌ مِنْهُمْ، وَقَدْ بَيَّنَ اللَّهُ تَعَالَى فِي كِتَابِهِ الْكَرِيمِ فِي غَيْرِ مَا مَوْضِعُهُ مِنْهُ، وَأَهْلُكَ الَّذِينَ لَمْ يَقْبَلُوهُ، فَهُوَ لَا إِنْجَاحٌ لَهُ وَهُوَ حَسَانٌ وَصَالِحٌ وَإِبْرَاهِيمُ وَلَوْطٌ وَشَعَيْبٌ وَمُوسَى وَهَارُونَ وَعِيسَى وَغَيْرُهُمْ مِنَ الرُّسُلِ صَلَوَاتُ اللَّهِ وَسَلَامٌ عَلَيْهِمُ السَّلَامُ أَجْمَعِينَ، أَرْسَلْنَاهُمُ اللَّهُ فِي الْفُرُونِ الْمَاضِيَّةِ وَالْأَجِيلِ الْخَالِيَّةِ إِلَى أُمَّهُمْ وَقَوْمَهُمْ، فَدَعَوْهُمْ إِلَى عِبَادَةِ اللَّهِ وَحْدَهُ، لَا شَرِيكَ لَهُ، وَنَفَى الْعِبَادَةَ عَمَّا سِوَاهُ، كُلُّ مِنْهُمْ يَقُولُ: يَا قَوْمُ اعْبُدُوا اللَّهَ، مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ.

وَقَدْ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: (أَمْرَتُ أَنْ أُفَاتِلَ النَّاسَ حَتَّى يَقُولُوا لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، فَإِذَا قَالُوهَا عَصَمُوْا مِنِّي دَمَائِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ، وَحَسَلَوْهُمْ عَلَى اللَّهِ)). (خ، م، د، ت، ن، هـ عن أبي هريرة رضي الله عنه وغيره، وهو حديث متواتر).

وَهُوَ إِخْلَاصُ الْعِبَادَةِ لِلَّهِ وَحْدَهُ، لَا شَرِيكَ لَهُ. وَهُوَ مُتَضَمِّنٌ مَعْنَى:

() .

()

فَالْقُرْآنُ عَالِبٌ سُورَهُ مُتَضَمِّنَهُ لِتَوْعِي التَّوْحِيدِ وَجُمِلَهُ سُورَةُ الْأَنْعَامِ.

Мана бу тавхидки тавхиди улухийятдур, хамма пайғамбарлар ўз қавм ва умматларини шунга даъват қылғондурлар - чақырғондурлар.

Шул түғрида китоблар нозил бўлди (Таврот, Инжил, Куръон). Бу түғрида пайғамбарлардан ҳеч қайсилари хилоф қилмадилар. Оллоҳ таоло Қуръони каримда қўп ерда уларнинг қиссаларини баён қилиб бергандур. Қавмларидан қабул қилмағонларини - кофиirlарни ҳалок қилди.

Мана ҳазрат Нух ва Худ ва Солиҳ ва Иброҳим ва Лут ва Шуайб ва Мусо ва Ҳорун ва Ийсо алайҳимус-саломдурларки, уларни ўтган замонларда ўтиб кетган қавмларга ҳар қайсиларини ўз қавмларига пайғамбар қилиб юборди. Ҳар қайсилари ўз қавмларини ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоққа, Оллоҳ таолоға бошқани ақида ва ибодатда шарик қилмаслиққа чакирдилар. Ҳар қайсилари ўз қавмларига: Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилинглар, сизларга Оллоҳ таолодан бошқа маъбуд йўқдур, дер эдилар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам-да: «Мен одамларға қарши Оллоҳ таолодан бошқа маъбуд йўқдур, деб гувоҳлик бергунларича уруш қилмоққа буюрулдум. Шул мен айтган нарсаларни айтсалар, ўзлари ва молларини мендан сақлаб қолурлар. Фақатгина (қасос, ҳад, закотдек лозим бўлғон нарсалар) ҳаққи бирла. Уларнинг ички ҳисоблари Оллоҳ таологадур», [деб айтдилар]). Бу ҳадисни Бухорий, Муслим сахихларида, Абу Довуд, Тирмизий, Насойй, Ибн Можа суннанларида келтурубдурлар. Бу ҳадис мутавотирдур.

Бул ўзи ибодатни Оллоҳ таолонинг ўзига хос қилмоқдурки, унинг шарики йўқдур.

Бул ўзи сурасини тамом ўзига оладур. Бу суранинг таржимаси будур:

«Айтгил, эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: эй кофиirlар, сизлар ибодат қилмоқда бўлғон маъбудларингизга мен ибодат қилмайдурман. Мен ибодат қилмоқда бўлғон Оллоҳ таолоға сизлар ибодат қилмаётibdursizлар. Сизлар ибодат қилмоқда бўлғон маъбудларингизга мен ибодат қилғувчи эмасман. Сизлар мен ибодат қилмоқда бўлғон Оллоҳ таолоға ибодат қилмаётibdursizлар. Сизларнинг динларингиз ўзларингизгадур, менинг диним ўзумгадур».

Яна бир оятда буюрадурки: «Эй китоб аҳллари, бизлар бирла сизларнинг ўртамиизда баробар бўлғон сўзга келингларки, Оллоҳ таолодан бошқага ибодат қилмайлиқ, бирор нарсани Оллоҳ таолоға шарик қилмайлиқ, Оллоҳ таолони қўюб, баъзиларимиз баъзиларимизни маъбуд тутуб олмайлиқ, дегил».

(۱) Кафирун сураси.

(۲) Оли Имрон сураси: (64 -оят).

(۳) жумла ушбу катта قوس آرا сидаги ғориб борани тақозо.)

Куръони каримнинг кўп суралари шул икки тавҳид (саккиз, тўққизинчи рақам)ни ўзига оладур. Анъом сурасида шул икки тавҳидни ўзига оладур.

١١ - تَوْحِيدُ الرُّبُوبِيَّةُ هُوَ الْإِيمَانُ بِأَنَّ اللَّهَ خَالقُ كُلَّ شَيْءٍ وَمَالِكُهُ، وَمُوْجَدُهُ وَمَعْدُمُهُ مَتَّى شَاءَ، وَهُوَ الضَّارُّ النَّافِعُ، الْمُذَبَّرُ لِكُلِّ الْأُمُورِ. وَتَوْحِيدُ الرُّبُوبِيَّةُ وَحْدَهُ لَا يَكْفِي لِلإِنْسَانَ أَنْ يَكُونَ مُؤْمِنًا، حَتَّى يُحَقَّ تَوْحِيدَ الْأَلَوَهِيَّةِ، كَمَا هُوَ مُبِينٌ فِي مَحَلِّهِ.

Тавхидур-рубубийя деб шуни айтиладурки, Оллоҳ таоло ҳар нарсани бор қилгувчи - яраткувчидур, истаганда йўқ қилгувчидур, ҳаммаларини идора қилиб тургувчи, бургузгучи, зарар еткузгучи, нафъ еткузгучи, деб иймон келтурмакдур. Бу тавхидур-рубубийянинг ўзи тавҳиди улуҳийяни таҳқиқлаб олмағунча мусулмон бўлуб кетмак учун кифоя қилмайдур.

Оллоҳ таоло кофирлар ҳақларида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб буюрадурки:

()

«Мушриклардан осмонлар бирла ерни ким яратқон, кун бирла ойни ким мусаххар қилғондур?, деб сўрасанг, улар: Оллоҳ таоло яратиб, мусаххар қилиб қўйғандур, дегайлар. Улар мунча ҳам уйдуруб, ибодатни бошқаға бурадурлар. Оллоҳ таоло бандаларидан истаганига рўзисини кенг қиласур, истаганига тор қиласур. Оллоҳ таоло ҳар нарсани билгувчидур. Улардан: ер қуруқ ва қоқшол бўлғонидан кейин осмондан ёмғур ёғдуруб, ерни кўқлатиб юборғон кимдур?, деб сўрасанг, улар: Оллоҳ таоло қилғондур, дейдурлар. Уларға: алҳамду лиллоҳ, ибодат Ўзигадур, дегил. Балки уларнинг кўплари тушунмайдурлар».

Демак, мушриклар: Оллоҳ таоло яраткувчидур, рўзи бергувчидур, кенг ва тор қилгувчидур, ёмғур ёғдуруб, ерни кўқлатадур, ернинг баракаларини чиқарадур, деб эътиқод қилиб туруб, Оллоҳ таолони қўюб бошқа маҳлукларға ибодат қиласурлар. Улар ўзлари муқаддас деб билган кишиларини маъбуд тутуб олғондурлар. Оллоҳ таолонинг ҳукмларига амал қилмоқни қўюб, Оллоҳ таоло яратқан бандаларнинг ҳукмлариға юриб кетмакдадурлар.

Уларга айтиладурки: ўзларингиз билиб туруб, улар ва сизларни яратқон, ризқларингизга кафил бўлғон, ҳар нарсага қудрати етадурган, зотни қўюб, ҳеч нарса қўлларидан келмайдурган, ўзлари Оллоҳ таолоға муҳтоҷ бўлғон зотларға ибодат қилурсизлар?! Бунга тушунуш керак! Уларнинг ўз хаёлларингизда улуғ зот бўлғонликлари ибодат қилинмоққа еткузуб қўймайдур, чунки бандадурлар, деб мужодаля усулида хитоб қиласур⁽¹⁾.

Тадбири умурга бирор банданинг қодир эканлиги бирор оят ёки бирор ҳадисда событ бўлғон эмасдур. Тадбири умурни Оллоҳ таолодан бошқаға нисбат қилмоқ ширкдур. Улар муқаддас деб билган кишилар ўзлари Оллоҳ таолоға муҳтоҷдурлар, Оллоҳ таолодан ҳожатларини тилаб, Оллоҳ таолоға яқинлиқ ҳосил қилмоқни истайдурлар⁽²⁾.

Илгари замон мушриклари тавҳиди улуҳиятга хилоф бўлуб мушрик бўлғон эдилар. Бизнинг замонамиздаги мушрикларнинг ширклари илгариғи мушриклар ширкларидан зўроқдур.

Оллоҳ таоло кўзларимизни очиб, ёмон амалларимизни кўруб, ундан тортинмоқни насиб қилсун, омийн.

(1) Анкабут сураси: (61 - 63 -оят).

(2) Муаллиф бу ўринда Қурони каримни назарда тутмокдалар. (Мурожаа қилувчидан).

(3) . . :

١٢ - مَعْنَى الْعِبَادَةِ لِلَّهِ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ وَعَدَمُ الإِشْرَاكِ بِهِ أَحَدًا مِنْ خَلْقِهِ هُوَ الْإِخْلَاصُ لِلَّهِ، وَأَمْتَثَالُ أَوْأَمْرِهِ، وَاجْتِنَابُ نَوَاهِيهِ، وَالْخَوْفُ مِنَ اللَّهِ وَحْدَهُ، وَعَدَمُ الْخَوْفِ مِنْ غَيْرِهِ، وَالرَّجَاءُ مِنْهُ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَاءِ.

Ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоқнинг, махлуқлардан бирор кимсани Оллоҳ таолоға шарик қилмаслиқнинг маъноси Оллоҳ таолонинг ўзига ихлос бирла ибодат қилмоқ, буюрукларини тамом ерига еткүзмак, қилма деб нахй қилғон нарсаларидан сақланмоқ, Оллоҳ таолонинг ўзидан кўркуб, Оллоҳ таолодан бошқадан кўрқмаслиқ, яхшилиқ ёмонлик ҳолатларида Оллоҳ таолонинг ўзига ёлвормоқ, ўзидангина умид қилмоқдур.

Демак яратқувчи, рўзи бергувчи, йўқни бор қилғувчи, борни йўқ қилғувчи, узокни яқин, яқинни узок қилғувчи, ҳар нарсага кучи етгувчи, ҳар нарсанинг эгаси, бергувчи, манъ қилғувчи, меҳрибон, бағишлиғувчи, бутун ошкор ва махфий нарсаларни билғувчи, қиёмат куни жазо ва сазо бергувчи ўзи бўлғонидан кейин умид ўзидан бўлуб, ибодат ўзигадур. Ўзининг хукми жорий бўлуб, кўрқмоқ ўзидан, ихлос ўзига бўлуб, буюруғларига бўйунсунмак лозимдур. Ўзидан бошқа ҳамма махлуқлар тамоман Оллоҳ таолоға муҳтоҷ бўлуб, Оллоҳ таоло кимсага муҳтоҷ эмасдур.

Иш бундоғ бўлса, муҳтоҷдан тиламак, кўрқмоқ, муҳтоҷни ақида ва ибодатда Оллоҳ таолоға шарик қилмоқ, Оллоҳ таолодан бошқани ибодат қилинмоққа лойиқ кўрмак факат ақлсизлиқдан бошқа бўлмай, ширкнинг энг зўридан бўлуб, инсонни диндан чиқариб, мушрик қилиб қўядур^(۱).

Оллоҳ таоло жоиз деб хукм қилмағон нарсани жоиз кўрмак Оллоҳ таолоға ёлғондан уйдурмоқдур. Ояти каримада буюруладурки:

()

«Тилларингиз васф қилғон нарсаларга ёлғондан: бу ҳалолдур, бу ҳаромдур, деб ўлтурманглар. Бунинг бирла Оллоҳ таолоға уйдуурсизлар. Албатта Оллоҳ таолоға уйдурғонлар нажот топмағайлар».

Оллоҳ таолоға уйдуруб ёлғондан хукм чиқарадурғон динда жоҳил бўлғон жаҳли мураккабларнинг ишларидур.

Ибодатни бошқаға бурмоқ ўзи ширкдур.

Ояти каримада буюруладурки:

()

«Ҳақиқат шулки, ҳар ким ширк келтурса, унға Оллоҳ таоло жаннатни ҳаром қилиб қўйғай. Унинг жойи жаҳннамдур. Ўз жонлариға зулм қилиб, ширк келтурган золимларға кўмак қилғувчилар бўлмағай».

(۱)

(۲) Нахл сураси: (116).

(۳) Мойда сураси: (72).

١٣ - مَعْنَى الْعِبَادَةِ لِلّٰهِ وَحْدَهُ هُوَ الإِيمَانُ، وَالإِسْلَامُ، وَالإِحْسَانُ، وَالرُّكُوعُ، وَالسُّجُودُ، وَالدُّعَاءُ،
وَالْمَحَبَّةُ، وَالْتَّوْكِلُ، وَالْخَشْيَةُ، وَالإِنْبَأُ، وَالْإِسْتِغَاةُ، وَالْإِسْتِعَادَةُ، وَالنَّدْرُ، وَالذَّبْحُ، وَغَيْرُ ذَلِكَ مِمَّا لَمْ
يُذْكَرْ هُنَّا.

Ёлгуз Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоқнинг маъноси шулдурки, ул иймон, Ислом, эҳсон, қиём, рукуъ, сужуд, дуо, муҳаббат, таваккул, хашия, инобат, истиғоса, истиона, истиоза, назр, забх бўлуб, булардан бошқа бунда баён бўлмагон нарсалардурлар. Чунончи йигирма саккизинчи рақамғача бутун хиллари тафсил бирла баён бўлунур.

٤ - الإِيمَانُ هُوَ أَنْ تُؤْمِنَ بِاللَّهِ، وَمَلَائِكَتِهِ، وَكِتْبِهِ، وَرَسُولِهِ، وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَالْفَدَارِ خَيْرٌ وَشَرٌّ مِنَ اللَّهِ تَعَالَى،
وَالْبَعْثَ بَعْدَ الْمَوْتِ.

Иймон деб Оллоҳ таолоға, фаришталарига, Оллоҳ таоло нозил қилғон китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, қадарғаки, яхшилиқ ёмонлик ҳаммалари Оллоҳ таолонинг тақдири бирла бўлур эканлигига (кирқ иккинчи моддада келур), ўлгандан кейин тирилмакга иймон келтурмакни айтиладур.

Булар иймоннинг етти руқнлари бўлуб, буларсиз банданинг иймони сахих бўлмагай. Бу етти руқнларнинг ҳар қайсларига иймон келтурмак зўр-зўр ҳикматларга мабнийдур. Бу ҳикматлар бу етти руқнларга иймон келтуруб, иймони табиий суратга кириб қолғон кишиларгагина зоҳир бўладур.

١٥ - إِسْلَامُ هُوَ الْإِسْتِسْلَامُ لِلَّهِ تَعَالَى بِالْتَّوْحِيدِ، وَالْإِنْقِيَادُ بِالطَّاعَةِ، وَالْخُلوصُ مِنَ الشَّرِّ^١.

Ислом деб Оллох таолога тавхид бирла ^{لله} бүйүнсунмак, қабул қилмоқ бирла Оллох таолога юз қилмоқ, ўзини ташламоқ, ҳар ҳолатида ақида ва ибодатда ўзини ширкдан сақламоқни айтиладур.

Оллох таоло ояти каримада буюрадурки:

()

()

()

«Албатта ҳақиқий дин Оллох таоло наздида Исломдур. Ҳар ким Исломдан бошқа динни ихтиёр қилса, ул ундан қабул бўлмагай».

Ва яна бир оятда буюрадур: «Амални Оллох таолонинг ўзига холис қилиб, ботилдан юз ўгуруб, Исломни ўзига дин тутуб, намозни қойим қилиб, закот бермакка буюрулгандурлар. Мана шул ўзи ҳақ ва тўғри диндур».

Демак, шул маънони инсон ўз кўнглида жойлаб олғон бўлуб, шул ақида бирла ўзини ўраб олғон бўлса, ундан амалсизлик вужудга келмагай. Яхши амал қилмоқ унга табиий бўлуб қолгай. Нифоқ, риё, дунё учун динини сотмоқ мумкин бўлмагай. Хиёнатдек шариатга хилоф нарсалар унга юз бермагай. Бутунлай асри саодат мусулмонларидек бўлуб қолгай.

Ва лекин уламолар ўз вазифаларини билмай, жойиға қўймоқ хаёлларида йўқ, тавхид таълимини ихмол қилиб, ақидаға кўшулуб, ақидани бузуб қўядурғон нарсаларни баён қилиб, халойиқнинг ақидасини қўруб юрмак томонига кўз ташламай қўйғонлари учун ўзларини бойлар бирла амалдорлар кўлларида ўюнчиқ бўлғонлиқларини сезмай қолдилар. Қармоққа илинган балиқлардек томоқларига илиндилар. Ўз вазифаларини тўрга чиқиб ўлтуруб, халойиқнинг таъзимларига учуб, хуш бўлуб, зиёфатларини еб юрмак деб билдилар. Натижада дин - расм ва одатдан иборат бўлуб қолди, исломнинг буюруқлари ихмол этилди. Парвосизлик пайдо бўлуб, исён, бўйунтовлиқ очиқдан очиқ майдонга чиқти.

«Бу замонда китобга мувофиқ юрмак мумкин эмас», деган сўзлар ўртада сўзланмакга бошландида, Оллох таолонинг ғазаби бизларга инди.

Чигиртка, зилзила, ёмғурсизлик балолари чизилиб, кетма-кет кела берди. Ўзумиздан хабар олмоқ, ўзумизни ҳисобга тутмак ўрнига гарданкашлик оша борди. Охирда шум, палид қавм, бузук маслак сохиблари бўлғон қизил даҳрийлар, рус большевиклари бошмизга мусаллат бўлдилар. Ватандан қувилмоқ, ватансизлик, саргардонлик бизларга юз қилиб, дур, қизил кунлари, балолари бошмизга келди. Янада уйқудан бош қўттармак хаёлимизга келмай, бир-биримизни куфрга ҳукмда давом этмакдадурмиз. Инна лиилаҳи ва инна илайҳи рожиун.

(۱) Оли Имрон сураси: (19).

(۲) Оли Имрон сураси: (85).

(۳) Байина сураси: (5).

١٦ - بَيْنَاءُ الْإِسْلَامِ عَلَى خَمْسٍ: شَهَادَةُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، وَأَنَّ مُحَمَّدًا رَسُولُ اللَّهِ، وَإِقَامُ الصَّلَاةِ، وَإِيتَاءُ الزَّكَاةِ، وَصَوْمُ رَمَضَانَ، وَحَجَّ الْبَيْتِ إِنْ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَيْلًا.

Исломнинг биноси беш нарсагадур. Улда энг аввал Оллоҳ таолодан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдур, ҳазрат Мухаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳ таолонинг пайғамбаридурлар, деб гувоҳлик бермакдурки, бутун ҳалойикни тўғри йўл бўлғон Исломга чақирмоқ учун кўндурулгандурлар; намозни ўз вақтида ҳамма лавозимотлари бирла адо қилмоқдур; закотни адо қилмоқ; ҳар йилда рўза ойида бир ой рўза тутмак; ҳажга бориб кайтиб келгунча ўзига, уйидаги бола-чакаларига кифоя қиладурғон масорифга кодир бўлғон кишига умрида бир бор ҳаж қилмоқдур.

1 - Иймон инсоннинг нажоти учун энг аввалги йўлдур. Бунингиз ҳар қанча амал қилсада, улар ундан қабул бўлмағай^(۱).

Бу иймон чинакам кўнгилдан чиққан, кўнгилга ўрнағон бўлса, Оллоҳ таолонинг ҳамма хукмларини бажо қилмоқдан тортингани кўймагай, ёмон амал томонига интилмақдан тўскай, ҳалол-ҳаромни фарқ қилмоққа элтгай, Оллоҳ йўлида жонини қурбон қилмоқни кўзига осон қилғай.

Бильякс, "қилма", деб нахӣ қилинғон нарсаларни қила берса, ҳалол ва ҳаромни фарқ қилмаса, Ислом томонидан буюрулган нарсаларда парвосизлик юз берса, бул ўзи ул кишининг иймони сахих бўлуб етмаганини кўрсатадур.

Чунончи ҳадис шариф-да:

(﴿ ﴾) . « »

«Ҳар ким ихлос юзасидан ола деса, ул жаннатга киргай», дейилибдур. Бу ҳадис сахихдур.

Ҳадисда « » деб қайд қилинмоғи шул маънени ифода қиладур: амалсиз иймон мевасиз дараҳтдекдур. Бир киши фарз амалларни адо қилиб, ҳаром ва нахӣ қилинғон нарсалардан сақланиб, ўзини икки йўл ўртасида олиб юрадур, суннати муаккадаларни амалға оширадур, ва лекин нафллардан ул қадар кўп ҳисса олмайдур, ул киши ҳаққида ёмон сўзламак жойиз эмас^(۲). Бу тўғрида иккинчи ракамлик масъалада баҳслар ўтти.

Иймоннинг банданинг кўнглида ўрнамоги лозимдур. Ул вақт инсоннинг кўнглида ёруғлик пайдо бўлғай. Оллоҳ таолонинг ўзигина чинакам маъбуслиги жой олғай. Кундузи кунни кўруб тургандек жазм пайдо бўлғай.

Оллоҳ таоло қаломидаги тавҳид тўғрисидаги келган, мушрикларга қаратиб мужодала усулида баён бўлғон далилларни ўқуб, ҳар хил шубҳаларни даф қилғон уламоларнинг шул тўғридаги сўзларини хўб ёдлаб олса, ул вақт кўнглида иймон хўб ўрнаб олғонлигини ҳис қилғай, жаннат бирла дўзахни кўруб тургандек бўлуб қолғай, ҳар бир оят ва ҳадисларда келган хабарларни яхши тушунмак насиб бўлғай, улум ва фунуннинг қадрини билғай. Мана бу хил иймонни чинакам иймон дейдурлар.

Бул ўзи уламоларнинг вазифаларидур. Тавҳид тўғрисида баҳслар килиб, ҳалқ ўрталарида нашр қилиб - ёйиб, тушундурмак уламолар зиммаларига лозимдур. Ёлғуз мадрасада ўлтуруб ўқуғони келган одамға дарс айтмак бирла зиммаларидан соқит бўлмайдур. Балки ҳар бир тўплантilarда, мажлисларда, ҳалқ тўпланғон ерларда, масжидларда намозлардан кейин, олдин ваъз тариқасида, иршод тариқасида ҳаракат қилмоқ лозимдур. Амр бил-маъруф, нахӣ анил-мункар, таълим ва ваъз уламолар зиммаларига лозим ва фарздур. Варасатул-анбиёлик - пайғамбарлар меросхўрлари бўлмоқ шундагина таҳаққуқ топар.

(۱) . : .

(۲) . : .

Худо кўрсатмасун, ундоғ қилмай, ўз вазифаларини тўрда ўлтуруб қорин тўйғузмоқ, деб билиб олсалар, юқорида айтиб ўтган нарсаларни ташлаб қўйсалар, ул вақт Оллоҳ таоло ўзи хисобга тутгай, ўз вазифаларини адо қилмағонликларининг жазосини бергай. Оллоҳ таоло сарийул-хисоб - тезда хисоб олғувчи, ўч олғувчидур, бандаларнинг қилғон амалларини кўруб тургувчидур.

2 - иймондан кейинги масъала намоздур. Ояти каримада Оллоҳ таоло буюрадурки:

()

«Сенга ваҳӣ қилиниб турган китоб - Қуръонни ўқигил, намозни қойим қил, албатта намоз бузуқ, ёмон ишлардан тиядур», деб буюрадур. Ҳар бир оғизга олиб сўзлагуси келмаган, қилмоғини одамлардан ёширғон нарсаларни «фаҳшо ва мункар» дейиладур.

Инсонға илоҳий таҳзибни ўргатмак учун намоз фарз қилинди. Намозда Оллоҳ таоло ҳозир ва нозирдур, деб туруб адо қилинадур. Шу хил одатланган киши қайси ҳолда бўлса Оллоҳ таолони ҳозир ва нозирдур деб биладур. Шунинг учун инсон ёмон ишларга юз қилмоқдада хаёлига Оллоҳ таолонинг ҳозиру нозир эканлиги келадурда, ул ёмон ишдан ўзини тортадур. Чунончи ўн еттинчи рақамлик масъалада баёни келур иншоаллоҳ таоло.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳайнда ҳазрат Умар розияллоҳу анху воситалари бирла ривоят бўлғон «ҳадиси Жаброил алайхис-салом»да буюруладур:

.« »

«Эҳсон деб Оллоҳ таолони кўруб тургандек бўлуб туруб Оллоҳфа ибодат қилғонингни айтиладур. Сен Оллоҳ таолони кўруб турган бўлмасанг-да, ул сени кўруб турадур».

Хузури қалб деб шуни айтиладур. Шу хил Оллоҳ таолони ҳозиру нозир билиб, лойик адабини сақлаб, шул ҳолатда ҳар куни беш намозни аркон, вожибот ва суннатларини муҳофазат қилиб, ўқуб юрган ва одатланғон киши ҳар гуноҳ бошиға борса, Оллоҳ таоло хузурида тургани хотириға келиб, ўзини ул гуноҳдан сақлайдур. Бу хил намоз ўқуғувчининг намози ҳақиқатда оятда айтганидек Фаҳшо ва мункардан сақлайдур. Шунинг бирла эмдигина ўқуб ўтган (ал-Анкабут: 45) оятимизнинг нучук ҳақиқат эканлиги тушунулгай.

Бизнинг кўзумизга тўсук бўлуб кўрунган мавжудотнинг тўсуклиғи бизга кўрадур, бу нарсалар Оллоҳ таолога тўсук бўлолмайдур. Чунончи бизга тўсук бўлғон нарсалар фаришталарга, жинларга тўсук эмасдур. сураи Аъроф йигирма еттинчи оят⁽¹⁾ тафсирини кўрулсун.

Масофалар ҳар қанча узоқ бўлсада, фаришталар, жинларга инсонлардек эмас. Ундоғ бўлса, бутун мавжудот, коинот, борликлар, улардан вуқуға келадурган нарсаларда Оллоҳ таоло хузурида масофа йўқдур. Оллоҳ таоло буюрадурки:

()

«Биз инсонға бўйун томуридан яқинроқдурмиз. Албатта, Оллоҳ таоло эшитгучи яқиндур».

3 - закот масъаласидур. Бу тўғрида оятларда кўп жойларда закотни намоз бирла қўшуб баён буюруладур.

Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин араблардан яномалик бани Ҳанифа қабиласи закот бермай қўйдилар. Буларни диндан чиқкан хисоб қилиб, улар узаларига уруш очтиларда, яна закот бермакка келтурдилар. Бу закотни манъ қилғонликлари учун уларни диндан қайтқон - муртад бўлғон хисоб ладиларда, уларга қарши уруш очиб, яна Исломға келтурдилар.

Ҳақиқатда Ислом ҳукмларидан баъзиларини қабул қилиб баъзиларини қабул қилмаса, баъзиларига иймон келтурууб баъзиларига коғир бўлғон бўлурлар. Бул ўзи куфрдур⁽²⁾. Куфр

(1) Анкабут сураси: (45).

(2) .

(3) Қоф сураси: (16).

(4)

бирла иймон бўлунадурган нарса эмасдур.

Саълаба ибн Ҳотиб ал-Ансорий розияллоҳу анхүнинг ҳикояси ояти каримада келгандурки, закот тўғрисида нима қилди? Чунончи бу Саълаба ибн Ҳотиб ал-Ансорий жуда камбагал бўлиб, кўп қийинлиқ бирла кун кечирур эди. Бир куни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига ҳозир бўлуб: «Ё расулаллоҳ! Дуо қилингки, Оллоҳ таоло менга давлат берсун», деди. ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сенга шул ҳолинг яхшидур», дедилар. ул қайтиб кетти. Яна бир қанча кундан кейин келиб: «Ё расулаллоҳ, дуо қилинг, Оллоҳ таоло менга давлат берсун», деди. ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна илгаригидек сўз айттилар. Ул яна қайтиб кетти.

Яна қайтиб келиб: «Ё расулаллоҳ, дуо қилинг, Оллоҳ таоло менга давлат берсун», деди. Тўргунчи навбатда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Худо! Саълабага мол бер», деб дуо қилдилар.

Ул бир эчки олди, ул болалаб қўпайди-да, ул Мадинада тура олмай ташқариға чиқиб, Мадинанинг жилғалиридан бир жилғаға бориб тўхтади. пешин намози бирла аср намозини ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқаларида ўқур эди, бошқа намозларга келолмайдур эди.

Сўнгра яна моллари қўпайиб кетиб, яна узокроққа бориб ўлтурди-да, жумъа куни жумъа намозини ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам орқаларида ўқуйдургон бўлуб қолди.

Сўнгра жумъа намозигада келолмай қолди, ҳаттоқи Мадинадан борғонлардан ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хабарларини сўрар эди.

Бир куни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саълаба нима қилди?», дедилар. саҳобалардан бир киши: «Эчкилари қўпайиб кетиб, Мадинага сифмай қолди», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ё Саълаба, шўрунг қурсун!», деб уч бор айттилар.

Сўнгра:

()

«Уларнинг молларидан закот олғилки, уларни унинг бирла поклайдурсан, тозалайдурсан. Уларға мағфират талаб қилғил» ояти нозил бўлуб, мусулмонларга закот фарз бўлди.

Ул вақт ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жухайна қабиласидан бир киши, Бани Сулайм қабиласидан бир кишини закотчи қилиб юбордилар. Уларнинг кўлларига ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хат ёзиб бердиларда, «Саълаба бирла фалонийга учранглар», дедилар.

Булар Мадинадан чиқиб, тўғри Саълабанинг олдиға бордилар. Ундан закот талаб қилдилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёзиб берган хатни кўрсаттилар. Ул уни кўруб: бу жизяга дур, жизянинг укасидур. Мен бунинг нима эканлигини билмадим. Боринглар менга қайтишда учранглар, деди.

Булар бундан ўтуб Бани Сулаймдан бўлғон кишига бордилар. Бул киши буларнинг борғонлиқларини эшитиши бирла туяларининг яхшиларидан ажратиб уларға таслим қилди. Булар уни кўруб: йўқ, бизга ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхисини олмоққа буюрмадилар, деб уни олғани унамадилар. Ул: ола беринглар, мен ўзум шунинг бирла хуш бўлурман, деди. Уларда қабул қилиб унинг закотини олиб қайтилар.

Қайтишларида Саълабага яна учрадилар. Ул яна хатни олиб ўқуб: бу жизяга ўхшайдур, жизянинг укасидур, сизлар кета беринглар, ўйлаб кўрай, деди.

Ундан кейин ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бордилар. Уларни кўруб сўзлашмай туруб: эй Саълаба, шўрунг қурсун, дедиларда, Суламийга Худо

.(-) : .

(1) Тавба сураси: (103).

барака берсун, деб дуо қилдилар.

Сўнгра улар Саълаба бирла Суламийнинг воқеаларини баён қилдилар. Ул вақт бу оятлар нозил бўлдилар:

()

Таржимаси: «Мунофиқлардан баъзилари борки, улар "Оллоҳ таоло фазлидан берса, бизлар садақа қилурмиз, яхши одамлардан бўлурмиз", деб аҳд қилдилар. Қачонки Оллоҳ таоло уларга ўз фазлидан бериб эди, улар баҳиллик қилиб, закот бермакдан юз ўтурдилар. Улар юз ўтургучи инсонлардурлар. Оллоҳ таоло уларнинг кўнгуллариға ўлгунларича қилғон ваъдалариға хилоф қилғонлари ҳамда ёлғон сўзлаганлари учун нифокни ўрнатиб қўйди».

Демак, Оллоҳ таоло уни мунофиқлардан ҳисоблади, бунинг ҳаққида уч оят нозил қилди.

Сўнгра эшитиб, ўз закотини олиб келди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қабул қилмадилар, қайтардилар. Сўнгра ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг халифалик замонларида олиб келди, қабул қилмадилар. Сўнгра ҳазрат Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик замонларида олиб келди, қабул қилмадилар. Сўнгра ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳунинг халифалик замонларида олиб келди, олмадилар. Сўнгра ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳунинг халифалик замонларида ўлди.

Эмди биз ўзумизни кўрайликичи, закот тўғрисида ҳолимиз нучук эди, ва нучукдур. Закот борасида хийлалар ишлатилур эди. Закот бермайгина эмас, бечораларнинг ҳақлари танилмас эди, ҳақлариға зулм ва жаврлар кўпайиб, судхўрлиқ тузогига илинтириб, бошларидан оёғларигача чулғаб, еру жойларини олиб ўзларини йўқ вида қилиб қўюла бошлогон эди. Оллоҳ таолонинг буюрукларини ерига еткузмак ўрниға Оллоҳ таолонинг хукмларига қарши ҳаракатлар қилиб, ўз нафсларимизга қул бўлуб, бутунлай Оллоҳ таолонинг қаҳру ғазабига учрамакка мустаҳик бўлуб қолғон эдик. Ўз бошларимизга ўзларимиз балолар ёғдуруб олғон эдик. Бизларга яна Оллоҳ таолонинг хукмларини бажо қилмоққа қайтиб, ўзумизни тузатмакка урунмоқдан бошқа йўл йўқдур.

4 - Ислом биносининг тўртунчиси рўзадур. Улда Рамазон ойида бир ой бутун рўза тутмақдур. Бу тўғридаги ҳолатларимиз қуйидагичадур: Бу хусусда муфассал суратда сўзламак истасак сўз тугамайдур. Шунинг учун мухтасар тариқада озрок сўзлаб ўтурмиз.

Рўза ойи мусулмонлар учун ибодат ойи бўлуб, кундузи рўза тутмакни Оллоҳ таоло бандаларига фарз қилғондур, кечаси қойим бўлуб намоз ўқумоқни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннат қилғондурлар. Шунинг учун йигирма ракъат тарових намозида Куръони каримни бир бор хатм қилмоқ суннатдур. Кечаси Куръон ўқуб ибодат қилмоққа буюрulgандур.

Холбуки қориларимиз Рамазонда неча ерда хатмга ўтурман деб, Куръон фурушлик орқасида юрурлар. Ҳазрат домлаларимиз қайси қори Куръони каримни тезда ўқуб берадур, деб қори талламоқда эдилар. Уч кун ёки тўрт кунда, жуда кеч қолса олти кунда хатм қилиб, бир оғир юкни елкаларидан тушуруб олмоқни истар эдилар. Бошқа кунларда таровихни тезда ўқуб бермакни талааб қиласар эдилар.

Бутунлай рўза ойи ўйун ойига айланиб кетар эди. Кечалари бозоршаб деб, бозорларда бачча ўйунидек хар хил нарсаларни истар эдилар. Бангиларимиз бўлса пешиндан кейин носга хумори, тамакига хумори бўлуб бир-бирлари бирла мушлашиб, қизил қонларига бўялашиб кун ўтказур эдилар. Масжидлар таровихдан кейин ёпиқ, бозорлар фиску фужурлар бирла обод эди.

Рамазон ойидаги рўза тутмак, кечаси намоз ўқуб - тарових ўқуб кун ўтгазмақдаги кўрунишимиш шу хилда эди.

Бу хил рўзаларимизда нучук савоб ҳосил қиласар эдик, Оллоҳ биладур. Ҳар ҳолда Оллоҳ таоло хузурида қиёмат куни учун сақлаб қўюлғон амалномаларимиз бордур.

Ислом биносининг тўртунчи рукни бўлғон Рамазон ойи рўзасининг биздаги хурмат ва

(1) Тавба сураси: (75 - 77).

эътибори бу суратда эди. Бу таровиҳ намозининг суннати муаккада бўлмоғидан мақсад сахарлик вақтиғача ибодат қилиб, сахарликни охир вақтида есин демак эди.

Демак, бу ибодат ойини маъсият ойига айлантуруб олиб эдик. Мусулмончиликнинг хақиқий сурати табдил топиб, олмашиниб кетиб эди.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам рӯза ойини ибодат бирла ўтказмакни тавсия қилиб эдилар. Шайтонлар бандга тортилурлар, дўзах дарвозалари копатилурлар, жаннат дарвозалари очилурлар, деганлари ҳолда, шайтонлар банддан бўшантилиб, дўзах дарвозалари очилиб, жаннат дарвозаларини юзларимизга қопатиб олғон эдик.

Демак, бизлар ўзумизни бошқа шаклга солиб, "мусулмончилик китобда, мусулмонлар ер остида" дейилган отни ўзумизга тақиб олғон эдик. Оллоҳ таоло ва расулининг ҳукмлари амалға ошмай қолғон эди.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадур:

()

«Сизлардан бир тоифа ўзларини яхшилиққа чақириб, амр бил-маъруф, нахй анил-мункар қилмоққа тикиб қўйгон бўлсунлар. Уларгина нажот топқучилардурлар», деб буюрган бўла туруб, бул ўзи ташланиб қўюлғон эди.

Оллоҳ таоло: «Қуръони каримни тушунуб туруб ўқимайдурларми?! Кўнгулларининг қуфллари борми?!»⁽¹⁾ деган бир ҳолатда, Қуръони каримнинг тафсирини баён қилмоқ адабсизлик бўладур деб, Қуръони каримнинг маъносини билмакка урунмоқни ташлаб қўйгон эдилар. Гўёки Қуръони каримни қиблага қараб ўлтуруб ибодат юзасидангина тиловат қилинур эди, холос. Маънойи шарифларига хаёл қилмоқ кўнглумиз кўчасидан ўтмайдурган бир ҳолатда эдик.

Оллоҳ таоло илгариги умматлардан ҳикоят қилиб буюрадурки:

()

«Ёд қил ул кунни Оллоҳ таоло: одамларга баён қилинглар яширманглар, деб китоб аҳлидан аҳд олғон эди. Улар китобларини орқаларига ташлаб қўйдиларда, унинг бадалида озгина бўлғон дунё молини олдилар. Ул олғон нарсалари ёмон нарсалардур», деб яхуд уламоларини ёмонлайдур.

Бу нарсаларни ҳикоят юзасидан бизларнинг кўз олдимизга ташлайдур, бу нарсаларни Қуръони каримда баён қилиб назаримизни шул ишга бурмоқ истайдур. Афсуски, бу сабабларни суруштурмак ҳолати бизда қолмағон эди.

Шунинг учун бизларнинг бошларимизга балолар инди. Ул балоларни нима учун келган эди, деб суруштурмак бизда йўқ. Ташқариға қочиб чиқиб, янада ўзумизнинг бўйунтовлигимизда давом этиб юрубдурмиз.

Бизлар ўзумизни мақтаб: «Динимиз Исломдур, бизлар мусулмонлардурмиз, яхуд, насоролар кофирлардурлар», деб юра бермакнинг маъноси нимадур? Хаёлимизга келмаётидур.

Уламолар ўзларининг хусусий вазифалари бўлғон амри маъруф, нахй мункарни ташлаб кўюб, ўзларини Бани Исройл уламоларидек Оллоҳ таолонинг ғазабига учраттилар. Аъроф сурасининг бир юз олтмиш бешинчи оятидаги)) ҳукмга мисдоқ бўлдилар.

Бу сўзумиздан ўзумизни тозаламоқ мақсад бўлмай, ҳақиқатни очмоқдур. Янада ҳақиқатни очмай ўзумизни тоза кишилар деб юра берсак, бундан зиёдасини Оллоҳ таоло яна сақлаб

(1)Оли Имрон сураси: (104).

(2) .() :

(3)Оли Имрон сураси: (187).

.()

күйғондур. Ўзумизни китобуллоҳ таоло ва суннати Расулуллоҳға солуштурууб қўрмак, ўз хатоларимизни кўзларимизга қўюб, шу хил нарсаларнинг янада вужудга келмасликларини хаёлимизда тутмак лозимдур.

Бул ўзи биздан кейин келадурғанлар учун ибрат дарсидур.

Китоб ва суннат атрофларида тўпланмоқни ўзумизга лозим тутмак керакдур. Ўзумизни китоб ва суннат кўрсаткан йўлида олиб юрмагунишимизча дунёда озод яшамоқ ҳаққига эга бўлолмағаймиз. Оллоҳ таолонинг ғазабидан шундагина қутулурмиз. Бундан зиёдасини Оли Имрон сураси 104инчи оятининг() тафсирида кўрулур («Манбаул ирфон»да).

5 - ҳаж қилмоқдур. Бул ўзи Оллоҳ таоло ояти карима бирла фарз қилғон ибодатлардан бўлуб, Ислом биносининг бешинчи рукнидур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: (). «Оллоҳ таолонинг одамлар узаларидаги ҳукми зоду роҳилага кучи етган кишига умрида бир бор Байтуллоҳға ҳаж қилмоқ фарздур».

Ҳар кимга ҳаж сафари учун бориб келгунча сафар жабдуғи, йўл харажати, минадурган оти ёки кира пулига кучи етса, бориб келгунча нафақалари лозим бўлғонларнинг нафақалариға қодир бўлғон кишига (йўлда амонлик бўлуви шарти ила) умрида бир бор ҳаж қилмоқ фарз бўлур.

Чунончи ҳадиси шарифда келибдурки: «матн».

«Ҳар ким зоду роҳилага кучи етиб турууб ҳаж қилмаса (ҳажнинг фарзлиғига унамаса), ул яхуд ёки насроний мазҳабида ўлса, унга зарар қилмайдур. Чунки Оллоҳ таоло буюрадурки: Оллоҳ таолонинг одамларға ҳукми зоду роҳилага кучи етган кишига ҳаж қилмоқ фарздур».

((. «Ҳар ким зоду роҳилага кучи етиб турууб, ҳажнинг фарзлиғига унамаса, Оллоҳ таоло тамом оламдан парвосиздур».

Юқоридаги ҳозир баён бўлғон ҳадисни Тирмизий жомеида келтурубдур. Ҳамда Ибн Мардавайҳ, Ибн Жарири тафсиirlарида келтурубдурлар. Санадлари шул Тирмизийнинг ривоятидаги санаддур. Унда ал-Ҳорис ал-Аъвар бор бўлуб, ул муҳаддисийнлар наздиларида заифдур. Ва лекин Абу Бакр ал-Исмоилий ҳазрат Умар розияллоҳу анхудан бу ҳадисни мавқуф ривоят килибдур, буни сахих дебдур. Бу хил ҳадислар мавқуф бўлсалар-да, марфуъ ҳукмидадур, хужжат бўла билур.

Ҳар ким ҳаж қилмоққа қодир бўлуб турууб ҳаж қилмаса, ул ўзигагина зарар қилғон бўлур. Ўз зиммасига бўйунтовлиқни юклаб олгай.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анхудан ривоятдурки, халифалик замонларида айтиб эдиларки: «матн». «Албатта қасд қилдимки, бир қанча кишиларни шул мамлакатларга юборсам, улар кўрсаларки ҳар ким ҳаж қилмоққа кучи етиб турууб ҳаж қилмаса, уларға жизя солсалар! Улар мусулмон эмасдурлар! Улар мусулмон эмасдурлар!».

.(')

(')Оли Имрон сураси.^{۱۷} :

(')Оли Имрон сураси.^{۱۷} :

Эҳсон деб инсоннинг Оллоҳ таолони кўруб тургандек бўлуб туруб ибодат қилмоғини айтиладур. Агар Оллоҳ таолони кўруб турган бўлмасада, уни Оллоҳ таоло кўруб турадур. Чунончи ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «Эҳсон деб Оллоҳ таолони кўруб тургандек бўлуб туруб ибодат қилмоғингни айтиладур. Сен Оллоҳ таолони кўруб турган бўлмасангда, Оллоҳ таоло сени кўруб турадур». Бу ҳадисни Муслим, Абу Довуд, Тирмизий, Насойи ҳазрат Умар розияллоҳу анхудан, Бухорий, Муслим, имом Аҳмад, Ибн Можа ҳазрат Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилибдурлар.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Оллоҳ таоло Оллоҳ таолодан қўрққанлар ҳамда Оллоҳ таолони кўруб тургандек бўлуб туруб ибодат қилғонлар бирладур»().

Ва яна ояти каримада буюрадурки: «Сен уларға Қуръон ўқуб турганларинг, ҳар бир амалларинг узасида ўқуб турган, амал қилиб турган вақтларда биз ҳозирдурмиз»().

Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «Иймоннинг энг яхшиси сен қайда бўлсанг Оллоҳ таоло сенинг бирладур, деб билганингдур». Бу ҳадисни Табароний «ал-Мўъжам ал-Кабир»да, Абу Нуайм ал-Асбаҳоний «Ҳилятул авлиё»да келтурубдурлар.

Оллоҳ таоло аввалсиз азалдан охирсиз абадгача бўладургон ишларни билиб, яхшидур ёмондур ёзиб қўйғон бўлуб, шул билиб ёзғонини ирода қилғондур. Шунга «бўл», деб ҳукм қилғондур. Улар ўз табиий ҳолатида бўлуб ётадур. Уларнинг яхшисини Оллоҳ таоло хуш кўрганидек ёмонини хуш кўрмайдур. Бу тўғрида қирқ иккинчи рақамлик масъала - қадар масъаласида муфассал баён қилинғондур.

Демак, ҳар ишларимизда Оллоҳ таолони ҳозир ва нозирдур деб билиб туруб, ибодат қилмоқ лозимдур.

(¹)Наҳл сураси. ۱۲۸ :

(²)Юнус сураси. ۶۱ :

Ибодатнинг жумлаларидан бўлғон нарсалардан: қиём, рукуъ, сужудурлар.

Қиём бироннинг таъзими учун адаб бирла қимирламай тик турмақдур. Рукуъ таъзим юзасидан бўйсишиб - энкайиб, бошини энгиштуруб турмақдур. Сажда таъзим юзасидан пешонасини ерга қўймокдур.

Бу нарсалар Оллоҳ таолонинг ўзига хос бўлуб, Оллоҳ таолодан бошқа кимсага қилмоқ жоиз эмас, ширкдур. Ояти каримада буюрадурки: «Оллоҳ таолоға тик туруб ибодат қилинглар».

Ва яна бошқа оятда буюрадурки: «Эй иймон келтурган бандалар! Худойларингизга рукуъ қилинглар, сажда қилинглар, яхши амаллар қилинглар. Бул ўзи сизларнинг нажот топмоқларингиз учундур».

Демак, бу қиём, рукуъ, сужуд Оллоҳ таолонинг ўзига қилинадурғон ибодатларнинг зўрлариданур. Ибодат дейилгандан энг аввал инсоннинг зеҳнига шул қиём, рукуъ, сужудни ўзига олғон намозгина келадур. Ҳолбуки ибодат ёлғуз намозгина эмасдур. Ўн учинчи рақамлик масъалада баён бўлуб ўтулди, ҳозир тафсили бўлунмоқдадур.

Билмак керакким, инсонга лозимдурки юрмуши, турмуши, одати, қиладурғон ишларида, борди, келдиларида ўзини тергаб юрсун. Ҳусусан, бу қиём, рукуъ, сужудни Оллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимса учун истеъмол қилмасун. Чунки зўр ширкнинг кўрқувси бордур. Бирон келганда ўрнидан туруб қўймоқ бу масъалага қўшулмайдур, балки тортилиб қўйгон суратдек қимирламай, гайри табиий суратда тик турмак муроддур.

Чунончи, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадис шарифларида буюрудурларки: «матн».

«Ажамлар баъзилари баъзиларини таъзим қилиб тик турушланлариdek турманглар». Бу ҳадисни Абу Довуд сунанида келтурубдур. Чунончи Муновий «Кунузул ҳақоик»да шундок дебдур: Бу ҳадисни ҳазрат Абу Умома розияллоҳу анху ривоят қилибдурлар. ровийларида лайинул ҳадис кишилари бордур.

Абу Миҷлаздан ривоятдурки: ҳазрат Ибнуз Зубайр бирла Ибн Омир розияллоҳу анхуманинг олдиларига ҳазрат Муовия розияллоҳу анху чиқтилар. Ибн Омир розияллоҳу анху ўрниларидан турдилар, Ибнуз Зубайр розияллоҳу анхума турмай ўлтурдилар. Ҳазрат Муовия розияллоҳу анху Ибн Омирга қараб: Ўрнунгдан турма! Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшиттимки айтурлар: «матн». «Ҳар ким одамлар унинг учун таъзим юзасидан тик турмакларини хуш кўрса, ул ўз жойини жаҳанинамдан охтарсун», дедилар. Бу икки ҳадисни Абу Довуд сунанида келтурубдур. Ҳазрат Муовия розияллоҳу анхунинг бу ҳадисларининг санадидаги ровийлар ҳаммалари "сиқа"дурлар.

Амри маъруф, нахий мункар тарқ бўлуви баробарида ипак тўн, ипак қуйлакларни эркакларда кийдилар. Кўпроқ муллолар кийдилар. Ипак, шоҳи чорсилар белларига боғладилар. Судхўрлар, закот бермайдурганларнинг пулларини олиб, тўнларини кийдилар, емакларини едилар. Буларнинг бу қиликлари исённинг сурати мужассамаси эди. Булар ҳаммалари жоиз бўлмоққа далил бўлмайдур.

Аввалги ҳадисдаги ажамларнинг бир-бирларини кўрганларида таъзим жиҳатидан тикка турмакларидан манъ қилғонларидан Исломдан илгари қилмоқда бўлғон нарсаларини ташламағонлиқ онглашиладур.

Бизнинг катталаримизни кўрганда тикка туруб, қўл боғлаб турмагимиз, бошқаларни кўрганда қўл қўғуштуруб эгилиб салом қилмоғимиз, хотун-қизларимизнинг эгилиб, рукуъ қилғондек букулуб салом бермаклари, ҳусусан қиз болани куёвга бергандаги "келин салом"лари тамом ножоиз бўлғон нарсалардандур.

Уламоларимизнинг манъ қилмағонликлари жоиз қилиб қўймайдур. Балки шариат аҳкомларини орқаға ташлаб қўйғонлиқларини билдурадур. Шариати исломийянинг бир кун мансух бўлуб қоладурғон вақти йўқ бўлуб, қиёматгача исломнинг аҳкомлари юруб турадур.

Чунончи ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Мен мабъус бўлдум, мен қиёмат бир-бирига муттасилдурлар» деб, бош панжалари бирла ўрта панжаларини бир-бирига ёпуштуруб: «Мана шундоғ», деб ишорат қилдилар.

Демак, қиёматгача Ислом хукми юруб тургай. Ислом мансух бўлмағай. Уммати

исломийянинг аввалгиларини ислоҳ қилғон Ислом охирларинида ислоҳ қиладур. Улда Оллоҳ таолонинг китоби Қуръони карим, бирла суннати набавийядур.

Улуг қишилар, катта домлалар деб от кўтарган зотларнинг ҳар бир қарғонларида ўлтурғон қишиларнинг кўтларини кўтариб қўймоқлари ўзи чўқунғонлиқнинг ўзигинадур! Бундан ширкнинг иси келадур, уларға ибодат қилмоқдур. Оллоҳ таолони унугуб кўйғонликдандур. Одат бўлуб қолгони учун кўзга хеч нарса кўрунмай қолғондур. Худо паноҳ берсун.

Дуо Оллоҳ таолога ёлвориб тилакларини ожизлик ила тиламак, бўйинсиниқлиқ ила Оллоҳ таолога юз қилмоқдур. Бул ўзи Оллоҳ таолодан бошқаға жоиз эмасдур. Чунки тавфиқ бермак, тўғри йўлға солмоқ, умрини зиёда қилмоқ, банданинг кўнглидан қўркувни кеткузмак, бола бермак ва бошқа шунингдек маънавий ишларда дуони қабул қилиб ижобатга олмоқ, тилагини бермакга Оллоҳ таолодан бошқа кимса қодир эмас. Қудрати етадурган зот Оллоҳ таолонинг ўзидур. Демак, Оллоҳ таолонинг ўзидан бошқа ҳақиқий маъбуд ўйқудур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: «Худойингиз буюрадурки: менга ёлвориб дуо қилинглар, мен сизларнинг дуоларингизни қабул қилиб ижобатга олай. Албатта, менга ибодат қилмоқдан бурун жийиргандар жаҳаннамга хорлиқ бирла киргайлар»().

Ҳазрат Нуъмон ибн Башийр розияллоҳу анхумадан ривоят бўлубдурки ҳазрат Расул соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «Дуо ибодатдур». Бу ҳадисни имом Аҳмад муснадида, Ибн Абий Шайба Мусаннафда, Бухорий ал-Адабул-Муфрадда, Абу Довуд сунанда, Насой сунанда, Ибн Можа сунанда, Ибн Ҳиббон саҳиҳида, Ҳоким Мустадракда, Тирмизий Жомиида келтурубдурлар, Тирмизий: ҳасанун саҳиҳдур, дебдур.

Дуо ибодат бўлуб, буни Оллоҳ таолодан бошқаға буруб бўлмайдур. Оллоҳ таолога маҳсус бўлғон дуони мозорларга сарф қилиб, ўлуклардан тиламак ҳаром бўлуб, инсонни диндан чиқариб қўядур. Бул ўзи бир ёмон ҳолатдурки, банда ўзи учун ихтиёр қиладур, фақат ширқдур().

Энг аввал: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннати деб башорат берган бир мунча саҳобалардан бошқа кишилар ҳақларида нажот топқондур деб қатъий суратда айтиб бўлмайдур, фақатгина умидгина қилинадур.

Иккинчи: пайғамбарлар, авлиёлар, солих бандалар, ким бўлсалар бўлсун улар ўлғанларидан кейин бу дунёдан алоқалари узулуб кетадур. Фақатгина қолдуруб кетган, юруб турган садақаи жориялари, солиб кетган мадрасалар, масжидлари, ўргатиб нашр қилиб кетган илмлари, орқаларидан қолдуруб кетган яхши авлодлари, ёру биродарлари томонларидан қилинғон дуо ва хайротларигина фойда берадур.

Эмди улардан бирор нарса тиламак, бирор нарсани улардан умид қилмоқ, улардан мағфират талаб қилмоқ жоиз бўлмай, ширқдур. Уларни қабрларини зиёрат қилмоқдан мақсад улардан бирор нарса тиламак учун бўлмай, уларнинг ҳақлариға дуо қилмоқ, уларга мағфират талаб қилмоқ, даражаларини юқкори қилмоқни Оллоҳ таолодан тиламак, уларга нафъ еткузмак учундур.

Оллоҳ таолодан бошқаға дуо қилиб ёлвормоқ, улардан бирор нарса тиламак, нучук кимса бўлсун, жоиз эмас.

Ундоғ бўлса, «Ё ҳазрат шайх саййид Мухйиддин мушкил күшой билхайр», «Ё ҳазрат шайх саййид Абдулқодир Жийлоний » , «Ё Баҳоуддин Балогардон» деган сўзлар ҳаммаси ширқ бўлуб, улардан бу хил тариқада нарсаларни тиламак уларга сифинмоқ бўлуб, инсонни коғир, мушриқ қилиб диндан чиқариб қўядур.

Шуни эшитиб билиб туруб парво қилмай, ўз қилмишларида давом эта берганлар ўзларининг куфр ва ширкларидан қайтмағон мушриклардур.

Ҳазрат саййид Абдулқодир Жийлонийнинг қўлларида тадбири умурдек нарсадан бирор нарса йўқдур(). Тадбири умур Оллоҳ таолонинг ўзига хосдур. Бу хил нарсаларни авлиёларга нисбат қилмоқ жоиз эмас, бу хил нарсаларни шайтоннинг тузогига илинган жоҳилларгина айтадурлар. Улар ўзларини ҳар қанча яхши одамлар ҳисоблаб юрган бўлсаларда, улар

(')Фоғир сураси. ۱۰ :

.(')Нисо сураси. ۱۱۶، ۴۸ :

.(')Исрө сураси. ۵۷-۵۶ :

мушриклардурлар, улар учун Оллоҳ таолонинг хузурида нажот йўқдур(). улар зарар топкучилардурлар.

Ўзлари сўзларини Ислом шариатига ўлчаб юрмасалар, уларнинг куруқ даъволаридан уларга фойда йўқдур.

Буларнинг қаторларига қувват кўйдурмоқ, бўйни, бозулариға оят ва ҳадислардан бошқа маъноси билинмайдурган тумор, таъвизлар тақмоқ жоиз эмасдур, бутга чўкунмокдур.

«Фатово ал-Баззозийя»да айтадурки: Бизнинг ханафийя уламоларимиз авлиёларнинг руҳлари ҳозирдурлар, деб эътиқод қилғон кишилар кофирдурлар, дебдурлар.

Чунончи Сунъуллоҳ ал-Ҳанафий ўзининг «Авлиёлар тирикликларида ўлганларидан кейин маънавий ишларда тасарруфотлари бордур», деб юрганларга рад юзасидан ёзғон китобида айтадур:

«Бу замонларда баъзи кишилар пайдо бўлубдурларки, улар: «авлиёлар тирикликларида, ўлганларидан кейин маънавий ишларда тасарруфотлари бордур, улар одамларнинг додлариға етадурлар, одамларнинг ҳожатларини раво қиладурлар, инсонларнинг бошлариға қаттиқ кунлар келганда, бало ва мусибатга мубтало бўлғонларида уларга ёлвориладур. Уларнинг ҳаммалари бирла мусибат кўтариладур», деб уларнинг қабрлариға бориб ҳожатларини тилайдурлар.

Улар тилагучиларнинг ҳожатларини берадурлар деб, далил юзасидан: «Кароматлари бордур, уларнинг ораларида абдоллар, нуқаболар, нужаболар, етмиш етти тан, қирқ тўрт тан, қирқ танлар, кутблар бордурлар. Кутблар бўлсалар халойиқнинг ҳожатларини берадурлар. Шубҳасиз ҳамма нарсанинг мадори улардадур», деб эътиқод қиладурлар.

Мана бу сўзлар ўзи инсонларни абадий ҳалокат, тугамайдурган азобга элтадур. Қуръони каримнинг сарих ояти, ҳукмига хилоф бўлуб, мужтахид имомларнинг сўзларигада хилофдур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки:

((. «Ҳар ким бу пайғамбарнинг келтурган дини событ бўлғонидан кейин унға хилоф қилса, мусулмонларнинг йўлларидан бошқа йўлға юрса, уни ўзи ихтиёр қилғон йўлида қўюб берурмизда, ўзини жаҳннамга киргузурмиз. Ул ўзи жуда ёмон борадурғон жойдур».

«Авлиёларнинг тасарруфотлари бордур» деган сўзга келсақ, ул ўзи қуйидаги оятларга хилофдур:

(). «Оллоҳ таоло бирла бошқа маъбуд борми?!», дейдур.

((. «хабарлик бўлғилки, яратмоқ, ҳукм қилмоқ ўзига хосдур».

Юнус сураси 3, Раъд 3, Сажда 5 инчи оятларида(): «Ҳамма ишларни ўзигина идора қиласадур», деб буюрадур.

Нур сураси 42(, Шўро 49(), Жосия 27(), Фатҳ 14)) инчи оятларида: «Осмон бирла ернинг мулклари Оллоҳ таолонинг ўзига хосдур. Яратмоқ, тадбир қилмоқ - идора ва тасарруф қилмоқ, тақдир қилмоқ ёлғузгина Оллоҳ таолонинг ўзига оиддур», деб буюрадур.

Оллоҳ таолонинг мулкида кимсанинг тасарруфи йўқдур. Ўзигина тасарруф қиласадур. Мулк эгаси ўзидур. Тиргумак, ўлдурмак ўзининг ҳаққидур. Бутун маҳлуқот Оллоҳ таолонинггина

.(‘) Нисо сураси. ۱۱۶ ، ۴۸ :

(ؑ) Нисо сураси. ۱۱۰ :

(ؓ) Намл сураси. ۶۴ ، ۶۳ ، ۶۲ :

(ؔ) Аъроф сураси. ۵۴ :

.(ؕ)

.(ؖ)

.(ؘ)

.(ؙ)

.(ؚ)

хукми остидадур.

(), «Оллоҳ таолодан бошқа яратқувчи борми?!», деб инкорий истифҳом бирла хитоб қиласдар.

() «Улар Оллоҳ таолоға шунинг учун шариклар исбот қилдилармики, Оллоҳ таолонинг маҳлуқлариdek маҳлуқларни яратқан бўлуб, ул шариклари яратқан маҳлуқлари Оллоҳ таолонинг маҳлуқлари бирла оролашиб кетган бўлуб иштибоҳ бўлуб қолғонмидур?!». Ундоғ эмасдур.

Ва яна буюрадурки: ((«Ул сизлар Оллоҳ таолодан бошқа ибодат қилмоқда бўлғон маъбулларингиз ҳеч нарсага эга эмасдурлар».

Демак, Оллоҳ таолодан бошқа умумий тариқада мадад талаб қилинадурғон, ёлвориладурған, бош уриладурғон (пайғамбарлар бўлсунлар, авлиёлар бўлсунлар ўлганларидан кейин, фаришталар бўлсунлар, жинлар бўлсунлар) йўқдур.

Ҳар қайсилари ўз ҳақларида тасарруф қилмоққа молик бўлмағон ҳолларида бошқаларға нучук мадад ва ионат қила билурлар?!))

Авлиёларнинг ўлганларидан кейин бошқалар ҳақларида тасарруф қиладурлар демаклари тирикликларида тасарруф қиладурлар демакдан (иккаласи ёмон бўлсада) ёмонроқдур. Бул ўзи тавхидур руబубийтда ширк келтурмакдур.

- «албатта сен ўлгувчидурсан, уларда ўлгувчидурлар» оятида(),

- «Оллоҳ таоло ҳамма жонларни ўлган вактларида, ўлмаганларни уйкуларида ўз қабзасига олурда, ўлмакка ҳукм бўлғонларни ухлағанларича тутуб қолғай. Бошқаларни ўз муқаррар вактларигача кўюб бергай» оятида(),

- «Ҳар кимса ўз қилмишига гаровдур» оятида(),

(- («Ҳар жон ўз қилмишига гаровдур» оятларида буюрадур.

Мана шул оятларга тамом хилофдур.

Ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Одамизод ўлса, амали ундан узулуб қолғай, фақатгина уч нарса ўлганидан кейинда давом этгай: вакф ёки мадраса ёки масжиддек жорий бўлуб турган садака, ёки қолдуруб кетган нафъ қиласурғон илм, ёки яхши болаки орқасидан унинг ҳаққиға дуо қилиб турадур. Мана буларнинг савоблари тегиб турадур». Бу ҳадисни Муслим саҳиҳида, Бухорий ал-Адабул-Муфрадда, Абу Довуд, Тирмизий, Насойи суннларида келтурубдурлар.

Бу оятлар бирла бу ҳадис ўлгандан кейин қиласурғон амаллари тамом бўлуб кетиб, узулуб қолур эканлигини ифода қиласдар. Бу дунё бирла алоқаси узулуб қолур. Фақатгина бунга етиб турадурган савоб уч нарсадан бўлуб турадур. Улда солиб кетган мадраса ва масжидлари, қолдуруб кетган вакфлари, таълим бериб, нашр қилиб - ёзиб, ўргатиб кетган диний илмлари, ёки ёзиб таблиғ учун қолдуруб кетган кутублари, ўқулғон, амал қилинғон миқдорда савоблари тегиб турадур. Орқасидан қолиб ҳаққиға дуо қилиб турадурган авлодлари дуо қилиб турганларида савоблари тегиб турадур.

Мана бу нарсалар ўлукнинг орқасидан узулмай етиб турадурлар. Аммо ўзининг саъий,

([‘])Фотир сураси.^۳ :

([‘])Раъд сураси.^{۱۶} :

([‘])Фотир сураси.^{۱۳} :

.([‘])Фотиҳа сураси.^۴ :

([‘])Зумар сураси.^{۳۰} :

([‘])Зумар сураси.^{۴۲} :

([‘])Тур сураси.^{۲۱} :

([‘])Муддассир сураси.^{۳۸} :

амаллари, күшишлари ўлиши бирла узулуб қоладур. Ундоғ бўлса, бошқаларга фойда еткузмак ёки ҳақларида тасарруф қилмоқлари қаердан собит бўладур?! Ҳеч кимнинг сўзи далилсиз қабул бўлмағай. Далил бўлса ул ояти карима, аходиси набавийя бирла бўлур. Улар йўқдур. Балки ояти карима ва ҳадислар уларнинг сўзларига хилоф ворид бўлубдур:

Ояти каримада буюруладур: ((. «Музтар бўлуб, дуо қилиб чақирғон - ёлворғон кишининг дуосини қабул қилиб, додига етгувчи, бошидаги мусибатини кўтартгучи, сизларни ер юзига эга қилиб қўйғучи кимдур? Оллоҳ таолодан бошқа Худолар борми?!».

Ва яна буюруладурки: ((. «Қуруқлик ва дентгизнинг қоронгуликларидан тазарруъ ва зорий бирла, хуфя тариқада дуо қилиб ёлворғонларингизда сизларга ундан ким нажот берадур? - Агар бизларга нажот берса, шукр қилғувчилардан бўлурмиз, дейдурсиз, дегил. Сизларга ул ҳолатдан ва бошқа мусибатлардан нажот бергувчи Оллоҳ таолонинг ўзидур. Сўнгра сизлар Оллоҳ таолога шариклар исбот қилмоқдасизлар, дегил».

Мана бу оятлардан бошқа оятларда ҳам кўп нарсалар шул маънода келгандурлар.

Бу ояти карималарда Оллоҳ таолонинг ўзигина балони кўтарадур, мусибатлардан кутқазадур, ўлдурмак тирилтурмак, рўзи бермак, рўзини кенг ва тор қилмоқ Ўзининг ихтиёрида эканлигини баён буюрулгантур. Яратмоқ, ой, кунни мусаххар қилмоқ, бутун борлиқни ўз қудрати бирлагина тутуб туар эканлигини хабар берадур.

Бу нарсалар Оллоҳ таолодан бошқанинг ихтиёрида йўқ эканлигини, музтарнинг дуосини - маҳфий ва ошкор дуоларини ўзигина эшишиб қабулийятга олар эканлигини таъкид ила баён буюрадур.

Остонасига бош уруладурғон Ўзи бўлуб, уларнинг додлариға етадурганда Оллоҳ таолонинг ўзидур. Яхшилик, ёмонлик, нафъ ва зарар еткузмак Оллоҳ таолонинг ихтиёридадур.

Бошқалар бандаларнинг тириклари бўлсун ўлуклари бўлсун ўзларига нафъ еткузмак, зарарни ўзидан даф қилмоқ - қайтармокдан ожиз бўлуб туруб, бошқаларға нучук хайр еткуза биладурлар?! Қайси тариқада зарарни қайтара билурлар??!

Зоҳирий асбобларда яхши ишлар учун истиғоса қилмоқнинг бу бизнинг баҳс қилмоқда бўлғон маънавийётға дахли йўқдур. Чунончи уруш вақтларида душманга тезлик ила етмак, гарк бўлмоқда бўлган киши қутқазмоқға чакириб: «Кел, мени ғарк бўлмоқдан қутқазиб олғил», демак, ул келиб ёрдам қилмоғидек нарсаларда бизнинг сўзумиз йўқдур. Факат бизнинг сўзумиз маънавий ишлардадур.

Бошиға келган қаттиқ кунни кўтармак, касалликка шифо бермак, золимнинг зулмини кўтармак каби асбобга дахли бўлмағон нарсаларда Оллоҳ таолодан бошқадан тилолмайдур.

Инсонлар Исломдан илгари ўз ҳожатларини ўлуклардан, жин, дараҳт, тошлар, юлдуз, ой, кунлардан тилар эдилар. Буларнинг таъсир қилмоқлариға инанур эдилар.

Ислом бу хил нарсаларнинг таъсирлари бўлмайдурганиғини билдуруди. Оллоҳ таолодан бошқадан бу хил нарсаларни тиламақдан манъ қилди. Ширк бўлур эканлигини қатъий далиллар бирла исбот қилиб, Ислом аҳлини кўп далиллар бирла кондурди. Бу хил нарсалар мусулмонлардан вужудга келиб қолса, диндан чиқар эканликларини онглатти. Чунончи кўп оятларда сароҳатан келгандур.

Баъзи бир ўзини сўфий тараашлаған жоҳиллардан мозорларға бориб «Ё фалон» деб отини тутуб чакириб, ўзларининг тилакларини тилайдурлар. Ёки жинларнинг таъсирлари бор деб эътиқод қиласурлар, улардан қўрқадурлар. Баъзилари дараҳтларни мозор қилиб олиб, ундан қўрқадурлар.

Бул ўзи хатарлик йўл бўлуб, дўзахқа қулаб кетадурган ярнинг бўйидадурлар(). Улар ўзларини ҳалокатга отиб юбормоқ узасидадурлар.

(^۱)Намл сураси.۶۲ :

(^۲)Анъом сураси.۶۴-۶۳ :

(^۳)Тавба сураси.۱۰۹ : «نинг یوں وادا - جریانی وادا» ида маъносидадур.

«Авлиёларнинг кароматлари бор бўлуб, бу кароматлари бирла бу ҳожатларимизни раво қиласурлар», демак Оллоҳ таолоға бошқани қўшуб ибодат қилмоқдур. Бул ўзи ширк бўлуб, инсонни диндан чиқариб юборадур. Бул ўзи Исломдан илгари - жоҳилийят замонидаги мушрикларнинг эътиқодлари дур.

Каромат бошқа нарсадур. Каромат деб табиатга хилоф нарса бир солиҳ бандадан ўзининг илмидан тошқори содир бўлғон нарсани айтиладур. Ўзи кароматим бор деб даъво-да қилмайдур. Оллоҳ таолоға маҳсус бўлғон нарсани изро қилмоққа уларнинг қудратлари етмайдур. Уларнинг ихтиёрлари ила вужудға келмайдур.

Баъзилар авлиё деб билган кишиларни шафоат қиласурлар деб, ўз даражаларидан ошириб юбормоқ, маъбудлик даржасига кўтармакдадурлар. Бул ўзи илгари замонда мушриклардек ўзини ширкка дохил қилмоқдур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: ().

«Оллоҳ таолодан бошқаға ибодат қиласурлар. Ул ибодат қилмоқда бўлғон нарсалари уларға заарда еткузмайдур, фойдада еткуза билмайдур. «Булар бизларга Оллоҳ таоло ҳузурида шафоат қиласурлар», дейдурлар. «Осмонлар бирла ерда Оллоҳ таолонинг илмида бўлмағон нарсаларни Оллоҳ таолоға хабар қилиб билдурмакчи бўладурсизларми?!», дегил. Оллоҳ таоло улар нисбат қилғон шарик ва шафेълардан покдур».

Ва яна буюрадур: ().

«Хабардор бўлунгларки, холис дин Оллоҳ таолонинг ўзига (ибодат қилмоқ)дур. Оллоҳдан бошқани ўзларига дўст ва маъбуд тутганлар (айтадурларки): уларға бизнинг ибодат қилмоғимиз Оллоҳ таолоға бизларни яқин қилсунлар дебгинадур. Оллоҳ таоло уларнинг бу хилоф қилғон нарсалари тўғрисида улар ўрталарида хукм ва файсала қилур. Оллоҳ таоло ҳар бир ёлғончи, куфриёт орқаларида юргучиларни тўғри йўлга солмайдур».

Ва яна бошқа бир оятда буюрадурки: ().

«Оллоҳ таоло менга бирор заарни ирова қилғон бўлса, уларнинг шафоатлари бирор ишга ярамайдур, мени ундан кутқазиб ололмайдурлар».

Сунъуллоҳ ал-Ҳанафиининг сўзи шунда тамом бўлди.

Дин уламолари ҳар бир замонда ўз замон ва маконларида, одамларни ширк ва бидъатларга мубтало бўлуб қолғон кишиларнинг ширк ва бидъатларидан халойиқни қўркуб келгандурлар. Бу тўғридаги уламоларнинг сўзларини баён ва шарҳ қилмоққа киришиб кетсақ, жуда узайиб кетадур.

Яна бошқа бир оятда буюруладур: (). «Оллоҳ таолодан бошқа сенга нафъ ва зарар еткузолмайдурган нарсаларни чақириб ибодат қилмагил. Агар шундоғ қилсанг, ул вақт золим - мушриклардан бўлуб қолурсан».

Бу хитоб ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға бўлсада, ҳукми ом бўлуб уммати исломийянинг ҳаммаларига шомилдур.

Хофиз Ибн Жарир тафсирида айтадурки: Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, дунё ва охиратда ўз холикинг ва маъбудунг бўлғон Оллоҳ таолодан бошқанинг қудратлари сенга нафъ ва зарар еткузмакдан ожиздур. Сен у хил ожиз нарсаларга ёлвориб, дуо-ибодат қилмагил, сифинмагил, деб жоҳилийят замонида араб мушриклари ибодат қилиб юрган бут - санамларға ибодат қилмоқдан манъ қиласур. Шунча манъ қилиб туруб янада қила берсанг, ул вақт ўз жонлариға зулм қилғонлардан бўлуб қолурсан, деб араб мушриклари қилиб юрмакда бўлғон нарсаларидан расулини манъ қиласур.

([‘])Юнус сураси.^{۱۸} :

([‘])Зумар сураси.^۴ :

([‘])Ёсин сураси.^{۲۳} :

([‘])Юнус сураси.^{۱۰۶} :

Ва яна буюрадурки: (). «Оллоҳ таолонинг ўзига юз қилиб, ботил маъбудлардан юз ўтуруб, ихлос бирла Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат кильмоққагина буюрулгандурлар».

Дин деб ҳар бир зоҳири, ботини хузуъ ва хушуъ бирла қилинғон ибодатни айтиладур. Шул ибодатдан бирор нарсани қабрларға, пайғамбарлардан бирига, ёки авлиёлардан бирига, ёки жинларга, ёки дараҳтларга бурса, ул нарсани ўзига маъбуд тутубдур. Бул ўзи ширкдур.

Ибодат деб ёлғуз намоз ўқумоқни айтилмайдур. Балки буйруғларини бажо келтурмак, манъ қилғон нарсаларидан тортимок, ихлос қилмок, хайрини умид қилмок, шарридан кўрқмоқ, зарап, нафъ еткузмакга қодирдур деб кўрқуб юрмакдек нарсалар тамом ибодатга кўшуладур. Чунончи бировнинг ҳукмини Оллоҳ таолонинг ҳукми баробарида кўрса, бул ўзи ибодат қилмоқдур.

Аммо буюрулган фарзларни очиқдан очиқ тарқ қилиб, адо қилмаса; қилмоқни талаб қилинса, қабул қилмаса; ё қатъий ҳаром бўлғон нарсалардан ўзини сақламаса; «қилма» дегучиларни ёмон кўрса, бу хил ишлар куфрдур. Куфрдур демак Исломдан чикти - муртад бўлди, демакдур.

Чунончи ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анхунинг халифалик замонларида закот бермақдан бош тортқон бир қавм (Бани Ҳанифа қабиласи)ни муртад бўлди деб уларға қарши уруш очиб, закот бермакка қайтардилар, чунончи закот масъаласида ёзилиб ўтулди.

Дараҳтларга латталар осмок, дараҳтларни мозор эътиқод қилиб хурматламак, қабрларға туғ осмоқдек нарсалар бутпараст - мушрикларнинг ишларидур. Қабрларга шамъ ёқмоқ, чироғ қўймоқ Эрон ўтпарастларидан қолғон ишлар бўлуб, ўлукка фойдаси йўқдур. Ҳар ким шул нарсаларни қилса, ўзини минг бор мусулмон деб билса да, ул Исломдан чикқан бўлиб, мушриқдур.

У хил ишларни ўзидан томури бирла юмириб ташламаса, кўнгли бирла ул ишлардан қайтиб ўзини тортмоғунча унинг қуруқ даъвоси мусулмон бўлмоғи учун кифоя қилмайдур.

Чунончи ҳазрат Абу Воқид ал-Лайсий розияллоҳу анху айтибдурларки: «Бизлар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирла Ҳунайн томонига бордик. Ул вакт бизлар янги мусулмон бўлғон бўлуб, куфрдан янгигина ажралган эдик. Ул томондаги мушрикларнинг сидра (дўлонадек нарса)лари бор эди. Ул дараҳтнинг атрофида (таъзим юзасидан) тўпланишиб, яроғларини осиб қўюшуб ўлтурушар эдилар. Ул дараҳтни «Зоти анвот» дер эдилар. Бизлар ҳазрат расулаллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Ё расулаллоҳ! Уларнинг Зоти анвотларидек бизгада Зоти анвот қилиб беринг», дедик. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ул вакт: «Оллоҳ акбар! Валлоҳки, сизлар-да Бану Исроил ҳазрат Мусо алайҳис-саломга: «Бутпарастларнинг бутларидек бут қилиб беринг()», деганларидек дедингизлар», дедилар. «Сизлар ўзларингиздан илгари ўтган қавмларга эргашурсизлар. Уларнинг йўллариға юруб кетарсизлар», дедилар.

Бани Исроил ҳазрат Мусо алайҳис-саломга Водий тайҳда: бизгада бу қавмнинг бутларидек бут ясад бергил, деб эдилар. Бу саҳобалар-да: бизларга уларнинг Зоти анвотларидек Зоти анвот қилиб беринг, дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу яроғ ларини осиб, олдида кўр тўкиб ўлтурмак учун таъзим юзасидан айтган сўзларини бутпарастликдан ҳисобладилар. Асбоб ва яроғларини осиб атрофида тўпланиб ўлтурадурғон жой қилиб олмоқ истаганларини бутпарастликни талаб қилғон бирла деб ҳисоб қилдилар. От табдил топқон бирла ҳақиқат табдил топмагай.

Инсон шариат кўрсатмаган тариқада бирор динга дахли бор нарсани қилмоқ истаса, уни ўзлари учун қурбат ва ибодат гумон қилса, унға бирор оят ва ё ҳадисдан далил келмаган бўлса, ул нарса ғайри шаръий, бидъат бўлуб қолғай. Ул ўзи Оллоҳ таолонинг раҳматидан узоқ, ғазабига яқин қилиб қўядур.

Бу замондаги қабр ва мозорларни зиёда таъзим қилиб ўз ҳадларидан ошириб, зиёратни улардан бирор ҳожатни тиламак онглаб олғонлар ҳолларини суруштуруб билғанларидагина

(¹)Байина сураси.[◦] :

.(¹)Аъроф сураси.^{۱۲۸} :

онглайдурлар. Авлиёлар, уларнинг қабрларида зиёда ғулув қилиб таъзим юзасидан ибодат қилмоқ даржасига еткузуб қўйғондурлар. Улар ўзларини тўғри йўлда деб хаёл қиласурлар. Ҳолбуки улар тойғинлиқнинг энг чуқур ерига тушуб қолғондурлар.

Хар бир ўзини ахли тавҳид отағон яҳуд ва насороларни ўз динларидан тойғон, ўз динларини бузгон деб, уларни ёмонлаб юрган мусулмонлар ўзларини ҳар ҳолда ширк ва ширкка элтадурган нарсалардан сақлаб, ўзларини яхшигина суруштуруб текшариб юрмаклари лозимдур.

Ўзлари учун нажот йўлларини кўзласунлар! Бу дунё озгина кун бўлуб, охиратға қарағонда жуда оз бўлуб, ҳисобга ўтмайдурган даражададур().

«Мен мусулмонман, мусулмонлар ҳар ҳолда азобга қолмағайлар», деб юрганлар ўзларини отидагина мусулмондурларми, ёки ҳакиқий мусулмондурларми, ўзларини суруштуруб юрсунлар. Ислом шартига ўзларини тўғрилаб юрсунлар. Бу хил оз кунлар учун ўзларини бузуб кўймасунлар! Ўзларини абадий азобга мустаҳик қилиб олмасунлар!

.(')Аҳкоф сураси ..ؓ :Нозиот сураси.ؓ :

Оллоҳ таолони яхши кўрмак буюрганидек ибодат қилмоғинг, буюруғларини жойига қўймоғинг, нахй - манъ қилғон нарсаларидан ўзунгни тортмоғинг, ризолигини истаб, норози қилмоқдан ўзунгни сақламоғинг, ўзунгни Оллоҳ таолонинг хузурида турган билмагингдур, Оллоҳ таолонинг назари остида эканлигини хаёлингда тутмагингдур.

Оллоҳ таоло буюрадурки: «Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам! Оллоҳ таолони яхши кўрсангизлар, менга эргашинг - итоат қилингларки, Оллоҳ таоло сизларни яхши кўруб, гуноҳларингизни кечтай. Оллоҳ таоло гуноҳларни кечгувчи, меҳрибондур, дегил».

«Одамлардан баъзилари бордурки улар Оллоҳ таолодан бошқани маъбуд тутадурлар, ул маъбудларини Худони яхши қўргандек яхши кўрадурлар. Мусулмонлар Оллоҳ таолони зиёда яхши кўрадурлар».

Муҳаббат деган нарса қуруқ сўздан иборат бўлмай, муҳаббатнинг шартлари бордур. Чунончи муҳаббат қилиб яхши қўрган киши яхши қўрганини хуш қилмоқ учун бор-йўғини курбон қилмоқдан кейин турмайдур. Суйганини хуш қилмоқдан уни ҳеч нарса тўсмайдур.

Ундоғ бўлса, Оллоҳ таолони яхши кўрмакни даъво қилғон кишига Оллоҳ юборғон пайғамбари, унга нозил бўлғон китоби - Куръони каримнинг ҳукмича юруб, пайғамбарининг келтурган дини ва шариатини жону дили бирла қабул қилиб, чизган чизифидан чиқмаслиги керак.

Бу яхши кўрмак Оллоҳ таолонинг ўзига хос бўлмоғи керак. Ҳар ким Оллоҳ таолонинг хос ўзига қилмоқ лозим бўлғон муҳаббатни Оллоҳ таолодан бошқага бурса, ул ширк келтурган бўлуб, мушрик бўлуб қолғай. Бу ширк ўзи бандани диндан чиқариб қўйғай. Бу муҳаббатнинг ибодат эканлигини ўн учинчи моддалик масъалада баён қилиб ўтгандурмиз.

Бу (Оли Имрон сураси 31) ояти каримада ҳар ким Оллоҳ таолонинг яхши қўрганлигини даъво қилса, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келтурган Ислом динини ўзига дин тутуб, Оллоҳ таолонинг наздида дин саналғон Ислом динини (Оли Имрон: 19) маҳкам тутуб, шул дин узасида қойим бўлмаса, Оллоҳ таолони яхши қўраман деб қилғон даъвосини ўз ўзи ёлғонға чиқорғон бўлур.

Демак, мусулмон кишига бутун сўzlари, юрмиш-турмишларида ҳазрат Расулуллоҳга иттибоъ қилиб, суннатларида қойим бўлмоғи лозимдур.

Ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Ҳар ким шундоғ бир амални қилғон бўлсаки, унда бизнинг ҳукмимиз йўқдур, ул амал мардуудур». Бу ҳадисни Бухорий, Муслим ўзларининг сахихларида келтурубдурлар.

Оллоҳ таоло томонидан келган қилмоқ лозим бўлғон, қилмоқдан сақланмоқ лозим бўлғон нарсаларни пайғамбари воситалари бирлагина баён бўлунғондур. Демак, шариат томонидан машруъ бўлмағон нарсалар Ислом аҳкомларидан эмасдур, ул ўзи чиқариб олғон бўлур.

Яна бир ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Ҳар ким шул бизнинг динимиз Исломда бўлмағон нарсани пайдо қилиб олғон бўлса, ул нарсани мардуудур». Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим сахихларида, Абу Довуд, Ибн Можа суннанларида келтурубдурлар.

Инсон ўзини «мен мусулмон бўлдум», деб ҳалққа билдурса, ул Оллоҳ таолони ўзумнинг худойим - маъбудимдур деган бўлур. Оллоҳ таолони ўзига маъбуд деб билган ва қарор қилғон кишига Оллоҳ таолонинг бандалари учун хуш қўрган дини() - исломнинг ҳамма ҳукмлари узасида қойим бўлуб, амал қилмоғи лозим бўлур.

Бу хил қилмай, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатган йўлларида юрмаса, унинг қуруқ қилғон даъвоси ишга ярамас)).

Яхши кўрмак, мағфират қилмоқ рози бўлмоқдан келадур. Оллоҳ таолонинг рози бўлмоғи Оллоҳ таолоға бошқаларни ибодатда шарик қилмоқдан сақланмоқ, тилакларини Оллоҳ таолонинг ўзидан тиламак, дуо қилиб Оллоҳ таолоға ёлвормоқ, ўзидан мадад талаб қилмоқ, манъ қилғон нарсалардан ўзини сақламоқдан келадур. Муҳаббат қанча зиёда бўлса, ўшанча

.(')Моида сураси.⁵ :

.(')Оли Имрон сураси.⁶¹ :

бўйунсунмак вужудга келаберадур.

Бақара сураси: 165) () инчи ояти карималарда одамларни икки хил қиласадур:

1 - Оллоҳ таолонигина маъбуд тутгандар бўлуб;

2 - Оллоҳ таолоға бошқаларни ақида ва ибодатда шарик қилғонлардур. (Фаришталар, жинлар, кунлар, ойлар, дараҳтлар, мозорларга таъзим юзасидан ибодат қилмоқда бўлғонлардур). Чунончи мушриклар ўз ихтиёлари бирла ўзлари яхши бандадеб билган кишиларни Оллоҳ таолоға қўшуб ибодат қилғонлар().

Ақллари зиёда заиф бўлғони учун Оллоҳ таоло бирла бандани, Холик бирла маҳлуқни ажратолмағондурлар. Ўзларини инсоният даражасидан қуийға отиб, яратилмоқ-ўлмакда ўзлари бирла тенг бўлғон, ўзларига нафъ ва зарар еткузмакга кучи етмаган инсонларни Оллоҳ таолоға шарик қилиб, ўзларини абадий, ҳаргиз кутулуб бўлмайдурғон ҳалокат - азобга отадурлар.

Ҳолбуки ҳакиқий маъбуд ёлғузгина Оллоҳ таолонинг ўзидур. Рўзи бергувчи ўзи бўлуб, ўхшали, тенги, вазири, ёрдамчиси йўқдур. Оллоҳ таоло тадбири умур, тутуб турмак, буюрмак, манъ қилмоқ, яратмоқ, тирилтурмак, ўлдурмақдек нарсаларда асбобга муҳтоҷ эмасдур.

Ул сени ҳамиша кўруб турадур. Ҳамма вақт сен Оллоҳ таолонинг ҳузуридурсан, ул сендан ғойиб эмас, ғойибда бўлмас. Узоқни яқин, яқинни узоқ қилғувчи ўзи бўлуб, яқинларнинг яқинроғидур((. шикоят қилғувчининг шикоятини эшиткучидур(. Мухлат ва асбобнинг лузуми йўқдур. Мухаббат қилмоқ ўзигадур, Ўзидан бошқа сенинг ҳолингдан хабардор бўлуб турадурган кимса йўқдур. Бошингга келган мусибатларни кўтаргучидур. Золимлардан сени ўзи кутқазадур. Ундоғ бўлса, ўзунгни ҳамма ёғинг бирла ўзига ташлағил! Гуноҳлардан тавба қилиб, ҳалол-ҳаромни фарқ қилиб, буюруқларини чин кўнгул бирла адо қилиб, наҳй қилғон нарсаларидан ўзини сақламоқ керакдур. Маҳлуқлардан кимсани Оллоҳ таолоға шарик қилмаслик керакдур. Ҳар кимга лозимдурки, шул йўлни ўзи учун йўл тутсун. Кирган, чиққан нафасларини, сўзлаган сўзларини, босқан қадамларини ҳисобга олиб юрмак керак. Чунки бу нарсалар, кирган, чиққан нафаслар, босиладурган қадамлар, сўзланадурган сўзлар Оллоҳ таоло ҳузурида ҳисобланиб турадур. Ундан заррача маҳфий қолмайдур. Ҳамма ҳаракат, саканотлар ҳисобга олиб туриладур.

матн

Поксан эй Худо! Мунча ҳам шаънинг улугдур. Мунча далилинг зохирдур! Сен золимларнинг қилмоқда бўлғон ишларидан ғофил эмасдурсан. Эй Худо! Тоатингни бизга осон қилғил, кўнгулларимизни очқил, айбларимизни ёпқил, Куръони каримни кўнгулларимизнинг баҳори қилғил, омийн.

.(')

.(‘)

(‘)Зумар сураси.‘ :

(‘)Қоф сураси.‘‘ :

(‘)Мужодала сураси.‘ :

Таваккул деб Оллох таолонинг ўзига эътимод қилмоқ - ишонмок, Оллох таолонинг ҳифзу ҳимоятида сақланмоқда эканлигини билмакдур. Оллох таолонинг ўзигина рўзи берадур, дуо қилса ижобат қилиб тилагини берадур, бўйунтовлик қилса азоб қиласур, бўйунсунуб хукмларига мувофиқ юрса, қилғон яхши амалларига (бирга ўндан тортиб) савоб берадур. Оллох таолонинг ўзига юз қилса, ҳар бир кўрккан нарсасидан нажот берадур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: «Иймонлик бандалар Оллох таологагина ишонсунлар», «Иймон келтурганинг бўлсангизлар, Оллох таолонинг ўзига таваккул қилинглар», «Таваккул қилғувчилар Оллох таолога таваккул қилсунлар», «Ҳар ким Оллох таолога ишонса, Оллох таоло унға кифоя қиласур (Оллох таолодан бошқага муҳтоҷ бўлмағай)».

Банданинг кўнлида Оллох таолонинг ўзи ҳар нарсага қодирлиги жой олса, Оллох таолодан бошқа Оллох таолонинг иродасидан тошқори ҳеч нарсага қодир бўлмаслиги, Оллох таолодан бошқа борни йўқ, йўқни бор, узоқни яқин, яқинни узоқ қиломаслиги, Оллох таолодан бошқа ҳамма маҳлуқлар Оллох таолоға муҳтоҷ эканлиги инсоннинг кўнгли - қалбиға ўрнаб қолғон бўлса, Оллох таолодангина қўрқмок, Оллох таолодан бошқадан қўрқмаслик, Оллох таолога ишонмакдан бошқа нарса вужудға келмас.

Иймондаги қуввати қанча зўр бўлса, ўшанча банданинг тили узун, сўзи ўткур бўлурда, кимсадан парво қилмағай. Амри маъруф, наҳийи мункар қилмоқдан кейин турмагай.

Оллоҳ таолодан кўрқмоқ иймоннинг банданинг қалбидаги ўрнаб қолмоғидан келадур. Бўйунтовлиқ қилғонларни азоб қилмоқдан Оллоҳ таоло парво қилмағай. Ўз ҳадларидан ошқанлар - коғирларни, зажр қилинғон нарсалардан ўзини тортмағонлар, буюрулган нарсаларни қилмай, хилоф қилғанларни ҳалок қилмоқдан кейин турмагай.

Ояти карималарда Оллоҳ таоло: «Одамлардан кўрқманглар мендангина кўрқунг», «Мусулмон бўлсангизлар, мендангина кўрқунглар», деб буюрадур.

Мусулмончиликнинг шарти Оллоҳ таолонинг ўзидан кўрқмоқ бўлуб, Оллоҳ таолонинг буюруқларини бажо қилмоқда ҳеч кимдан кўрқмаслиқдур. Куръони каримнинг аввалидан охириғача бўйунтовлағанлар, ўз ҳадларидан ошқанларға қилғон муомалаларини баён буюруб, мўмин бандаларни бўйунтовлиқ қилмоқ, ўз ҳадларидан ошмоқдан ҳазар қилдурадур.

Одамлардан кўрқуб, Оллоҳ таолонинг хукмларини бажо қилмай, бўйунтовлиқ қилмоқдан зиёда ақлсизлик бўлмас. Чунки инсон ўзи Оллоҳ таолонинг назари остида бўлуб, ҳамма қилғон амаллари саноқ остидадур.

Бу дунёда бўладурғон иш зиёда бўлса ўлдурмак бўладур. Бир бор ўлгандан кейин дунёдан кутулуб, Оллоҳ таоло ҳузурига ҳозир бўлур. Оллоҳ таолодан кўрқмай ўз ҳаддидан ошқон, бўйунтовлиқ қилғонларнинг ҳақларида бўладурғон муомала тугамайдурган, куйдурмакда давом этадурган азоб бўлуб, ҳар бир вақт ўчадурган бўлса, яна уни тезлаб туруладур().

Инсон ўзидан ғойиб нарсани бирор хабар бермагунча билмайдур. Оллоҳ таоло ҳамма нарсани билиб турадур. Унинг узасига «киромун котибийн» отлиқ фаришталар-да ёзиб турадурлар. «Қилмадим», деб инкор қилиб кетмақда йўқдур().

Ундоғ бўлса, бўйунтовлиқ томонига қадам кўймоқ шайтоннинг сиртмоғига илинмақдур. Оллоҳ таоло ҳузурига ҳозир бўлғондаги узрлар ўрун унмайдур.

«Оллоҳ таолони яхши кўраман», деб даъво қилғон кишига ўзини бўйунтовлиқ томонидан узоқ тутуб, Оллоҳ таолони норози қилмоқдан ўзини сакласун. Бўйунтовлиқ қилиб туруб Оллоҳ таолони яхши кўрмакни даъво қилмоқ ўзини олдамоқдур. Билар билмасдан бирор гуноҳ вужудға келиб қолса, тезлик бирла надомат ва тавба қилиб ўзини ул гуноҳдан сугуруб олиб, қайтиб қилмасликни ўзига жазм қилиб, ўзини маломат қилсун. Охиратда бўладурғон азоб ўчмас ўт эканлигини хаёлига келтуруб, қилғон ишига афсус қилсун. Ўзини Оллоҳ таоло томонига ташласун!

Бу хил қилмай яна бўйунтовлиқда давом эта берса, ул ўзи Оллоҳ таолонинг газабига қолғонлигининг аломатидур. Оллоҳ таоло паноҳ берсун.

.(')Исро сураси.۹۷ :

(‘)қол таоло: ﴿سُورَةُ الْحَدِيدِ: ۱۱۰﴾

Инобат деб Оллоҳ таолоға тоат бирла юз қилмоқ, тавба қилмоқ бирла яхши амал қилмоққа қараб югурмакни айтиладур.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Азоб келмай туруб, худойларингизга юз қилинглар! Ҳамма ёқларингиз бирла ўзларингизни Оллоҳ таолоға ташлангларки, азоб келиб колса, сўнгра сизлар ёрдам қилинмассизлар».

Бу ояти каримадан онглашиладурган нарса бандага ҳамма вақт Оллоҳ таолоға юз қилмоқ, ҳамма ёғи бирла ўзини Оллоҳ таолоға ташламоқ керакдур. Бирор вақт билар билмас бир гуноҳ қилиб қўйгон бўлса, тезлик бирла тавба қилиб - гуноҳдан қайтиб, надомат қилиб, қўли ёқасида бўлсун! Ўзини яхши амал қилмоққа буруб, яна қайтиб гуноҳ қилмаслиққа жазм қилиб олсун!

Бу хил қилмай, акс тариқада гуноҳга иртикоб этмакда давом эта берса, ул вақт Оллоҳ таолонинг азоби ундан узоқ эмас. Бир киши бўлсун ёки бир қавм бўлсун Оллоҳ таоло наздида баробардур.

Ояти каримада буюрадурки: ((. «Балки уларнинг қўнгулларини қилғон амаллари занглатиб қўйғондур». Ҳақиқатда улар худойларидан тўсулуб қолғондурлар.

Ва яна бошқа оядда буюруладурки: (). «Албатта Худойинг қараб, пойлаб тургувчидур».

Ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо шул оятнинг тафсирида айтибдурларки: Оллоҳ таоло ҳалойиқнинг қилғон амалларини кўруб билиб, сўзлаган сўзларини эшитиб турадур. Ҳар кимга ўз истихқоқига, қилмишига кўра жазо берадур. Оллоҳ таоло зулм қилмайдур.

(¹)Мутаффифийн сураси.¹⁴ :

(²)Фажр сураси.¹⁴ :

Истионат деб Оллоҳ таолодан мадад ва ёрдам талаб қилмоқни айтиладур. Бул ўзи Оллоҳ таолодан бошқадан жоиз эмас.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Ўзунгагина ибодат қиласиз, ўзунгдангина мадад талаб қиласиз». Шул оятда ибодат қилмоқ, мадад талаб қилмоқни Оллоҳ таолоға хос киладур.

Марфуъ ҳадисда: «Мадад талаб қилмоқчи бўлсанг, Оллоҳ таолодан тилагил», деб буюрадур.

Бу ёрдам талаб қилмоқ икки хилдур. улар зоҳирий ва маънавийдурлар.

Зоҳириси мана бу қопни қўллашиб қўй, менинг ишимга қарашиб бер, дейиладур. Бу хил ёрдам талаб қилмоқ бандалардан бўладур. Бу нарсалар Оллоҳ таолодан талаб қилинмайдур.

Маънавийси бўлса, ул Оллоҳ таолонинг ўзидан талаб қилинадур. Чунончи касалликдан шифо талаб қилмоқ, боласи йўқ бола тиламак, сувға ғарқ бўлмоқдан нажот тиламак, мусибатни қўттармакни тиламак, душмандан қутқазмоқни талаб қилмоқдек нарсалар Оллоҳ таолонинг ўзидангина тиланадур, бошқадан талаб қилмоқ жоиз эмасдур. Оллоҳ таолодан бошқанинг қудрати етмайдур.

Бу нарсаларни Оллоҳ таолодан бошқадан тиламак жоиз бўлмағони баробарида ширқдур. Бул ўзи шундан қайтиб тавба қилиб ўзини Ислом буюрган йўлиға солмай юра бермак бирла ундан кечилмайдур.

Чунончи ояти каримада: «Ўзунгга ибодат қиласиз, ўзунгдан мадад тилаймиз (дэнглар)», деб буюрадур. Бу оятни мағъули муқаддам қилмоғи бирла ибодат, истионатни Оллоҳ таолонинг ўзига маҳсус эканлигини билдурадур. Ҳадиси саҳиҳда: «Мадад тиласанг, Оллоҳ таолодан тилагил», деб буюрулубдур.

Ундоғ бўлса, бошқадан мадад тиламак сурай Фотиҳадаги оят бирла бу ҳадиси шарифга хилофдур. Ҳар бир ўзининг нафъ ва зарарига қодир бўлмағон кимсадан мадад тиламак, қўлламоғини тиламак уни Оллоҳ таолонинг даржасига қўттармакдур. «Хўжам, қўлланг», «Ё пирим қўлланг», ҳар бир турган, ўлтурғонда «Ё пирим», деб турмак, ўлтурмоқ, отға мингданда «Ё пирим», деб отға минмак тамом ширк бўлуб, ўзини бу хил нарсалардан сақламоқ лозим бўлуб, томури бирла кесиб ташламоқ керакдур.

Истиоза деб Оллоҳ таолоға илтижо этмак, Оллоҳ таолонинг душмани шайтоннинг тузоги - қопқони, вассасасидан паноҳ элтамакни айтиладур.

Чунончи Оллоҳ буюрадурки: «Эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, одамларнинг худоси, ҳақиқий подшоси, маъбуди бўлғон Оллоҳ таолоға инсонларнинг қалбларида вассаса қилғувчи, хит-хитлагучи Иблиснинг ёмонлигидан паноҳ элтаман. Ул вассаса қилғувчи, хит-хитлагучи жинлар бирла инсонлардан иборатдур, дегил».

Жинларни вассасаси, маълумдурки, инсонни ибодат, илм, ҳалол ва ҳаромни фарқ қилмоқдан вассаса қилиб тўсадур. Ёмон амални яхши қилиб қўрсатадур. «Худойинг кечургучидур, сенинг ибодатингга муҳтоҷ эмас, сендан ҳар қанча гуноҳ содир бўлса-да, тавба қилсанг кечиб юборадур», деб қўнлига маъқул қилиб, гуноҳ қилмоққа солиб қўйгай. Гуноҳ қилмай туруб гуноҳни енгил қилиб қўрсатиб, тавба қилмоқни узокқа суруб - унуттуруб, ёмон ишларни яхши қилиб қўрсатгай. Ул киши ўзининг ёмон амалларини яхши ҳисобламоққа тутунгай, ҳаттоки ўзини ҳақ узра деб билгай)).

Инсонлардан бўлғон шайтонларга келсак, уларнинг вассасалари ҳар хилдур. Улардан баъзилари ўз улфатлари бўлуб, бирга юруб, бирга туруб, ўзларининг ларига киргузуб оладурлар. Ўз улфатлари бўлғонлари учун улардан ажралиб қололмай, биргалашиб уларнинг қилғонларини қилиб, сўз ва йўлларида юруб биргалаша берадур. Охирда қалбиға доғ пайдо бўлуб кирланиб қорайиб қоладур-да, гуноҳни гуноҳ ҳисобламай қоладур.

Баъзилари ёш ўспурунларни олдаб, пул бериб улардан тилхат олиб, ул бечораларни боғлаб ўзиники қилиб оладур. Улар қарздор бўлуб қолғони учун у хабиснинг сўзидан чиқолмай қоладур. Қиладурғон гуноҳларида шариклашиб юраберадур. Шунинг бирла бузулуб кетадур. Бу хил шайтонлардан паноҳ элтадурган зот Оллоҳ таолонинг ўзидур.

Араб мушриклари бирор ерга борсалар, йўлда бирор жилғага тушсалар: «матн - мен шу жилғанинг эгасининг паноҳидаман», дер эдилар. Бу хил нарсаларни Ислом манъ қилди, ширқдан ҳисоблади. Чунки араблар жоҳилийятларида маънавий ишларда жинларнинг таъсирлари бордур, деб эътиқод килур эдилар.

Чунончи ал-Жин сурасида буюрадурки: (). «Инсонлардан баъзи кимсалар жинларга сигинар эдилар. Бу феъллари бирла жинларни ўз ҳадларидан ошириб юбордилар».

Демак, араб мушрикларининг бу эътиқодлари жинларнинг ўз ҳадларидан турмасликларига сабаб бўлди. Оллоҳ таоло бандалари учун хуш кўрган дини Исломни юборгандурки, унда бу ишларни ширки маҳз ҳисоблагандур. Оллоҳ таолодан бошқа кимса паноҳ бермакга қодир эмаслигини билдурди. Мусулмонлар шу хил эътиқод қилсалар, мушриклар қаторлариға кўшулуб қолурлар. Бу иш ўзи Ислом йўлиға хилофдур, деб мусулмонларнинг кўнгулларига ўрнатти.

Ҳакиқатда мусулмонлар Оллоҳ таолодан бошқага ёлвормайдурлар. Оллоҳ таолодан бошқадан қўркмайдурлар. Бошқадан мадад тиламайдурлар. Бошқаларга ўз бошларига етган бало ва мусибатлардан шикоят қилиб, ундан кутқазмоқни улардан тиламайдурлар. Бошқаларга эланмақдан сақланадурлар. Бошқалар қўлларидан у хил нарсалар келмайдур деб, Оллоҳ таолонинг ўзига ёлворадурлар, Оллоҳ таолодангина тилайдурлар.

Истигоса деб боши қотғон вақтда маңнавий ишларда Оллоҳ таолоға ёлвориб туруб ҳожатини раво құлмоқни тиламакни айтиладур. Оллоҳ таолодан бошқадан бу хил нарсаларни ёлвориб туруб тиламак жоиз бўлмай, ширкдур.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Ёд қилинглар ул кунники, Оллоҳ таолоға ёлвориб туруб ўзларингизга ёрдам тилар эдингизлар. Оллоҳ таоло сизларнинг дуоларингизни қабул қилиб, бир бирларига мингашган, учқашқан ҳолда минг фаришта юбориб, сизларга мадад қилурман, деб ваъда қилди».

Бу нарсаларни Оллоҳ таолодан бошқадан тиламак жоиз эмас, балки ширкдур. Чунончи баъзилар айтурларки: «матн - эй Favc, Оллоҳ таолонинг ҳукми бирла менинг додимға етинг». Мана бул нарсада «Оллоҳ таолонинг изни, ҳукми бирла», десада ширкдур. Ҳаммадан якин бўлғон Оллоҳ таолони қўюб, ўшал «Ё Favc», деб хитоб қилғон кишиси нечи минг келуметра узоқлик ерда мадфун бўлуб, дунё бирла алоқаси узулуб кетгандур. Сўнгра банданинг қудратида бўлмағон нарсани ўлукдан эмас, тириқдан талаб қилмоқ жоиз эмас. Қудратида бор деб даъво қилмоқ юқорида ўқуб ўтган оятимизга() хилофдор.

Ояти каримада: ((. «Жинлар бирла инсонларни ўзумга ибодат қилсунлар, дебгина яраттим», деб буюрадур.

Банда бандадур, Оллоҳ таолоға ибодат қиласадур, [бандага]) ибодат қилинмайдур.

Шунинг учун ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам машруъ қилғон тариқадагина Оллоҳ таолоға ибодат қилмоқ, Оллоҳ таолонинг ўзидан бошқаға ибодат қилмаслиқ керакдур. Бандани ўз ҳаддидан ошириб маъбудлик даржасига қўттармак жоиз бўлмай, Ислом динида ширк ҳисобланадур.

Инсоннинг бошига бир қаттиқ кун, мусибат, балодек нарсалар келса, уни даф қилмоқни талаб қилмоқни «истигоса» дейиладур. Буларни қайтариб юбормоқ, қўттармакни «ифоса» дейиладур. Ифоса деб додға етмайдур. Ёлворғучини «мустағийс» дейиладур.

Бу хил мусибат ва бало, қаттиқ кунни қўттаргучи Оллоҳ таолонинг ўзидур. Бошқалар Оллоҳ таолонинг маҳлуқлари бўлуб, уларда бу хил қудрат ўйқдур. Маҳлуқлар Оллоҳ таолоға муҳтоҷ бўлуб, тилакларини Оллоҳ таолодан тилайдурлар().

Ундоғ бўлса, Оллоҳ таолоға муҳтоҷ бўлган банда - ғайруллоҳфа, эшон бўлсун, тўрам бўлсун, ёлвориб, улардан ҳожатларини тиламакнинг жоиз эмаслиги ўзи турган ишдур.

Бул ўзи икки суратдадур:

Бири шулки, бирор бир бандани валий деб ихлос қиласадурда, ундан ўз ҳожатини тилайдур, унға бўйсиниқлик - хузуъ ва хушуъ бирла пеш келадур. Ул эътиқод қилингучи унинг шул ишларига рози бўладур. Бу эътиқод қилғувчи бирла эътиқод қилингучи баробар дўзахқа кетадурлар.

Яна бири шул эътиқод қилғувчининг қилғон ишларига ул эътиқод қилингучи рози бўлмайдур. Ул вақт эътиқод қилғувчининг ўзигина кетадур. Қиёмат куни икковлари бир-бирларидан безор бўлурлар().

Ва яна ояти каримада буюрадурки: ().

«Оллоҳ таоло бир инсонга китоб, ҳукм, пайғамбарлик берганидан кейин одамларға: «Оллоҳ таолони қўюб, менга ибодат қилинглар», демаги жоиз эмасдур. Ва лекин: «Китобни одамларга ўргатиб, мудораса қилиб юрганлиқларингиз учун ҳаққоний бўлунглар», (демаги

(^۱)Анфол сураси.^۱ :

(^۲)Зориёт сураси.^{۵۷} :

(^۳)жумла ушбу катта قۇرسايدагى بورани تاڭوزوپا دى) .мусаххих.(

(^۴)Исрө сураси.^{۵۷-۵۶} :

(^۵)Бақара сураси.^{۱۶۷-۱۶۶} :

(^۶)Оли Имрон сураси.^{۸۰-۷۹} :

лозимдур). Фаришталар, пайғамбарларни маъбуд тутуб олинглар, деб буюрмайди. Сизларни мусулмон бўлғонларингиздан кейин куфрга буюур эдиларми?!».

Демак, ўз даражалари - бандалиқдан кўтариб пайғамбарларга ибодат қилмоқ жоиз бўлмағонидан кейин, умматларидан бирор кимсага ёки жинга, дарахтга, саййидуно Ҳамзага илтижо қилмоқ, сифинмоқ жоиз бўлмай, ширкдур. Бул ўзи зоҳирдур.

Ҳасан Басрий айтибдурки: «Ҳеч бир инсонга инсонларни ўзига ибодат қилмоққа чақирмок жоиз эмасдур».

Ва яна бошқа бир оятда буюрадурки: ().

«Яхуд ва насоролар ўзларининг аҳбор ва руҳбонлари бирла ҳазрат Ийсо алайҳис-саломни Оллоҳ таолоға қўшуб маъбуд тутуб олғондурлар. Ҳолбуки биргина ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоққагина буюрулгандурлар. Оллоҳ таоло уларнинг ширкларидан покдур».

Хофиз Ибну Касийр шул оятнинг тафсирида айтадурки: имом Аҳмад муснадида, Тирмизий жомеида ривоят қилибдурларки: ҳазрат Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анхудан ривоятдур, айтибдур: Мен янги мусулмон бўлғонимда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шул оятни ўкудилар. Мен: «Ё расулаллоҳ, уларга ибодат қилмас эдилар», дедим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Нима учун ибодат қилмас эканлар?! Уламолари ҳаромни ҳалол қилдилар, ҳалолни ҳаром қилдилар, улар буларнинг ҳалол ва ҳаром қилғонларида уларга эргаштилар. Шул ўзи ибодат қилмоқдур», дедилар.

Руҳбонлар ва аҳборлар насоро ва яхудларни тойғинлиққа чақирадурғонларидек жоҳил шайхлар, олим сурат жоҳилларда шул ҳазрат Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анху ривоят қилғон ҳадисдаги хукмга доҳилдурлар.

Пайғамбарлар, пайғамбарлар йўлларида юрган уламолар Оллоҳ таоло буюрган нарсага буюрадурлар. Пайғамбарлар ўз узаларидағи таблийғ, пайғамбарлиқларини, Оллоҳ таоло буюрган аҳкомларини ҳалққа еткузмақда вазифаларини ҳаққи бирла адо қилдилар. Ўз вазифаларини адо қилғонлиқлариға Оллоҳ таолони шоҳид қилдилар. Ҳалққа насиҳат, ваъзлар айтиб, Оллоҳ таолонинг бандалари учун хуш кўрган дини Исломни қойим қилдилар.

Уларга эргашган дин уламолари пайғамбарларнинг буларга қолдуруб кетган меросларига эга бўлуб, пайғамбарлари буюрган тариқада ҳалқни Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоққа чақиридилар. Динда ширк ва бидъатлар пайдо қилмоқдан қўрқуб, иршод-ваъзлар бирла ўз вазифаларини адо қилиб келдилар. Ҳар замонда бу хил одамлар мавжуд бўлуб, ҳақ сўзни айтмақда ҳеч бир қувватдан қўрқмадилар.

Улар ёмон аҳбор, ёмон руҳбонларга тойғинлиққа чақириғучи билимсиз йўлбошчиларга ўхшамайдурлар.

Бизнинг авом ҳалқни ўзларига ихлос қилдуруб, ўзларига сажда қилғондек бўлуб, таъзим қилмоқларини истайдургон олим сурат, иблис сийратлар ўшал ёмон аҳборлар бирла ёмон руҳбонларға кўшуладурлар.

Инсонлар ҳар қанча зўр муҳтарам бўлсунлар, улар инсон бўлуб, Оллоҳ таолонинг бандаларидурлар. Оллоҳ таолонинг наздида бандаларнинг катта-кичиклари йўқдур, ҳамма бандадурлар. Оллоҳ таолоға ибодат қиладурлар, Оллоҳ таолодан қўрқадурлар, Оллоҳ таолодан умид қиладурлар, тилайдурлар. Оллоҳ таолоға ёлворадурлар, Оллоҳ таолоға муҳтоҷдурлар.

Шунинг учун Оллоҳ таоло ҳамма бандаларини ўзигагина ибодат қилмоққа чақириб, пайғамбарлар кўндуруди. Уларга китоблар нозил қилди.

Пайғамбарлардурлар, фаришталардурлар, жинлардурлар, авлиёлардурлар, махлуқлардурлар Оллоҳ таолонинг бандалари - махлуқлари бўлуб, уларнинг маъбуд бўлмоққа ҳақлари йўқдур. Оллоҳ таоло буюргон тариқада - пайғамбардур, олимдур, амирдур - ўз истиҳқоқлариға кўра итоат қилинадурлар.

Оллоҳ таолонинг буюргидан тошқори ҳеч кимга тоат қилмоқ жоиз эмас. Ҳар ким биравни Оллоҳ таолонинг хукмига хилоф бир ишга чақирса, уни ул ўзига ибодат қилмоққа

(¹)Тавба сураси.^{۲۱} :

чакирғон бўладур. Ҳар ким шунга эргашса, ул унга ибодат қилғон бўладур. Бул ўзи куфр ва ширкдур.

Чунончи ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аҳбор ва рухбонлар ҳаромни халол қилдилар ёки ҳалолни ҳаром қилдилар, ҳалойиқ уларнинг бул ишларига эргаштилар. Мана шул ўзи ибодат қилғон бўладур», дедилар.

Бизларда ҳам шул тарикада улуғларга далилсиз эргашиб юруб, ўзларини шариатнинг хилофида топтилар. Шариатга хилоф илм маош пардаси остида бойлар, юрт катталарининг ихтиёр ва раъйларига қаратиб ҳукмлар қилдилар. Буларнинг бу хил ҳукмларига эргашмақдек нарсалар оз-моз бўлмади. Ўзларининг фикр ва хаёлларига хилоф бўлгон нарсаларни далилсиз ҳаром деб ҳукм қилдилар, унға иртиқоб этканларни кофирлар деб ҳукм қилдилар.

Унинг узасига уламолар, эшонлар, саййидлар, тўраларнинг ҳар бир карагонларида уларга таъзим юзасидан ўлтурғон ерларида кўтларини кўтариб «тақсир», деб қўймоқлари, ўзи ибодат қилмоқдур. Ўзларидан бир дарс илгари бўлғон кишини «пешқадам» деб, унинг хузурида ҳақ сўзни айтмак адабсизлик бўлур эди. Бул ўзида ибодат қилмоқдур.

Забх деб Оллоҳ таолонинг отини таъзим юзасидан айтиб туруб жондорни сўймоқни айтиладур. Оллоҳ таолодан бошқани отини таъзим юзасидан айтиб туруб жондорни сўйса, ҳаром бўлуб қоладур. Бу феъл ўзи ширқдур, сўйғон киши мушрик бўлғай.

Чунончи ояти каримада Оллоҳ таоло буюрадурки: «Мусулмон бўлсангизлар, Оллоҳ таолонинг отини айтиб туруб сўюлғон нарсани енглар. Оллоҳ таолонинг отини айтиб туруб сўюлмағон нарсани еманглар. Албатта ул ўзи фисқдур. Албатта шайтонлар ўзларига қарашлиқларини сизлар бирла жанжал қилмоққа буюрадурлар - Оллоҳ таоло ҳаром қилган нарсани емакка буюрадурлар. Сизлар уларга итоат қилисангизлар, мушрик бўлуб колурсизлар!».

«Айтгил, эй Мұхаммад соллаллоҳу алайхи васаллам: Албатта менинг намозим, қурбоним, ибодатим, тириклигим, ўлумим тамом оламнинг худоси бўлғон Оллоҳ таоло учундур. Унинг ҳеч шарики йўқдур. Шундоғ қилмоққа буюрулгандурман. Мен энг аввалги бўйунсунгандурман!».

Ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Оллоҳ таолодан бошқанинг отини айтиб сўйғонни лаънат қилсун. Оллоҳ таоло бидъатчига жой берганни лаънат қилсун. Оллоҳ таоло отонасини лаънат қилғонни лаънат қилсун. Ернинг чегарадаги аломатини - хумини бузиб жилдирғанни Худо лаънат қилсун». Бу ҳадисни имом Аҳмад, Муслим, Насорий муснад, сахих ва сунанларида келтурубдурлар.

Оллоҳ таолодан бошқани отини айтиб туруб жондор сўймоқнинг маъноси таъзим қилмоқдур. Бундан мурод Оллоҳ таолодан бошқанинг таъзими учун « , Оллоҳ акбар», деб сўйсада, ул жондор ҳаром бўлур дебдурлар.

Чунончи Иброҳим ал-Марвазий айтибдур: подшоҳ келганда унинг эҳтироми учун сўюлғон тuya, мол, қўйлар тўғриларида Бухоро уламолари ҳаромдур деб фатво берибдурлар. Чунки бўл ўзи Оллоҳ таолодан бошқанинг таъзими учун сўюлғондур.

Уламолар, эшонлар келганларида сўюладурғон қўйни кўндаланг қилиб: «Тақсир, фотиҳа берсунлар», деб фотиҳа олиб сўнгра сўюладур. Мана булда шул йўққорида Бухоро уламолари ҳаром деб фатво берган нарсаларига қўшулладур. Агар кўндаланг қилмай, индамай билдурмай сўюб меҳмондорчилигини қила берса, зарар бўлмас эди.

Ҳар ҳолда таъзим Оллоҳ таолоға хосдур. Бошқаларни ўз ҳадларидан ошириб таъзим қилмоқ ғулув бўлуб, Оллоҳ ва расули машруъ қилмағон йўлдур. Булар Оллоҳ таолодан бошқаға ибодат қилмоқдурлар.

Дин Оллоҳ таолоға ихлос бирла ибодат қилмоқ бўлуб, буюрукларини ерига еткузуб имтисол қилмоқ, манъ қилган нарсаларидан сақланмоқ, Оллоҳ таолонинг ўзидан қўрқмоқ, Оллоҳ таолодан умид қилмоқ, Оллоҳ таолонинг ўзидан тилакларини тиламакдур. Булар ҳаммаси ибодатдур. Оллоҳ ва расули буюрган, машруъ қилғон, кўрсатган тариқада ибодат қилмоқ мусулмоннинг лозим вазифасидур.

Аммо доҳон, азойимхонларнинг «фalon юлдузниң falon ерга етганида, куннинг саратон буржига етганида» ёки «муштариј юлдузниң соати falon соатдур, ўшал вақтда falon рангдаги қўйни сўйғил», деб буюрганликлари юлдузпараст, кунпаастлик бўлуб, шул юлдуз, кун, ой, муштаријни таъзим қилмоқдур. Бул ўзи ширки акбардантур.

Бахшиларнинг кўчурувлари, бу замондаги арабларнинг зерлари ва уларнинг қилғон қиликлари бутунлай Исломдан тошқори бўлуб, зўр ширқдур. Бу хил қилғувчиларни қаттиқ тариқада зажр қилиб, уларни яна қилмоққа қўймаслиқ керак.

Шуларнинг мозорларга бориб, кечалари тунаб, ошу сув қилиб, қўйлар сўюб, у ерда ийд қилиб одат қилмоқ, ҳазрат Шоҳи Мардон, султон Боёз - султон Боязид, йигит пири Эрчи, ҳазрат Айюб (ёлғондан Жалолободда), Ишхишибоб (ҳазрат Идрис ёлғон), тахти Сулаймон (Ўш, бу-да ёлғон), ҳазрат Юнус (бу-да ёлғондур), ҳазрат шоҳи подшоҳ, ҳазрат султонул орифийн - хўжа Аҳмад Яссавий мозорларига бориб тунаб келмак Оллоҳ таоло ва расули машруъ қилмағон тариқада ибодат қилмоқ бўлуб, жоиз эмасдур, ширкнинг кўрқувси бордур.

Шул жумладан ҳар йили Косон узасидаги Сапед палон ном мавзега бориб, ҳар йили Арафотда вуқуф қилғон ҳожилардек Арафа куни (Зул Ҳижжанинг тўққизинчисида) уч-тўрт

кунлик масофалик ердан келиб тоғқа чиқиб, уч чўққилик тоғчага бу ёқдан чиқиб, у ёғдан тушуб, бир ерда тўпланишиб, зикрлар қилиб, эру хотинлар минди-минди бўлуб тўпланишиб, хотунлар маҳрамсиз ўзлари пиёда бўлғон ҳолда келиб: «Яrim ҳаж қилдик», деб ул қишлоқдаги жумъа масжидда ийди қурбон намозини ўқуб қайтурлар. Бул ўзи Оллоҳ ва расули рози бўлмагон ишлардан бўлуб, ҳаждан тўсмоқ учун чиқарилғон куфрийётлардандур.

Бундан одамларни манъ қилиб тўсмоқ уламолар, амалдорларга лозимдурки, бу ишлардан қаттиқ тариқада халқни қайтариб, қабул қилмағонларни яхшигина зажр ва манъ қилсунлар. Ваъз қилмоқ, тушундурмак уламоларнинг вазифалари бўлуб, зажр қилмоқ хуккомларнинг вазифаларидур.

Мозорлардан файзу футухлар ҳосил қиласиз, деб бориб тунаб, таважжух қилмоқ мозорпарастлиқдур. Чунки мозорлар, қабрдаги солих бандаларнинг ихтиёrlарида ҳеч нарса йўқдур. Балки мозор соҳиблари зиёрат қилғувчиларнинг дуоларига муҳтождурлар. Садакаи нофилаларининг савобларига муҳтождурлар.

Файзу футухнинг ҳаммаси Оллоҳ таолонинг ихтиёридадур. Мозорларнинг шайхлари, ёлғон сўфиларнинг ҳар хил сўзлар тарқатиб халойиқни ҳар йил келмак учун қилмоқда бўлғон тарғибот ва ташвиқотлари дажжол ва шайтонлиқдурки, улар ўзлари нима килаётқанликларини билмайдурлар. Улар ҳаммалари шайтоннинг тузогига тушган мағурурлардурлар.

Бу хил мозорларга тўпланиб, унда зикр қилиб юрмакни одат қилғон эшонлар инсонларни йўлдан тойдургучи инсонлардан бўлғон шайтонлардурлар. Бу хил бидъатлар йўлларида халқни ибодат қилмоққа чақирмоқ шайтоннинг энг яхши тариқа деб билган йўлидур. Бул ўзи ширк бўлуб, ўзларини тортмоқ ва сақламоқлари лозимдур.

Назр деб бир нарса қилмоқни яна бир нарсанинг ҳосил бўлмоғига қаратиб, кўтармакни айтиладур. Чунончи бир киши: «Оллоҳ таоло мени шул балодан қутқазса» ёки «Оллоҳ таоло менга бола берса, мунча садака қилурман, мунча кун рўза тутурман», дейдур. Бул ўзи жоиз бўлуб, мунга вафо қилиб айтган сўзи, ёки кўтарган нарсасини ерига қўймоқ вожибдур. Бу назрни бизда кўтармак дейиладур.

Бунинг ўрнига: «fafon пайғамбар ёки фалон валий менга нажот берса, ёки бола берса, мунча садака қилурман, ёки бунча кун рўза тутурман», дейдур. Бул жоиз бўлмай, ширк бўлур. Шундог деб назр қилғувчи - кўтаргучи мушрик бўлуб, диндан чиқиб қолур.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Қилғон назрларига вафо қилурлар, ёмонлиги зохир ва ошкор бўлғон кундан қўрқадурлар»() .

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «Ҳар ким Оллоҳ таолога итоат қилмоқ учун назр қилғон бўлса, ул назрини жойига қўюб вафо қилсун. Оллоҳ таолога бўйунтовлиқ қилмоқ учун назр қилғон бўлса, бўйунтовлиқ қилмасун». Бу ҳадисни Бухорий сахихида, имом Аҳмад муснадида, Абу Довуд, Тирмизий, Насойи, Ибн Можа суннанларида келтурубдурлар, ҳадис сахихдур.

Бу назр тоат ва ибодат, ширк ва маъсият бўлуб, икки навъдурлар:

Тоат ва ибодат бўлғон қасамиға вафо қилиб ерига еткузмак лозим ва вожибдур.

Ширк ва маъсият бўлғон қисмидан ижтиnob қилмоқ - ўзини сақламоқ лозимдур. Бу қисм бўлса, ул ҳаром ва ширк бўлуб, унга вафо қилмоқ яна ҳаром ва ширкдур.

Тоат ва ибодат бўлғон назрнинг мисоли: «Оллоҳ таоло менга шул балодан нажот берса, мунча садака қилурман, ёки бунча кун рўза тутурман», дейдур.

Ширк ва маъсият бўлғон назрнинг мисоли ул очик майдондадур. Чунки Оллоҳ таолодан бошқа ким бўлса бўлсун, тирик бўлсун, ёки ўлган бўлсун уларнинг қўлларидан нажот бермак, бола бермақ, додига етмак келмайдур. Бу назр ўзи ширкдур. Оллоҳ ва расули кўрсатган тариқадан бошқа тариқада Оллоҳ таолога ибодат қилмоқда йўл тутмак жоиз эмасдур. Пайғамбар бўлсун, валий бўлсун, улар тириклиқ замонларида дуо қилурлар, дуолари мустажоб бўлур. Бундан бошқа нарса уларнинг қўлларидан келмас. Бошқа нарса қўлларидан келадур, деб даъво қилмоқ далилсиз бўлуб, ширкдур. ояти қатъийя, суннати мутавотираға хилофдур. суннати сахийҳа оҳод бўлғон вақтда ҳам унга хилоф қилмоқ жоиз эмас. Суннати сахийҳа бўлмағон тақдирда, ул феъл суннати сахийҳада бўлмағони учун ғайри машруъ бўлуб, бидъат бўлур.

Қосим ибн Қутлубго ал-Ханафий « »нинг шарҳида айтибдурки: авоммун-носнинг кўплари баъзи солиҳ бандаларнинг қабрлариға келиб: «Эй фалони, агар Оллоҳ таоло менинг ҳожатимни берса, ёки қасалимга шифо берса, ёки ғойибимни ҳозир қилиб берса, сизга ўн бир танга, етти танга кумуш, ёки етти олтун, ёки ўн бир олтун берадурман», деса, «Ёки ўн бир нон, ёки етти нон, ёки чироғ назрим бор», деса, бу назр бутун уламоларнинг иттифоқлари бирла ботилдур. Чунки назр ибодатдур. Махлуққа ибодат қилмоқ жоиз эмас, куфрдур.

Ва яна назр ўлукга бўлуб, мулкни ўлукга сабит қиласурдур. Ўлук бирор нарсага эга бўйламайдур.

Ҳамда ўлук тасарруф қиласурдур демак бўлуб, бул ўзи куфрдур.

Агар буни билсанг, ул назр учун келган шамъ, чироғ ёғлари, нон, ёғлар, гурунчларки валийларнинг мозорларига келтурадурлар, бунинг бирла тақарруб ҳосил қилмоқ бўладурлар. Бул ўзи Ислом уламоларнинг иттифоқлари бирла ҳаромдур. Бундан егучилар, одамларнинг молларини ботил тариқада ейдурган ҳаромхўрлар бўлурлар. Бул сўзни Ибн Нужайм «

« да, Муршидий ўзининг « » ном китобида келтурублар.

Муршидий яна қўшумча қилиб айтибдурки: Бу замонда хусусан саййид Аҳмад Бадавийнинг қабриға келиб назрлар қилмоққа кўп одам мубталодурлар.

(¹)Инсон сураси.^у :

Сунъуллоҳ ал-Ҳанафий айтибдурки: Бу назр Оллоҳ таолодан бошқанинг отига бўлуб, ботилдур. Оллоҳ таолодан бошқаға назр қилмоқ - кўтармак жоиз бўлмай, ширкгинадур.

Юқкорида айтиб ўтулдики, мозорларға бориб, файзу футух ҳосил қилмоқ учун тунамак жоиз эмас. Бул ўзи Оллоҳ таолодан бошқадан файз тиламакдур, хусусан ўлуклар ҳеч нарсага қодир эмасдурлар.

Ояти каримада буюрадур: ().

«Оллоҳ таолодан бошқадан дуо қилиб бирор нарса тилайдурлар, ҳолбуки улар бирор нарсани ҳалқ қилолмайдурлар, ўзлари ҳалқ бўладурлар. Улар ўлуклар бўлуб, тирик эмасдурлар. Қачон тирилур эканликларинида билмайдурлар».

Демак, ўлуклар тирикларга фойда ва зарар еткузолмайдурлар, ожиздурлар. Бировга нафъ ва зарар еткузмақдан ожиз бўлғон зотларнинг қабрлариға бориб ҳадиялар бериб, файзу футух ҳосил қилмоқчи бўлғонлар нучук кишилардурлар?! Бу ишлари не қадар қабих ишдур! Зоҳир бўлуб ширкдур!

Қабрларга чироғ ёқмоқ, шамъ ёқмоқ, лупчик() ўраб чироғ қўймоқ ўтпастлик бўлуб, ўтни таъзим қилмоқ бўлуб, куфр ва ширкдур. Исломдан илгари замондан қолғон ўтпастликдур. Бу нарсалардан қаттиқ даражада ҳалойиқни манъ қилмоқ лозимдур. Бу нарсалар Исломдан эмас, куфрдур.

Ислом бизнинг дин ва дунёмизда лозим бўлғон нарсаларни қўймай баён қилиб, юрадурган йўлумизни чизиб бергандур. Ислом кўрсатиб берган тариқадан бошқа йўл или Оллоҳ таолоға ибодат қилмоқ ширк бўлуб, тойфинликнинг ўзидур. Ундан Оллоҳ таоло сақласун, кўзимизни очайлик.

(^۱)Нахл сураси.۲۱-۲۰ :

(^۲)لупчик پخته اور الگن چوپ. (ga - اوچي) مسахخیخ.

Ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоқнинг шартлари бордур. Улда ибодатни ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзига қилиб, ибодатда ширкдан сақланмоқ, Оллоҳ таолони шариқдан покламакдур.

Чунки ибодатга ширк оролашиб қолса, ибодатни бузуб амални кув қилиб ташлағайды, ибодатликдан чиқарып күйгай. Ибодатда ширкни аралаштурууб күйгучи хамиша дўзахда қолгай.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Ширк келтургучиларнинг ҳамма амаллари бекор бўлуб кетгай».

Ундоғ бўлса, сенинг ўзунгга энг зиёда лозим бўлғон нарса ширкларни яхши билиб, улардан сақланмоқ лозимдур. Оллоҳ таоло сени шул ширкнинг қопқонидан кутқазиб қўйсун!

Ва яна бир ояти каримада буюрадурки: «Албатта Оллоҳ таоло ширк келтурганни мағфират қилмағай. Ширкдан бошқасини Оллоҳ таоло хоҳлағанига мағфират қилғай».

Ул ширкларни билмакнинг муқаррар беш қоидалари бордурки, Оллоҳ таоло уларни ояти карималарда баён қилиб бергандур.

Хазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам динга кирмакни қабул қилмағон коғирларга қарши уруш құлдилар. Улар Оллоҳ таолонинг ўзи яратқувчи, рўзи бергувчи, ҳамма ишларни Оллоҳ таолонинг ўзи идора қиласур, деб икрор килур эдилар. Шундоғ бўлсада, уларни бу икрорлари мусулмонлардан ҳисобланмоққа ахил қилмади, балки коғир хисобландилар.

Чунончи Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадур: «Айтгил, эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, осмон ва ердан сизларга ким рўзи берадур? Эшитмақ, кўрмакнинг эгаси кимдур? Тирикни ўлукдан ким чиқарадур? Ўлукни тирикдан ким чиқарадур? Бутун борликни ким идора қиласур? Улар: «Буларни ҳаммаларини Оллоҳ таолонинг ўзи қиласур», дегайлар. Уларға: «Ундоғ бўлса, бошқаларни (ибодат қилмоқда) Оллоҳ таолога шарик қилмоқда Оллоҳ таолодан қўрқмайдурсизларми?!», дегил».

Ва яна бошқа оятда буюрадурки: ().

«Оллоҳ таолога шунинг учун шариклар исбот қилмоқдадурларми, ул шариклари Оллоҳ таоло яратқан маҳлуқлардек маҳлуқлар яратқан бўлуб, Оллоҳ таоло яратқан маҳлуқларга аралашиб, ажратиб бўлмайдургон бўлуб қолғондурми?! Айтгилки, "Бутун маҳлуқотни Оллоҳ таолонинг ўзигина яратқан бўлуб, бутун мавжудотлар Оллоҳ таолонинг ҳукми остида бўлуб, қўлларидан ҳеч нарса келмайдур"».

Демак, яратқувчи, рўзи бергувчи, бутун дунёда бор нарсаларни тутуб тургувчи - идора қилғувчи Оллоҳ таолонинг ўзидур. Ҳамма маҳлуқот Оллоҳ таоло идораси ва тарбияси остида бўлуб, маҳлуқдурлар, қўлларидан ҳеч нарса келмайдур. Уларни Оллоҳ таолога шарик қилмоқ, ёки Оллоҳ таолони қўюб уларға ибодат қилмоқ куфр ва ширқ эканлиги очик майдондадур.

Чунки бандалар ҳар қанча тоат ва ибодат қилиб Оллоҳ таолога яқинлиқ ҳосил қилғон бўлсаларда, бандадурлар(). Оллоҳ таолога ибодат қиласурлар, тилакларини Оллоҳ таолодан тилайдурлар, ўз ҳожатларини Оллоҳ таолога ёлвориб раво қилмоғини истайдурлар. Ундоғ киши ўзининг ибодати, салоҳи бирла баъзи нарсаларни идора қилмоққа қодир бўлуб қолмайдур. Балки ўзининг ожиз бандалигида давом этгай. Бунға валий бўлсун, пайғамбар бўлсун, Оллоҳ таолога маҳсус бўлғон нарсаларни ҳосил қилмоқ даржасига етолмагай.

Балони қайтармоқ, тадбири умурга мудохала қилмоқ, уларнинг ҳадларидан юқориудур. Бандага ўз ҳаддини билиб юрмаги лозимдур. Кўр-кўраки бандаларни ўз ҳадларидан кўтариб, маъбудлик даржасига еткузуб қўймасун. Озгина нарса бирла билмай ўзини Исломдан чиқариб қўймасун.

Ояти каримада буюрадурки: ().

«Айтгил, эй Мұхаммад, сизларга амал юзасидан охиратда зарар тортқучилар нучук одамлардурлар, хабар берайликми? Улар шундоғ одамлардурларки, уларнинг бу дунёда қилғон амаллари бекорга кетган бўлғай. Улар ўзларини яхши амаллар қилмоқдамиз, деб ҳисоблар эдилар».

().

«Улар шундоғ кишилардурларки, худойларининг оятларига, худойлари бирла кўрушмакка коғир бўлуб эдилар. Уларнинг ҳамма амаллари кув бўлиб, бекорга кетти. Уларнинг қиёмат кунида эътиборларини тушуруб қўйгаймиз».

Ва яна бир ояти каримада буюрадурки: ((. «Улар ширқ келтурсалар эди, ҳамма амаллари

(^۱)Раъд сураси.^{۱۷} :

(^۲)Исрө сураси.^{۵۷} :

(^۳)Каҳф сураси.^{۱۰-۱۰۳} :

(^۴)Каҳф сураси.^{۱۰} :

(^۵)Анъом сураси.^{۸۸} :

кув бўлиб, бекорга кетгай эди».

Мана бу оятларда: ул пайғамбарлар биз тўғри йўлга солғон зотлардурлар. Агар улар ўз йўлларида юрмай, ширк йўлига юриб кетганларида эди, уларнингда амаллари бекор бўлиб кетгай эди. Ва лекин улар ўз ҳадларида юрадурган зотлардурлар. Одамларни ширқдан қайтармоқ учун кўндурулган зотлар бўлуб, улар ширк ва аҳлидан безордурлар.

Кофиirlар ўзларининг ботил маъбуллари тўғриларида айтурларки: бизлар уларга Оллоҳ таолоға яқинлик ҳосил қилмоқ, Оллоҳ таоло ҳузурида қиёмат куни бизларни шафоат килсунлар, дебгина ибодат қилурмиз.

Чунончи Оллоҳ таоло уларнинг тилларидан ҳикоят қилиб буюрадур: «Улар: «Бизлар уларга Оллоҳ таолоға қурбат - яқинлик ҳосил қилмоқ учунгина ибодат қилурмиз», дейдурлар. Оллоҳ таоло ўзи уларнинг қилиб юрмакда бўлғон нарсаларида файсала қилур. Оллоҳ таоло ул ёлғончилар, ҳаддан ошқон кофиirlарни тўғри йўлға солмайдур»().

«Оллоҳ таолодан бошқа зарар ва нафълари тегмайдурган нарсаларга ибодат қиладурлар. Ул маъбулларини Оллоҳ таоло ҳузурида шафоат қиладурлар, дейдурлар. Уларға айтгилки, осмонлар бирла ерда Оллоҳ таоло илмида бўлмағон нарсаларни Оллоҳ таолоға билдурмакчи бўласизларми?! Оллоҳ таоло уларнинг шарик бўлмоқларидан покдур»().

«Оллоҳ таоло ҳузурида тўпланиб, ҳисоб бермакдан қўрқуб юрганларни Қуръонни ўкуб, эшииттуруб қўрқутқил. Улар учун Оллоҳ таолодан бошқа дўст, меҳрибон бўлмағай»().

«Оллоҳ таолодан бошқа ўzlари учун ботил маъбулларини ўzlари учун Оллоҳ таоло ҳузурида шафоат қиладурғон тутуб олдиларми?! «Улар ҳеч нарсага эга эмас, ҳеч нарсани билмайдурлар эмасми?!», дегил. «Ҳамма шафоат Оллоҳ таолонинг ўзига маҳсусдур», дегил»().

«Оллоҳ таолодан бошқа улар ибодат қилиб юрган маъбуллари нима учун уларға кўмак қилмайдурлар?! Балки улар ўzlари Оллоҳдан бошқа уйдуруб олғон маъбуллари улардан адашиб қолғондурлар, (деб қиёмат куни айтиладур)»().

«Оллоҳ таоло ҳар кимнинг ҳаққида шафоат қилмоғи учун рози бўлғон бўлсагина улар ҳақларида шафоат қиладурлар. Улар Оллоҳ таолодан қўрқканларидан қалтирайдурлар»().

«Оллоҳ таолонинг хукмидан тошқори шафоат қиладурғон кимса йўқдур»().

«Осмонларда кўп фаришталар бордурларки, Оллоҳ таоло ҳукм бериб рози бўлмоғунча шафоатлари фойда бермагай»().

«Оллоҳ таолонинг наздидаги шафоат Оллоҳ таоло ижозат берган кишилар ҳақларидағина фойда бергай»().

-
- ([’])Зумар сураси.^۴ :
- ([’])Юнус сураси.^{۱۸} :
- ([’])Анъом сураси.^{۵۱} :
- (^۲)Зумар сураси.^{۴۴-۴۳} :
- (^۰)Ахқоф сураси.^{۲۸} :
- (^۱)Анбиё сураси.^{۲۸} :
- (^۲)Бакара сураси.^{۲۵۰} :
- (^۳)Ван-нажм сураси.^{۲۶} :
- (^۴)Сабаъ сураси.^{۲۳} :

Албатта шафоат икки хил бўлуб, шафоати манфийя ва шафоати мусбатадурлар.

Шафоати манфийя бўлса, ул ўзи Оллоҳ таолодан бошқа кимсанинг кучи етмайдурган нарсаларни Оллоҳ таолодан бошқадан тиланадур. Ёки Оллоҳ таоло рози бўлмайдурғон нарсаларни тиланадур.

Чунончи Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадур: «Эй иймонлик бандалар! Олди сотти йўқ, дўстлик йўқ, сипориш қилиб орага киргучи бўлмағон кун келмай туруб, сизларга бизнинг бериб қўйғон нарсаларимиздан Оллоҳ йўлида сарф қилинглар. Кофирларгина золимдурлар»().

Шафоати мусбата бўлса, ул ўзи Оллоҳ таоло рози бўлғон кишилар ҳакларида Оллоҳ таоло ижозат берганидан кейин бўлур. Шафоат қилғувчи шафоати қабул бўлмоқ бирла мукаррам бўлур. Бу шафоат ўзи саккиз хилдур:

1 - шафоати кубро - улуғ шафоат бўлуб, ҳалойик ўрталарида файсала қилинмоқ учун қилинадурғон шафоатдур. Бу шафоат ўзи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хосдур. Чунончи сахих ҳадисларда ворид бўлғондур: «Халойик маҳшаргоҳнинг қийинлиғидан кўркуб, бу ҳолатдан қутулдурмоқ учун шафоат қилмоқларини талаб қилиб ҳазрат Одам, ҳазрат Нуҳ, ҳазрат Иброҳим, ҳазрат Мусо, ва ҳазрат Ийсо алайҳимус-салом хузурлариға бирин-бирин бориб, илтимос қилурлар. Ҳар қайсилари ўз узрларини айтиб, ўзларидан кейингилариға ҳавола қилурлар. Ҳаттоқи ҳазрат Мухаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурлариға келишиб, шафоат қилмоқларини талаб қилурлар. Ул вақт ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам арш остиға бориб, ўзларини саждага ташлағай, саждада ҳеч билмаган, хаёллариға келмаган ажиб ҳамду санолар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға илҳом бўлғай. Сўнгра хитоб бўлғайки: эй Мухаммад, бошингни кўтар, тилагингни тила, тилагинг тамом берилгай! Шафоат қил, шафоатинг қабул бўлғай!». Ул вақт ҳалойик ўрталарида файсала қилинмоқни тилагайлар, тилаклари қабул бўлғай.

2 - савоблари бирла гуноҳлари teng келган тоифанинг ҳақларидағи шафоатларидурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари бирла жаннатга киргайлар.

3 - дўзахқа кирмакга хукм бўлғонлар ҳақларида бўладурғон шафоатларидурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари бирла дўзахқа кирмакдан қутулуб, жаннатга киурлар.

4 - жаннатга кирганлар ҳақларида бўладурғон шафоатдурки, бул шафоат бирла ўз даражаларидан юкорига кўтариулурлар().

5 - жаннатга хисоб сиз кирмак учун бўладурғон шафоатдур, бул ўзи ҳазрат Аккоша ибн Михсан ал-Асадий розияллоҳу анхунинг ҳақларида бўлғон шафоатдекдур.

6 - азобга мустаҳиқ бўлғонлар ҳақларидағи шафоатларидурки, унинг сабабидан азоб енгиллатилур.

7 - ҳамма мусулмонларнинг жаннатга кирмаклари учун бўладурғон шафоатдур.

8 - гуноҳи кабираға иртиқоб этиб, тавбасиз ўлганлар ҳақларида бўладурғон шафоатдур.

Бу кейинги ва тўртунчи шафоатга ҳамма пайғамбарлар, фаришталар, уламолар, шаҳидлар, солиҳ бандалар қўшувлурлар.

Бу кейинги шафоат тўғрисида келган тавотурга етгандурлар.

Бу шафоат ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир-бир кетин тўрт бор вужудға келур. Ҳар борда Оллоҳ таоло томонидан бир ҳад қўюлуб берилур. Уларни чиқарилғонидан кейин яна бориб арш остида ўзларини саждага ташлағайлар. Яна қабул бўлуб ҳад қўюлуб берилур. Шундоғ қилиб тўрт борни тамом қилғонларидан кейин, Оллоҳ таоло шафоатсиз ўз фазл ва қарами бирла «ла илаҳа иллаллоҳ» (иймон)дан бошқа ҳеч яхши амали йўқларни дўзахдан чиқариб жаннатга киргузгай. Бу мазмун ўзи Муслимнинг

(¹)Бақара сураси.۲۰ :

(²)Раъд сураси .۲۳ :Фоғир сураси .۲۴ :Ван-нажм сураси.۲۱ :

саҳийҳида келган ҳадиснинг муҳтасар таржимасидур.

Ҳазрат Абу Саид розияллоҳу анҳудан саҳих Бухорийда келибдурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «Оллоҳ таоло буюргай: «Фаришталар, пайғамбарлар, мусулмонлар шафоат қилдилар. Эмди меҳрибонларнинг меҳрибонроғи қолди», деб дўзахдан бир қабза олиб, умрида иймондан бошқа ҳеч бир яхшилиқ қилмағонларни чикаргай».

Абу Яъло ўз муснадида ҳазрат Усмон розияллоҳу анҳу воситалари бирла ривоят қилибдурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн». «Қиёмат куни уч тоифа шафоат қилурлар: пайғамбарлар, сўнгра уламолар, сўнгра шаҳидлар», дебдурлар.

Бул аҳли суннат вал жамоанинг мазҳаблариидур. Булар гуноҳи кабира қилғонларга пайғамбарлар, уламолар, шаҳидлар ва шулардек зотларнинг шафоат қилмоқларини исбот қилибдурлар. Ва лекин булар ҳаммаси Оллоҳнинг ижозатига мавкуфдур.

Аммо пайғамбарлар, солиҳ бандаларни ораға солиб васила қилиб дуо қилмоқ тўғрисида бироз тафсил бордур. Чунки дуо қилғувчи: «Фалонийнинг ҳакки» деб, ул зотни ораға солиб, Оллоҳ таолодан илҳоҳ қилиб қистаб қасам бирла талаб қилурлар. Бул ўзи икки сабабдан жоиз эмас.

Бири шулки, Оллоҳ таолодан бошқанинг отига қасам бўладур. Оллоҳ таолодан бошқанинг отига қасам айтмак жоиз эмас.

Иккинчиси бирор киши учун Оллоҳ таолонинг зиммасига ҳақ собит қиладур. Оллоҳ таолодан бошқанинг отига қасам айтгани жоиз бўлмағонидек, Оллоҳ таолонинг зиммасида бирор кимсанинг ҳаққи йўқдур.

Ояти каримада буюрадурки: ().

«Бизнинг зиммамизга мусулмонларга нусрат бермак лозимдур».

Ва яна ҳадиси шарифда келибдурки: Намозга борғучи йўлда кетиб туруб айтадурган дуосининг баёнида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «матн». «Сендан шул намозға юруб боришим ҳаққида, ҳамда суол қилғувчиларнинг ҳақларида сўрайман». Бу ҳадисни имом Аҳмад муснадида ҳазрат Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилибдур.

Мана бул оят ва ҳадисда Оллоҳ таоло дуо қилғувчи мўмин бандаларнинг дуоларини қабул қилиб, талабларини бермакни ўзига лозим қилибдур. Тилагучиларнинг тилакларини берадур, дуо қилғувчиларнинг дуоларини қабул қиладур, ибодат қилғувчилар ибодатлари риёдан узок бўлса, қабул қилиб савоб берадур.

«матн» бирла «матн»нинг ўрталарида фарқ бор бўлуб, «матн» дуо қилиб тилагучиларга Оллоҳ таоло ўзи ваъда қилиб, қабул қилмоқни ўз зиммасига олғондур. «матн»да ул йўқдур. Чунки Оллоҳ таоло ўз пайғамбариға ваъда қилғон нарсасига бу дуо қилғувчининг даҳли йўқдур. Бунинг ўрнига: «пайғамбарингга иймон келтурганлигим учун менинг ҳожатимни право қилғил» деса, бул жоиздур. «матн - тилагучиларнинг ҳақларида» деса, «мен ўзум ул тилагучилардан дурман», деган бўладур.

Демак, солиҳ бандаларни ораға қўюб дуо қилмоқ-да шундоғдур. Ўзи солиҳ бандалардан бўлсунда дуо қилиб талаб қилсун.

Ҳазрат имом Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Мұхаммад ибнүл Ҳасан раҳимаҳумуллоҳ дуо қилғувчининг: «матн» - «фалони ҳаққида, пайғамбарларинг, дўстларинг ҳақларида, Байти ҳаром, Машъари ҳаром ҳақларида сендан тилайман», демагини макруҳ кўрубдурлар.

Баъзи вақтларда дуо қилғувчи: «матн» - «фалонийнинг сенинг наздингдаги эътибори сабабидан, ёки пайғамбарларинг, авлиёларинг бирла сенга тавассул қиласман», дейдур. Бундан мақсади сенинг наздингда обрўйлик шарофатликдур, хурмати бордур, шунинг учун менинг дуойимни қабул қилғил деган бўладур.

Бул ўзи гайри машруъ бўлуб, мамнуъдур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

(¹)Рум сураси. ғұл:

vasallamning замонларида саҳобаларнинг қилиб юрган дуолар, тавассуллари шундог бўлса эди, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин-да саҳобалар қилур эдилар. Балки ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидағи саҳобаларнинг тавассуллари ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан дуо талаб қилмоқлари эди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дуо қилур эдилар, саҳобалар: омийн, дейишур эди.

Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин ҳазрат Умар розияллоҳу анху ёмғур талаб қилмоқ тўғрисида айтиб қолдиларки: «матн». «Эй Худо! Ёмғур ёғмай қуруқчилик бўлуб қолса, пайғамбарингни васила қилиб дуо қилдуур эдик, ўзунг қабул қилиб ёмғур берур эдинг. Эмди пайғамбарингнинг амакиси ҳазрат Аббос розияллоҳу анхунинг васила қилиб дуо қилдуурмиз», дедилар.

Бундаги тавассулдан мурод дуо қилмоғини талаб қилмоқдур. Агар унинг ҳурмати бирла сендан ёмғур талаб қиласиз деган маъно мурод бўлса эди, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оллоҳ таоло хузуридаги эътиборлари ҳазрат Аббос розияллоҳу анхунинг эътиборларидан зиёда эканлигига шубҳа йўқдур. Ҳолбуки бу хилда дуо қилмоқ ворид бўлмабдур.

Агар дуо қилурда: «Сенинг пайғамбарингга иймон келтуруб эргашганлигим, унга муҳаббат қилғонлиғим, бошқа пайғамбарларингга иймон келтуруб тасдиқ қилғонлиғим учун шул тилагимни бергил», деса эди, мана бул ўзи дуо қилмоқнинг яхшиси, суннатда ворид бўлғонидур. Дуо ибодат қилмоқ бўлуб, суннатда ворид бўлғон тариқада бўлмоғи лозим бўлур, қабулға яқиндур.

Мушриклардан фаришталар, пайғамбарлар, авлиёлар, тошлар, дараҳтлар, кун, ойларға ибодат қиладурғонлар бор эдилар. Ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам булардан ҳеч қайсиларини ажратмай, фарқ қилмай уруш қилдилар.

Оллоҳ таоло буюрадурки: «Мушрикларга қарши ғитна бўлмайдурғон бўлғунча, дин Оллоҳ таолонинг дини - Ислом қоим бўлғунча уруш қилинглар»().

«Оллоҳ таолонинг ўзигина ёлғуз маъбуд эканлигига далолат қиладурғон оятларидан кеча, кундуз, кун, ойдурлар. Ундоғ бўлса, кун-ойларга сажда қилманглар, Оллоҳ таолонинг ўзига сажда қилингларки, кун, ойларни Оллоҳ таолонинг ўзи яратқандур»().

«Ҳамда сизларни, ҳеч бир пайғамбар, фаришталар, пайғамбарларни маъбуд тутуб олинглар, деб ҳеч бир пайғамбар буюрган эмасдур. Сизларни мусулмон бўлғонларингиздан кейин коғир бўймоққа буюрур эдиларми?!»().

«Ҳазрат Ийсо алайҳис-саломни Оллоҳ таолонинг ўзидур деб даъво қилғонлар албатта коғир бўлғондурлар. Ҳолбуки ҳазрат Ийсо алайҳис-салом: «Эй Бани Исроил! Менинг ва сизларнинг худойимиз бўлғон Оллоҳ таолоға ибодат қилинглар! Албатта сўз шулки ҳар ким ибодатда бошқани Оллоҳ таолоға шарик қилиб олса, албатта Оллоҳ таоло унға жаннатга кирмакни ҳаром қилғондур. Уларнинг борар жойлари жаҳаннамдур. Золимларға ёрдамчилар йўқдур», дедилар»().

«"Оллоҳ таолодан бошқа ибодат қилиб юрган ёлғон маъбудларингизни чакиринглар! Улар сизлардан очарчилик, қаҳатчиликни кўтаролмагайлар (очарчиликни тўқчиликка, қаҳатчиликни сероб, ёғингарчиликка айлантуролмагайлар)», дегил. Улар ибодат қилиб юрган кишилари ўзлари худойлариға қурбат ҳосил қилмоқ истайдурлар, раҳматидан умид қиласурлар, азобидан қўрқадурлар. Албатта Худойинг азоби қўрқуладурғондур»().

«Сизлар Лот бирла Уззони кўрдунгузларми? Учунчиси бўлғон Манотни кўрдунгизларми?»().

Ҳазрат Абу Воқид ал-Лайсий розияллоху анхудан ривоятдурки, айтибурлар: Бизлар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бирла Ҳунайн томонига бордиқ. Ҳолбуки бизлар эмдигина куфрни ташлаб Исломга кирган эдик. Мушрикларнинг сидра (дўлана) отлик бир дараҳтлари бор эдики, унинг атрофида қўр тўкуб ётур эдилар. Яроғларини унга осиб қўюр эдилар. Ул дараҳтни Зоти анвот атар эдилар. Бизлар: «Ё расулашо! Бизларгода буларнинг Зоти анвотларидек Зоти анвот қилиб беринг», дедик. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта сизлар Бани Исроил ҳазрат Мусо алайҳис-саломға: уларнинг бутларидек бут қилиб беринг, деганларидек дедингизлар». Бу сўзни қасам бирла айттилар. Бу ҳадисни имом Аҳмад муснадида Тирмизий, Насорий сунанларида, Абдураззок, Абу Бақр ибн Абий Шайба Мусаннафларида, Табароний Мўъжам ал-Кабирда, Ибнул Мунзир, Ибн Жарир, Ибн Абий Ҳотим ўз китобларида келтурубдурлар.

Билмак керакким, бу оят ва ҳадисларда баён бўлғон ширк ва куфрлар ёлғузгина ботил маъбудларини худо деб эътиқод қилғонларидан иборат эмас. Балки, баъзилари «Оллоҳ таолонинг ўзидур», ёки «Оллоҳ таолоға шарикдур», деб даъво қилғон бўлсалар, баъзилари: «бизни Оллоҳ таоло ҳузурида шафоат қиладур», деб эътиқод қиладурлар эди. Баъзилари: «нафъ ва заарлари тегадур», дер эдилар. Баъзилари: «жуда улуг зотдур», деб таъзим юзасидан мустаҳиқ бўлмағон нарсалариға мустаҳиқдур деб, улардан ёлғондан уйдуруб

([‘])Анфол сураси.^{۲۹} :

([‘])Фуссилат сураси.^{۳۷} :

([‘])Оли Имрон сураси.^{۸۰} :

([‘])Моида сураси.^{۷۷} :

([‘])Исрө сураси.^{۵۷-۵۶} :

([‘])Ван-нажм сураси.^{۱۰-۱۱} :

қилғон ҳикояларни түғри деб эътиқод қилур әдилар.

Мана шуларнинг ҳаммаларини фарқ қилмай бир хисоблаб, уларға хилоф уруш қилмоқка буюрдилар. Ул эътиқодларидан қайтариб, хос Ислом буюриғиға тортиб, бузук эътиқодларидан қайтардилар. Чунончи ўнинчи нумрадаги масъалада ўтти.

Хамда ҳазрат Абу Вокид Лайсий розияллоху анхунинг ҳадисларида бир дараҳтнинг олдида тўпланишиб ўлтурушуб, яроғ ва асбобларини табаррук юзасидан осиб қўймокларини талаб қилсалар, уни бутпарастликдан ҳисоб қилдилар. «Сизлардан илгариги замонда ҳазрат Мусо алайҳис-саломға қавмлари: мушрикларнинг бутларидек бут қилиб беринг, деганлариdek дединглар», деб айттилар.

Эмди бизда ўзумизни текшариб кўрайлик. Бизнинг мозорпараст, эшонпараст, олимпарастларимизнинг эшонлар, олимларға қилғонлари илгари ўтуб кетган солих бандалар, кутблар ҳақларида қилғон эътиқодлари мушрикларнинг бутларига қилғон эътиқодларидан нима фарки бор?! Нима учун мушрик бўлуб, булар мусулмондурлар?! Шул эътиқодларимиз бирла ўзумизни ножия фирмасидан ҳисоблаб, мубтадеълардан қайси йўл бирла ажрата оламиз? Ўзумизни: бизлар варасатул-анбиёмиз, деб авоммун-носга: уламоларнинг сұхбатларида бундоғ савоб бор, ундоғ савоб бор, деб оғизларимизни кўпиртириб, соқолларимизни силап юрмақдан нучук уялмайдурмиз?! Бу хил ишлардан нучук тортинмайдурмиз?! Сұхбатларидан баракалар, файзлар ҳосил бўладурғон парҳезгор уламолар бизлармиз, деб айта оламиزمиз?!

Бу бизнинг бошимизга Оллоҳ таоло томонидан келган большевик балоси)) Оллоҳ таолонинг бизга ғазаб қилғонлиғидан келганлигини инкор қила оламизды?! Ўзларимиз ёмон амалларимизни кўргумиз келмай орқамизға ташлаб, яхши амалларимизни кўруб юрмакнинг Оллоҳ таоло хузурида бизга нима фойдаси бордур?!

Оллоҳ таоло олимус-сир вал-хафийётдур. Бизнинг унутуб юборғон нарсаларимизни Оллоҳ таоло унутмағон, амалномаларимизға ёзилиб кўюлғондур. Бу тўғрида Сўфий Оллоҳёрнинг бир байтини ўқуб ўтурмиз:

Шариатсиз киши учса ҳавоға,
Кўнгул берма анингдек худнамоға.

Демак, юқкорида баён бўлғон нарсалар бутунлай шариатга хилофдурлар.

Динимиз Исломнинг ҳақлигини даъво қиласиз, яхуд ва насороларни ўз китобларига амал қилмағонликлари учун ёмонлаймиз, ўзимизни: «Мусулмонмиз, ҳазрат Мухаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари дурмиз», деб қўрсайиб юрамиз. Ўзимизни нажот топадурғон аҳли суннат фирмасидандурмиз, деб юрмагимиз баробарида динимизнинг ҳукмларини китобларда қолдуруб, оят ва ҳадис, фикҳ илмларидан узоқ бўлуб, илми маош пардаси орқасида нифоқни ўзумизга шиор қилиб, қоплаг кийиб олғондурмиз.

Гийбат - биравни орқаваранг ёмолламоқни нону гўшт ўрнига кўруб, озгина илми бор ё йўқ қишиларни эшон эътиқод қилиб, уларни таъзим юзасидан маъбудлик даржасига кўтариб олғон бўлуб, уларға кўр-кўраки итоат қилиб, ихлос қилиб, сўзи шариатга тўғри келадурми йўқми ҳар бир салоҳ аҳли кўрулган қишилар, ёки бойлар, ёки амалдорларга итоат қилиб, худодан кўрқмоқ ўрнига у хил қишилардан қўрқуб, сўзларидан чиқмайдурғон бўлуб олмоқ ўзи уларға ибодат қилмоқдур.

Бу тўғрида йигирма олтинчи нумралик масъала бўлғон - истиғосанинг шарҳида сўзлар тафсил бирла ўтти.

Оллоҳ таолонинг ҳукмларига хилоф суратда бошқаға итоат қилмоқ ибодат қилмоқ эканлигини ҳазрат Адий ибн Хотим розияллоҳу анху ривоят қилғон ҳадисларида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баён буюрдилар. Шу хил итоат қилмоқ ибодат қилмоқ бўлуб, инсонни диндан чиқариб коғир-мушриқ қилиб кўядур. Бунинг бирла абадий азобга мустаҳиқ бўлуб қолур-да, ўзини ҳар қанча мусулмон ҳисоб қилсада, ул мушриқдур, унга қилғон даъвоси фойда бермагай.

(¹)Исро сураси. ۱۶ :

Мушриклар ўзларининг ботил маъбудларини хушҳоллик вақтларида ёд қилиб ёлворур эдилар. Қаттиқлиқ, меҳнат ва машаққат - бало етган замонларида бутларини унутуб, ёлғузгина Оллоҳ таолонинг ўзига ёлворур эдилар.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: «Кемага минсалар, Оллоҳ таолонинг ўзига юз қилиб, ихлос бирла дуо қилур эдилар. Куруқлиққа (кемадан) чиксалар, фарқ бўлмоқ кўркуси кетиб қолса, улар ўз ширк келтурмакларида давом этурлар»().

Ҳар ким хушҳол ва бадҳоллик вақтларида Оллоҳ таолодан бошқани чақирса, ул мушрик бўлуб қолур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ширклари учун уруш қилғон мушриклардан кўра ёмонроқ мушрик бўлурлар. Чунки аввалги мушриклар Оллоҳ таолонинг ўзи рўзи бергувчи, яратқувчи, ҳар нарсани ирода қилғувчи ўзидур, дер эдилар. Тадбири умурни Оллоҳ таолонинг ўзига хос, дер эдилар. Бу тўғрида ҳеч нарсани Оллоҳ таолоға шарик килмас эдилар. Чунончи Оллоҳ таоло буюрадурки: «Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Осмон - булатдан ёмғур ёғдуруб, ердан гиёҳ ундуруб, сизларга ким рўзи берадур? Эшитмак, кўрмакни эгаси кимдур? Ўлукни тирикдан, тирикни ўлукдан ким чикарадур? Ишларни идора қилғувчи кимдур?», деб сўрағил. Улар: Оллоҳ таоло қиласур, дегайлар. Уларға: «Ундоғ бўлса, нима учун ибодатни Оллоҳ таолодан бошқага буурсизлар?! Ҳамма ишларни ўзи юргузуб турадур. Оллоҳ таолонинг ижозати ва хўжидан тошқори шафоат қилғувчи бўлмагай. Шул нарсаларни қиласургон Оллоҳ таолонинг ўзидур. Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилинглар! Буни ўйламайдурсизларми?», дегил. Эмди ҳар ким Оллоҳ таолодан бошқа кимса тадбири умурға қодирдур деса, ул ўзида мушрикдур. Осмон - булатдан ёмғур ёғдуруб, ердан гиёҳ ундуруб рўзи бергувчи Оллоҳ таолонинг ўзи бўлуб, дунёни Оллоҳ таолонинг ўзи идора қиласур. Қиёмат кунида хисоб ва жазо учун Оллоҳ таоло хузурига ҳозир бўлмоққа яхшигина ишонинглар», деб оятларда тафсил бирла баён бўлунғондур. Қиёмат учун 89, жазоул аъмол учун 26, баъсал мавт учун 70 оятларда келгандур.

Демак, илгари замон мушриклари тадбири умур, ҳалқ қилмоқ, рўзи бермақдек нарсалар Оллоҳ таолодан бошқанинг қудратида йўқдур, деб буларни Оллоҳ таолонинг ўзига нисбат қилур эдилар.

Эмди бу замондаги исломдаман деб даъво қилмоқда бўлғон мушриклар хушҳол ва бадҳолликда ҳам Оллоҳ таолони қўюб бошқаларға ёлворурлар, маънавий ҳожатларини Оллоҳ таолодан бошқалардан тилайдурлар. Тадбири умур, қўллаш, нусратда қутб, чилтанлар, абдолларнинг қайтишлари бор деб биладурлар. Ажали етиб ўлганларни қайтадан тиргузуб юборғондур деб даъво қиласурлар.

Бу хил сўзлар китоб ва суннатда бўлмағон, балки китоб ва суннатга хилоф бўлғон бўлуб, ўзлари уйдуруб олғон дажжолсифат инсонлардан нақл қилинғон ёғон сўзлардурлар. Бу сўзлари или ўзларини ҳар қанча мусулмон олсаларда, ўзларини Исломдан чиқариб мушрикларнинг энг ёмонларининг қаторлариға қўшуб олғондурлар.

Мусулмонларға лозимдурки, ўзларининг ақидаларни тўғрилаб олсунлар! Бу ақидалари бирла «бизлар мусулмондурмиз», деб даъво қилмоққа ҳақлиқ бўлмайдурлар.

Бунинг баробарида инсонни диндан чиқариб юбородурғон, қуфр, ширқ, нифокларни таҳқиқлаб билиб олмоқ лозимдур. Ҳаттоқи ўз диний ақидаларини тузатиб шайтоннинг тузогига тушуб қолмоқдан ўзларини сақласунлар. Бундан зиёда баҳс олтинчи моддалик масъалада ўтти.

Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадис шарифларида баён буюруб, Бухорий сахиҳида Ибн абий Мулайқадан нақл қилиб айтадурки: «Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сахобаларидан ўттуз нафарни топтимки, ҳаммалари ўзлари учун нифоқдан қўрқур эдилар».

Ҳазрат Ҳасан Басрийдан нақл қилинибдурки, айтибдур: «Ўзи учун нифоқдан қўрқкан мусулмондур. Нифоқдан хотиржам бўлмоқ яхши эмасдур».

(¹)Анкабут сураси. ۱۰ :

Демак, Оллоҳ таолони унутмасун. Чунки инсоннинг нажотиға кафил бўлғон нарсаси ақидасидурки, ул ўзи ёлғузгина Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоққа элтадур. Банда ҳар қанча улуғ бўлсун, муҳтарам бўлсун, Оллоҳ таолоға ибодат қиладур. Оллоҳ таолонинг бандасидур. Оллоҳ таолодан қўркадур, Оллоҳ таолодан тилайдур. Шунинг учун у хил одамларни улуғ зотлар деб таъзим юзасидан ҳар бир айтганини далилсиз қабул қилиб, ундан кўрқуб маъбудлик даржасига кўтариб, сўзини оят ва ҳадислардек билиб олмоқ жоиз эмасдур. Бул ўзи ибодат қилмоқ бўлуб, Оллоҳ таолодан бошқага ибодат қилмоқ ширкдур. Ул зотлар бунга рози бўлмағайлар.

Ояти каримада буюрадур: «Албатта сизлар Оллоҳ таолони кўюб, уларға ибодат қилмоқда бўлғон зотлар сизлардек бандалардурлар»(), «Улар ўzlари Оллоҳ таолоға ёлворадурлар»().

Улар шунга рози бўлсалар, ибодат қилғувчиларга қўшулуб жаҳаннамга кетгайлар. Чунончи: «Сизлар ва сизлар ибодат қилмоқда бўлғонлар - ҳаммаларингиз жаҳаннамнинг тошлиридурсизларки, унға киргучилардурсизлар»().

Сабаъ сураси қирқ-қирқ иккинчи() оятида: «Фаришталарга ибодат қилмоқда бўлғонларни фаришталар бирла бир ерга тўплаб, фаришталарга хитоб қилиб: «Булар сизларга ибодат қилмоқда бўлғон эдиларми?», дейдур. Ул вақт фаришталар: «Эй Худо, сен шариқдан поксен! Балки улар жинға ибодат қилур эдилар. Буларнинг кўплари жинларнинг бирор нарсага иқтидорлари бор деб эътиқод қилур эдилар», дегайлар. Бугун баъзиларингиз баъзиларингизга нафъ ва зарап еткузмакка эга бўлмағайсизлар. Ўз жонлариға жавр қилиб ширк келтургандар, ёлғонға чиқариб коғир бўлғонларға: «дўзах азобини тотинглар», дегаймиз».

Бу ояtlардан зоҳир бўлғонига кўра бирор бандани ўз ҳаддидан ошириб юбормоқ ширкдур. Солиҳ бандалар ўzlари бу хил таъзим қилинмоққа рози бўлмайдурлар. Рози бўлғонлар солиҳ бандалар бўлмай, солиҳ сифатда бўлғон дажжолдурлар. Улар ихлос қилинмоққа лойиқ бўлмай, ижтиноб қилинмоққа лойиқдурлар. Улар ибодат қилғувчилар бирла қўшулуб дўзахқа кетадурлар.

Юқорида нима нарсалар ширкдурлар, нима нарсалардан ижтиноб қилмоқ лозимдур, баён бўлуб келди. Ҳар кишига ўзи учун билиб йўл тутуши лозимдур.

(¹) Аъроф сураси.^{۱۹۴} :

(²) Исрo сураси.^{۵۷} :

(³) Анбиё сураси.^{۹۸} :

.(^۴)

Бешинчи моддадаги «ла илаха иллаллох» калима да ги: «Оллоҳ таолодан бошқа маъбуд йўқдур» демакнинг маъноси Оллоҳ таолонинг ўзидан бошқа чинакам маъбуд йўқдур, ўзигина ёлгуз маъбуддур, шарийги йўқдур, халқидан бирор кимса ёки бирор нарсани ақида ва ибодатда Оллоҳ таолога шарик қиласлиқдур. Яъни бутун дунёда Оллоҳ таолодан бошқа ибодат қилинмоқда бўлғон маъбудлар тамом ботилдурлар демак бўладур.

Осмонлар бирла ерда ҳақиқий маъбуд Оллоҳ таолонинг ўзидур. Бошқа маъбудлар пайғамбарлар бўлсунлар, солиҳ бандалар бўлсунлар, авлиёлар бўлсунлар, жинлар, шайтонлар бўлсунлар, дараҳтлар, тошлир бўлсунлар, ҳаммалари махлукдурлар, маъбуд бўлмоққа ярамайдурлар. Пайғамбарлар, фаришталар, авлиёлар ўзлари Оллоҳ таолога ибодат қиласдур, халойикни Оллоҳ таологагина ибодат қиласмоққа чақирадурлар, бошқаларнинг ибодат қиласоқларидан безордурлар.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: ().

«Ёд қил, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, ул кунники, мушрикларнинг ибодат қилиб ўтган ботил маъбудлари ибодат қиласонлардан безор бўлғайлар, ибодат қиласувчилар азобни кўргайлар. Уларнинг осиладиган орқонлари узулуб кетган бўлур - хужжат тутадурган нарсалари қолмағай».

Азобнинг муқаррар эканлигини билурлар, кутулуб бўлмаслигини билгайлар. Ул вақт ўз қиласишилариға пушаймон бўлуб надомат қиласайлар. Ўз ихтиёрлари бирла тутуб олғон маъбудлари бирла ўрталарида ихтилоф бўлғай. Бу ихтилоф икки тарзда бўладур:

Бири шулки: маъбудлари буларнинг ибодатларидан хабарсиз бўлғайлар, билсалар эди, рози бўлмас эдилар. Булар фаришталар, пайғамбарлар, авлиёлар - солиҳ бандалардурлар. Улар ибодат қиласувчиларни лаънат қиласайлар. Шунинг учун улар буларнинг ибодатларидан рози эмасликларини билдургайлар.

Яна бири шулки: улар ибодат қиласувчиларни ўзларига ибодат қиласмоққа чакириб, уларни йўлдан тойдургон дажжоллардурлар. Булар бирла ибодат қиласувчилар ўрталарида жанжал ва низо пайдо бўлғай: () - «Сизлар бўлмасангизлар эди, бизлар мусулмонлар бўлур эдик», дегайлар, бир-бирларини лаънат қилишқайлар. Чунончи ўттиз тўртинчи нумралик моддада ўтти.

([’])Бакара сураси.۱۱۶ :

([’])Сабаъ сураси.۳۱ :

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Оллоҳ таолонинг пайғамбариidlар, деб гувоҳлик бермакнинг маъноси шулки: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрган нарсаларида итоат қилиб бўйунсунмак, буюрган нарсаларини ерига еткузмак, хабар берган нарсаларига ишонуб тасдиқ килмоқ, қилманглар деб манъ қилғон нарсаларидан ўзини тортиб сақланмоқ, буюрган тарикаларида Оллоҳ таолога ибодат қилмоқдур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Оллоҳ таолонинг пайғамбариidlар деб кўюб, буюрган нарсаларида итоат қилмаслиқ, суннатларига парво қилмаслиқ, ҳалол ва ҳаромни фарқ қилмаслиқ ёлғузгина отларини эшитганда ўлтурғон ерларида кўтларини кўтариб, бошларини эгиб: «соллаллоҳу алайҳи васаллам», деб қўймоқ, Куръон ўқуғонда қиблага қараб адаб бирла ўқуб, Оллоҳ таолонинг каломидур деб тахоратсиз қўлида ушламай, ҳурматни хўб жойида қилиб, маъноси бирла иши йўқ, буюруқларини бажо қилмай юра бермак, ёлғуз Куръон ўқуб савобини ўлукларга бағишламоқ, бунинг бирла дунё молини ҳосил қилмоқ учун йўл қилиб олмоқ бирла юра бермак банданинг нажоти учун кафил бўлмағай. «Қурук сўз қулоққа ёқмас» дегандек қурук сўз бирла чинакам мусулмон бўлуб кета олмас, «емак едим» деган бирла емак еган бўлуб қолмағонидек бўлуб, ҳавои сўздур. «Ҳалво деган бирла оғиз чучумас». Демак, бу хил амалсиз мусулмонман деб юрмакнинг маънисиз бир иш эканлигига ишорат учун масалдур.

Оллоҳ таоло ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни дунёнинг интизоми, охиратнинг саодати учун пайғамбар қилиб кўндурган бўлуб, қўлларида Оллоҳ таолонинг буюруқларини ўзига олғон, Оллоҳ таолонинг ўзи нозил қилғон китоби Куръони карим бор бўлуб, бунинг баробарида ҳикмат аталғон ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадис - суннатлари бор эди. Шул иккисига амал қилғон саҳобалар кундузлари йўлбарсдек коғир ва мушрикларга қарши жиҳод - ғазот қилсалар, кечалари фаришталардек ибодат қилур эдилар.

Бизнинг суннати набавийяга эргашмақдамиз деб даъво қилмоқда бўлғон уламоларимиз илм маош пардаси орқасида нифоқни ўзларига шиор қилиб, бойлар, амалдорларга ўюнчиқ бўлуб, «Бир мулла хотун киши, икки мулла бир киши», «Мулла билар, сувға сияр», «Мулланинг айтганини қил, қилғонини қилма», деган масалларга мисдоқ бўлмадиларми?!

Болшевиклар бирла бўлғон узун замон урушларда Носирхон тўрадан бошқа қайси мулла алоҳида даста ташкил қилиб, баҳодирликларини исбот қилиб, тарих саҳифаларига ёздурудилар?!

Куръони карим тафсирини, аҳодиси набавийяни қайси даражада эътино бирла ўқур эдилар, мудораса қилур эдилар?!

Саллани чиройлик қилиб ўраб, банорас, мовут тўнлар, американ маҳси-кафшлар кийиб, босайми босмайми, деб пешоналарини чертиб юрмак суннати набавийяга иттибоъ қилмоқнинг маъноси эдими?!

Эмди қолдуруб тарқ қилиб қўйғон нарсаларимизни амалга ошириб, тадорукини қилиб, ўзини чинакам Ислом кишиси қилиб олмоқ лозимдур. Ҳазрат домла, ҳазрат охунд ака, ҳазрат пешқадам, ҳазрат эшон, ҳазрат маҳдумдек қуруқ отларнинг дунё интизоми, охиратнинг саодати учун хеч бир қиймати йўқдур. Иттибоъ ва имтисолгина ишга ярайдур.

Ояти каримада ҳазрат Мусо алайҳис-саломнинг ўз қавмларига қилғон хитобларини баён буюрадур: ((. «(Ҳазрат Мусо алайҳис-салом ўз қавмларига хитоб қилиб) айттиларки: яқинки, худойларингиз душманларингизни ҳалок қилиб, сизларни уларнинг ўрниларига халифа қилиб қўйғайда, сизларнинг қилур амалларингизни кўрадур».

Бизнинг динимиз, юртумиз, молимиз, қавмларимиз бораларида истаган ва ўз билганинни қилиб, дунёда мисли кўрулмаган мазолимлар қилмоқда бўлғон болшевик русларни ҳалок қилиб, юртумизни коғирлардан қутқазиб қўйса, ажаб эмас. Ва лекин яна бизнинг қилур амалларимиз нучук бўладур уни кўрадур. Яна илгаригидек исён ва тугён

(¹)Аъроф сураси. ۱۲۹ :

бирла кун кечиурмиз ми? Унға күра муомала қиладур. «Үрганган күнгүл ўртанса қўймас» бўладурғон бўлса, () - «Ва яна қайтиб гуноҳ қила берсангизлар, яна бизнинг сизлар бирла ҳисоблашмагимиз ўз жойида турур, (қутулуб кетолмайдурсизлар, охиратдагиси яна турубдур)». дуо!

(¹)Исро сураси.^λ :

Ёлғузгина Оллоҳ таолонинг ўзига иймон келтурмакнинг маъноси билиб эътиқод қилиб икror қилмоғидурки, албатта Оллоҳ таолонинг ўзигина ҳамма нарсаларни яратқандур. Ҳаттоти осмонлар, ер, кун, ойларни яратиб, уларни мусаххар қилди. Ҳаммалари Оллоҳ таолонинг ҳукми бирла юрадурлар. Оллоҳ таолонинг ҳукмини қайтаргучи йўқдур. Ҳар ерда ибодат қилинмоқда, ҳар тилда зикр қилинмоқдадур, ўз бандалари узаларида ҳукмини жорий қилиб юргузувчидур.

Кўрқмоқ ўзидан, умид қилмоқда ўзидан, мадад тиламак ўзидан, паноҳ тиламак ўзига, доддоҳлиқ қилмоқ ўзигадур. Бу нарсаларнинг ҳаммалари Оллоҳ таолонинг ўзига маҳсусдур, ҳаммаси Оллоҳ таолонинг мулкидур. Ўз мулкида истаганича тасарруф қиласидур. Ўзи ғолиб бўлуб, мағфират қилғувчидур.

Ундоғ бўлса, ибодатнинг ҳамма навълари Оллоҳ таолонинг ўзига бўлмоғи лозим бўлуб, ўзидан бошқа маъбуд йўқдур. Бошқадан кўрқмоқ қуруқ ваҳмдан иборатдур. Оллоҳ таолодан бошқа бирор кимса Оллоҳ таоло мұқаддар қилмағон нарсаларда йўқни бор, борни йўқ, узоқни яқин, яқинни узоқ қилолмайдур. Тақдирда ёзғон бўлмаса, уни ҳеч ким вужудга келтуролмағай. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар:

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анҳумоға хитоб қилиб буюрдиларки: «Оллоҳ таолонинг ҳаққини муҳофазат қилиб билиб иш қилғилки, Оллоҳ таоло сени муҳофазат қилғай. Оллоҳ таолони ҳамиша кўнглунгда тутки, ҳамиша Оллоҳ таолони ўз ҳузурингда топқойсан. Бирор нарса тиламак бўлсанг, Оллоҳ таолодан тилагил. Мадад тиламакчи бўлсанг, Оллоҳ таолодан тилагил. Билиб олғилки, бутун миллат аҳли йигилишиб келиб сенга бирор фойда еткузмакчи бўлсалар, Оллоҳ таоло ёзғондан зиёда фойда еткуза билмагайлар. Агар сенга бирор зарап еткузмак учун тўпланишсалар, сенинг ҳаққингда Оллоҳ таоло ёзғонмиқдоридан зиёда зарап еткуза билмагайлар. Қаламлар кўтарилган, ёзилғон дафтарлар(нинг сиёҳи) қуруб қолғондур». Демак, азалда бўладургон, бўлмайдургон нарсалар тамоман бўладур ёки бўлмайдур, деб ёзилиб қўюлғондур. Бу ҳадисни Тирмизий жомиида ривоят қилиб: «саҳихун ҳасан», дебдур.

Тирмизийдан бошқанинг ривоятида келибдурки: «Оллоҳ таолони ҳамма вақт кўнглунгда тутки, Оллоҳ таолони олдингда ҳозир топурсан. Хушҳоллиқда Оллоҳ таолоға танилғилки, Оллоҳ таоло сени ёмон ҳолатларингда танисун. Ва яна билиб олғилки, Оллоҳ таолонинг илмида ва ёзғонида бирор нарса сенга етмайдурган бўлса, ул сенга етмагай. Агарда етадурган бўлса, етмай қолмағай. Билиб олғилки, Оллоҳ таолонинг нусрати сабр бирладур. Кенгчилик мусибат ва қаттиқлик бирладур. Осонлик қийинлиқ бирладур».

Бу ҳадиси шарифда буюруладурки, тилагинг бўлса, Оллоҳ таолодан тилагил. Мадад тиламакчи бўлсанг, Оллоҳ таолодан тилагил. Муқаддардан тошқори ҳеч нарса вужудга келмағай. Ундоғ бўлса, ҳамма вақт Оллоҳ таолони унутмай хаёлида тутуб туруб ибодат қиласа, уни Оллоҳ таоло зойеъ қилмағай.

Оллоҳ йўлида сабр қилғувчи нусрат бирла моламаол бўлғай. Инсонға ҳар ҳолда ҳар қанча мусибат келсада, Оллоҳ таолодан умидини кесмаслиги лозимдур. Ҳар бир қаттиқлик орқасидан хайриятга етишмак, мусибатдан кейин роҳатға чиқмоқ, балоға учраган бўлса ул балодан қутулмоқ, зулмдан қутулуб роҳатға чиқмоқ, қоронгулиқдан ёруғлиққа чиқмоқ бордур.

Инсонға ўзининг дунё ва охиратининг интизоми ва саодати учун ўз йўли бирла урунмоғи лозимдур. Навмид маюс бўлмаслиқ керак. Оллоҳ таолоға эътиқод қилиб, фазл ва марҳаматидан умид қилиб лозим бўлғон асбобларға урунмоқ, ташаббус қилмоқ лозимдур.

Бу ҳадисда пешонамизга ёзилғони бўлур, деб оёғ узатиб ёта бергани буюрмағон бўлғонидек, бошқа ҳадисларда саъӣ ва ҳаракат қилмоққа буюргандур. Саҳобалардан баъзилари: «Ё расулаллоҳ! Ҳар нарса ёзилиб қолғон бўлса, амалнинг нима кераклиги бордур?», деб сўрагонларида: «матн» (Бухорий ҳазрат Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилғондур) «Амал қилинглар! Ҳар ким нима учун яратилғон бўлса, ўшал нарса унинг учун ўнгайлантурулгай», дедилар.

Чунки истаган - талабда бўлғон нарсаларининг ҳосил бўлмоқларини ўзининг кўшиши

бирла бўлур, деб ёзилиб қўюлғон бўлмоғи мумкиндур. Саъй ва ҳаракат қилмай ёта бермак бирла ул нарсанинг ҳосил бўлмай қолмоғига сабаб бўлурда, ўз жонига ўзи жавр қилғон бўлур.

Оллоҳ таоло бизнинг кўзумизни очсан. Омийн.

Фаришталарга иймон келтурмакнинг маъноси шулки: билиб, эътиқод қилиб, икror қилмоғидурки Оллоҳ таолонинг бир хил бандалари бордурларки, уларни Оллоҳ таоло нурдан яратқан бўлуб «фаришта» аталадурлар. Улардан пайғамбарларға элчи қилғонлари бордурлар. Пайғамбарларға Оллоҳ таоло томонидан ваҳй келтурадурлар. Улар Оллоҳ таоло буюрган нарсаларида Оллоҳ таолога исён ва қаршилик қилмайдурлар. Нимага буюрулган бўлсалар уни бажо келтуурлар. Улар Жаброил, Мекоил, Исрофил, Азроил алайҳимус-салом фаришталардан бўлғон пайғамбарлар, муқаррабларнинг улуғлариданурлар.

Фаришталар Оллоҳ таолонинг нурдан яратқон, кўзга кўрунмайдурган махлуклариданурлар. Улар емақ, ичмақдан покдурлар. Ҳазрат Исрофил алайҳис-салом сур тортқунларича ўлмайдурлар. Уларда ухламоқда йўқдур, бутун нафсоний истаклардан покдурлар. Фақатгина ҳазрат Исрофил алайҳис-салом сур тортқонларида ((- «Ҳар жон ўлумни totқучидур», деган Оллоҳ таолонинг ҳукмига мувофиқ ўлуб кетгайларда, сўнgra тирилурлар.

Улар маҳз ибодат ва итоат учунгина яратилғондурлар. Ўз вазифаларини адо қилмоқда камлик қилмайдурлар. Уларнинг вазифалари бўйунсунмакдур.

Уларнинг ўрталарида улуғ, муқарраб фаришталар бўлуб, ҳар қайсилари баъзи хусусий хидматларға муқаррар қилинғондурлар. Чунончи ризқ тақсим қилмоқ, ёмғур ёғдурмоқ, булатларни у ён-буёнга сурмак, савоб ва гуноҳларни ёзмоқ, пайғамбарларларға ваҳй келтурмак, азоб лозим бўлуб қолғонларға азоб келтурмак, жон олмоқ ва ҳам булардан бошқа хидматларға таъйин қилинғондурлар.

Фаришталар нурдан яратилғонликлари учун жисмлари латиф бўлуб, бизларнинг кўзларимизга кўрунмайдурлар. Ҳар хил шаклга кира оладурлар. Узоқ масофани озгина муддатда тай қиладурлар. Оғир нарсаларни кўтара биладурлар. Қаттиқ, зўр ишларни қиладурлар. Баъзилари қиёмда, баъзилари рукуъда, баъзилари саждада, қаъдада туруб, Оллоҳ таолога тасбих айтурлар. Бул ўзи уларнинг ибодатлари дур.

Улардан гуноҳ деган нарса содир бўлмайдур. Оллоҳ таоло уларни ояти каримада: () - «Улар Оллоҳ таоло буюрган нарсаларида қаршилик қилмайдурлар, буюрулган нарсаларини бажо қилурлар», деб уларни васф қилғондур. Чунки уларга нафсоний истаклар юклатилиб, қилсалар савоб, қилмасалар гуноҳ ҳосил бўладур деб вайда ва ваййлар бўлунмағондур.

Улуғ муқарраб фаришталардан ҳазрат Жаброил, Мекоил, Исрофил, Азроил алайҳимус-салом машхур бўлуб, ҳазрат Жаброил алайҳис-салом «Рухул-Кудс», «Рухул-Амийн» отлари бирла аталғон бўлуб, ҳамма пайғамбарларға ваҳй келтурмак, Оллоҳ таолонинг қудрати қоҳиралариға иймон келтурмай бўйунтовлиқ, саркашлиқ қилиб коғир бўлғонларға азоб келтурмакдек нарсалар шул зотнинг хусусий вазифалари дур. Ҳазрат Мекоил алайҳис-салом ёмғур ёғдурмоқ, гиёҳ ундумрак, арзоқ - рўзи тақсим қилмоқ, булатларни у ёқ-бу ёққа сурмакдек нарсаларга муаккалдурлар. Ҳазрат Исрофил алайҳис-салом сур тортмоққа муаккал бўлуб, ўз вазифаларини адо қилмоқ учун «Эй Исрофил, сурингни торт», дейдурган илоҳий ҳукмга кўз тутуб турмакдадурлар. Ҳазрат Азроил алайҳис-салом бўлсалар, «малақул мавт» лақаби бирла мулаққаб бўлуб, ҳар бир ажали етганинг жонларини олмоққа муаккалдурлар.

Буларнинг ҳар қайсилари ўз вазифаларини адо қилмоқда давом этмайдадурлар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-саломнинг ваҳй келтурмаклари ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидан кейин тўхтаб қолғон бўлсада, бошқа вазифалари ўз жойлари дадур. Рамазони шарифда лайлатул қадр - қадр кечасида ҳар йили ерга тушуб, маъмур бўлғон вазифаларини адо қиладурлар.

Фаришталар, жинларнинг борлиқлари оёти қуръонийя, аҳодиси набавийялар бирла событдурлар.

(¹)Оли Имрон сураси ,¹⁸⁰ :Анбиё сураси ,⁵⁰ :Анкабут сураси.⁵⁴ :

(²)Тахрим сураси,¹ :

Оллоҳ таолонинг пайғамбарлариға нозил қилғон китоблариға иймон келтурмакнинг маъноси Оллоҳ таолонинг пайғамбарлариға нозил қилғон китоблари ҳақдур, деб эътиқод қилмоқ. Чунончи Тавротни ҳазрат Мусо алайҳис-саломға, Забурни ҳазрат Довуд алайҳис-саломға, Инжилни ҳазрат Ийсо алайҳис-саломға, Куръони каримни ҳазрат Мұхаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға нозил қилғондур, деб ишониб - иймон келтурууб, иқрор қилмоқдур.

Ва лекин яхуд ва насоролар ўз пайғамбарлариға нозил бўлғон китобларини таҳриф қилғондур, китобларини ўз кайфларича истеъмол қилиб, йўқни бор қилиб, борни йўқ қилиб бузғондурлар. Албатта Оллоҳ таоло Куръони каримни таҳриф қилғувчиларнинг таҳрифларидан, бузуқиларнинг бузуқилиқларидан соқлағандур, сақламоқни ўз зиммасига олғондур.

Чунончи ояти каримада буюрубдурки: (). «Албатта биз бу Куръонни ўзумиз нозил қилғондурмиз, уни ўзумиз муҳофазат қилиб сақлағувчидурмиз».

Чунончи бу Куръони каримни уммати исломийя ўз ўрталарида бир ҳарфини тағиyr бермай, сақлаб келмақдалар. Ҳамма вақт уммати исломийядан милиёнларча инсонлар ёд қилиб юрмакда бўлуб, хеч бир замон ва маконда Куръони каримни ёд қилғувчилардан холи бўлмағондурлар. Агар дунёнинг бирор бурчагида Куръони каримнинг бирор калимасида халал кўрулуб қолса, ҳар томондан мусулмонлар оламни ғулғулаға тўлғазурлар.

Чунончи 1331-хижрий – 1912 милодийдан аввалроқ Русияга қарашлиқ Қозон шахрида Харитонуф отлиқ рус босмахонасида бир Куръони карим босилиб чиқадур. Бу Куръоннинг нусхаси Русия ҳукуматига қарашлиқ ерларға тарқатиладур. Қозонда чиқмоқда бўлғон «Қуёш» ғазитасининг бош муҳаррири: бул рус босмахонасида босилғон Куръони карим нучук тасҳихлангандур, деб ўқумокка бошлайдур. Ўқуб туруб суратул-Бақарада () оятини (матн) қилиб ёзилғон топадур. Бунинг [мисоли]() яна кўпдур. Ул шуни баён қилиб ўз ғазитасида ёзадур. Ундан «Юлдуз» ғазитаси нақл қиласадур. Сўнгра ҳамма ғазиталар тамом бир-бирларидан нақл қилиб, оламни ғулғулаға тўлғазадурлар. Охирда ул русни муҳокамага тортадурлар. Русия ҳукумати ўзидан кўркуб, ул босмахона соҳибини муҳокамага тортиб, ул Харитонуф узасидан ҳукм жорий қилиб, бутун мулкларини мусодара қилиб, матбаасини сотадур. Ул матбаани мусулмонлар сотиб олиб «Умид босмахонаси» атайдурлар. Сўнгра ўшал Харитонуф матбаасида босилғон Куръони каримнинг ҳамма нусхаларини тўплаб олиб, куйдурууб ташлайдурлар.

Аммо Таврот бирла Инжил бўлсалар, улар муфсидларнинг қўлларида таҳриф бўлуб - бузулуб, китобуллоҳ бўлмоқдан чиқиб қолғондурлар. Ҳозирдаги мавжуд Таврот ва Инжиллар бутунлай Оллоҳ таоло нозил қилғон Таврот ва Инжил деб бўлмайдур, Оллоҳ таоло нозил қилғон китоб эмас, деб инкорда қилиб бўлмайдур. Ҳар холда эътиқоддан соқит бўлуб қолғондурлар. Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Оллоҳ таоло нозил қилғон Таврот ва Инжилга иймон келтурдик денглар. Аммо яхуд бирла насоролар қўлларида мавжуд бўлғон Таврот бирла Инжилларга таҳриф қўли кириб қолғони учун ҳаммасини Оллоҳ таоло нозил қилғон китоблар эмас деб бўлмағонидек, Оллоҳ таоло нозил қилғон китобдур, дебда бўлмайдур, бирдан нафй ва инкор қилмоқ жоиз бўлмағонидек, исботда қилиб бўлмас демакка ишорат қилиб ўтубдурлар.

Аммо Забур бўлса, ул ўзи ҳамду санодан иборат бўлуб, унда аҳком йўқ эди. Ва лекин бу замонларда Забур ер юзида одамлар қўлларида йўқ бўлуб кетгандур.

Агар Таврот бирла Инжил таҳриф бўлмағон бўлуб Оллоҳ таоло нозил қилғон ҳолича турғанларида эди, яна ҳам Қуръонни қўюб Таврот ва Инжилнинг қайси бирига бўлсада амал

(')Хижр сураси.^۱ :

(")Бақара сураси.^{۱۲۱} :

(۳)Жумла ушбу катта قویس او را سیداغیع بورانی تاқозو پیا دی) .мусаҳҳих.(

қилмоқ жоиз бўлмай, Қуръони каримдан юз ўтргон бўлуб, диндан чиқиб кетган бўлур эди. Чунки Қуръон нозил бўлуши бирла Таврот ва Инжил мансух бўлғон бўлуб, амал қилмоқдан қолдурулғондурлар. Улардаги баъзи нарсаларни кўруб нақл қилмоқ баъзи шартлар бирлагина жоиздур. Улда бизнинг динимиз Исломдаги ҳукмлар, Қуръони шарифда нақл бўлғон воқеалар, аходиси набавийяда баён бўлғон нарсаларга хилоф бўлмаслиқдур. Бу ҳолатдан бошқа суратда жоиз эмасдур. Динимиз ислом бизни яхуд ва насоронинг кўлларидағи нарсаларга муҳтож қилиб қўймоғондур.

Яхуд ва насоролар Таврот ва Инжилни мансух бўлмағон деб даъво қилсаларда, ҳасад юзасидан: «шуларга эргашадурмизми?», дебгина қуръони каримга иймон келтурмай, мусулмон бўлмоқни қабул қилмағондурлар. Улар шайтондек исломнинг ҳақлигини билиб туруб мусулмонларни ўзларидек коғир қилиб, тойдурууб юбормок орқасидадурлар.

Оллоҳ таоло нозил қилғон китоблардан бирига эмас, бирор жумласигада инкор қилмоқ жоиз эмас, куфрдур. Ҳаммасига иймон келтурмак фарздур. Яхуд ва насороларни ёмон кўргани учун китобларини инкор қилиб қўймоқ куфр бўлуб, эҳтиёт лозимдур.

Оллоҳ таолонинг халойикқа кўндурган пайғамбарларига иймон келтурмакнинг маъноси шулки: Оллоҳ таоло ҳазрат одам алайҳис-саломни ида қилиб пайғамбар қилди.

Авлодларидан расуллар, набийларни танлаб олиб халойикқа кўндуруди. Шул пайғамбарларга иймон келтургандарга жаннат ва ризвондан башорат бергувчилар, иймон келтурмай кофир бўлғонларни Оллоҳ таолонинг азобидан кўркутқувчилар қилди. Ул пайғамбарларни ўзи бирла бандалари ўрталарида восита қилди, уларға итоат қилмоқни бандаларга вожиб қилди. Ул пайғамбарларға итоат қилмоқни Оллоҳ таолонинг ўзига итоат қилмоқ ҳисоблади.

Чунончи ояти каримада буюрдики: «Ҳар ким Оллоҳ таоло ва пайғамбариға итоат қилса, улар Оллоҳ таоло инъом ва эҳсон қилғон пайғамбарлар, сиддиқлар - жуда тўғрисўзлаған зотлар, Оллоҳ таоло йўлида ўз жонларини қурбон қилғонлар, солиҳ бандалар бирла бўлурлар», деб ҳукм қилди().

«Ҳар ким пайғамбарға итоат қилса, ул Оллоҳ таолоға итоат қилғон бўлубдур. Ҳар ким пайғамбарға иймон келтурмакдан юз ўғурса, сани уларға соқчи қилиб кўндумадик»().

«Оллоҳ таоло ҳазрат Одам ва Нуҳ ва Иброҳим алайҳимус-салом авлодларини, Имроннинг авлодларини тамом олам аҳлидан ида қилди»().

Оллоҳ таоло ўз пайғамбарларини ўз бандалари ўрталаридан таллаб олғондур. улар Оллоҳ таолонинг эътиборлик бандаларидурлар. Оллоҳ таоло уларни ўз рисолатини қўттармакга лойиқ, таблиғ қилмоқға кодир кишилар бўлғонлари учун таллаб олиб ихтиёр қилғондур. Улар ҳар қанча мусибат ва ёмон ҳолатларға учрасаларда, сабр ва матонат ила ўз вазифаларини яхши суратда адо қилғон зотлардурлар.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: ().

«Ғайбни билгувчи. ғайбини ҳеч кимсага изҳор қилмайдур. Ва лекин ўзининг суйган бандаларидан бўлғон пайғамбариға баъзи ғайбдан мўжиза тариқасида билдургай. Ул пайғамбарининг олди, орқасидан пойлоқчи қўйоб қўйғай. Бул ўзи шул сабабдандурки, Оллоҳ таолонинг илмидаги ўз узаларида Оллоҳ таолонинг ҳукмларини бандаларига еткузганликлари зоҳир бўлсун дебдур. уларнинг олдиларидағи қиладурғон ишларини билур, ададларини санағ қўйғондур».

Бутун пайғамбарларнинг таржимаи ҳолларини кўрулса зоҳир бўладурки, энг аввал ўз қавмларининг ораларида ёлғуз ўzlари ўз рисолатларини еткузуб, уларни ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоққа чақирғондурлар. Ўз қавмларидан ийзо ва жафолар чеккандурлар. Охирда пайғамбарлар ғолиб келгандурлар, ёки қавмлари иймон келтургандурларда, ҳаммалари мусулмон бўлғондурлар, ёки иймон келтурмасликда давом этгандурларда, Оллоҳ таоло уларға азоб кўндуруб ҳалок қилғондур. Бу тўғрида Қуръони каримнинг аввалидан охиригача пайғамбарларнинг умматлари бирла бўлғон воқиотлари мужмал ва муфассал тариқада баён бўлунғондур.

Пайғамбарларнинг пайғамбарликларига далолат қиладурғон далиллари ёлғуз мўжизаларигина бўлмай, ўzlарининг тўғрисўзликларига далолат қиладурғон далилларида кўпдур. Халқ ўрталарида ёшликларидан яшаб, ўzlари халқ ўрталарида тўғрисўзлик бирла шуҳрат топқон бўлғондурлар.

Пайғамбарларнинг тўғрисўзликлари пайғамбарлик даъво қилғонлариdek, ёлғончиларнинг ёлғончироқларида даъво қилғондурлар. Бу иккиларини ҳар бир ақл соҳиби бўлғон кишилар ҳолатларининг кариналари бирла ажратадурлар. Пайғамбарлик даъвосидан бошқа ишларда ҳам инсонларнинг тўғрисўз бирла ёлғончиларини ҳар хил йўл бирла ажратмак

([‘])Нисо сураси.۷۹ :

([‘])Нисо сураси.۸۰ :

([‘])Оли Имрон сураси.۴۴ :

([‘])Жин сураси.۲۸-۲۶ :

мумкиндур. Ундоғ бўлса, пайғамбарлик даъво қилғон кишиларнида тўғрисўз ёки ёлғончиликларини яхши тариқада ажратмак осондур. Ёлғондан пайғамбарлик даъво қилғонларнинг ёлғончи эканликларини ўзлари дажжолликлари, билимсизликлари, фисқу фужурлари, уларнинг бўйунлариға шайтон миниб олғонликлари озгина ақл соҳиби бўлғон кишиларгода билиниб қолур. Чунки тўғрисўздор ёки ёлғончидур ўзларининг ишу сўзларидан мана мен деб, кўзга кўрунуб турган бўлгай.

Пайғамбарман деган киши албатта баъзи ишларга буюргай, баъзиларидан манъ қилғай. Унинг ул ҳолидан тўғрисўз ёки ёлғончилиги очилғай. Чунки тўғри бўлса, ўз қарашлиқларини яхшилиқ, тўғрилиққа буюрганидек, ўзида тўғри ва яхши ишларда бўлунғай. Ёлғончи бўлса, ўзи нотўғри ишларда бўлуб ёмон ишларга буюргай, ўзи фисқу фужурда бўлғай.

Бухорий ва Муслимнинг ривоятларида ҳазрат Ибн Масъуд розияллоҳу анхудан келибдурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар:

(хадис)

«Тўғрисўзликни ўзларингизга лозим тутунглар. Чунки тўғрисўзлик яхшилиққа элтадур, яхшилиқ жаннатга элтадур. Инсон ҳамма вақт тўғри сўзлайдур, тўғри сўзлар орқасидан юрадур, ҳаттоки Оллоҳ таолонинг наздида тўғрисўз деб ёзиладур. Ёлғон сўзламакдан сақланинглар. Чунки ёлғон сўзламак ёмонлиққа элтадур, ёмонлиқ дўзахқа элтадур. Инсон ҳамиша ёлғон сўзлайдур, ёлғон сўзламак ортидан юрадур, ҳаттоки Оллоҳ таоло ҳузурида ёлғончи деб ёзиладур». Бу ҳадисни имом Аҳмад, Бухорий Адабул-Муфрадда, Муслим сахиҳда, Тирмизий жомеъида келтурубдурлар.

Инсоннинг тўғрисўзлиги ўзининг қилмиши, турмушидан зоҳир бўлса, Оллоҳ таолонинг пайғамбариининг тўғрисўзлиги янада зиёдароқ очик ва осон тариқада билинадур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға энг аввал ваҳй келганда уйларига келиб ҳазрат Хадича розияллоҳу анҳоға воқеани баён қилдилар, ҳамда: «ўзумга кўрктум», дедилар. Ул вақт ҳазрат Расулуллоҳ алайҳис-саломға ҳазрат Хадича розияллоҳу анҳо: «ўзунгизга кўрқманг, Оллоҳ таоло ҳаргиз сизга ёмон ҳолатни раво кўрмайдур. Чунки сиз ҳамма вақт тўғри сўзлайдурсиз, силаи раҳим қилурсиз, йўқсулларга топиб берурсиз, мусибатзадаларга ёрдам қилурсиз», дедилар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига бирор ёмон ҳолат пайдо бўлиб қолдими экан деб кўрқуб эдилар. Ҳазрат Хадича розияллоҳу анҳа ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрккан нарсаларни нағиб қилиб, «сиздек кишига сиз кўрккан нарсаларнинг келмаги мумкин эмасдур», деб кўнгулларини кўтардилар. Улда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдаги ёшликларидан одатланиб келган олий ахлоқлари эдики, ул ўзи бу хил ёмон нарсаларга дучор бўлмоқдан юқкори эди. Чунончи ул нарсаларни бир-бир баён қилиб бердилар. Чунки Оллоҳ таолонинг суннати жорийдурки, бу хил олий ахлоқ соҳиби бўлғон зотлар зойеъ бўлмоқдан узокдур.

Чунончи Макка мушриклари саҳобалардан Ҳабашага ҳижрат қилиб борғон кишиларни қайтартууб олмок учун ўз томонларидан бир қанча кишиларни бир қанча ҳадиялар бирла Ҳабаша подшоҳига юбордилар. Улар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларини буларга қайтариб бермакни Ҳабаша подшоҳи Нажошийдан талаб қилдилар. Ул вақт Нажоший ул саҳобаларни ўз ҳузурига талаб қилди. Улар ҳазрат Жаъфар розияллоҳу анҳу бошлиқ Ҳабаша подшоҳи ҳузурига ҳозир бўлдилар. Улар бирла сўзлошиб бўлғонларидан кейин қуръони каримдан бир мунча оят ўкуб бермакни Нажоший ҳазрат Жаъфар розияллоҳу анхудан талаб қилди. ҳазрат Жаъфар розияллоҳу анҳу ўкуб бердилар. Нажоший: «Бул ўзи ҳазрат Мусо алайҳис-саломға нозил бўлғон Таврот бирла бир ердан чиқадур», деди. Уларни қайтариб бермакни қабул қилмай, Ҳабашада озодлик бирла бермакка руҳсат берди.

Шунингдек Варақа ибн Навфал-да насронийят динига кириб Инжилни арабийга таржима қилиб юрган киши эди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига воқеъ бўлғон ҳолни баён қилиб эдилар, ул: «Бул ўзи ҳазрат Мусо алайҳис-саломға ваҳй келтурган Жаброил алайҳис-саломдурлар», деди.

Шунингдек ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳирақлға мактуб кўндурууб

Исломга даъват қилиб эдилар. Қудс шаҳрида тижорат учун айланиб юрган Абу Суфён бирла рафиқлари бор эдилар. Ул вақт булар мушрикликларида давом этиб юрган эдилар. Ҳирақл уларни топтуруб олиб келди. Ул тижорат қофиласининг боши Абу Суфён эди. Уни илгари ўтқузуб рафиқлариға хитоб қилиб: «Мен бундан бир қанча сўз сўрайдурман, агар ёлғон сўзласа, ёлғон сўзлади денглар», деди. Улар сўзламай ўлтурмоклари бирла Абу Суфённинг сўзларини тасдиқлаган бўлдилар.

- Ҳирақл: «Бу мен пайғамбарман деган кишининг ота-боболаридан бирор подшоҳ бўлуб ўтган киши борми?», деди.
- Абу Суфён: «Боболаридан подшоҳ бўлуб ўтган киши йўқдур», деди.
- Ҳирақл: «Бу кишидан илгари ота-бобосидан бирор кишининг шу хил даъво қилиб ўтгани борми?», деди.
- Абу Суфён: «Бундан илгари булардан бу хил даъвода бўлғон киши бўлмағондур», деди.
- Ҳирақл: «Бу кишининг бундан илгари ҳеч ёлғон сўзлаганини билган киши борми?», деди.
- Абу Суфён: «Бундан илгари ҳеч бир вақт ёлғон сўзлаганини кўрган ва билган эмасдурмиз», деди.
- Ҳирақл: «Бу кишига одамларнинг катталари эргашмақдаларми ёки заиф ва нотавонлари эргашадурларми?», деди.
- Абу Суфён: «Заиф ва нотавон кишилар эргашмақдадурлар», деди.
- Ҳирақл: «Бу кишининг сизлар бирла насабида нима алоқаси бордур?», деди.
- Абу Суфён: «Бунинг бирла биз ҳаммамизнинг насабимиз бирдур», деди().
- Ҳирақл: «Эргашганлар борғон сари кўпаймақдаларми ёки озаймоқдаларми?», деди.
- Абу Суфён: «Динига киргандар борғон сари кўпаймақдадурлар», деди.
- Ҳирақл: «Динига киргандан кейин безор бўлуб чиқиб кетганлар бўлдими?», деди.
- Абу Суфён: «Йўқ», деди.
- Ҳирақл: «Ўрталарингизда уруш бўлдими?», деди.
- Абу Суфён: «Хов, уруш бўлди», деди.
- Ҳирақл: «Бу урушда кимлар голиб келмақдалар?», деди.
- Абу Суфён: «Гоҳи бизлар, гоҳи улар голиб келмақдадурлар», деди.
- Ҳирақл: «Сизларга ғадр қилғон ери бўлдими?», деди.
- Абу Суфён: «Бул вақтгача ғадр қилғони бўлмади. Эмди, қилармукин, биз билмадик», деди.
- Ҳирақл: «Сизларни нимага буюрадур?», деди.
- Абу Суфён: «Бизларни ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоқ, покдоманлик, тўғрису́з бўлмоқ, ширқдан сақланмоққа буюрадур», деди.

Ҳирақл тилмочига айттики:

Мен сендан: – Бу одам сизлар бирла насаби нучукдур, дедим. Сен: – Биз бирла ҳамнасадур, дединг. Шунингдек пайғамбарлар ўз қавмларидан бўлурлар().

Бу сўзни бундан илгари бошқа кимсада даъво қилғонми эди, дедим. Сен: Йўқ, дединг. Илгари бундан бошқа кишида айтган бўлса эди, ўзидан илгариғи кишига эргашмақдадур, дер эдим.

– Бунинг ота-боболаридан бирор кимсанинг подшоҳ бўлуб ўтгани борми, деб сўрадим. Сен: – Йўқ, – дединг.

– Ота-бобосидан подшоҳ бўлуб ўтган киши бўлса эди, мен отасининг мулкини талаб қилмоқдадур, дер эдим.

Мен сендан: – Бунинг ёлғон сўзлаган ери борми, дедим. Сен: – Йўқ, – дединг. – Мен биламанки, халқ ўртасида ёлғон сўзламаган киши Оллоҳ таолоға ёлғон сўзламайдур.

(‘)ҳадисни шарх лаҷиллар Абу Суфён розияллоҳу анхүнинг «هو فی نسبه» бора сига) ул киши бизнинг оғизида улуғ نسب سوب сохибидур), деб маъно بیرېش ган) .мусаххих.(

(‘)йўқىارىدىаги تەقلىد. мусаххих.(

– Одамларнинг катта, улуғлари эргашмакдадурларми ёки заиф ва нотавонлари эргашмакдаларми, деб сўрадим. Сен: – Заиф ва нотавонлари эргашмакдадурлар, дединг. Шул хил заиф ва нотавонлар пайғамбарларга энг аввал эргашурлар.

Сендан: – Борғон сари эргашганлар кўпаюрларми ёки озаюрларми, деб сўрадим. Сен: – Борғон сари кўпаймакдадурлар, дединг. Шунингдек иймоннинг масъаласи кўпайиб бориб тамомига етур.

– Динига кирган кишилардан безор бўлуб чиқиб кетганлар бўлдиларми, дедим. Сен: – Йўқ, дединг. Шунингдек иймоннинг мазаси кўнгулга ўрнағондан кейин ундан қайтмайдур. (Бул ўзи тўғрисўзликнинг аломатлариданур. Ёлғон деган нарса охирда очилиб қолурда, ёлғончи шарманда бўлур. Кирганлар қайтиб кетурлар. Кирмаганлар кирмай тўхтаб қолурлар. Ёлғоннинг бозори поҳолнинг ўтиға ўхшайдурда, лоппиллаб олур, сўнгра ўчуб қолур).

Сендан: – Ғадр қилғон ери борми, деб сўрадум. Сен: – Йўқ, дединг. Шунингдек пайғамбарлар ғадр қилмайдурлар. (Ғадр қилмаслик пайғамбарликнинг аломатидур. Оллоҳ таоло уларға бало юбориб, меҳнат ва мағлубият бирла ибтило ва имтиҳонлар қилур. Бу тўғрида оят ва аходислар кўпдур).

Сендан: – Уруштунгларми, урушнинг натижаси нима бўлур эди, деб сўрадум. Сен: – Уруштук, гоҳ бизлар ғолиб бўлур эдик, гоҳ улар ғолиб бўлур эдилар, дединг. Шунингдек пайғамбарлар аввалларда қийинликларга учрагайлар, охирда душманларига ғолиб келурлар.

Мен: – Сизларни нимага буюрадур, дедим. Сен: – Ёлғузгина Оллоҳ таолоға ибодат қилмоққа, ширк келтурмасликга буюрадур, тўғри сўзламак, покдоманликга буюрадур, дединг. Пайғамбарларнинг ишлари шундоғ бўлур. Бу сўзларинг тўғри бўлса, шул мен ўлтурғон еримгача олур, – деди. – Бу сизлар сўзлаган сўзлар пайғамбарларнинг сифатлариданур. Яна бир пайғамбар келур эканлигини билур эдим, ва лекин сизлардан келур деб хаёл қилмас эдим. Шул мулкимдан чиқиб бориб хидматида бўлмоқни иложини қилсан эди, қилур эдим. Подшоҳлиғимни ташлаб оёгини ювур эдим, деди.

Ул замонда Абу Суфён иймонға келмаган бўлуб ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг энг зўр душманларидан эди. Ўз йўлдошлариға қараб: «Кўрунглар, бу Ибн Абий Кабшанинг иши кучайиб кеттику, Рум подшоҳида қўрқадур», деди. Абу Суфён айтур: Бул сўзлардан кейин охирда ғолиб бўлур, деб юрур эдим, Оллоҳ таоло ҳаттоқи кўнглумга иймон келтурмакни солди.

Оллоҳ таоло ўз пайғамбарларини такзийб қилиб ёлғонға чиқорғонларға қарши қилғон муомалаларидан дунёда зўр, кўп асарлар қолдурғондур. Ул асарлардан Оллоҳ таоло пайғамбарларға нучук муомала қиласур, инъом ва эҳсон буюрадур, кофирларға нучук азоб кўндуруб ҳалок қилур, далолат қилдурғон аломатлар зоҳир бўлуб турубдур. Чунончи тўфон воқеаси, Фиръавн ва лашкарларининг денгизида фарқ бўлғонликлари, Од ва Самуд ва Лут алайҳис-саломнинг қавмларининг ҳалок бўлғони воқеалари, бу пайғамбарлар, ва қавмларининг воқеаларини баён қилғонида, буларнинг ҳалок бўлмоқларида ибрат оладурғон оятлар бордур. Уларнинг кўплари иймон келтурган эмас эдилар, деб буюрадур.

Бу пайғамбарларнинг ҳаммалари ўз қавмларини, ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзигина ҳақиқий маъбуд эканлигига иймон келтурмакга чақирғондурлар. Иймон келтурмай пайғамбарларини ёлғончи қилиб кофир бўлғонлар ўз пайғамбарлариға кўп ийзо бериб жафолар қилдилар. Охирда Оллоҳ таоло пайғамбарларға нусрат бериб, кофирларға азоб юбориб ҳалок қилди. Бу хабарларни Оллоҳ таоло ўз китоби Қуръони каримда кўп оятларда баён қилиб бундан ибрат олмоққа буюрди.

Киёмат кунига иймон келтурмак одамлар ўлганларидан кейин тирилмакни ҳақ деб иймон келтурмакдан иборатдур. Ул одамлар тамом ўлуб кетганларидан кейин қайталатдан ҳисоб ва жазо учун тирилурлар. Яхши ва ёмон амалларидан ҳисоб олиб, ўз ҳоллариға кўра жазо бериладур, яхши бўлсалар жаннатга, ёмон бўлсалар дўзахга киргузуладурлар.

Чунончи ояти каримада буюрубдур: «Ул куни одамлар маҳшаргоҳга тўпланурлар. Ўзларининг амалларига кўра жазоларини кўрмак учун хозир бўлурлар. Ҳар ким зарра миқдорида яхши амал қилғон бўлса, унинг жазосини кўргай. Ҳар ким зарра миқдорида ёмон амал қилғон бўлса, унинг сазосини кўргай»).

Киёмат кунига иймон келтурмак иймоннинг етти руқнларидан бир руқн бўлиб, бунингсиз банданинг иймони сахих бўлмагай. Қиёмат кунига иймон келтурмак дунёнинг интизоми, охиратнинг саодати учун биргина йўлдур. Бундан худойдан қўрқмоқ, зулм қиласлиқ, бировнинг ҳаққини емаслик, ширк ва куфран сакланмоқ, чақимчилик, ғийбат, зино, судхўрлик, ёлғончилик ва бошқа Оллоҳ таоло рози бўлмағон нарсалардан ўзини сакламоқ пайдо бўладур.

Садруддин Абул Ҳасан Алий ибн Абил Из имом Таховийнинг ақидасининг шарҳида айтадурки: «Қиёмат кунига иймон келтурмак борасида оёт ва аҳодислар зўр ва шўр бирла келган бўлуви баробарида ақл ва фитрат далолат қиласурғон масъалаларданур». Оллоҳ таоло ўз китоби Куръони каримда кўп ерларда баён буюруб далил ва хужжатлар қойим қилғондур. Қабул қиласонларға радлар қилғондур. Бу тўғрида 185 ояtlар Куръони каримда келгандур. Буларни Ибн Абил Из бир-бир, тамом санаондур.

Оллоҳ таоло муҳталиф замонларда муҳталиф қавмларға пайғамбарлар кўндурган бўлуб, ҳамма пайғамбарлар бу тўғрида муттағиқурлар. Оллоҳ таолога иймон келтурмак одамлар ўрталарида фитрий тарикада омдур. Фақатгина Фиръавн ва жамоаларидек баъзи кимсалар ўрталарида жаҳлу инод юзасидан инкор қилғон бўлсалар, улар жуда оздурлар. Аммо қиёмат кунига иймон келтурмай коғир бўлғонлар бўлсалар, улар жуда кўпдурлар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг пайғамбар бўлуб келмаклари охир замонда бўлуб, ҳамма пайғамбарларнинг охиргилариурлар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам бирла қиёмат ўрталарида фосила йўқдур. Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам буюрубдурларки:

(ҳадис)

«Мен пайғамбар бўлуб кўндурулдум, ҳолбуки, менинг бирла қиёмат келмаги шундоғдур», деб сабоба бирла ўрта қўлларини бир қилиб ишорат қилдилар. Бу ҳадисни имом Аҳмад муснадда, Бухорий, Муслим сахихларида, Тирмизий жомеида, ҳазрат Анас розияллоҳу анҳудан келтурубдурлар, ҳамда имом Аҳмад, Бухорий, Муслим сахихларида ҳазрат Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилибдурлар.

Бу ҳадисдан мақсад - менинг бирла қиёмат ўртасида бошқа пайғамбар йўқдур, келмас, Ислом дини қиёматгача давом этгай, демакдур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам шу хил тафсил бирла баён буюрдилар. Бошқа пайғамбарлар бу хилда тафсил қиласонлар. Куръони каримда ҳам шу хил баён бўлунғон бўлуб, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан илгари ўтган китоблар (Таврот ва Инжил)да бу хилда баён бўлмағондур. Ислом уламоларининг муҳаққиқлари тамом иттифоқ қиласонларки, инсонлар ўлганларидан кейин тану жон бирла қайтадан тирилмаклари тўғриларида ҳеч бир шариатда Исломдек тафсил бирла баён бўлмағондур.

Куръони каримда инсонлар ўлганларидан кейин қиёмати сурғо бўлғон олами барзахда Оллоҳ таолонинг энг аввалги жазоси хозир бўлуб, ўзи фоний дунёда қилиб ўтган амалларига яхшидур, ёмондур жазосини топиб тургай. Улуг қиёмат бўлғонда жону тан бирла тирилиб Оллоҳ таоло ҳузурига хозир бўлуб жазо ва сазо топмоқларини хўб баён қиласондур.

Киёмат куни тўғрисида келган ояtlар «алайвум охир» оти бирла 89, «баъс баъдал мавт» -

(¹)Залзала сураси. ^-1 :

ўлгандан кейин тирилмак оти бирла 70 оят, амалга қиёмат куни жазо топмоғи тұғрисида 26 оят бўлуб, жамъи 185 оят келгандур. Ул ояллар бул ерда баён ва таржама бўлуб ўтуладур.

Чунончи буюрудурки: ().

«Баъзиларингиз баъзиларингизга душман бўлғон (шайтон бирла инсонлар) ҳолда ерга тушунглар. Шунда яшайдурсизлар, шунда ўлурсизлар, шундан (тирилиб қиёмат куни) чиқарилурсизлар».

().

«Иблиси малъун: «Эй худойим, одамлар тириладурган вақтлариғача мени тирик сақлағил», деди. Оллоҳ таоло: «Мукаррап вақт бўлғон кунгача муҳлат берилганларданурсан», деди».

Оллоҳ таоло ҳазрат Нух алайхис-саломнинг даъватларини ҳикоя қилиб буюрудурки:

().

«Оллоҳ таоло сизларни ердан гиёхлардек ундуруди. Сўнгра сизларни шул ерга қайтариб киргузадур, ҳамда яна тиргузуб ердан сизларни чиқарадур».

Ва яна ҳазрат Иброҳим тилларидан ҳикоя қилиб буюрудурки:

().

«Эй худойим! Мени, ота-онамни, ва мусулмонларни ҳисоб қойим бўладурғон кунда мағфират қилғил».

((. «Ёд кил ул кунники, ҳазрат Иброҳим алайхис-салом: «Эй худойим, менга кўрсатгилки, ўлукни нучук тиргузурсан», дедилар. Оллоҳ таоло: «Иймон келтурған эмасмисан?», деди. Ҳазрат Иброҳим алайхис-салом: «Иймон келтурғандурман, фақат кўнглум ором олсун деб тилаётидурман», дедилар».

(). «Халойиқ тирилтуруладурган кунда мени расво қилмагил», ((. «Ул кундаки, мол ва авлод фойда бермагай», (). «Ва лекин Оллоҳга кўнгли ширқдан тоза ҳолда келганиниа најот топқой». ((. «Жаннат Оллоҳ таолодан кўрқанларға яқинлаштурулгай».)). «Дўзах тойғонларга очик кўрсатилиб кўйулгой». (). «Ҳамда уларға айтилгайки, сизларнинг Оллоҳ таолодан бошқа ибодат қилиб юрган маъбудларингиз қайдадур?! Сизларга кўмак қила билурларми?! Ёки ўzlари ғолиб кела билурларми?! дейилгай». ((. «Ул маъбудлар, ҳамда тавҳиддан тойғонлар, Иблиснинг ҳамма лашкарлари тамом юз тубан дўзахқа отилгайлар». ((. «Улар дўзахда (ёлғон маъбудлари бирла) жанжал қилишиб туруб: бизлар очик

(^۱)Аъроф сураси.۲۵-۲۴ :

(^۲)сураи.۳۷-۳۶ حجر :

(^۳)сураي.۱۸-۱۷ سوره :

(^۴)سورة إبراهيم : ۴۱

(^۵)сураи.۲۶۰ بقرة :

(^۶)сураи.۸۷ شعراء :

(^۷)сураи.۸۸ شعراء :

(^۸)сураи.۸۹ شعراء :

(^۹)сураи.۹۰ شعراء :

(^{۱۰})сураи.۹۱ شعراء :

(^{۱۱})сураи.۹۳-۹۲ شعراء :

(^{۱۲})сураи.۹۵-۹۴ شعراء :

(^{۱۳})сураи.۹۷ شعراء :

тойғонлиқда эканмиз, деб қасам айтгайлар». ((. «Шундоғки, сизларни бутун дунёning худосига тенг күрүб сизларга ибодат қилур эканмиз». (). «Бизларни коғирларгина тойдурғон эканлар». (). «Бизларга шафоат қилиб ораға кирғучи, меҳрибон дўст-да йўқдур». ((. «Кошқи эдики, дунёға яна қайтарилсак, ул вақт иймон келтургучилардан бўлур эдик, деб ҳасратда бўлғайлар». (). «Албатта бу баён бўлунғон оялларда ибрат олғувчиларга ибрат олинадурғон аломатлар бордур. Уларнинг кўплари иймон келтургучилар эмас эдилар».

Оллоҳ таоло ҳазрат Мусо алайхис-саломға хитоб қилиб буюрадурки:

(). «Албатта қиёмат куни келгуси бўлиб, унинг келмагида шубҳа йўқдур. Ҳар бир жон ўз қилмиши учун жазо топсун деб кўздан маҳфий ҳолда қўйдум. Ўз истагига эргашган киши охиратга иймон келтурмакдан сени тўсмасунки, ул вақтда ҳалокатга учраб қолғайсан».

Фиръавннинг қавмидан бир киши ҳазрат Мусо алайхис-саломға иймон келтурган, ўзининг иймонини Фиръавн ва қавмидан ёширур эди. Унинг ўз қавми бирла қилғон мужодаласини Оллоҳ таоло ояти карималарда ҳикоя қилиб буюрадурки:

().

«Фиръавн жамоасидан бўлғон бир киши ўзининг иймонини ёшириб юрар эди. Ул: «менинг худойим Оллоҳ таолодур, деган кишини ўлдуурсизларми?! Ҳолбуки ул сизларга худойларингиздан мўжиза келтургандур. Ёлғончи бўлса ўзигадур, тўғрисўз бўлса, сизга келадур деб айтган нарсаларидан баъзиси етиб қолғай. Албатта Оллоҳ таоло ўз ҳаддидан ошқон ёлғончини тўғри йўлға солмайдур. Эй қавмим! Букун сизларнинг қўлларингизда подшоҳлиқ бўлуб, сизлар ғолибдурсизлар. Оллоҳ таолонинг азоби келиб қолса, бизларга ким кўмак қиласадур?», деди. Фиръавн: «мен сизларни ўзум билган йўлға бошлайдурман, мен сизларни тўғри йўлға бошлайдурман», деди. Иймон келтурган киши: «Эй қавмим! Мен сизларга илгари ўтган жамоаларга келган азобнинг келмагидан қўрқаман. Чунончи ҳазрат Нух алайхис-саломнинг қавмлари, Од ва Самудға келган ва улардан кейингиларға азоб келиб ҳалок қилиб эди. Оллоҳ таоло бандаларга зулм қилмоқ истамайдур», деди».

(). «Эй қавмим! Мен сизларга одамлар бир бирларини чакиришадурғон кундан кўрқардурман».

((. «Ул куни сизлар юз ўгуруб қочурсизлар, Оллоҳ таолодан сизларни кутқазиб оладурғон кимса бўлмагай. Оллоҳ таоло ҳар кимни тойғинлиққа ҳукм қилғон бўлса, уни йўлға солғувчи бўлмагай».

(). «Эй қавмим! Бу фоний дунё кетиб қоладурғон матодур, ва албатта охират ҳамиша турадурган жойдур».

((. «Ҳар ким эркақдур хотундур, ёмон амал қилса, унга ўз баробарида жазо берилгай. Ҳар ким яхши амаллар қилса, улар жаннатга киргайлар, хисобсиз рўзи берилгайлар».

(')сураи.٩٨ : شعراء :

(')сураи.٩٩ : شعراء :

(')сураи.١٠١-١٠٠ : شعراء :

(')сураи.١٠٢ : شعراء :

(')сураи.١٠٣ : شعراء :

.١٦-١٥ () سورة طه :

(')Фоғир сураси.٣١-٢٨ :

(')Фоғир сураси.٣٢ :

(')Фоғир сураси.٣٣ :

(')Фоғир сураси.٣٩ :

(')Фоғир сураси :қирқ.

Бу түгрида сураи Сажда ўн еттинчи оят()нинг тафсирини кўрсунлар.

(). «Эй қавмим! Бул нучук ишдурки, мен сизларни нажотга сабаб бўлғон тавҳидга чақираётибдурман, сизлар мени дўзахқа элтадурган куфр ва ширкка чақирмоқдадурсизлар?!».

((. «Сизлар мени кофир бўлмоқ, Оллоҳ таолоға ширк келтурмакга чақирмоқдасизларки, ул түгрида Оллоҳ таолодан бирор ҳукм йўқдур. Мен сизларни Ғолиб, мағфират қилғувчи бўлғон Оллоҳ таолоға ибодат қилмоққа чақираётибдурман».

((. «Шаксиз ул сизлар мени ибодат қилмоққа чақирмоқда бўлғон нарсаларингиз дунё ва охиратда ибодат қилинмоққа лойиқ нарсалар бўлмай, бутлар - маҳлукгинадурлар. Албатта бизлар ва сизларнинг борар жойимиз Оллоҳ таоло ҳузуриға бўлуб, улда қиёмат кунидур. Ўз жонларига жавр қилғон мусрифлар дўзахийларгинадурлар».

((. «Менинг айтган сўзларимни яқинда эслагайсизлар. Мен ўз ишимни Оллоҳ таолоға ҳавола қилурман. Албатта Оллоҳ таоло бандаларни кўруб тургувчидур».

(). «Ул Фиръавн қавмидан иймон келтуруб шунча сўзларни айтган кишини Оллоҳ таоло Фиръавн ва жамоаларининг макрларидан саклади. Фиръавн ва жамоалариға (Шаб денгизида гарқ бўлуб) қаттиқ азоб етти».

((. «Ул ёмон азоб дўзах ўтидур. Улар эртаю кеч (барзах оламида қиёмат бўлғунча) ўт азобига пеш қилиниб туурлар. Ва қиёмат кунида дўзахга пеш қилинурлар. «Фиръавн жамоаларини дўзахқа киргузунглар», деб фаришталарға Оллоҳ таоло хитоб қилгай».

Ва яна Мусо алайҳис-салом бирла Тур тоғига борғон етмиш кишининг тилларидан ҳикоят қилиб буюруладурки:

((. «Бизга бу дунё ва охиратда яхшилиқ ёзғил! Биз сенинг ўзунгга юз қилдиқ, (дедилар)».

Сураи Бақарадаги мол сўймоққа буюрулган қиссанинг охирида буюруладур: ().

«"Ул молнинг баъзисидан бир парча бирла ўлукни урунглар», дедик. (Ул ўлукни ул молнинг аъзоси бирла уруб эдилар, ўлук тирилди. «Сени ким ўлдурди», деб сўраб эдилар, ўлдурган кишини айтиб бердида, яна ўлуб кета берди). Шунингдек Оллоҳ таоло ўлукларни тиргузадур. Оллоҳ таоло сизларга (ўлгандан кейин тирилмакка далолат қиласурғон) ўз оятларини кўрсатадур, ул ўзи сизларни ақлларингизга келинглар(да, қиёмат куни тирилмакнинг хақлиғига инкор қилиб ўлтурманглар) дебдур».

Бошқа оятларда пайғамбарларни иймон келтурганларга жаннатдан башорат бермак, иймон келтурмаганларга дўзах азобидан қўрқутмоқ учун юборғонлигини баён буюрадур. Чунончи кофирлар дўзахқа кирганларида дўзахнинг забониялари уларга хитоб қилиб айтурларки:

().

«Дўзахнинг забониялари дўзахқа кирганларга хитоб қилиб айтурларки: «Сизларга ўз

.(')

(^)Фоғир сураси. ۱ :

(^)Фоғир сураси. ۲ :

(^)Фоғир сураси. ۳ :

(^)Фоғир сураси. ۴ :

(^)Фоғир сураси. ۵ :

(^)Фоғир сураси. ۶ :

(^)Аъроф сураси. ۱۰۷ :

(^)сурай. ۷۳

(^)сурай. ۷۱

жинсларингиздан пайғамбарлар келиб, сизларга худойларингизнинг оятларини ўқуб шул кунга дуч келмакдан кўркутмаб эдиларми?». Улар жавоб бериб: «Нима учун келиб хабар бермаб эканлар?! Келгандурлар, хабар бергандурлар. Ва лекин фойда йўқ, Оллоҳ таолонинг ҳукми азобга бўлуб бўлғондур».

Бу оядта кофиirlар ўзлари бу дунёда пайғамбарлар келиб уларни охират азобидан кўркутқандурлар, бизлар кабул қилмагон эдик, деб ўзлари иқор қилиб берадурлар. Ва лекин буларнинг бу икрорлари вақт ўтгандан кейин бўлғони учун уларға фойдаси йўқдур. Қуръони каримнинг кўп сураларида ваъда ва ваййлар буюрадур. Бул ваъда ва ваййлар дунё ва охиратнинг иккиларига омдур.

Оллоҳ таоло ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қиёмат келмаги учун қасам айтмакга буюрадур:

().

«Кофиirlар бизга қиёмат келмайдур, дейдурлар. Уларға айтгил: ғайбни билгувчи бўлғон Худойимға қасамки, албатта қиёмат сизларга келгучидур. Зарра миқдорида ёки ундан кичик ёки катта бўлсун Оллоҳ таолонинг илмидан ташқарида эмасдур, ҳаммаси Лавхул Маҳфузда ёзилғилиқдур».

(). «Бул ўзи иймон келтуруб, яхши амаллар килғонларға савоб бермак учундур. Уларға мағфират ва яхши рўзилари бордурлар».

(). «Бизнинг оятларимизни ёлғонға чиқармоқ орқасида урунуб юрганлар қочиб кутулмоққа ўтрасадурлар, улар учун қаттиқ азоб бордур».

(). «Оллоҳ таоло томонидан илм берилигандар сенга нозил бўлғон Қуръони каримнинг ҳақ эканлигини билурлар. Ул Қуръон Ғолиб ва Маҳмуд бўлғон Оллоҳ таолонинг бандалари учун ихтиёр қилғон дини Исломға бошладайдур».

((. «Кофиirlар айттиларки: сизлар ўлуб титилиб, парчаланиб кетганларингиздан кейин янгилатдан тириладурсизлар, деган кишини кўрсатиб қўяйлиқми?».

().

«Кофиirlар: «қиёматнинг келмаги ҳақиқатдурми?», деб сендан сўрайдурлар. Уларға: «худойимға қасамки, ул тўғридур, сизлар ул куни кутулуб кетолмағайсизлар», дегил».

((. «Кофиirlар қайтиб тирилмасликни даъво қиладурлар. Уларға: «нима учун тирилмас экансизлар?! Ҳудойимға қасамки, тирилурсизлар! Сўнгра қилмишларингиздан тирилганингиздан кейин сўралурсизлар», дегил. «Ул ўзи Оллоҳ таолоға осондур», дегил».

Оллоҳ таоло қиёмат кунининг яқинлигидан хабар бериб буюрадурки:

((. «Қиёмат куни яқинлашти, ой тенг ёрилди».

((. «Одамларнинг ҳисоб берар кунлар яқинлашти, улар ғафлатда бўлуб юз ўгурмакдадурлар».

(')Сабаъ сураси.^۳ :

(')Сабаъ сураси.^۴ :

(')Сабаъ сураси.^۵ :

(^۶)Сабаъ сураси.^۶ :

(^۷)Сабаъ сураси.^۷ :

(^۸)Юнус сураси.^{۸۳} :

(^۹)сураи.^۷ تغلب:

(^{۱۰})сураи.^۱ قمر:

(^{۱۱})Анбиё сураси.^۱ :

((. «Сўрагучи кофирларга воқеъ бўладургон азобнинг келмагини (қачондур деб) сўрайдур. Ул азобни рад қилғувчи бўлмас. Ул азоб даражалар бирла чиқиладурғон - юқорилиқ бирла муттасиф бўлғон Оллоҳ таоло томонидан келадур».

((. «Фаришталар бирла ҳазрат Жаброил алайхимус-салом Оллоҳ таоло ҳузуриға миқдори эллик минг йил бўлғон кунда чиқадурлар».

((. «Сен хўб чидаб сабр қилғил (азобнинг келмагини узоқсиниб сўрағонларға яхши муомала қилғил)».

(). «Албатта улар азоб келадурган кунни узоқ кўрадурлар, биз яқин кўрамиз».

((. «осмон ул куни кумушнинг эриганидек бўлуб кетур, тоғлар юндеқ титилиб кетур».

((. «дўст ўз дўстини, қариндош ўз қариндошини сўрамагай. Ҳаммалари бир бирларининг олдиларида бўлурлар. Гуноҳкор ул куннинг азобидан қутулмоқ учун ўз болаларини, хотун, ака-укаларини, ўзига жой берадурган эл-уруғларини, ер юзидағиларнинг ҳаммаларини фидо қилиб юбормоққача боргайлар. Ва лекин ул ҳаргиз бўлмағай. Албатта ул кирган дўзах «Лазо» отлиқ дўзах бўлғайки, қочқанни ўзига тортқай, қўлу оёғларини қовуруб қўйғай, қочқонларни: «кел мунда», деб ўзига чақирғай. Молларини тўплаб хазина қилиб кўйғонларни-да ўзига чақирғай».

Ва яна қиёмат кунини ёлгоңга чикариб инкор қилғувчилар бораларида буюрадурки:

(). «Оллоҳ таолоға мулоқот қилмоқни ёлғонға чикарғучилар заарда қолғондурлар. Ва ҳаттоки бирдан қиёмат келиб қолгай. Улар: «лозим бўлғон нарсаларимизда камлик қилғонимиз учун шўрумиз курсун», деб ўз гуноҳларини орқалариға кўтариб келгайлар. Уларнинг кўтариб келган нарсалари жуда ёмон юқдур».

(). «Оллоҳ таолонинг ўзи ҳақ узра китобни, адл ва инсофни нозил қилғондур. Билмайдурсанки қиёмат куни яқиндур».

((. «Қиёмат кунига иймон келтурмаганлар қиёмат кунининг тезда келмагини истайдурлар. Қиёмат кунига иймон келтурганлар ундан қўрқадурлар. Қиёмат кунининг келмаги ҳақиқат эканligини билурлар. хабаринг бўлсунки, қиёмат кунининг келмагида шубҳа қилғонлар узоқ тойғинликдадурлар».

((. «Балки уларнинг илмлари охиратнинг келмагига етишмагандур. Балки улар охиратнинг келмагида шубҳададурлар. Балки улар охират тўғрисида кўрдурлар».

(). «Оллоҳ таоло ўлганни тиргузмайдур, деб жонларининг борича қасам айтадурлар. Нима учун тиргузмас экан?! Ўлгандан кейин тиргузмак Оллоҳ таоло томонидан ҳақиқий суратда килинғон ваъдадур. Ва лекин кўп одамлар билмайдурлар».

(^۱)сураи.۳-۱: معارج:

(^۲)сураи.۴: معارج:

(^۳)сураи.۵: معارج:

(^۴)сураи.۷-۶: معارج:

(^۵)сураи.۹-۸: معارج:

(^۶)сураи.۱۸-۱۰: معارج:

(^۷)Анъом сураси.۳۱ :

(^۸)сураи.۱۷: شورى:

(^۹)сураي.۱۸: شورى:

(^{۱۰})сураи.۶۶: نمل:

(^{۱۱})сураи.۳۸: نحل:

(). «Бул ўзи уларнинг мусулмонларга хилоф қилиб қиёмат қойим бўлмайдур, деб кофир бўлғонлари, ҳамда кофирлар бу хилофларида - қиёматга инкор қилмоқларида ҳақсиз эканликларини баён қилмоқ учундур».

(). «Уларға айтгилки, (эй Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам), тош бўлунглар, ё темир бўлунглар ёки ўз кўнгулларингизда катта деб билган маҳлук бўлунглар, албатта сизлар тирилгайсизлар. Улар: «бизларни ким тирилтургай?», дегайлар. Уларға: «аввалги дафъа яратқан зот ўзи тирилтургай», дегил. Улар бошларини қимирлатиб мазоқ юзасидан: «Ул қачон бўлур?», дегайлар. «Ул яқин бўлса керак», дегил».

((. «Ул кунида тирилурсизларки, Оллоҳ таоло (нафхи сур воситаси ила) сизларни чақиргай. Сизлар Оллоҳ таолоға ҳамд айтмак бирла жавоб бериб туруб тирилурсизлар. Ўз гумонларингизда озгина турдук холос, деб хаёл қилғайсизлар».

((. «Қиёмат куни кофирларни юз тубан кўр, гунг, карлик ҳолда тўплағаймиз. Уларнинг борар жойлари жаҳаннам бўлгай. Ҳар бир учай деб келганида ўтини тезлатиб қўюрмиз».

(). «Бул ўзи уларға бўладурғон жазоларидур. Чунки улар оятларимизга кофир бўлуб: «суяқ, тупроқ бўлуб чириб кетган бўлсақда, яна тирилурмизми?!», деб эдилар».

((. «Кофирлар билмайдурларми, албатта Оллоҳ таоло ўзигина осмонлар бирла ерни яратти. Ул ўзи ўшал осмон ва ердек нарсаларни яратмокка қодирдур. Ҳолбуки улар учун муқаррар вақт таъйин қилиб қўйғондур, унинг келмагида шубҳа йўқдур. Золимлар шунча далиллар қойим бўлуб туруб ўзларининг ботил йўлларида туруб олғондурлар».

Билмак керакким, кофирлар қиёмат бўлмайдур деб, ўзлари далилдур деб билган нарсаларини пеш қилғонларида Оллоҳ таоло тафсил бирла жавоб бериб, уларнинг сўз ва далилларининг хато эканликларини баён буюрадур.

Чунончи кофирлар: «ўлуб, чириб суяқ ва турпоқ бўлуб қолғон нарсалар нучук тириладурлар?! Бул ўзи бўлмайдурғон сўз туур», деганларида, «аввалги яратқан зот яна тирилтурмакга қодир бўлуб осмонлар ва ернида Оллоҳ таоло ўзи яратқандур. Эмди бу ўлган нарсанинг тирилмаги бу осмонларни яратмоқдан қийин эмасдур», деб жавоб берди.

Ёсин сурасида буюрадур:

((. «Бу инсон кўрмайдурми, биз уни нутфадан яраттиқ?! Буни билиб туруб яна очиқдан очиқ: «шуни ўлгандан кейин тирилтурдурми?», деб жанжал қилиб турубдур. Бизга мисол баён қилиб, ўзининг яратилишини унутуб ўлтурубдур».

((. «Аввалги дафъа яратқан зот ўзи тирилтургай, ул ўзи ҳар хил яратмоқни биладур, дегил».

((. «Ул [шундоғ]() зотки, хўл дараҳтдан сизларга ўт чиқариб берадурки, ундан сизлар ўт ёқадурсизлар».

(')сурай.٣٩ نحل:

(')Исро сураси.٥١-٥٠ :

(')Исро сураси.٥٢ :

(')Исро сураси.٦٧ :

(')Исро сураси.٦٨ :

(')Исро сураси.٦٩ :

.٧٨-٧٧ سورة پس: (')

.٧٩ سورة پس: (')

.٨٠ سورة پس: (')

('')жумла ушбу катта орасидаги қос орасидаги қос борани тақозо ди) .мусаххих.(

((. «Осмонлар бирла ерни яратқан зот ўша хил нарсаларни ярата билмас эканми?! Албатта ярата биладур. Ҳар нарсаны яраткувчи, билгувчи зотдур. Оллоҳ таоло бир нарсаны яратмоқ истаса, «бўл», деб қўядур. Ул нарса бўлуб ётадур. Ҳар нарсанинг мулки Оллоҳ таолонинг ўз қабзасида бўлуб, ажз ва нуқсондан покдур. Ҳаммаларингиз Оллоҳ таолоға қайтариурсизлар».

Инсонларнинг энг билимликроғи, фасих ва балиғроғи, баён ва қудратда зиёдароғи бу хужжатлардекни баён қилмоқ истаса эди, ҳар қанча урунсада эплай олмас эди. Оллоҳ таоло бу жавоб ва хужжатни бир мулҳиднинг қилғон баҳси бирла бошладики, ул баҳс шу хилда жавоб бермак истар эди. Ул баҳс - «бу чириган суюкларни ким тиргузадур?», деган сўзи эди. Ул)) «ўзининг яратилғонлигини унутуб қўйди-да, бу хил сўзларни айтиб ўлтурубдур», деган жумлаи шарифасидур. Бул ўзи жавоб ўрнига ўтадурғон сўз бўлуб, хужжатни қойим қилмоқ баробарида шубҳани-да кўтарди.

Таъкидни зиёда, баённи очиқ қилмоқ учун - «аввал дафъя яратқан зот ўзигина қиёмат куни тиргузгай», деб аввал дафъя яратмоқдан иккинчи бор яратмоқ осон эканлигини баён буюрди. Ҳар бир ақлли киши биладурки, иккинчи дафъя яратмоқдан ожиз бўлса, аввалги дафъя яратмоқдан яна ожизроқ бўлур.

Яратмоқ, ҳалқ қилмоқ яратиладурғон нарсаларнинг тамомини тафсил бирла билмакни лозим тутадур. Шунинг учун - «Оллоҳ таоло ҳамма тариқада яратмоқни тамом билгувчидур», деб буюрди.

Демак, аввалги яратқан нарсаларнинг ҳамма ажзоларини, моддаларини, суратларини биладур. Вақтики ҳаммасини тамом билар эканлиги, қудрати тамомига етар эканлиги бизга событ бўлғонидан кейин, чириб қолғонидан кейин яна илгариги суратига киргузуб қўймоқлиги Оллоҳ таолоға нучук қийин бўлур экан?!

Сўнгра яратмоқни бир далил бирла таъкид қиласадур. Улда яна аввалги сўз айтган мулҳиднинг баҳсини ўзига оладур. Ул-да: «суяк чириганидан кейин табиати совуқ, қуруқ бўлиб қоладур. Тирик моддаси ҳўл ва иссиқ бўлмоғи лозимдур. Ундоғ бўлса, иккинчи дафъя тиргузмак нучук мумкин бўлур?» Бунга жавоб юзасидан: «Ул зот шундоғ зотдурким, (Ул рутубат ва ҳўлликда зиёда бўлғон) ҳўл дараҳтдан (мизожи зиёда қуруқликда ҳаддан ошқан) ўтни чиқарадур. Ундан сизлар ўт ёқадурсизлар. Осмонлар бирла ерни яратиб, ерга тоғларни лангар қилиб тебраниб кетмасун, деб яратқан зот уларға ўхшагон нарсаларни яратолмайдурми?! Балки Оллоҳ таоло ҳар бир ирова қилғон нарсанини қилмоқка қодирдур. «Осмонлар бирла ерни яратмоқ одамларни яратмоқдан зўрдур ва лекин кўп кишилар билмайдурлар»().

Ҳар нарса Оллоҳ таолонинг мулки бўлуб, ўз мулкида нимани ирова қиласа уни «бўл», деб ҳукм қиласадур, ул нарса бўлуб ёта берадур.

Бошқа бир оятда буюрадурки: ().

«Инсон амр ва нахй қилинмай бекор қўюлуб бериладур, деб гумон қиласадурми? Ўзи эркак кишининг закаридан хотун кишининг қорнига қўюлғон нутфадан пайдо бўлғон эмасми? Сўнгра қотқан қонға айланди-да, ундан хушсурат бўлғон инсонни яратти. Ундан эру хотин бўлғон эркак ва ургочини яратти. Мана бу хил қилиб яратқан Худо ўлгандан кейин тиргузолмайдурми?! Албатта, Оллоҳ таоло тиргуза биладур».

Инсонлар бошқа ҳайвонлардек яшамоқ, ўлуб тупроқ бўлуб кета бермак учунгина дунёда яратилғон эмас. Балки, инсонлар бирла жинларни яраткувчиси бўлғон Худойифа ибодат қилмоқ учун, жазо ва сазо бериладурган дорул жазоға ҳозир қилинмоқ учун яратқандур. Амр ва нахйдан бошқа ўзигина биладурган ҳикматлари бордур.

.٨٣-٨١: () سورة پیس:

() яъни юқорида айтилган хужжат, жавоб) .мусахҳих.(

.() Фоғир сураси. ۵۷ :

() сураи қиём-۳۶ :қирқ.

((. «Сизларни бекордан бекор яраттиқми? Сизлар бизга қайтарилемассизлар, деб хаёл килдингларми? Оллоҳ таоло шаъни улуғ, ҳақиқий подшохдур, ўзидан бошқа маъбуд йўқдур, улуғ аршнинг эгасидур. Ҳар ким Оллоҳ таолоға қўшуб бошқаға ибодат қиласа, унинг бунга далилий йўқдур, унинг бу иши учун ҳисоби Оллоҳ таоло ҳузурида кўруладур. Ҳақиқатда, кофирлар нажот топмайдурлар. «Эй Худойим! Менинг гуноҳимни кечгил, меҳрибончилик қилғил, албатта Ўзунг яхши меҳрибондурсан», дегил».

Оллоҳ таоло инсонни нутфадан қотқан қонға, сўнгра гўшт парчага айлантуруб, ундан кейин сурат тортиб кўз, кулоклар очиб кўрадурган, эшитадурган, тутадурган, исказдурган қувватларни ўрнатиб таркиб бериб, суюк, пай ва бошқа кераклик нарсаларни яратиб, томурлар воситалари ила қувват ва қонға йўл қилиб, ҳамма аъзоларни бир-бирларига боғлаб, инсоннинг яратилишини камолига еткузуб, шул чиройлик шаклга киргизган зот, иккинчи дафъя шул суратга киргизмақдан нучук ожиз бўлабилур?! Чиройлик шаклдаги инсонни бошқа ҳайвонлардек таклийфсиз муҳмал қўюб берурми?! Бул ўзи Оллоҳ таолонинг ҳикматидан узоқдур.

чунончи бир ояти каримада буюрадурки: ().

«Эй инсонлар! Қиёмат куни тирилмақдан шубҳада бўлсангизлар, биз сизларни тупроқдан яраттиқ, сўнгра (хазрат Одам алайхис-салом) авлодларини нутфадан, сўнгра қотқан қондан, сўнгра гўшт парчадан (тамом комил бўлур, ёки ноқис бўлур) яраттиқ. Бул баён қилғон нарсаларимиз сизларга қудратимизни билдурмак учундур. Қоринда хоҳлаган миқдоримизча мукаррар вактгача сақтайдурмиз. Сўнгра сизларни ёш бола қилиб қориндан чиқарумиз. Сўнгра қувватларингиз комил бўлғунча қўюб берурмиз. Сизлардан баъзиларингиз балоғатга етиб, етмай ўлиб кетадурлар. Сўнгра сизлардан баъзиларингиз ҳаддан оша қариб кетадурларда, қарилик сабабидан билимлик бўлғонларидан кейин билимсиз бўлуб қолурлар. Кўрасанки бир вақт ер қуруқ қоқшол бўлуб ётадур. Сўнгра ёмғур ёғдурсақ, ер тўйуб семириб етилиб кучга кириб кетадур. Ҳар шаклда ўтлар ундурадур».

((. «Бул ўзи шунинг учундурки, Оллоҳ таолонинг ўзигина ҳақиқий маъбуддур, ўлукни Ўзи тиргузадур, ул Ўзи ҳар нарсага қодирдур».

((. «Ва ҳам шунинг учундурки, албатта қиёмат куни келгусидур, албатта Оллоҳ таоло ўлукларни - қабрдагиларни тиргузгусидур».

Ва яна бошқа бир оятда буюрадурки: ().

«Албатта инсонларни лойнинг гили (хулосаси)дан яраттиқ. Сўнгра уни (Одам алайхис-салом авлодларидан) нутфа қилиб хотунларнинг қоринлариға жойладик. Сўнгра ул нутфани қотқан қонға айлантурдик. Ул қотқан қонни гўшт парчага айлантурдик. Гўшт парчани суюкка айлантурдиқда, суюкларга гўшт кигуздик. Сўнгра уни бошқа (кўрунуб турган) инсон шаклига киргуздик. Оллоҳ таоло улуғ шаън соҳиби бўлуб, улуғ қудрат ва санъат эгасидур. Сўнгра сизлар ажалларингиз етганида ўлгайсизлар. Сўнгра сизлар қиёмат кунида тиргузулурсизлар». Муъминун сурасининг 14дан 16гача тафсирлари кўрулсун.

Асҳобул қаҳф қиссасини баён қилиб буюрадур: шамсий ҳисоб бирла уч юз йил, қамарий ҳисоб ила уч юз тўққуз йил асҳобул қаҳфни уйқуда сақлаб, сўнгра уларни уйқуларидан тургузганлигини баён қилиб буюрадурки:

().

(^١)сурай. ۱۱۸-۱۱۵ مؤمنون:

(^٢)سورة١٥: حج

(^٣)سورة٦: حج

(^٤)سورة٧: حج

(^٥)سورة١٦-١٢ مؤمنون:

(^٦)سورة٩-١٢: کهف

().

().

Шул оятларнинг тафсирларини кўздан кечурсунлар.

Жисмлар бир ҳолдан бир ҳолға айланаб кета берадурлар. Тупроқ бўладурлар, сўнгра бошқа ҳолға ўтадурлар. Чунончи аввалги пудашдан кейин нутфа бўлди, сўнгра котқан қонга айланди, сўнгра гўшт парча бўлди, сўнгра суяқ бўлди, сўнгра гўшт кийгузулди, сўнгра чиройлик суратдаги инсон бўлди. Шунингдек қиёмат куни тирилмак-да бордур. Чунончи Оллоҳ таоло инсоннинг дунбозасидан бошқа ҳамма ёги чириб кетганидан кейин яна тирилтурадур.

Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки:
(хадис)

«Одамизоднинг дунбозасидан бошқа ҳамма ёги чириб кетгай, фақат дунбозасидан бошлаб тирилиб кетгай». Бу ҳадисни Муслим сахиҳида Абу Довуд ва Насойи сунанларида келтурубдурлар.

Аввалги яратилмок бирла қайтиб қиёмат куни тирилмак икки хил бўлуб, хар қайсисида бир-бирига ўхшашдурлар. Оллоҳ таолонинг қудратига қарагонда фарқ йўқдур. Инсоннинг дунбозаси чиримай ўз ҳолича шундог тургай, бошқа томонларнинг қайтадан яратилмоғига модда бўлгай.

Оллоҳ таоло бирор нарсани яратмоқ истаса, « (бўл)», деб ҳукм қилғай, ул нарса бўлуб қолғай. Чунончи бир кишини ёшлиғида кўрулса сўнгра катта бўлғон вақтида кўрулса, билинадурки ўшал кишидур, ҳамиша бир ҳолдан яна бир ҳолға айланмакладур. Дараҳтларда шу хилдадурлар. Бир дараҳтни янги кўчатлик вақтида кўрса, сўнгра катта бўлуб зўрайғонида кўрса, шул дараҳт ўшал аввалги кўчатлик вақтида кўрган дараҳтдур. Шул кичикидан катта бўлмоқ сифати иккинчи яратилмоқда йўқдур. Ул бирдан « (бўл)» деган ҳукм бирла Исрофил сурини тортқонда бирдан бор бўлуб қараб тургай().

Аввалги яратмоқдан кейин ўлмак, фано бўлмоқ бордур. Иккинчи яратилмоқдан кейин фано бўлмоқ, ўлмак йўқ бўлуб, абадий хаёт бордур. Жаннатилар жаннатга кирсалар бўйлари олтмиш газ бўлуб киргайлар, улда ҳазрат Одам алайҳис-саломнинг суратлари бўлуб, бўйлари олтмиш, эnlари етти газ эди.

Амалларига кўра жазо топмоқ масъаласига келсак мана бундоғдур:

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадур(): «Жазо кунининг эгаси, подшоҳидур». Бандалар қиёмат кунида ўз амалларига кўра жазо топурлар, яхши бўлса яхши, ёмон бўлса ёмон жазо топурлар.

Яна бошқа ояти каримада буюруладур: ((. «Ул кунида Оллоҳ таоло ҳалойикқа ҳақиқий жазоларини бергай. Албатта Оллоҳ таолонинг ҳамма берган (жазо тўғрисидаги) хабарлари очиқ ҳақиқат эканлигини билгайлар».

Дин жазо маъносида бўлуб, «явмид дийн» жазо кунидур. Чунончи «матн» - «қилғонингга кўра жазо топурсан», дейиладур.

Ва яна ояти каримада буюруладур: ((. «Улар жаннат ахлилари бўлуб, жаннатда ҳамиша қолғувчилардурлар. Бул ўзи дунёда қилиб ўтган амалларига берилган жазодур».

(^{٢١})сураи.٢٢-٢١ كهف:

(^{٢٥})сураи.٢٥ كهف:

.(^{٦٨})سورة.٦٨ زمر:

(^٣)سورة.٣ فاتحة:

(^{٥٥})سورة.٥٥ نور:

(^{١٤})أَخْرَقَهُ سُورَةٌ.١٤ :

(). «Албатта дўзах ўз ҳадларидан ошқанларнинг йўлларида пойлаб тургандур. Унда кўп замонлар қолиб кетгайлар. Унда юракларини совутадурғон совуқ сув, ва на шарбат тотмагайлар. Фақат уларга келадурган қайноқ сув бўлур, ҳамда дўзахийлардан оққан қон ва йиринглар бўлгай. Ул ўзи уларнинг қилғон амаллариға бўлғон мувофиқ жазоларидур».

Ва яна бошқа бир ояти каримада буюруладур: ((. «Ҳар ким бир яхши амал қилса, унинг бир яхшилигига ўн савоб бўлгай. Ҳар ким бир ёмон иш қилса, унға бирга бир жазо берилгай. Улар зулм қилинмағайлар».

Ва яна буюруладур: ((. «Ҳар ким бир яхши иш қилса, унинг учун ундан кўра яхшироғи бордур. Улар ул куни хафалик ҳамда қўрқувдан амонда бўлурлар».

((. «Ҳар ким ёмон иш қилғон бўлса, улар юз тубан дўзахқа отилгайлар. Уларға: «ўзларингиз қилиб ўтган амалларингизга мувофиқ жазо берилмақдадурсизлар», дейилгай».

((. «Ҳар ким яхши амал қилғон бўлса, унинг учун ундан яхшиси бордур. Бир ёмон амал қилса, улар ўзларининг қилғон амалларига кўра сазо тотқайлар».

Ҳазрат Абу Зар ал-Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоятдурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: (ҳадиси қудсийда) Оллоҳ таоло буюргандурки: «матн».

«Эй бандаларим! Ҳар нарса сизларнинг амалларингиз бўлуб, уларни йигиб санаб тўплаб қўйғайман. Сўнгра вақти келганда жазосини бергайман. Ҳар ким яхши жазо топса, Оллоҳ таолоға шукр қилсун. Ҳар ким ундан бошқани топса, ўзинигина маломат қилсун».

Аммо қиёмат кунида ҳисобга келсак, бул ўзи бунда арз, ҳисоб, амалномаларини ўқумоқ, савоб, азобларга шомилдур. Бу тўғридаги ояtlар мана булардурлар:

Чунончи буюруладур(): «Ул кунида қиёмат қойим бўлгай». ((. «Осмон ёрилгайда, ул куни осмонлар заиф бўлуб, эшиклар очилмоққа лойик бўлуб қолғай». ((. «Ул кунда фаришталар осмоннинг атрофида бўлгайлар. Ул куни Худойинг аршини саккиз тоифа кўтарган бўлгайлар». ((. «Ул кунида Оллоҳ таоло ҳузуриға тўғри қилингайсизлар. Сизлардан бирор кимса беркиниб қолмағай». ((. «Ҳар кимнинг китоби ўнгкўлидан берилса, ул киши: «хой, келинглар! Менинг китобимни ўқуб кўрунглар!», дегай». ((. «"Мен ҳисобим менга қаттиқ бўлурмикин деб гумон қилур эдим"». ((. «Ул киши хушҳолликда яшағай». ((. «Юққори жаннатда бўлгай». ((. «Меваларининг термаги жуда

(٢٦-٢١)سuraي. نبا:

(١٦٠)Anъом surası. :

(٨٩)سuraي. نمل:

(٩٠)سuraي. نمل:

(٨٤)سuraي. قصص:

(١٥)سuraي. حافظة:

(١٦)سuraي. حافظة:

(١٧)سuraي. حافظة:

(١٨)سuraي. حافظة:

(١٩)سuraي. حافظة:

(٢٠)سuraي. حافظة:

(٢١)سuraي. حافظة:

(٢٢)سuraي. حافظة:

(٢٣)سuraي. حافظة:

яқин бўлгай». ((. «"Енглар, ичинглар, суюнчлар ила, ўтган замон - дунёда қилиб қолдургон яхши амалларингиз сабабларидан», дейилгай».

((. «Аммо ҳар кимнинг амалномаси чап томонидан келиб текса, ул айтурки: «амалномаларим қўлумға келиб тегмаган бўлса кошки эди! Ҳисобим нимадур билмаган бўлсам эди! Кошки эдики, ўлум келиб мени тугатиб қўяқолғон бўлса эди! Ҳосил қилғон молларим менга фойда бермади! Сўзларга хужжату узрим қолмади!», дегай».

((. «Уни тутуб узунлиги етмиш газ бўлғон занжир бирла боғланглар».

((. «Чунки ул улуғ Оллоҳ таолонинг бирлигига иймон келтурмаган - мушрик эди. Йўқ видаларга емак едурмакка одамларни ундумас эди. Бу кун уларға бул ерда меҳрибон ва ёрдамчи йўқ бўлгай. Уларға қон ва йиринглардан бошқа емак бўлмағай. Уларни мункир ва кофирларгина егайлар».

((. «Сизлар кўрмакда бўлғон, кўрмайдурган - бутун мавжудотға қасам айтаманки: бу Куръон мухтарам пайғамбарга ваҳий қилинғон (Оллоҳ таолонинг) сўзидур. Ул шоирнинг сўзи эмас. Сизлардан оз одамларгина иймон келтурурсизлар. Коҳин - полбиннинг-да сўзи эмас. Сизлардан фикр қиласуронда оздурулар. Бутун дунёнинг худоси бўлғон Оллоҳ таоло томонидан нозил бўлғондур».

(). «Ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи сўзларни тўқуб олғон бўлғонда эди, уни ўнг қўл бирла (кайфиятсиз) тутар эдик. сўнгра унинг бўйун томурини кесиб ташлар эдик. Сизлардан бирор кимса уни бизнинг азобимиздан тўса билмас эди».

(). «Албатта бу Куръони карим қўрқувчиларга панд ва насиҳатдур. Албатта биз сизлардан ёлғонға чиқарадурғонларни хўб биламиз. Албатта иймон келтурмай ёлғонга чиқорғонларға ҳасрат ва надоматдур. Албатта бу Куръони карим ҳақиқий суратда Оллоҳ таоло томонидан келгандур. Улуғ Худойинг отини поклик бирла ёд қилғил».

Бу ал-Ҳоққа сурасида ўн бешинчи оятдан охиригача қиёматнинг бўлмоги, номаи аъмол, савоб ва азобнинг ҳақиқат эканлигининг баёнидадур.

Ва яна бошқа оятларда буюруладур:

(). «Эй инсон, албатта сен Худойинг ҳузурига борғунча ўз амалингда бўлурсанда, Худойинг ҳузурига хозир бўлурсан. Ҳар кимнинг амалномаси ўнг қўлидан келса, унинг учун хисоб осон бўлур. Ул ўз ахлига хуш бўлуб, суюнуб қайтадур».

((. «Аммо ҳар ким амалномасини орқа томонидан берилиса, ул ўзини қарғаб йиғлағай. Ул киши дўзахқа киргай. Ул ўз ахлида дунёда хуш бўлуб юрар эди».

((. «Ул албатта хаёл қиласи, ул қайтиб тирилмагай. Ул нучук тирилмас экан?!
Унинг қилмишларидан Худоси хабардор бўлуб, кўруб турмакда эди».

Ва яна бошқа ояти каримада буюруладурки:

(')сураи.٢٤ حافظة:

(ؚ)сураي.٢٩-٢٥ حافظة:

(ؚ)сураي.٣٢-٣٠ حافظة:

(ؚ)сураي.٣٧-٣٣ حافظة:

(ؚ)сураي.٤٣-٤٨ حافظة:

(ؚ)сураي.٤٧-٤٤ حافظة:

(ؚ)сураي.٥٢-٤٨ حافظة:

شقيق: ٦-٩ (ؚ)سوره ا

شقيق: ١٠-١٣ (ؚ)سوره ا

شقيق: ١٤-١٥ (ؚ)سوره ا

((. «Уларнинг ҳаммалари Худойинг ҳузурига қатор, саф-саф тўғри қилинурлар. Уларға: «аввалги мартаба яратқонимиздек келдингизлар, балки сизлар ваъда қилғон қиёмат куни келмайдур, деб хаёл қилур эдингизлар», дейилгай».

((. «Амалномалари ёзилғон дафтарлари олдилариға қўюлғай. Гуноҳкорларни кўрасанки унда ёзилғон нарсаларни кўруб қўрқмоқда бўлурлар. Айтурларки: «шўрумиз қурсун! Бу амалномада ҳеч нарсани қўймай ёзилиб қўюлубдур». Ҳамма қилғон амалларини ёзиғлиқ - ҳозир топурлар. Худойинг ҳеч кимсага зулм қилмайдур».

((. «Ул кунда бу ер бошқа бир ерга олиштурулгай, осмонларда шундог бўлур. Ҳамма бандалар ниҳоят қудратлик Оллоҳ таоло ҳузурига ҳозир бўлурлар. Гуноҳкорларни кўрасанки занжирларда боғланиб қўшоққа тортилғайлар».

((. «Уларнинг кийимлари қизифон мисдан ясалғон бўлур, юзларини ўт ўраб олғон бўлур. Бул ўзи ҳар бир жонга ўзи қилғон амалиға қараб жазо бермак учундур. Оллоҳ таоло албатта тезда ҳисоб олғувчиидур».

(). «Бул ўзи Оллоҳ таоло томонидан одамларға еткузуб қўрқутмоқ учун нозил бўлғон Қуръони каримдур. Унинг бирла Оллоҳ таолонинг қиёмат кунида кофирларға бўладурғон азобидан қўрқутмоқ учун одамларға эълон қилинадур. Оллоҳ таолонинг ўзи ёлғузгина чинакам маъбуддур. [Бу Қуръон]() ақллик кишиларга панд ва насиҳатдур».

Ва яна ояти каримада буюруладур:

((. «Даражалари юқори, аршининг эгаси, бандаларидан кимни хоҳласа ҳазрат Жаброил алайхис-салом воситаси бирла ваҳй қилиб ҳукмларни нозил қиласуркни, ул банда ҳалойикни қиёмат кунидан қўрқутадур. Бандалардан кимса Оллоҳ таолодан махфий қолмайдур. Ул кунда ҳамма ҳалойик Оллоҳ таоло ҳузурида ҳозир бўлурлар, уларнинг қилмишларидан ҳеч нарса Оллоҳ таолодан махфий қолмайдур. Мулк кимнинг мулкидур? Ниҳоят қудрат соҳиби бўлғон бандаларига ҳукмларини юргузуб тургувчи Оллоҳ таолонинг мулкидур, дейилгай».

((. «Ул кунда ҳар жон ўз қилмишига кўра жазо берилгай. Албатта Оллоҳ таоло тез ҳисоб қилғувчиидур».

((. «Ул кундан қўрқунгларки, унда Оллоҳ таолоға қайтарилурсизлар, сўнгра ҳар жон ўз қилмишига кўра жазо топурлар, улар зулм қилинмағайлар».

Бухорий сахийхида келтурубдуркни, ҳазрат Оиша розияллоҳу анҳо айтурлар: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн».

«Ҳар ким ҳисобга тутулса, ул азобга қолур». Ҳазрат Оиша розияллоҳу анҳо айтурлар: «Мен ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға айттимки: Ё расулаттобе! Оллоҳ таоло: «Ҳар кимнинг амалномаси ўнг қўлидан берилса, ул осон ҳисоб қилинур», деган эмасми? Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки: «Ул «арз» аталур. Ҳар ким ҳисобга тутулса, ул азобга учрагай».

Биз айтамизки, « » деб шуни айтиладуркни: «Сен бу хил қилиб эдинг, биз буни кечиб ўрнига бу хил савоб бердик, бу хил иш қилиб эдинг, бунга бу хил савоб бердик», дейилгай,

(۱) سورا. ۴۸ کهف:

(۲) سورا. ۴۹ کهف:

(۳) سورة ابراهیم: ۴۸-۴۹

(۴) سورة ابراهیم: ۵۰-۵۱

(۵) سورة ابراهیم: ۵۲

(۶) جملا ушбу катта فوس اپتا بورانی تاқозو دی) . مусاҳҳих.

(۷) فوfir سوراسی. ۱۵-۱۶ :

(۸) فوfir سوراسی. ۱۷ :

. ۲۸۱ (البقرة: ۱)

банда: «ҳов», дегай. Мана бу ҳисоб ҳақиқатда ҳисоб эмас, «ҳисоби ясийр» деб шуни айтиладур. Аммо: «нимага бундоғ қилдинг, бундоғ қилмоқ хукмимизга хилоф қилдинг?», дейилса бул ўзи муноқашадур, бу азобга элтадур. Оллоҳ таоло бандаларидан ҳисоб олмоқға тутунса эди, албатта азоб қилур эди. Ва лекин Оллоҳ таоло карим бўлуб, кабира гуноҳларга иртикоф этган бўлмаса, улардан ҳисоб олмоқда афв бирла муомала қилур.

Нисо сурасининг 31инчи оят()нинг тафсирни кўрулса бўлур, калимаи шаходатнинг шархида баён бўлуб ўтулди.

Ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Албатта одамлар қиёмат кунида хушлари кетиб йиқилурлар, мен энг аввалги хушига келган бўлурман. Қарасам ҳазрат Мусо алайхис-салом аршнинг бир поясини ушлаб турубдур. Билмайдурманки, мендан илгари хушлариға келган бўлурларми, ёки Турдаги хушлари кетиб йиқилғонлари кифоя бўлғон бўлурми?», дедилар. Бу беҳуш бўлуб йиқилмоқ қиёмат кунида халойик ўрталарида файсала қилмоқ учун Оллоҳ таолонинг ҳозир эканлигини билганиларида бўлурки, ҳамма халойик Оллоҳ таолонинг жалолининг нурини кўрганларида беҳуш бўлуб йиқилғайлар. Бу ҳадисни Бухорий саҳиҳида келтурубдур.

Имом Аҳмад, Тирмизий, Ибн Абид-Дунё Ҳасан Басрий воситаси бирла ҳазрат Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қиладурларки: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн».

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «Қиёмат куни Оллоҳ таолоға одамлар уч бориш қилунурлар. Аввалги икки дафъаси жанжал ва узрлар бўлурлар. Учунчиси амалномаларнинг учуб келмаклари дурлар. Ана ул вақт ҳар кимнинг амалномаси ўнг томонидан келса, ул осон ҳисоб қилинадур, ул жаннатга кирадур. Ҳар кимнинг амалномаси чап томонидан келса, ул дўзахқа кирадур».

Демак, қабрдан тирилиб чиқарда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам энг аввал қабрларидан чиқиб тургайлар. Аммо хушларидан кетиб, яна хушлариға келиб турсалар, ҳазрат Мусо алайхис-саломни аршнинг поясини тутуб турган топқойлар. Ибн Абид-Дунё Ибнул Муборакдан нақл қилибдурки: ҳазрат Ибнул Муборак шул қуйидаги шеърни ўқубдур:

Шеър

1 - амалномалари қўллариға ёйилиб учуб келгайлар, унда махфий тутулган нарсалар, ва хабарлар бордурларки, ул амалномалар воситалари бирла очиладурлар.

2 - нучук бу ҳол ва воказларни унутуб юурсан?! Ҳолбуки ҳамма берилган хабарлар айтилкандек яқин вақтларда вуқуға келурлар.

3 - жаннат ва савобда бўлурмисанки, ул жаннат ва савоб битиб тугаб кетмайдур? Ёки дўзахда бўлурмисанки, ул дўзах ҳеч нарсани кўйдурмай қўймайдур?

4 - дўзах ўз ичидаги бўлғонларни бальзи вақт қуиға олиб кетадур, ёки юқкорига кўтариб кетадур. Чиқмоқ истаганларни яна орқасига қаратиб итариб юбориладур.

5 - азобни кўруб узундан узоқ йиғлагайлар. Ва лекин йиғлаганларнинг йиғилари, зорий ва тазарруларига раҳм қилинмағай. Уларға ўқуб дам солмоқ, ва яна доду зорийлари ишга ярамайдур.

6 - олимға ўқуғон илми ўлмай туруб нафъ қиладурғон бўлсун! Одамлар бу дунёга қайтмоқни истайдурлар, ва лекин кимса қайтиб келмайдур.

Тақдирнинг яххиси, ёмони, чучуги, аччиғи Оллоҳ таолодандур деб иймон келтурмакнинг маъноси Оллоҳ таоло азалдан абадгача ҳамма бўладурган, бўлмайдургон нарсаларни тамом билиб, ёзуб қўйғондур, деб иймон келтурмакни айтиладур. Оллоҳ таоло энг аввал қаламни яратиб, уни ёзмокқа буюрди. Қалам Оллоҳ таолонинг ҳукми бирла ҳар бир бўладурғон халойикнинг қиласурғон яхши ёмон амалларини ёзди. Қиёматғача бўладурғон нарсаларни ёзиб қурқуб қолғондур, янгилатдан ёзилмайдур.

Ином Таховий ўзининг ақидасида ёзадурки: «матн».

Албатта Оллоҳ таоло азалда жаннатга ва дўзахга кирадурғанларнинг ададларини мана бунчадур билиб қўйғондур. Бундан зиёда ва кам қилинмайдур. Шунингдек қилар ишларинида билиб қўйғондур. Чунончи ояти каримада: «Оллоҳ таоло ҳар нарсани билгувчидур», деб икки оятда айтадур. Бу тўғрида Куръони каримда ояtlар кўпдур.

Ином Таховий айтадур: «матн». «Бутун халойикни ўз илмига мувофиқ яратқандур». (). «Оллоҳ таоло ўзи яратқан маҳлуқларини билмайдурми?! Ҳолбуки Оллоҳ таоло ҳар бир ингичка нарсаларни билгувчидур».

Ояти каримада буюрадурки: ((. «Ғайб очқичлари Оллоҳ таолонинг наздидагинадур. Ғайбни ўзидан бошқа кимса билмагай. чўл ва денгиздаги нарсаларни тамом биладур. Дараҳтдан тушган бир дона баргнида билмай қолмагай. Ернинг коронгулиқларида ерга тушган донанида биладур. Бул нарсалар ҳўлдур, қуруқдур ҳаммалари Лавҳи Маҳфузда ёзигликдурлар».

Яъни гайбни Оллоҳ таолодан бошқа кимса билмайдур. Чўлда бўлсун, денгизда бўлсун тамом биладур. Барглар, донларнинг ерга тушгани, ҳўлдур, қуруқдур, тамом Лавҳи Маҳфузда ёзигликдур. Дунёда бўладурғон, бўлмайдурғон нарсалар Оллоҳ таолонинг илмидан тошқори эмасдур.

((. «Ул ўзи кечаси сизларни уйқуга солмоқ бирла ўз қабзасига оладур. Кундузи қилғон амалларингизни биладур».

Оллоҳ таоло пайғамбарларни илмликдурлар, деб мадҳ қиласур. Шунингдек фаришталар, мусулмонларнида илм бирла мадҳ қиласур. Шунинг учун бандаларга лозимдурки, Оллоҳ таоло ўзига нисбат ва исбот қилғон илмни Оллоҳ таоло ҳаққида исбот қилсунлар, ўзидан нағи қилғон нарсаларни нағи қилсунлар. Бирор нарса демай, сукут қилғон нарсаларидан сукут қилсунлар. Чунки Оллоҳ таоло яратқан нарсаларини яратмай туруб қайси хил ва қандай бўлур деб биладурки, ўшал билган тариқасида яратадур. (ал-Аъроф: 14 оятини мутолаа қилсунлар). Чунки ирода илмни лозим тутадур. Чунончи инсон қиласурғон нарсасини зеҳнида сақлаб туруб қиласур. Шунинг ўзи илмдур. Яратмоқ илмни лозим тутадур, бул ўзи зарурийдур. Бутун маҳлуқотнинг улвий, суфлийси бирла ниҳоят пухта ва маҳкам, чиройлик тариқада яратилмоғи яратқан Оллоҳ таолонинг камоли илмига далолат қиласур. Демак вужуд - борлиқ оламидаги нарсаларни илмсиз яратилмоғи жоиз эмас.

Ояти каримада буюрадурки: (). «Оллоҳ таоло ҳар нарсани ҳар нарсани ўз андозаси бирла яратти».

(). «Оллоҳ таолонинг ҳамма ишлари тамом ўз андозаси бирладур».

Саҳиҳ Муслимда ҳазрат Абдуллоҳ бин Амр розияллоҳу анхумо воситалари бирла ривоят бўлубдурки, айтибдурлар: «матн». «Оллоҳ таоло халойикнинг муқаддартларини осмон бирла ерни (юкори қуий коинотни) яратмоқдан эллик минг йил илгари ёзиб қўйғондур. Ул

(^۱)сураи мулк.^{۱۴} :

(^۲)Анъом сураси.^{۵۹} :

(^۳)Анъом сураси.^{۶۰} :

(^۴)сураи.^۲ فرقان:

حزاب:^{۳۶} (۱)سورة

вакт Оллоҳ таолонинг арши сув узасида эди». Шул ҳадисни: «матн» лафзи бирла имом Аҳмад муснадида, Тирмизий жомеъида келтурубдурлар.

Имом Таҳовий ақидасида айтибдурки: «матн»/ «Оллоҳ таоло бутун маҳлукотнинг муқаддаротларини ёзиб қўйди. Улар учун муқаррар вакт таъйин қилди».

Яъни маҳлукотларнинг қиласурғон ишлари, уларға воқеъ бўладурғон ҳолатлар, дунёда мавжуд бўлгуб турадурган замон ва муддатларини таъйинлаб ёзиб қўйғондурки, улар ўз муайян вақтларидан кейинда қолмағонларидек, илгарилаб-да кетмагайлар.

Ояти каримада буюруладур:

((. «Муқаррар бўлғон вақтлари келса, бирор соат ундан кейинда қолмоғилар, илгарилаб-да кетмагайлар».

(). «Ҳеч бир жонға Оллоҳ таоло таъйин қилғон вақтидан бошқа вақтда ўлмаги жоиз эмасдур».

Саҳих Муслимда ҳазрат Абдуллоҳ Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят бўлубдурки, айтадурлар: ҳазрат Умму Ҳабиба ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг завжай мутахҳаралари дуоларида айттиларки: «матн». «Эй бор худоё! завжим ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламни, отам Абу Суфённи, акам Муовияни кўзум олдида тирик сақлагил». Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам буюрдилар: «Оллоҳ таоло томонидан таъйинланиб муқаррар қилиб қўюлғон умр, ҳисобланниб қўюлғон кунлар, тақсим қилиниб қўюлғон ризқ учун тилак тиладингки, ҳеч нарса ўз ажалидан илгарилатиб қўйўлмағай, ҳеч нарса ўз вақтидан кечиктирилмагай. Унинг ўрнига дўзах, қабр азоби (ўт азоби)дан паноҳ тиласанг, яхшироқ ва афзалроқ бўлур эди».

Ўлдурулган ўлуклар ўз ажаллари бирла ўлгандурлар. Оллоҳ таоло билиб ёзиб қўйғондур. «Фалони касал бўлуб ўладур», «фалони биронинг қўлида ўладур», «фалони том остида қолиб ўлгай», «фалони сувда оқиб ўлгай», «фалони ўтда куюб ўлгай». Шунингдек бошқа ўлмакка сабаб бўладурғон нарсаларни тамом билиб, билганидек ёзиб қўйғондур. Уларнинг сабабларинида ёзиб қўйғондур. Ва лекин ўлдурган ўз феъли бирла ўлдургани учун унга қасос ёки дияни лозим қилғондур. Чунки ул «қилма», деб наҳӣ қилинғон нарсани қилди, ҳаром бўлғон нарсага иртикоғ қилди.

Ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Силаи раҳим умрда зиёда қиласур, маҳфий тариқада қилинғон садақа Оллоҳ таолонинг ғазабини ўчурадур».

Ва яна келибдурки: «матн». «Силаи раҳим, хушхулқлиқ, қўшниларга хуш муомалада бўлмоқ юртни обод қиласур, умрларда зиёда қиласур», деб ҳазрат Оиша розияллоҳу анҳо ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан ривоят қилибдурлар. Бу ҳадисни имом Аҳмад муснадида, Байҳақий «Шуабул иймон»да келтурубдурлар.

Бунида «шундоғ қиласур, юрт обод бўладур, умрларда зиёда бўладур. Шундоғ қилмаса эди юрт обод бўлмас эди, умрда зиёда бўлмас эди», дебда ёзиб қўюлғондур. Шунинг учун ҳар нарса муқаддардан ошмас, дейиладур.

Буларнинг таъсири лозим эмас, ва лекин дуо ибодат бўлғони учун, ҳамда дуода ухравий нағъ бўлғони учун машруъдур. Чунончи дуо масъаласида - ўн тўққизинчи нумралик масъалада яхшигина баёни ўтти.

Насойи сунанида ҳазрат Аммор ибн Ёсир розияллоҳу анҳумо воситалари бирла ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан ривоят қиласурки, буюрубдурлар: «матн». «Эй Оллоҳ! Файни билганинг, ҳалойиқға қодирлиғинг сабабидан тириклик менинг учун яхши бўлса мени тирик сақлагил! Агар ўлум менинг учун яхши бўлса ўлдургил!», дер эдилар, деб шул дуони охиригача баён қилдилар.

Имом Таҳовий ақидасида ёзадурки: «матн». «Оллоҳ таоло ҳалойиқни яратмай туруб уларнинг қилар ишлари Оллоҳ таолодан маҳфий қолмағондур. Уларнинг ҳамма қилар ишларини тамом билгандур». Бўладурғон нарсаларни бўлмай туруб биладур, ва билгандур,

(‘)сурай.٦١

(‘)Оли Имрон сураси.١٤٥ :

бўлмайдургон нарсаларни бўлмайдур деб; бўлса эди нучук бўлар эди, деб-да билгандур.

Ояти каримада буюрадурки: ((. «Дунёга яна қайтаришалар эди, «қилма», деб ҳукм қилғон нарсаларни яна қайтиб қиласар эдилар».

Мана бу оятда улар бу дунёга қайтаришмайлар, қайтаришалар эди, аввалгидек яна қайтиб қиласар эдилар, аввалги ишларида давом этар эдилар, деб буюрадур.

Яна бир оятда буюруладурки: (). «Оллоҳ таолонинг илмида уларда хайр бўлса эди, уларга эшигтирур эди. Агар эшигтирур эди, улар юз ўтургай эдилар. Улар юз ўтургучи кишилардурлар».

Ва яна имом Таҳовий айтадур: «матн». «Ҳар нарса Оллоҳ таолонинг тақдири бирла жорий бўладур. Оллоҳ таолонинг истаги юрадур. Оллоҳ таолонинг истагига хилоф тилаклар (мустақилча) юрмайдур. Оллоҳ таоло нимани хоҳласа ул бўлур, нимани хоҳламаса ул бўлмайдур».

Оллоҳ таолонинг ҳар нарсанинг мавжуд бўлмоғи, бўлмаслигидаги истаги ўз илмига кўрадур. Банданинг истаги илм юзасидан бўлмай, орзугинадур. Банданинг тилаги Оллоҳ таолонинг иродасига тўғри келиб қолса, ул бўлур. Тўғри келмаса, ул бўлмагай.

Ояти каримада буюруладур: (). «Оллоҳ таолонинг истагидан тошқори сизларнинг истакларингиз вужудга келмас. Ва лекин Оллоҳ таолонинг иродасига тўғри келиб қолса, ул бўлур. Албатта Оллоҳ таоло билгувчи, ҳикмат соҳибидур». Таквир сурасининг 29инчи() оятида шул маънодадур.

Ва яна ояти каримада буюруладур: ((.

«Биз уларға фаришталарни тушурсак эди, уларға ўлуклар сўзласалар эди, ҳар нарсаларни уларнинг кўз олдилариға тўплаб келтурууб қўйсақ эди, шунда улар Оллоҳ таоло хоҳлағанидан тошқори иймон келтурмас эдилар. Ва лекин кўплари билимсиздурлар».

Демак, Оллоҳ таолонинг иродаси илмга мавқуфдур. Банданинг тилаги илмдан тошқори бўлуб, умидгинадур. Оллоҳ таолонинг иродасига мувофиқ келиб қолса, ҳосил бўлур. Мувофиқ келмаса, ҳосил бўлмагай.

Муқаддарға иймон келтурмак ақиданинг энг қийин руқнларидандур. Шунинг учун баъзилар инкор қилиб, қадарийя аталғонлариdek, баъзилари исбот қилмоқда ўз ҳадларидан ошириб юборғон бўлуб жабрийя аталғондурлар. Инсонлар мутакаллимийн сўзларидан сақланиб, салафи солихийннинг қадамларида юрсалар эди, йўл жуда осон бўлур эди.

Қадарға иймон келтурмак инсоннинг кўнглини роҳатландурладур, ҳамма афкори сахифалардан кутқазадур, матонат ва саботни зиёда қиладур, басиратни нурландурадур. Қадарнинг ҳақиқий маъносини билсалар, ўзларининг сахиф раъйларидан сақлансалар эди, йўлдан тоймас эдилар.

Хазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари, тобеъийн, табаъ тобеъийн, аимма мужтаҳидийнлар баён қилғондурларки, Оллоҳ таоло ҳар нарсани куллий ва жузъий биладур. Аввали йўқ азалдан, охирсиз абадгача бўладурғон, бўлмайдурғон нарсаларни бўладур ёки бўлмайдур, деб билган. Ул нарсаларни бўладур ёки бўлмайдур, деб ёзиб қўймоқ учун Лавҳи Махфуз бирла қаламни яратиб, ёздурууб қўйғондур. Бутун дунё ва охиратда бўладурғон, бўлмайдурғон нарсаларни ёзиб, қаламнинг сиёси қуруб қолғондур.

Мана бул ёзиб қўймоқ: «бўл» деб, ёки «бўлма» деб, ҳукм қилмоқ ва уни ирова қилмоқ қадардур. Шул нарсани «бўл» ёки «бўлма» деб ҳукм қилмоқ қазодур. Шул ҳукм ва ёзмоқни ирова қилмоқ машайъат ва иродадур. Шуларни «бўл», деб вужудга келмакка буюрмак халқ

(¹)Анъом сураси.^{۱۸} :

(^۲)Анфол сураси.^{۱۳} :

(^۳)сурай инсон.^{۳۰} :

(^۴)

(^۵)Анъом сураси.^{۱۱۱} :

афъолил ибодтур - бандаларнинг феълларини яратмоқдур.

Банданинг амали яхши бўлса, Оллоҳ таолонинг машийъати, илми, ризосига мувофиқдур. Ёмон бўлса иродаси, илмига мувофиқ бўлуб, ризосига хилофдур.

Чунончи Сирожуддин Алий ибн Усмон ал-Ўший ал-Фарғоний ақидаси ёзғон манзумаси «Бадъул амалий»да айтадурки:

шеър

Оллоҳ таоло яхши, ёмонни ирова қилгувчидур, ва лекин ёмон ишга рози бўлмайдур.

Ояти каримада буюрадур: ().

«Агар кофир бўлсангизлар, Оллоҳ таоло сизларга муҳтоҷ эмасдур. Ўз бандаларига кофир бўлмоқни хуш кўрмайдур. Агар шукур қилиб, яхши амал қилсангизлар, Оллоҳ таоло уни сизларга хуш кўрадур. Ҳеч бир гуноҳкор жон бошқанинг гунохини кўтартмайдур. Сўнгра Худойингиз ҳузурига ҳозир қилинурсизлар-да, сизларга ўз қилмишларингизни баён қилиб, (жазосини берадур). Албатта Оллоҳ таоло кўнгилдаги нарсаларни тамом билгувчидур».

Оллоҳ таолонинг иродаси илмига қарашлиқдур. Бандалар ўз қилмишларида ихтиёрикдурлар. Шул ихтиёри ва иродасига кўра - яхшидур, ёмондур - қилғон амалига жазо топур. Шунинг учун банда фармонбардорликка буюрулгандур. Чунки банданинг энг зиёда эътиборлик амали ўладурган вақтидаги амалидур. Ҳар ким яхши амалда давом этса, шул амал узасида ажали келса, унинг умри яхши амал узасида тугади, унинг учун хайр умид қилинадур.

Ояти каримада буюруладур: (). «Албатта ул кишиларки, иймон келтуруб, хижрат қилиб Оллоҳ таоло йўлида жиҳод қилғондурлар, улар Оллоҳ таолонинг раҳматидан умидвордурлар. Оллоҳ таоло гуноҳларни кечгувчи, меҳрибондур».

Мана шунинг учун: «улар вақтида ҳолати яхши бўлди», деб унинг ҳаққида: «яхши одам эди», деб айта оламиз. Бул ўзи унинг кўрулуб турган ҳолатига қарабдур, қалбини Оллоҳ таоло билур, ҳисобни ўзи қилур.

Қадарға иймон келтуруб эътиқод қилгувчига бўладурғон таъсирига келсак, ул вақт маъсала қуидагичадур:

Банда кўнглида билиб эътиқод қилсанки, ҳар нарса пешонасига ёзилғондур, инс ва жинлар тўпланиб бирор нафъ еткузмак истасалар, ёзилғондан зиёда нафъ еткуза билмагайлар. Агар зарар еткузмак истасалар, ёзилғондан зиёда зарар еткуза билмагайлар. Ҳамма нарса Лавҳул Маҳфузда ёзилғондур. Бўладурғон нарса бўлмай қолмагай, бўлмайдурғон нарса бўлмағай. Тақдирдан тошқори бирор узоқни яқин ёки яқинни узоқ қилолмағай.

Демак, кўрқмоқ Оллоҳ таолодан, умид Оллоҳ таолодандур. Буни билган киши ҳақни айтмақдан сукут қилмағай. Оллоҳ таолодан бошқадан кўрқмагай. Ҳақни айтмақдан сукут қилмоқ нифоқ бўлуб қоладур. Пайғамбарлар, сахобалар, тобеъийн, мужтаҳид имомлар, авлиёларнинг ҳаётлари шул йўсунда ўтгандур. Муқаддар бўлуб қолғон бўлса, кўрқуб қочмоқ унга нажот бермагай.

Ояти каримада буюруладур: ().

«Сўнгра сизларга ғамдан кейин хотиржамлик юзасидан уйқусираб, мудгиламакни солдики, сизлардан бир тоифани уйқу босиб эди, яна бир тоифага ўз жонларидан бошқа нарса кўрунмас эди. Оллоҳ таолога жоҳилиятнинг гумонларидан бўлган ноҳақ гумон қилур эдилар. «Бизларда ихтиёр борми?», дер эдилар. Уларға: «ҳамма ҳукм Оллоҳ таолонинг ўзиадур», дегил. Улар сенга билдурмаган нарсаларини кўнгулларида саклайдурлар. «Бизларда ихтиёр бўлса эди, бул ерда ўлдурулмас эдик», дейдурлар. «Уйларингизда бўлғон бўлсангиз эди, пешоналариға ўлум ёзилғонлар ўлдуруладурган жойларига ўзлари чиқиб

(')сураи.۷

(۲۱۸)сураи.

(۳)Оли Имрон сураси.۱۰۴ :

борур эдилар», дегил. Бул ўзи сизларнинг ички ҳолатларингизни билар эканлигини кўрсатиб кўймок учундур. Оллоҳ таоло кўнгулда соқлаған нарсаларни билгувчидур».

Бу сўзлардан муқаддар бўлғон нарсалар бўла берадур, деб ҳаракат қилмай, уйларида ором бирла ўлтура берсунлар деган сўз чикмайдур.

Саҳобаларга ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «матн». «Амал қилинглар. Ҳар ким учун яратилғон бўлса, ул нарса унинг учун осон қилингон бўлгай», деб буюрдилар. Бу ҳадисни Муслим саҳиҳида ҳазрат Жобир розияллоҳу анхудан келтурубдурлар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тирикликларида келсак, ўз қавмларидан келган ҳар хил бало ва жафоларга чидаб, матонат ва сабот бирла сабр қилиб, бузук бир миллатни йигирма уч йил муддатида авжи камолга еткузуб дунёдан кўз юмдилар. Бул ўзи ҳар ишда саъй ва ҳаракат лозим эканлигини билдурадур.

Бу нарсалар бизни ўз узамизга лозим бўлғон Оллоҳ таолонинг ҳукмларини, ҳамда уламолар узаларига лозим бўлғон таблийғни Оллоҳ таолодан бошқадан кўркмай юргузмак лозим эканлигини кўрсатадур. Инсон билмайдурки, бунинг учун нима муқаддар қилингандур, саъй ва ҳаракат бирла истаган нарсасини қўлга келтурур, ўйлаған нарсасини саъй ва ҳаракат бирла жорий қила биладур деб ёзилғон бўлсун, ҳеч бўлмағонда ўз вазифасини адо қилиб ўзини масъулийтдан қутқаза биладур(). Саъй ва ҳаракат бирла истаган нарсаси қўлга келмаса, билурки муқаддар шундоғ экан, менга шул ишнинг ҳосил бўлмоғи ёзилмағон экан деб хафа бўлмай, ғам тортмай, хотиржам ўлтурғай. Ўз вазифасини адо қилди, Оллоҳ таолонинг ёзғонига рози бўлди, бу тақдирға қилғон эътиқоди унинг кўнлига қанча яхши ўрнағон бўлса, ўшанча натижа ўткур бўлгай. Охирида олтмиш киши олтмиш минг кишидан қўркмай урушадурларгина эмас, олтмиш минг кишига ғолиб келгайлар.

«матн».

ҳазрат Алий розияллоҳу анхудан ривоятдурки, айтибдурлар: Бизлар Бақеъ томонида бир жанозада эдик. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келдилар. Бизнинг олдимизда ўлтиридилар, бизлар атрофларида ўлтурдик. Ўзлари бирла тутган кичик асолари бор эди. Унинг бирла ерни титкилаб, бошларини куйи солиб ўлтурдилар. Сўнгра: «ҳар бир нафас олиб турган жоннинг жойи жаннатдадур ёки дўзахда, ҳамда хушбахтдур ёки бадбахтдур, деб ёзилиб қўюлғондур», дедилар. Ҳазрат Алий розияллоҳу анху айтибдурларки: бир киши: «Ё расулаллоҳ! Ҳар кимнинг жойи жаннатдур ёки дўзахдур, деб ёзилғон бўлса, амалнинг нимага кераги бордур?», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «амал қилинглар. ҳар ким хушбахтлардан деб ёзилғон бўлса, унга хушбахтларнинг амаллари осон бўлуб кўрунгай. Бадбахтлардан деб ёзилғон бўлса, унга бадбахтларнинг амаллари осон бўлуб кўрунгай», деб сўнгра қуидаги ал-Лайл сураси 5-10 оятни ўқудилар: «Ҳар ким Оллоҳ таоло йўлида берса, Оллоҳ таолодан қўрқса, уни Оллоҳ таоло хайр йўлиға солиб қўйғай. Аммо ҳар ким баҳиллик қилиб охират жазосини ёлғонга чиқарса, уни ёмон йўлға солиб қўйғаймиз». Бу ҳадисни Бухорий бирла Муслим саҳиҳларида келтурубдурлар.

Имом Таҳовий ақидасида айтубдурки: «матн».

«Бандага билмак лозимдурки, Оллоҳ таолонинг илми бутун коинотга сабқат қилғондур. Яни бутун коинот мавжуд ва комил бўлмай туруб нучук ва қандай ва қайси суратда ва қачон бўладур Оллоҳ таоло тамом билган. Шунинг учун бўладурғон нарсаларни бўладур деб ёзиб қўйғондурки, ул муҳкам ва мубрам бўлуб, уни бузгучи, унинг орқасидан нимага ундоғ бўлди, деб эътиroz қилғувчи, ўз жойи ва вақтидан жилдиргучи, тағиyr бергувчи, бошқа ёққа айлантуруб юборгучи, кам ва зиёда қилғувчи, маҳлуқотларидан осмонлар ва ерда кимса йўқдур».

Шарҳ қилғувчи Ибн Абил Из айтадур: «Бул ўзи юқорида ўтгандурки, Оллоҳ таолонинг илми бутун коинотнинг куллий, жузъийсига сабқат қилғондур. Оллоҳ таоло ҳамма нарсани -

бўладур ёки бўлмайдур - билгандур деган сўздан ношиъ (чиққан)дур».

Чунки ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрудурлар: «Оллоҳ таоло бутун маҳлукотнинг тақдиротларини осмонлар бирла ерни яратмасдан эллик минг йил илгари ёзиб кўйғондур. Ул вақт Оллоҳ таолонинг арши сув узасида эди».

Бундан зохирдурки, Оллоҳ таоло ҳамма дунёда бор бўладурғон нарсаларни ўз вақт ва маконларида нучук бўлар эканларини ўзининг ҳикмати тақозосича билиб кўйғондур. Ул нарсалар ўшал вақт, ўшал маконда ўшандоғ бор бўлуб вужудга кела берадур. Чунки маҳлукотнинг ажойиб ва гаройиб ҳикматларга қаратиб ҳосил бўлмоғи мавжуд бўлмай туруб, Оллоҳ таолонинг илмидан тошқори вужудга келмаги мумкин эмасдур. Шунинг учун ояти каримада буюрадур:

().

«Ўзининг яратқан нарсаларни яратқувчи зот ўзи билмайдурми?! Ҳолбуки Оллоҳ таоло ҳар бир ингичка нарсаларни билгувчи бўлуб, ҳар нарсадан хабарликдур».

Оллоҳ таоло «бу банда бу нарсани қилмоққа қодирдур», деб биладурда, қилғонига савоб берадур. Ҳамда «бу банда бу нарсани қилмоққа қодирдур, қилмайдур», деб биладурда қилмағони учун уни азоб қиласадур. Чунки қилмағон ишини қилмоққа қодир эди, шундоғ бўлсада қилмади. Оллоҳ таолонинг илмидаги банданинг қилмас эканлигини билганлиги қодир эди деган сўзни тафийр бермайдур. Ўз ихтиёри бирла қилмағонлиги уни жазога мустаҳиқ қиласадур.

Чунки воқеъ бўладурғон иш воқеъ бўлғон вақтида ул нарса Оллоҳ таолонинг илмida «бўладур», деб бор экан [лиги]() зохир бўладур. Бирор ҳукм бирор бандадан амалга келмаса, банда бул тўғрида осий бўладур. Бул нарсани қилмоққа қодир бўлуб туруб қилмаслиги Оллоҳ таолонинг илмida бор эканлиги зохир бўладур.

Демак, вужудга келса, вужудга келиши Оллоҳ таоло илмida борлиги, вужудга келмаса, келмаслиги Оллоҳ таоло илмida бор эканлиги событ бўладур.

Имом Таховий ақидасида айтадурки: «матн».

«Бу қадар масъаласи иймонни маҳкам қиласадурғон масъалалардан, маърифатнинг илдизларидан, Оллоҳ таолонинг ёлғузгина ҳақиқий маъбуд эканлигига икror қилиб иймон келтурмакнинг асосларидандур. Чунончи ояти каримада буюруладур: «Оллоҳ таоло ҳар нарсани яратиб, ҳар бир нарсанинг андозасини бошқа бошқа қилди», «Оллоҳ таолонинг ҳамма ҳукмлари андоза қилингай бўлгай»». Оллоҳ таолонинг илми ҳамма ашёларни яратмай туруб ижмол ва тафсил юзасидан биладур, деб эътиқод қилмоққа ишоратдур.

Чунончи «Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом ҳадислари» бирла машхур ҳазрат Умар розияллоҳу анху воситалари бирла ривоят бўлғон ҳадисда келибдурки:

«матн».

Ҳазрат Умар розияллоҳу анху айтурлар: «Бизлар бир куни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларида ўлтуруб эдик, бирдан бир киши келиб қолди. Кийимлари жуда оқ, сочу соқоллари жуда қора эди. Унда сафарнинг асари йўқ бўлуб, уни биздан кимса танимайдур. Ҳаттоқи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига келиб, тиззаси бирла чўкка тушуб, тиззасини ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тиззалирига текузуб, икки кафтини ўз тиззасига кўюб ўлтурдида: «Ё Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам! Исломдан хабар беринг», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ислом Оллоҳ таолодан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдур, ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳ таолонинг чин пайғамбаридурлар, деб гувоҳлик бермагинг; намоз ўқумоғинг; закотни адо қилмоғинг; Рамазон ойида рўза тутмагинг; йўл асбоби ҳосил бўлса ҳаж қилмоғингдур», дедилар. Ул: «тўғри айттингиз», деди. Бизлар таажжуб қилдиқки, ўзи сўраб, яна тўғри айттингиз, деб-да қўядур. «Иймон нимадур, хабар беринг», деди, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Оллоҳ таолонинг ўзигина

(')сураи мулк. ۱۴ :

(')жумла ушбу катта فوں اوسيدагي بورани تاқозو تېتىپ دى) .мусаххих.(

ҳақиқий маъбуд эканлигига, фаришталарга, Оллоҳ таоло нозил қилғон китоблариға, пайғамбарлариға, қиёмат кунига, қадарнинг - яхшидур, ёмондур - ҳақлигигаки, Оллоҳ таоло ўзи ёзib қўйғон эканлигига иймон келтурмагингдур», дедилар. Ул киши: «Тўғри айттинг», дедида, «Эҳсон нимадур, хабар беринг», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Оллоҳ таолони кўруб тургандек бўлуб ибодат қилмоғингни айтиладур, сен Оллоҳ таолони кўруб турган бўлмасандга ул ўзи сени кўруб турадур», дедилар. Сўнгра: «Қиёмат кунидан хабар беринг», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сўролғувчи сўрагучидан биладурганроқ эмас», дедилар. Ул киши: «Қиёматнинг аломатларидан хабар беринг», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Чўрилар ўз хўжайнинларини туғишлари, ялангоёғ, яланғочлар – қўй чўпонлар, бирорларга боким бўлуб юрганлар яхши иморатларда гердайишиб юрсалар», дедилар. Ул вақт ул киши туруб кетти. Мен бир оз туруб эдим, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ё Умар, сўрагучи кимдур, билурмисан?». Мен: «Оллоҳ ва расули билур», дедим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ул киши Жаброил алайҳиссаломдурки, сизларга динларингизни ўргатмак учун келиб эди», дедилар.

Бул ердаги «матн» - Оллоҳ таолонинг тавҳиди, худолигига икror қилмоқ бўлуб, бунинг маъноси тавҳиди рубубийятга икror қилмоқ, шуларни кўнглида ҳамма вақт сақламоқдур. Бул ўзи Оллоҳ таолонинг сифотлариғада иймон келтурмакни лозим тутадур. Шунинг бирлагина иймони камолига етадур. Бунингсиз мусулмон бўлуб етолмайдур. Чунки Оллоҳ таолодан бошқа яратқувчи йўқдур. Бор деб даъво қилмоқ рубубийядада ширк келтурмакдур. Даъво қилғувчи мушрик бўлуб қоладур. Демак, ҳар ким ўз феълини ўзи яратадур, деганларда мушриқдур. Шул сабабларга кўра мўътазила, қадарийялар ҳақларида сунанларда кўп ҳадислар келибдурлар.

Чунончи Абу Довуд сунанида келтурубдурки, ҳазрат Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоятдур: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар:

«матн». «Қадар - тақдирға инкор қилғувчилар бу уммати исломийянинг мажусларидандур. Касал бўлса кўргани борманглар, ўлса жанозаларига борманглар».

Ва яна Абу Довуд сунанида ҳазрат Ҳузайфа ибнул Ямон розияллоҳу анҳумодан ривоят қиласур, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар:

«матн». «Ҳар бир умматнинг мажуслари бордур. Бу уммати исломийянинг мажуслари «тақдир йўқ» деганлардурлар. Улардан бир кимса ўлса, жанозасига ҳозир бўлманглар. Улардан кимса касал бўлса, уларни кўргани борманглар. Улар дажжолнинг жамоасидурлар. Оллоҳ таоло уларни дажжолға кўшуб қўймоқни ўз узасига олғондур».

Шу хилда Тирмизийдада келибдур.

Ва лекин қадарийялар бораларида келган ҳадисларнинг ҳаммалари заифдур. Фақат ҳадиснинг мавқуф бўлғонлиги сахидур. Чунончи ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтадурларки: «матн». «Муқаддарға иймон келтурмак тавҳид низомидур. Ҳар ким мувахҳид бўлуб туруб тақдирни ёлғон деса, унинг тақдирни ёлғонга чиқарғони унинг тавҳидини бузуб ташлағай».

Бул ўзи шунинг учундурки, қадарға иймон келтурмак Оллоҳ таоло илми қадимида изҳор қилғон нарсаларки, улар ихотадан ташқаридурлар. Ҳамда муқаддаратни ёзib қўйғон эканлигини исбот қилмоқдур. Агар қадарни қабул қилмай инкор қилса, Оллоҳ таолонинг куллийётга хос қилиб жузъийётни чиқариб қўймоқ бўладур. Бул ўзи қуфрдур-да, қадарни ёлғонга чиқармоқдур.

Оллоҳ таолонинг ҳар нарсани яратқанлик масъаласига келсак, ул ўзи қадарийяларнинг инкор қилғон нарсаларидур. Улар бандаларнинг феълларини ўзлари халқ қиладурлар, дейдурлар. Бул ўзи ояти каримага хилофдурки, ояти каримада(): «Сизларни ҳамда қилмоқда бўлғон амалларингизни Оллоҳ таоло яратқандур», деб буюрадур.

Шунинг учун саҳоба ва тобеъийнлар, аимма мужтаҳидийнлардан қадарийяларни

ёмонламоқ событдур. Чунончи ҳазрат Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоятдурки: «Мен қадарийлардан безордурман, улар мендан безордурлар», дебдурлар.

Оллоҳ таоло ўзининг илмига мувофиқ ҳар нарсани ёзиб қўйғон бўлуб, ҳукми иродасига мувофиқдур. Ирода ва ҳукми ёзгони шунга мувофиқ яратмоқдан иборат бўлғон қадар масъаласи зўр усулларни ўзига оладур, булардан бирор нарсани чиқармоқ жоиз эмасдур. Чунончи:

1 - Оллоҳ таоло муқаддар қилғон нарсаларини улар вужудга келмай туруб билар эканлиги бўлуб, ул ўзи илми қадимини исботидур. Қадарға инкор қилмоқ бирла Оллоҳ таолонинг илмини қадим эканлигини инкор қилмоқдур.

2 - тақдир маҳлуқотнинг миқдорларини ўзига оладур. Миқдорлари, муайян сифотлари, маҳлуқотнинг ҳар бир фардига хос бўлғон ҳолатлар ва ўлчовларига қаратиб ҳалқ қилғондур. Чунончи ояти каримада буюруладур: ((. Таржималари матннинг таржимасида ўтти.

Демак, яратмоқ тақдирни ўзига оладур. Тақдир деб, ҳар нарсанинг ўлчовини айтиладур. Ўлчовини олмоқ яратмоқдан илгаридур. Оллоҳ таоло ҳар нарсани яратмай туруб унинг катта ва кичик, нучук, қайдоф (қандоф), оқ ёки қора, чиройлик ёки хунуқликларини билиб, ёзиб, ҳукм қилиб қўйғондур. Муайян ажзоларни билмак ўзи зоҳир нарсадур.

3 - тақдир шунида ўзига оладурки, ул бўладургон нарсаларни бўладур, бўлмайдургон нарсаларни бўлмайдур, деб ул нарсаларнинг вужудга келмакларидан илгари хабар берди. Шу илмини маҳлуқларни яратмай туруб изҳор қилди.

Бандаларда баъзи қиладургон ишларини қилмай туруб муфассал тариқада билсалар мумкиндур. Чунончи баъзи иморатларни солмай туруб, пилон ва суратларини ясаб, ўшал пилон ва суратға мувофиқ ясайдурлар. Ундоғ бўлса, Оллоҳ таолонинг билмаги мұқаррардур.

4 - бул ўзи Оллоҳ таолонинг ҳар нарсани пайдо қилмоқдаги илми ва иродаси бирла уни янгилатдан пайдо қилмоғини ўзига оладур.

5 - шул муқаддар қилинғон нарса йўқ бўлғонидан кейин янгилатдан ўз вақтида пайдо бўладур. Оллоҳ таолонинг ўзи « » амри билан пайдо қиласадур. « » амри бирла ўз вақтида бўла берадур.

Имом Таховий ўз ақидасида айтадур: «матн».

«Ул кишининг шўри қурсунки, қадарни ёлғонға чиқариб, унда Оллоҳ таолоға душман бўлуб, фикр ва раъида қадар тўғрисида кўнглини хатокорлиққа ҳозирлабдур. Ўз ваҳми бирла гайбни билмак орқасидан юруб, маҳфий сирни билмакчи бўлуб, ёлғончи ва гуноҳкорлардан бўлуб ўлтуурбдур».

Билмак керакким, қалбнинг тирик, ўлук, соғ, касал бўлуб, тўрт ҳолати бордур. Бул ўзи бадандагисидан зўрдур. Чунончи ояти каримада буюрадур: ((. «Ул кишики ўлук эди, уни тирик қилиб (тойғинлиқдан чиқариб) иймонлик қилдик, одамлар ўрталарида йўлини топиб юрадурган (тўғри йўлға солдиқ). Бу хил киши нурсиз коронгулиқда бўлғон киши бирла баробар бўла билурми?».

Яъни куфр сабабидан қалби ўлук эди, уни Исломға киргузуб иймон сабабидан қалбини тирик қилдик. Соғ, тирик бўлғон қалбга ботил ва ёмон нарсалар дуч келсалар, улардан (ёмон нарсалардан) нафрат қиласадурлар, ёмон кўрадурлар, ёмон нарсалар томонларига қиё бокмағайлар.

Ўлук ва касал қалб эгалари яхши бирла ёмонни бир-биридан ажратолмагайлар. Ҳазрат Абдуллоҳ Ибн Масъуд розияллоху анху айтибурлар: «матн». «Ул кишики унда маъруф бирла мункарни ажратадургон қалби бўлмаса, ул киши ўлук киши бўлуб, халок бўлубдур».

Шунингдек нафс истаги бирла касал бўлғон қалб бўлса, ул ўзи қувватизлик сабабидан дуч келган нарсага эргашиб кета берадур.

(۱)سuraي:۲۵ فرقان:

(۲)سورة ا۳۸ لآ:

(۳)آنیوم سورا:۱۲۲ :

Ул касаллик қаттиқ ва сустликнинг даржасига қарайдур. Қалбнинг касаллиги нафсий истак, шубха касаллиги бўлуб, икки хилдур. Бу иккисининг ёмонроғи шубха касаллиги бўлуб, бул ўзи икки хилдур. Бу иккисининг ёмонроғи қадарға инкор қилмоқ касаллигидур.

Баъзи вактларда қалб касал бўлуб қоладурда, касаллиги жуда зўрайиб кетадурда, ўзи ўзи бирла машғул бўлуб, ўзининг соғлиғи ва унинг сабабларини топмокқа қўли тегмай, ақли етмай қоладур. Шунинг учун ўзининг касаллигини билмай қоладур. Балки қалби ўлуб хам қоладур. Ва лекин ўзининг қалби ўлуб қолғонидан ўзининг хабари бўлмай қоладур. Унинг аломати шулки, ёмон амалларнинг ўзидан вужудга кела бергани уни ачиндурмайдур. Ҳақни билмаслиги, ботил ақидалари уни роҳат сизландумайдур. Чунки қалби тирик бўлса эди, ёмон амалнинг ўзидан вужудга келиши бирла ҳақни билмаслиги учун кўнгли ачиниб ўзини маломат қилур эди.

Агар қалби касал бўлса, ул ўзининг кўнгли касал эканлигини биладур. Ва лекин касаллиги зўрайиб кетгани учун қалбидаги касалликни кўтариб ташламоққа журъат қилолмай, касаллигига давом эта бермакда қола берадур. Бу касалликни ўзидан кўтариб ташламоққа урунмоқ нафсоний истакларға хилоф бўлғони учун нафсоний истакни ташлағуси келмай давом эта берадур. Чунончи баъзи бир касаллик бор бўладур, ундан кутулмоқ учун ҳозиқ табиб даво ёзиб берадур. Табиб ёзиб берган даво тақир бўлғони учун тақирлиқни кўтаролмай касалликда давом эта бермакни хуш кўрадур. Давонинг тақирлигини кўтармакка таҳаммул қилолмайдур.

Хамда инсон ҳар йўлга кирадур, ва лекин ул йўл хатарлик бўлуб, бироз мashaққат чекмак бўладур. Ул йўлдаги мashaққатни ўзига олса, тезда манзилга етмак муқаррардур, амонлик ҳосил бўладур. Ва лекин бу йўлда юрмак озроқ таҳаммулни истайдур. Буни ўзида хўб биладур, бироқ бу йўлда юрмакка чидагуси келмай қоладур. Хусусан бирга юрган йўлдошлари бўлмаса, ёлғузлиқдан зерикиб: «шунча одамлар бу йўлдан юрмай ўтуб кетибдурлар. Мен хам шуларнинг биридурман, ўшалар борғон ерларига борурман-да», дейдур.

Мана бул ўзи кўпчиликнинг ҳолларидур. Ҳолбуки шулар юрган йўлларигина уларни ҳалокатга элтиб эди.

Демак, чидамлик яхши йўловчи йўлдошларнинг озлиқлари, ёки йўлдошларнинг йўқлигига парво қилмайдур. Чунки улар яхши йўлни эрта олиб илгарилаб кетиб, борадурғон манзиллариға етиб олғондурлар. Уларнинг яхши йўловчи эканликларини хўб билиб олғондур. Улар Оллоҳ таоло инъом ва эҳсон қилғон зотлардурларки, улар пайғамбарлар, тўғрисўз, солиҳ бандалар бўлуб, Оллоҳ таоло суйган қуллардурлар().

Чунончи Абу Мұхаммад Абдурраҳмон ибн Исмоилки, ул Абу Шома аталиб машҳур бўлғон кишидур. Ул ўзининг « » ном китобида айтадур: қаерда лузумул-жамоа - жамоатнинг йўлида юрмак учун ҳукм келган бўлса, ундан мурод ҳақ тарафида бўлғон (салафи солиҳийн)лар мурод бўлуб, ҳақға эргашмак муроддур. Ҳақ тарафида турганлар оз бўлуб, унинг хилофида бўлғонларнинг кўпликлари эътибордан соқитдур.

Ҳазрат Ҳасан Басрий айтибдурки: «Суннат ифрит-тафритнинг ўртасидадур. Шунинг узасида юрмакда сабр қилинглар. Чунки аҳли суннат оз эдилар. Ҳозирда-да оздурлар. Дунёга берилганларнинг дунёга берилганликларига қўшулемадилар. Бидъатийларнинг бидъат, даҳрийятга берилганларнинг даҳрийятларидан ўзларини узоқ туттилар. Ўзларининг ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан олғон йўлларида давом эттилар. Ўлгунларича шул йўлларидан тоймадилар. Сизларда шундоғ бўлунглар».

Қалбнинг касаллигининг аломати фойдалиқ, нафъ қиладурғон емакларни қўя қолиб, ёқмайдурғон, зарар қиладурғон емакларға майл қилмоғидур. Демак, бул ерда тўрт нарса бордур. Улда:

- 1 - нафъ қиладурғон даво;
- 2 - шифоға сабаб бўладурғон даво;

3 - зарар қиласурғон даво;

4 - ҳалок қиласурғон даводур.

Сөг қалб нағы қиласурғон емак, нағы қиласурғон давони ихтиёр қиласур. Касал қалб унинг тескарисини ихтиёр қиласур. Физоларнинг фойдаликроғи иймоннинг ғизосидур. Даволарнинг фойдалиги Куръони каримнинг давосидур. Иймон бирла Куръон даводурлар. Китоб ва суннат, Куръон ва хадисдан бошқадан даво ағтарғон киши тойғонларнинг тойғонроғи бўлғонидек, жоҳилларнинг жоҳилроғидур.

Ояти каримада буюрадур: ((. «Айтгилки, бу Куръон иймон келтурганлар учун йўл топмоқ ва шифодур. Иймон келтурмайдурганларнинг қулоқларида қўргошим бор бўлуб, ва ҳамда улар учун кўрликдур. Улар узоқ ердан чақириладурлар».

((. «Биз Куръони каримда шундоғ оятларни нозил қилмоқдамизки, ул ўзи иймонлик бандалар учун шифо ва раҳматдур. Инсоғизларга заарнигина зиёда қиласур». «араб»даги « » жинснинг баёни учундур, табъийз учун эмасдур.

(). «Эй ҳалойиқ! Худойингиз томонидан сизларга ваъз ва насиҳат ҳамда дилдаги касаллик учун шифо келди. Иймон келтургучилар учун ҳидоят ва раҳматдур».

Демак, Куръони карим ҳамма қалбий ва баданий касалликлар, дунё ва охиратнинг хасталиқлариға тамом шифодур. Ҳар бир кимса шифоланмоққа лойиқ бўлолмагай. Касал Куръони карим бирла даволанмоқни ўз шарти бирла яхши тариқада қилмоқ истаса, сидқ ва иймон бирла қабул қилиб даволанмоқ керак. Ул вақт касаллик дош беролмай, қочкай. Еру осмоннинг худоси Оллоҳ таолонинг каломи муқобилида ҳеч бир касаллик тоб келтуролмагай.

Бу Куръони карим шундоғ нарсадурки, тоғқа нозил бўлғонда эди, хушуъ бирла парчаларниб кетгай эди ().

Ҳеч бир қалбий, баданий касаллик йўқки, унинг учун Куръони карим даво бўлмасун. Давоға сабаб бўладурғон нарса фақатгина қўрқуб туруб, кўнгул қўюб туруб, маънний шарифига хаёл қилиб туруб, ўқумоқ керак().

Буни китобуллоҳ ва аҳодиси набавийяларда илм ва фаҳм насиб бўлғон кишилар биладурлар.

Хотима: ояти карималар, аҳодиси набавийяларда ҳидоят, тойдурмоқ, муҳр босмоқ, саодат, шаковат тўғриларида кўп нарсалар бордурлар. Улардан баъзиларини бул ерда баён ва нақл қилиб, уларнинг маъноларини очиб ҳақиқатни баён қилиб ўтамиз.

Чунончи Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадур: (). «Оллоҳ таоло ҳар кимни тўғри йўлға солғон бўлса, ул йўл топкучиидур. Ҳар кимни Оллоҳ таоло тойдурғон бўлса, уни йўлға солгувчи дўст тополмагайсан».

((. «Ҳар вақт Куръони каримни ўқусанг, охиратга иймон келтурмайдурган бирла сенинг ўртантада ёпик парда қилиб қўямиз».

((. «Уларнинг кўнгуллариға англаб қолмасунлар деб, ғилоф қилиб қўямиз. Қулоқлариға қўргошим қуюб қўямиз. Сен Куръони каримда Худойингни ёлғузгина маъбуудур деб баён

(^)Фуссилат сураси. ۴ :

(^)Исро сураси. ۸۲ :

(^)Юнус сураси. ۵۷ :

.(^)сураи ۱۱ : حشر

.(^)Муҳаммад сураси. ۴۴ :

(^)сураи. ۱۷ : کهف

(^)Исро сураси. ۴۰ :

(^)Исро сураси. ۴۶ :

қилсанг, улар нафрат юзасидан орқалариға қочадурлар».

((. «Ул кишининг ҳолатини кўргандурмисанки, ул киши ўз истагини маъбуд тутуб олғондур? Уни билимлик бўла туруб, Оллоҳ таоло йўлдан тойдуруб юборди. Унинг қулоғи, қалбиға муҳр босиб қўйғондур. Кўзига парда қилиб қўйди. Уни Оллоҳ таоло йўлга солмағондан кейин ким йўлға солабилур?! Ақл юргузмайдурсизларми?!»

((. «Уларнинг йўл топмоқлари учун зиёда хохишинг бўлса-да, Оллоҳ таоло ўзи тойдурғон кишини тўғри йўлға солмайдур. Улар учун ёрдамчи бўлмас».

(). «Оллоҳ таолоға ибодат қилинглар, тогутдан - ҳақ йўлдан тўскучи шайтондан сақланинглар, деб (чақирмоқ учун) ҳар бир қавм ва миллатга пайғамбарлар юбордик. Улардан баъзиларини Оллоҳ таоло тўғри йўлға солди. Улардан баъзиларига тойғинлик муқаррар бўлди. Ер юзида саёҳат қилиб кўрунгларки, пайғамбарларни ёлғончи қилғонларнинг охирги ҳоллари нучук бўлуб эди».

((. «Улар шундоғ кишиларки, уларнинг қалблари, қулоқ, қўзларига Оллоҳ таоло муҳр босқандур. Улар бутун ғафлатдадурлар».

(). «Тавротда Бани Исроилга ер юзида икки карра фасод ва исён қилурсизлар, зиёда ўз ҳадларингиздан ошиб кетурсизлар, деб баён қилиб берган эдик».

((. «Ҳар кимни Оллоҳ таоло ҳидоят (топур деб ҳукм) қилғон бўлса, ул йўл топқучи бўлур. Ҳар кимни йўлдан (тоядур деб ёзгон) бўлса, уларга Оллоҳ таолонинг ўзидан бошқа ёрдам берадурғон кишилар топмағайсан. Уларни қиёмат кунида қўр, гунг, карлик ҳолда тўплагаймиз. Уларнинг борар жойлари дўзахдур. Ҳар бор ўти ўчуб келганда яна ўт олдуруб тезлатиб юборгаймиз».

Мана бу хил оятлар Куръони каримда кўп бўлғонидек, ҳадис китобларида ҳадислар-да кўпдурлар.

Чунончи «Мишкоти шариф»да келибдурки, ҳазрат Абдуллоҳ Ибн Масъуд розияллоҳу анху айтибдурлар: Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрудурлар: «матн».

«Албатта сизлардан бирингизнинг хилқати онасининг қорнида тўпланиб маний бўйича кирқ кун тургай. Сўнгра қотқан қон бўлгайда, шул бўйича яна қирқ кун тургай. Сўнгра гўшт парча бўлуб кирқ кун тургай. Сўнгра Оллоҳ таоло бир фариштани юборғай. Ул тўрт нарсани ёзгай, ул-да: амали, умри, ризки, бадбахтми хушбахтми, ёзиг қўйғай. Сўнгра жон киргузгай. Ёлгузгина маъбуд бўлғон Оллоҳ таолога қасамки, сизлардан бирингиз жаннатиларнинг амалларини қилиб юргай, ҳаттоқи бунинг бирла жаннат ўртасида бир газ қолғонда қадарда ёзилғон нарса ўзуб кетиб дўзахийларнинг амалларини қиласур-да, шунинг бирла умри тамом бўладур, дўзахқа кирадур. Сизлардан бирингиз дўзахийларнинг амалларини қиласур, ҳаттоқи бунинг бирла дўзахнинг ўртасида бир газ қоладурда, бирдан қадарда ёзилғони ўзуб кетиб, жаннатиларнинг амалларини қиласур, умри шул яхши амал бирла тамом бўладур-да жаннатга кирадур». Бу ҳадисни имом Бухорий, Муслим сахихларида келтурубдурлар.

Бундан бошқа ҳадисларда кўпдурлар.

мана бу оят ва ҳадисларда ҳидоят ва залолат, саодат ва шақоват азалийдур, бундан тошкори бўлмайдур, деб келибдур. Ва лекин ўртадаги тавғиқ қуидагичадур.

Чунончи бу қадар масъаласи тўғрисида аввалидан тортиб аҳодис ва салаф уламоларининг сўзларини нақл қилиб келмакдамизки, Оллоҳ таолонинг илми ҳамма ашёнинг куллий, жузъийларига шомилдур. Азалдан абадгача бўладурғон, бўлмайдурғон нарсаларни билиб

(^۱)сурай.۲۳ جاثیة:

(^۲)сурай.۳۷ نحل:

(^۳)сурай.۳۶ نحل:

(^۴)сурай.۱۰۸ نحل:

(^۵)Исро сураси.۴ :

(^۶)Исро сураси.۹۷ :

«бўладур» ёки «бўлмайдур», деб ёзиб ҳукм қилиб қўйғондур. Мана шул қазою қадарни хидоят қилмоқ ёки тойдурмоқ - хушбаҳт ёки бадбаҳт қилмоқ, деб таъбир қилғондур. Гоҳи муҳр босмоқ бирла таъбир қилғондур. Бундан бандаларнинг ихтиёrlарини олиб қўйғондур, деган маъно чиқмайдур. Банданинг жазога мустаҳиқ бўлмоғи ўз ихтиёри ила амал қилмоғидадур.

Оёт ва аҳодисларни ўз раъича бир-бирларига уруб маъно бермак жоиз эмасдур. Хусусан эътиқод масъалаларида эҳтиёт қилмоқ лозимдур. Ўзининг сахиф раъий, хом фикри узасида юрмакдан сақланиб, уммати исломийянинг салафларининг қадамларида юрмак лозимдур.

Чунончи Ибнул Қайим ҳазратлари ўзининг « » ном китобида ниҳоят тафсил бирла баён қилғондур. (дуо).

Ҳар нарса Оллоҳ таолонинг илми, иродаси, тақдири, хукми бирла жорий бўлуб турадур, деб иймон келтурамиз. машийъати - истаги, ҳамма машийъатларга, иродаси ҳамма иродаларга, хукми ҳамма ҳийлатларга ғолибдур. Истаганча қиладур, нимани хоҳласа унға хукм қиладур. Оллоҳ таоло бандаларга ҳаргиз зулм қилмайдур. Агар хайрни ирова килса, ул илми ва иродасига мувофиқ бўлуб, Оллоҳ таоло ризолиги бирладур. Агар ёмонликни ирова килса, ул илмига мувофиқ бўлуб, унда ризолиги йўқдур. Иродаси илмига мавқуфдур. Банданинг ихтиёрий иродаси бордур. Ўшал иродаси, ихтиёри сабабидан жазоланадур. Ул феъли яхши бўлса яхши жазо топадур, ёмон бўлса ёмон жазо топадур.

Оллоҳ таоло буюрадурки: «Оллоҳ таоло қилғон нарсаларида сўралмайдур. Бандалар сўраладурлар».

«[факат]) Оллоҳ таоло ирова қилғон нарсаларида сизларнинг истакларингиз жорий бўладур».

«Албатта Оллоҳ таоло ўзи хоҳлаған нарсасини қиладур».

«Оллоҳ таоло бандаларига зулм қилғучи эмасдур».

Бу масъала борасидаги баҳслар бундан аввалги қирқ иккинчи рақамлик масъалада тафсил бирла ўтти. Бу кейинги қирқ учинчи рақамлик баҳс аввалги масъаладаги тақриротнинг хulosасидур.

(¹) оятдаги!) ла (калима сени ایتا دا degan сўз اضافه қилинди) .мусаххих.(

Бандаларнинг қилмиш амаллари Оллоҳ таолонинг махлуқларидурлар, ва бандаларнинг ҳосил қилғон касбларидур. Оллоҳ таоло бандаларини тоқатларидан тошқори нарсага буюрган эмас. Буюрган нарсаларигина бандаларнинг кучлари етадурган нарсалардурлар. Оллоҳ таолонинг тоати ва унда тамом коим турмакка Оллоҳ таолонинг тавфиқидан тошқори на ҳавл, на қувват ҳеч кимда йўқдур. Оллоҳ таолонинг тавфиқидан тошқори банда ўзини гуноҳдан тортолмайдур, фармонбардорлик қилмоқ ва унда сабит турмак Оллоҳ таолонинг ионати ва тавфиқи бирлагина бўлур.

Билмак керакким, қазо, ирода, амр, изн, китоб, хукм, таҳрийм калималариdek нарсалар «кавний», «шаръий» бўлуб, икки хилдурлар. Чунончи:

1 - кавний қазонинг мисоли: ((. «Икки кунда етти осмонни яратиб бўлдуруб тамом қилди».

2 - диний шаръий қазонинг мисоли: ((. «"Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилинглар», деб худойинг хукм қилди, шуни машруъ қилди».

3 - кавний амрнинг мисоли: (). «Оллоҳ таолонинг хукми ва амри - бирор нарсани ирода қилса((- унга: «бўй», деб айтмагигинадур, ул нарса бўлуб ёта берадур».

4 - шаръий ва диний амрнинг мисоли: (). «Албатта Оллоҳ таоло сизларни амонатларни ўз эгаларига топшурмоққа буюрадур».

(). «Албатта Оллоҳ таоло ҳалқ ўрталарида адл ва инсоф бирла муомала қилмоқ, ҳалойиққа яхшилиқ қилмоқ, қариндош, уруғларға силаи раҳим қилиб уларнинг ҳолларидан ҳабардор бўлуб юрмакка буюрадур. Ёмон сўз ва феъл ва шариатга хилоф нарсаларга иртикоф этмақдан манъ қиласур. «Панд олинглар», деб сизларга ваъз ва насиҳат қиласур».

5 - кавний изннинг мисоли: (). «Оллоҳ таолонинг тақдиридан тошқори ўрганмакда бўлғон сехрлари бирла ҳеч кимга зарар еткузолмайдурлар».

6 - шаръий, диний изннинг мисоли: (). «Ҳар бир хурмо дараҳтидан кесган бўлсангизлар ёки кесмай ўз ҳолича қўйғон бўлсангизлар, ул ўзи Оллоҳ таолонинг хукми бирладур».

7 - кавний китоб - ёзмоқнинг маъносида келган оятнинг мисоли: (). «Ҳар бир узун умр кўрган кишининг умрининг узунлиғи, ҳар бир оз умр кўрган кишининг умрининг озлиғи Лавҳи Махфузда ёзиглиқдур. Албатта ул ўзи Оллоҳ таолога осондур».

(). «Албатта Лавҳи Махфузда ёзилғонидан кейин, нозил бўлғон китоб - Забурда ёзиб кўйғондurmизки, бу ерга солих бандаларгина эга бўлғайлар».

8 - шаръий, диний китобнинг мисоли: (). «Эй иймон келтурган бандалар, сизларга рўза фарз қилинди».

(^۱)Фуссилат сураси.^{۱۲} :

(^۲)Исро сураси.^{۲۳} :

.۸۲ (^۳)سورة پس:

(^۴)яъни, Оллоҳ таоло) .мусахҳих.(

(^۵)сураи.^{۵۸} نساء:

(^۶)сураи.^{۹۰} نحل:

(^۷)сураи.^{۱۰۲} بقرة:

(^۸)сураи.^۵ حشر:

(^۹)Фотир сураси.^{۱۱} :

(^{۱۰})Анбиё сураси.^{۱۰۰} :

(^{۱۱})сураи.^{۱۸۳} بقرة:

9 - кавний ҳукмнинг мисоли: ((. «"Бу ер (Миср ери)дан отам ижозат бермагунча ёки Оллоҳ таоло ҳукм қилмағунча жилмагайман», деди».

10 - шаръий, диний ҳукмнинг мисоли: (). «Бул ўзи Оллоҳ таолонинг ҳукми бўлуб, сизларнинг ўрталарингизда ҳукм қиласур».

11 - кавний таҳримнинг мисоли: (). «Оллоҳ таоло: «Бани Исроилга Байтул Мақдисга қирқ йилгача кирмак ҳаромдур. Бу ерларда саргардон бўлуб, адашиб юурурлар», деди».

12 - шаръий, диний таҳимнинг мисоли: ((. «Сизларга ҳаром ўлган нарса,) ги (ни, тўнғуз гўшти ҳаром қилинғондур».

13 - кавний калималарнинг мисоллари: ((. «Худойингнинг яхши сўзи Бани Исроилга Фиръавннинг зулмиға чидаганлик учун тамом (тўлик) бўлғондур».

14 - шаръий, диний калималарнинг мисоли: ((. «Ёд қил ул кунники, Иброҳимни худоси бир қанча сўз ва ҳукмлар бирла имтиҳон қилди. Уларни ҳазрат Иброҳим алайҳис-салом тамомига еткуздилар».

Бу кавний мисоллардаги сўзлар тамом афъолул ибодға қарашлиқдур. Шаръий, диний мисоллардаги сўзлар тамом ҳукм ва таклийфга қарашлиқдур. Буларда тоқати бўлмағон нарсаларга буюрмак йўқдур.

Ва яна бир оятда буюрадурки: (). «Оллоҳ таоло сизларни, ҳам қилмоқда бўлғон амалларингизни яратқандур».

Бу оятнинг тафсирида Ибн Касийр, Бухорийнинг «халқу афъолил ибод» китобидан нақл килиб айтадурки: «матн». «Албатта Оллоҳ таоло ҳамма хунарчи ва хунарини яратқувчидур». Бу ҳадисни Бухорий «халқу афъолил ибод» китобида нақл қилғонидек, Ҳоким Мустадракда, Байҳақий «китобул асма вас-сифот»да нақл қилибдурлар, ҳадис саҳихдур. Бу ҳадис юқоридаги ас-Софбот сураси тўқсон олтинчи оятга тафсир тушадур.

Ва яна бошқа оятда буюрадур: (). «Оллоҳ таоло ҳар нарсани яратқувчидур. Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилинглар, ул ўзи ҳар нарсага вакилдур (хозир бўлуб кўруб тургувчидур)».

١٠ : سوره () یوسف.

١٠ : ممتحنة () سуراي.

٢٦ : مoida () سوراسى.

٣ : مoida () سوراسى.

١٣٧ : سوره () ال-اъроф.

١٢٤ : بقرة () سуراي.

٩٦ : صافات () سуراي.

١٠٢ : سوره () انъом.

Бандадан амал вужудға келадурган иститоат - күдрат икки хилдур:

Аввалгиси: тани сихатлик, фурсат, имкон топмоқ, ишлайдурган асбобнинг саломат бўлмоғидек нарсалардур. Бу иститоат феълдан илгари бўлуб, хитоб шунга мутааллиқдур. Ояти каримада буюрадур: «Оллоҳ таоло ҳеч бир жонни тоқатидан тошқори нарсага буюрмайдур».

Яна бири (иккинчиси) шундог иститоатдурки, унинг бирла бандада васф қилинмайдур. Чунончи тавфиқ бермак, осон қилмоқдек нарсалардур. Ул феъл бирла бўлур. Унинг бирла банданинг васф қилинмоғи жоиз эмасдур. Чунончи ҳадиси шарифда келибдурки: «Амал қилинглар. Ҳар ким нима учун яратилғон бўлса, ул нарса унинг учун осон бўлуб кўрунгай».

Ояти каримада буюрадурки: (). «Оллоҳ таоло ҳар кимни тўғри йўлга солиб қўймоқни ирода қилса, унинг кўнглини Ислом учун очиб қўйгай. Ҳар кимни йўлдан тойдурмокни ирода қилғон бўлса, унинг кўнглини тордан тор қилиб қўйгайки, торлиғидан осмонға чикиб кета ётқандек бўлуб қолғай. Шунингдек иймон келтурмайдургандарга куфрни мусаллат қилиб қўйгай».

Ва яна бир оятда буюрадурки: ((. «Ул кишиники Оллоҳ таоло кўнглини дин учун очуб ёрутуб қўйғон бўлса, ул худойининг томонидан нур бирладур, бу хил кишилар кўнгли қаттиқлиқ занг босқанлиғи бор кишилар бирла тенг бўлолмағайлар. Бу кўнгуллари қаттиқ кишиларнинг шўрлари курсун. Улар очиқ тойғинлиқдадурлар. Улар учун ҳалокат бўлуб, улар Куръони каримдан таъсиранолмайдурлар».

Ва яна бир ояти каримада буюрадур: (). «Оллоҳ таоло ҳар кимни «ҳидоят топадур» деб ёзғон бўлса, ул йўл топқучидур. Ҳар кимни «йўл топмайдур» деб ёзғон бўлса, унинг учун йўлга солғувчи меҳрибон топмағайсан».

Ва яна бир ояти каримада буюрадур: (). «Албатта сен ҳар бир суйганингни йўлга сололмағайсан. Лекин Оллоҳ таоло хоҳлағанини йўлга соладур. Йўл топқучиларни Ўзи биладур».

Демак, инсоннинг қилмоққа ихтиёр қилғон ишида фурсат ва имкон топмоғи, қилмоқ ва қилмаслиқдаги озодлиги бутун хитоб ва жазонинг мутаважжих бўладурғон еридур. Булар иститоатнинг аввалги қисмиға шомилдурлар. Ва лекин банданинг қасд қилғон нарсасининг вужудға келмагидек феъллар кейинги иститоатга шомилдурлар. Буларнинг бандага нисбати феълнинг бандадан вужудға келганлигидандур. Ва лекин буни ҳалқ қилмоқ, яратмоқлиги жиҳатидан Оллоҳ таолоға нисбат қилинадур.

Чунончи ояти каримада буюрадур: ((. «Сенинг кофирларга қараб майда тошларни отқанингда сен отмадинг, ва лекин Оллоҳ таолонинг ўзи отти».

Оллоҳ таоло аввалги қисм иститоатни яратқонидек иккинчи қисм иститоатни-да Оллоҳ таоло яратқандур, ва яратадур. Бу тўғрида жабр деган нарса йўқдур. Оллоҳ таоло мушриклардан нақл қилғон сўзки, ул ояти каримада: ((. «Қиёмат куни мушриклар айтгайларки: Оллоҳ таоло хоҳласа эди, [на]() бизлар ва на ота-боболаримиз ширк келтурмас эдик». Бу сўз бирла ўзларини мажбур эканликларини баён қилиб ўзларини азобдан кутқазмоқчи бўлғайлар. Бундан улар учун фойда йўқдур.

(^۱)Анъом сураси.^{۱۲۵} :

(^۲)сураи.^{۲۲}

(^۳)сураи.^{۱۷}

(^۴)сураи.^{۵۶}

(^۵)Анфол сураси.^{۱۷} :

(^۶)Анъом сураси.^{۱۴۸} :

(^۷)жумла ушбу катта قوس орасидаги بورани تاқозо ایتتا دی) .мусаххих.(

Бул ўзи жабрийяга қойил бўлғонлар()нинг сўзлари дур. Чунончи Ҳофиз Шерозий ўзининг девонида айтадур:

шеър

Яхши от чиқармоқ кўчасидан бизга йўл бермабдурлар, бизнинг бу юрушумизни хуш кўрмас эсанг, тақдирни тағиyr бериб қўяқол.

Ул киши зоҳирий суратда ёмонлиққа отлари чиққонларнинг суратларида кўруб маломат қилғон, зоҳирда сўфий бўлуб ўзини ҳаромдан сақламагон, сийратлари бузук кишиларга қаратиб қимаб юзасидан сўзланган сўз бўлса қеракдур. Бу хил тариқада таъвил қилмасақ, юқкоридаги мушрикларнинг сўзлари бирла бу сўзниң фарқи йўқдур.

Оллоҳ таолоға, қиёмат кунига, қадарға иймон келтурганликнинг самараси - натижаси амал қилмоқ, Оллоҳ таолодангина қўрқмоқ, Оллоҳ таолодан бошқадан қўрқмаслиқ, Оллоҳ ва расулининг ҳукмларига бўйунтовлиқ қилмаслиқ, Оллоҳ таолони ҳозир нозир билмак, ҳамма вақт ўзини Оллоҳ таоло хузурида эканлигини хаёлида тутмақдур. Оллоҳ таоло кўз юмуб очкунча бандадан ғофил эмасдур. Яхшидур, ёмондур ҳамма амаллари Оллоҳ таоло хузурида ёзиглиқдур. Ҳеч нарса Оллоҳ таолодан ғойиб бўлолмайдур.

Бу нарсалар банданинг кўнглида иймоннинг жой олғонлиғидан ҳосил бўладур, амал қилмоқни бандага лозим қиласдур. Банданинг кўнглида ҳамиша Оллоҳ таолодан қўрқуб турмак жой оладур. Оллоҳ таолодан бошқадан қўрқмоқ банданинг кўнглида қолмайдур. Оллоҳ таолодан қўрқмоқ баробарида қиёмат кунидаги ҳисоб, жазонинг ҳақлигига ишониб кўнгли ором олғон бўлса, Оллоҳ таолонинг ҳозир нозирлиги, банда ҳамма вақт Оллоҳ таолонинг назари остида эканлиги, кўз юмуб очкунча бандадан ғофил эмас эканлиги кўнглида ўрнағон бўлса, бандадан лаҳза бўлса-да исён вужудға келмагай.

Бу тўғрида кўп ҳадислар келибдурлар. Улардан беш ҳадисни нақл ва таржима қилиб ўтамиш:

1 - «матн». «Ҳар ким Оллоҳ таолоға, қиёмат кунига иймон келтурган бўлса, қўшнисига яхши муомала қилсун. Ҳар ким Оллоҳ таолоға, қиёмат кунига иймон келтурган бўлса, меҳмонини иззат қилсун. Ҳар ким Оллоҳга, қиёмат кунига иймон келтурган бўлса, яхши сўзласун ёки тек ўлтурсун». Бу ҳадисни имом Аҳмад муснадида, Бухорий, Муслим сахихларида, Насойи, Ибн Можа суннларида ҳазрат Абу Шурайх ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумо ривоятлари бирла келтурубдур.

2 - «матн». «Ҳар ким Оллоҳ таолоға, қиёмат кунига иймон келтурган бўлса, ипакда киймасун, олтун тақмасун». Бу ҳадисни имом Аҳмад муснадида ва Ҳоким Мустадракда келтурубдурлар.

3 - «матн». «Ҳар ким Оллоҳ таолоға, қиёмат кунига иймон келтурган бўлса, тенг батенггина олсун». Яъни олтунни олтунга алиштурмоқ бўлғон киши тенг батенг олсун, рибодан сақлансан - ошиқ олмасун. Бу ҳадисни Муслим сахихида ҳазрат Фазола ибн Убайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилибдур.

4 - «матн». «Ҳар ким Оллоҳга таолоға, қиёмат куниган иймон келтурган бўлса, қўшнисига озор бермасун. Хотунларға яхши муомала қилишмоқни васият қилишинглар». Бу ҳадисни Бухорий сахийхида келтурубдур.

5 - «матн». «Ҳар ким Оллоҳ таолоға, қиёмат кунига иймон келтурган бўлса, ҳаммомга иштонсиз - кўти очиқ кирмасун. Ҳар ким Оллоҳ таолоға, қиёмат кунига иймон келтурган бўлса, хотунини ҳаммомға киргумасун. Ҳар ким Оллоҳ таолоға, қиёмат кунига иймон келтурган бўлса, шароб (ароқ) ичилиб турган дастурхонға ўлтурмасун». Бу ҳадисни Тирмизий жомеъида, Ҳоким Мустадракда келтурубдурлар, ҳадис ҳасандур. Ҳадисни ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳазрат Жобир розияллоҳу анҳу ривоят қилибдурлар.

Мана бу ҳадисларда Оллоҳ таолоға ҳамда қиёмат кунига иймон келтурган кишилар баён бўлғон нарсалардан ўзини сақласунлар дейиладур. Инсоннинг иймонида жазм ҳосил бўлғон бўлса, ҳамма буюрукларни жойига қўюб, манъ қилинғон нарсалардан ўзини тортмоқни лозим тутадур. Иймонлик банданинг иши амал бўлғай, ўз ўзидан амал қилмоқ табиий шаклга кириб қолғай. Банданинг иймони ҳақиқат эканлиги қилмоқда бўлғон амалларидан билиниб тургай. Унда нифоқ, тил ёғламалиқ бўлмағай. Шунинг учун дейиладурки: «амалсиз иймон мевасиз дараҳтдекдур», «амалсиз иймон гувоҳсиз даъвodeкдур». Бул ўзи ҳалқ олдидаудур. Оллоҳ таолонинг наздида ихлос керакдур. Ул ўзи Оллоҳ таолодан ҳамиша қўрқуб юрмак, Оллоҳ таолодан бошқадан қўрқмаслиққа элтадур.

Бир киши хукуматнинг бир идорасида хидматда бўлса, узасида масъулийят борлигини хўб билса, ул ўз вазифасини бажармакда камчилик қилмагай. Чунки ўз вазифасини бажармакда камчилик қилса, масъулийятга учраб қолар эканлигини хўб биладур. Оллоҳ таоло қодири мутлақ эканлиги, қиёмат кунининг келмаги, ундаги ҳисоб ва жазоға ишонғон бўлса, ул киши ўз вазифасини адо қилмоқда нучук камчилик қилғай?!

Демак, ҳар ким ўзининг амалига қўра жазо топадур. Яхшидур, ёмондур ўз қилмишининг мевасини тергай. Чунончи ояти каримада буюрадур: (). «Ҳазрат Иброҳимнинг миллатидан ўз жонига жавр қилғон кишиларгина юз ўгуурлар. Ҳазрат Иброҳим алайҳис-саломни бу дунёда ҳаммадан афзал қилди, охиратда ул албатта солиҳ бандаларданур».

((. «Ёд қил ул кунники, ҳазрат Иброҳим алайҳис-саломға Оллоҳ таоло: «Бўйунсунгил - итоат қилғил, Исломда бўлғил», деди. Ҳазрат Иброҳим алайҳис-салом: «Бутун дунёning худоси Оллоҳ таолоға бўйунсундум», дедилар».

(). «ҳазрат Иброҳим ва Яъқуб алайҳимас-салом ўз авлодлариға Иброҳим алайҳис-салом миллатларида бўлмоқни васият қилдиларки: «Эй болаларим! Оллоҳ таоло сизларга шул Ислом дининини ихтиёр қилди. Сизлар Оллоҳ таолоға юз қилғон ҳолларингиздагина ўлунглар», дедилар».

(). «Ҳазрат Яъқуб алайҳис-салом вафот вақтиларида болалариға: «Мендан кейин кимга ибодат қилурсизлар?», деган вақтиларида сизлар ҳозир эдингизларми?! Ўғлилари: «Бизлар сизнинг худойингиз, сизнинг ота-боболарингиз ҳазрат Иброҳийм, Исмоил ва Исҳоқ алайҳимус-саломнинг худойлари бўлғон биргина Оллоҳ таолоға ибодат қилурмиз. Бизлар шул Оллоҳ таолонинг ўзига ихлос или ибодат қилгувчилардурмиз», дедилар».

((. «Улар - ҳазрат Иброҳим алайҳис-салом ва авлодлари ўтуб кетган бир қавмурлар. Уларнинг ҳосил қилғон яхши амаллари уларға бўлуб, сизларнинг ҳосил қилғон амалларингизда сизгадур. Уларнинг қилмишларидан сизлар сўралмассизлар».

Улар ўз узалариға лозим бўлғон вазифаларини адо қилиб борадурғон жойлариға кетгандурлар. Эмди уларнинг қилиб ўтган амалларининг сизга фойдаси бўлмағонидек сизларнинг қилғон амалларингиздан уларға зарар йўқдур.

«Ҳазрат Иброҳим алайҳис-салом миллатидандурмиз», деб амалсиз, қуруқ даъвонинг эътибори йўқдур. «Қуруқ сўз қулоққа ёқмас». Иттибоъ эътиқод бирла амалда бўлмоғи лозимдур. Амалнинг қабулға ўтмаги ихлос бирла қилғон амалға боғлиқдур. Эътиқоди сахих бўлуб, ихлос бирла бўлғон амалгина инсоннинг нажотига кафилдур.

(^۱)сураи. ۱۳۰ بقرة:

(^۲)сураи. ۱۳۱ بقرة:

(^۳)сураи. ۱۳۲ بقرة:

(^۴)сураи. ۱۳۳ بقرة:

(^۵)сураи ۱ بقرة: ўттиз тўрт.

Иймон келтурамиз шундог дебки: бу Қуръон азиймуш-шаын Оллох таолонинг муборак сўзи бўлуб, шаксиз ўзининг китобидур, маҳкам узулмайдурган аргамчисидур. Оллох таоло томонидан нозил бўлғондур. Уни «Рухул-Амийн» аталғон ҳазрат Жаброил алайхис-салом пайғамбарларнинг сардорлари ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Оллох таоло тарафидан олиб келгандур. Ҳар ким англайдурган очик арабий тилидадур. Ҳар ким маҳкам тутса, нажот топадур. Ҳар ким шул Қуръони каримга эргашмакка чақирилса, ул тўғри йўлға чақирилғон бўладур.

Оллох таоло буюрадурки: «Айттил, эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: "агар инсонлар бирла жинлар тўпланишиб шул Қуръони каримнинг ўхшашини келтурмак учун ўз ўрталарида бир-бирларига кўмак қилишсаларда, ўхшашини келтуролмагайлар"»().

«Улар - мушриклар: «ўзи тўқуб олғондур», демаётибдурларми?! Уларга айттилки, «бу сўзларингиз тўғри бўлса, шунингдек ўн ясама суралар келтурунглар! Бошқа сизларга ёрдам берадурган Оллох таолодан бошқа истаган одамларингизни чақиринглар! Улар сизларга ёрдам қилишсунлар». Улар сизларга ёрдам қилишмоқ учун жавоб бермас лар, билиб кўйингларки бу Қуръони карим Оллох таолонинг илму қудрати бирла нозил бўлғондур, ҳамда Оллох таоло ўзигина ёлғуз маъбуд бўлиб, ўзидан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдур»().

«Сизлар бизнинг бандамиз - ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламға нозил қилғон китобимиз Қуръони каримда шубҳа қилмоқда бўлсангизлар, сизлар шул Қуръони каримга ўхшагон бирор сурा ясаб келтурунглар! Бу тўғрида сизларга кўшулушадурган кишиларингизни чақиринглар, тўғрисўз бўлсангизлар. Агар ундоғ қилмасангизлар, харгиз қилолмағайсизлар, ўтунлари инсонлар бирла тошлар бўлғон дўзах ўтидан сақланингларки, ул кофирлар учун тайёрланиб қўюлғондур»().

Бу Қуръони каримни Оллох таоло нозил қилғон бўлуб, Оллох таолонинг қаломи - сўзидур. Бутун дунёдаги инсонлар бирла жинлар тўпланишиб шул Қуръони каримдек бир китобки фасоҳату балоғат, ахбори муғайябот, анзима ва қавонийн, ижтимоий, имроний, сиёсат ва ахлоқдек нарсаларни ақмал вужуҳ бирла ўзига олғон бўлсун, ясаб келтурмакдан ожиздурлар.

Улар айтганларидек Оллох таоло томонидан бўлмағон бўлса эди, улар шул Қуръондек бирор китоб ясаб келтурмакдан ожиз бўлмас эдилар. «Бўлмаса ўн сурада бўлса ясаб келтурунгларчи», дейилди. Улда мумкин бўлмади. Бўлмаса «бир сурা бўлсада ясаб келтурунглар», дейилди, бунданда ожиз бўлдилар.

Чунончи Қуръони каримнинг услубида, фасоҳат-балоғатида улум ва ҳидоятида сураи Кавсардек бирор кичик сурा бўлса-да келтурмакдан ожиз бўлдилар. Сураи Кавсарнинг фасоҳат ва балоғатдаги ўрнидан тошқори ғайбдан берган хабарида икки қазийя бор бўлуб, бири Оллох таолонинг ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға берган «хайри касири»ки, ул ўзи охиратда бермакни ваъда қилғон ҳавзи кавсардур. Иккинчisi ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг душманлари бўлғон Уқба ибн Абий Муайт ва Абул Ос ва бошқалари ўғлилари Қосим вафот қилғонидан кейин: «Муҳаммаднинг ўғли ўлди, орқасидан қоладурғон авлоди қолмади - абтар бўлди», дейишиб эдилар. Оллох таоло бул сурани нозил қилди, унда: «сенинг душманинг ўзи абтардур», деди. Чунончи мазкурларнинг ўзлари абтар бўлдилар, орқаларидан авлод қолмай насллари узулуб қўркуб кетти. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари ҳазрат Фотима розияллоҳу анхонинг воситалари бирла дунёда тарқағон авлодлари, зурриётлари ер юзида шул қадар кўп эдики, дунёда булардек кўп тоифа йўқдур.

Бу Қуръони каримни Оллох таолонинг сўзи эмас деганларга қарши Оллох таоло

(¹)Исро сураси.^{۸۸} :

.۱۴-۱۳ (سورة هود)

(^۲)سورة .۲۴-۲۳ بقرة :

буюрадур: ().

«Албатта ул ўзи бизнинг оятларимизга кискисламак бирла пеш келгучи эди. Уни силлик тоғқа тирмашиб чиқмоққа буюруб, шунинг бирла азоб қилтурман. Албатта ул ўйлади, сўнгра айтадурган сўзини ўйлади. Лаънат бўлсун ул нучук ўйлади! Сўнгра унга лаънат бўлсун нучук ўйлади! Сўнгра: «нима демак керак», деб ўйлаб кўрди. Сўнгра пешонасини тириштурди, бурнини жийирди. «Бу Мұхаммаднинг келтурган нарсаси жодугарлардан ўрганган жодугинадур», деди. «Бу Куръон инсоннинг сўзигинадур», деди. Уни «Сақар» отлиқ дўзахқа киргизурман. Сақар нимадур, сенга ҳеч нарса билдурмади. Ул инсоннинг баданидан куймаган ерини қўймай куйдургай, баданларини ўтулаб, пишириб юборгай. Дўзахда муваккал бўлуб турган фаришталарнинг ададлари ўн тўқкуз бўлғай». Ва лекин улар фаришталар бўлуб нурдан яратилғондурлар, улар инсонға қиёс қилинмайдурлар.

Бу сўзини ҳикоя қилиниб турулган киши Валийд ибнул Муғийрадур.

Имом Таҳовий ақидасида айтадур: «матн».

«Албатта Куръони карим Оллоҳ таолонинг каломидур, деб иймон келтурамиз. Сўзлагани кайфиятсиз бўлуб ўзидан зухурга келгандур. Ваҳй бирла пайғамбариға нозил қилғондур. Бунға мусулмонлар чинакам ишониб иймон келтургандурлар. Куръони карим Оллоҳ таолонинг сўзи эканлигига яқийн қилғондурлар. Халойиқнинг сўzlаридек маҳлук эмасдур. Куръони каримни ҳар ким эшитиб: «инсоннинг сўзидур», деса, ул киши коғир бўлғай. Оллоҳ таоло «Куръони каримни инсоннинг сўзигинадур», деганларни ёмонлаб, «уни Сақар отлиқ дўзахға киргизурман», деб буюрадур. Қачонки инсоннинг сўзи деганни Сақарга киргизурман деди, бундан Куръони каримнинг Оллоҳ таолонинг сўзигина эканлигини билдиқ, ул ўзи инсоннинг сўзига ўхшамайдур».

Бул ўзи дин усулида зўр аслдур. Бу тўғрида мусулмонлардан зўр бир тоифа йўлдан тойиб кетгандурлар. Имом Таҳовийнинг баён қилғон сўзи китоб ва суннат бирла собит бўлғон бир сўз бўлуб, унинг хилофи жоиз эмасдур. Шубҳалар бирла мутагайирир бўлмайдурғон бўлуб, фитратда шоҳиддур. Шубҳа ва шукукларгина инсонни ҳар томонға тортадур. Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон сўз, сифат, аъзо - қулоқ, кўздеқ нарсалар тамом кайфиятсиз қабул қилинадур. Чунки Оллоҳ таолонинг зоти бутун маҳлукотнинг зотларидан бошқа бўлуб, жисмоний дунёдан тошкоридур. Оллоҳ таолони ҳеч ким кўрган эмас, бу дунёда ҳеч ким бу кўз бирла кўролмайдур. Оллоҳ таолони мусулмон бандалар охиратда кўргайлар. Бандалар Оллоҳ таолони кўрмай иймон келтургандурлар.

Инсоннинг сифатларига Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон сифатларни қиёс қилмоқ жойиз эмасдур. Бу шунинг учундурки, Оллоҳ таолонинг сўзи Оллоҳ таолонинг ўзидан пайдо бўлғондур. Ва лекин қайси тариқада вужудға келгандур, маълум эмас. Шунга кўра: «кайфиятсиз зоҳир бўлди», дейиладур. Сўзламак Оллоҳ таолонинг сифатлариданур. Оллоҳ таолонинг сифатлари кайфиятсиз бўлуб, кайфиятини Оллоҳ таолонинг ўзига ҳавола қилинадур.

Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон нарсалар маънавий, аъён бўлуб икки хилдурлар:

Аъённинг Оллоҳ таолоға нисбат қилинмоғи ташриф юзасидан бўладур. Чунончи Байтуллоҳ - Оллоҳ таолонинг уйи, ноқатуллоҳ - Оллоҳ таолонинг туси, деб келгандур.

Маънавий бул ташриф учун дейилмайдур. Балки Оллоҳ таоло ўзини ўзи васф қилғон сифатлариданур. Чунончи: илмуллоҳ, қудратуллоҳ, иззатуллоҳ, жалалуллоҳ, кибриёуллоҳ, қаломуллоҳ, улуввуллоҳ, ҳаётуллоҳ сифатларидан бўлуб кайфиятсиздур, маҳлук эмас.

Сўзламак бирла васф қилинмоқ камолий васф бўлуб, унинг зидди нақс васфлариданур. Оллоҳ таоло нақс васфларидан барийъдур.

Чунончи ояти каримада буюрадур: (). «Ҳазрат Мусо алайҳис-саломнинг қавмлари ҳазрат Мусо алайҳис-салом Тур тогифа кетганларидан кейин ўзларининг юрлари - тақинчокларидан бўзак ясад, бут қилиб олдиларки, ул бўзаклари қуруқ жасад бўлуб маъраб турадур эди. Улар

(')сурай.۳۰-۱۶ مدنظر:

(')ال-أَنْجَوِيَّةُ سُورَةٌ ۱۴۸ :

кўрмадилармики: ул бўзак уларга сўзламайдур, уларни тўғри йўлга чақирмайдур эди?!».

Ва яна бошқа бир оятда буюрадурки: ((. «Кўрмайдурлармики, ул маъбуд тутуб олғон бўзаклари уларға сўз қайтармайдур, уларға заар, нафъ-да еткузолмайдур?!».

Бу сўздан маълумдурки, сўз қайтармаслиқ, сўзламаслик ноқисликдур. Шунинг учун унинг ибодат қилинмоққа лойиқ эмаслиги зохирдур. Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон сўз ва калом шундоғ бир тариқададурки, унинг кайфийяти бизга маълум эмас. Ул кайфият Оллоҳ таолонинг ўзига - зоти ва жалолига лойиқ ва муносибдур, уни Ўзи билур.

Чунончи кайфиятсиз сўзламак тўғрисида буюрадур: ((. «Ул куни оғизлариға муҳр босиб кўйгаймиз. Қўллари бизга сўзлаб бергай. Оёғлари қилғон ишларига гувоҳлик бергайлар».

((. «Улар ўз аъзолариға: «Нима учун бизнинг зараримизга гувоҳлик бердингизлар?», дегайлар. Аъзолари: «ҳар нарсани сўзлатгучи Оллоҳ таолонинг ўзи бизларни сўзлатти», дегайлар».

Шунингдек тошнинг ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қўлларида тасбих айтганликлари, тошнинг ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға салом берганликлари, дараҳтларнинг ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари учун гувоҳлик берганликлари бизнинг наздимизда кайфиятсиздур.

Шунингдек, Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон сифатларки, ул сифатлар инсонларда бордурлар, уларни Оллоҳ таоло нисбат қилинмоғи кайфиятсиздур, уларни ўз сифатларимизга қиёс қилмоқ жоиз эмасдур. Чунки бул ўзи ғойибни шоҳидга қиёс қилмоқдур, бул жоиз эмас.

Куртубий ўзининг тафсирида айтадурки: «Мўжизалар пайғамбарлардангина содир бўладур. Ўзларининг Оллоҳ таоло томонидан Оллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилмоққа чақирмоқ учун қўндурулган эканликлариға далолат қиласур. Ўз қавмлариға: «биз сизларни Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоққа чақирамиз, бизлар Оллоҳ таолонинг пайғамбарлари дурмиз», деб ўз даъволарини тўғри эканлигини билдуруб, шул мўжизаларни кўрсатадурлар. Бу мўжизаларнинг сахих бўлмоғига беш шарт бордур. Бу беш шартдан бирининг мавжуд бўлмаслиғи бирла ул кўрсатган нарсалари мўжизалиқдан чиқиб қоладур. Бу беш шартлар қуидагичадур:

1 - мўжиза келтурмакка Оллоҳ таолодан бошқа ҳеч кимсанинг қодир бўлмаслиғидур. Чунки пайғамбар келмаги жоиз бўлғон бир замонда бирор келиб пайғамбарлик даъво қиласа, ул ўзининг тўғрисўзлиги учун кундуздан кейин кечанинг келмаги ёки куннинг кун чиқмоғини кўрсатса даъвоси тўғри эмас. Чунки агарчи бу нарсалар Оллоҳ таолонинг қудрати бирла вужудға келадурлар, ва лекин одат юзасидан Оллоҳ таолонинг қудрати бирла жорий бўлуб турган бўлуб, бунинг учун жорий бўлмағондурлар.

2 - одатга хилоф бўлмоғи лозимдур. Чунки пайғамбарлик даъво қилғувчи ўзининг тўғрисўзлиги учун кундуздан кейин кечанинг келмаги ёки куннинг кун чиқмоғини кўрсатса даъвоси тўғри эмас. Чунки агарчи бу нарсалар Оллоҳ таолонинг қудрати бирла вужудға келадурлар, ва лекин одат юзасидан Оллоҳ таолонинг қудрати бирла жорий бўлуб турган бўлуб, бунинг учун жорий бўлмағондурлар.

Демак, бунингдек даъволар даъво қилғувчининг тўғрисўз бўлғониға далолат қилмағай. Балки менинг тўғрисўз бўлғонлиғимға далилдур деб ернинг тешилиб кетмаги ёки бир асонинг илон бўлуб қолмоғи, панжаларининг орасидан сувнинг вариллаб чиқмоғи, тошнинг ўзича ёрилиб кетиб орасидан тия чиқмоғидек нарсаларни кўрсатсанаки, ул нарсаларни еру осмонларни яраткан Оллоҳ таологина қиласур. Мана шул аломатлар «шул бандамнинг сўзи тўғридур, уни мен ўзум пайғамбар қилиб сизларга кўндургандурман», демак ўрнига ўтадур.

Демак, пайғамбарман деб даъво қилғоннинг қўлидан шу хил одатга хилоф инсоннинг

.٨٩) سورة طه:

.٦٥) سورة يس:

(۱) فussilat surası. ۷۱ :

кудратидан тошқори нарсалар жорий бўлса, бул ўзи «тўғри сўзлайдур» деган Оллоҳ таоло томонидан тасдиқни ифода қиласадур. Бу «бандам тўғри сўзлайдур, сўзига ишонинглар», демак бўладур.

3 - пайғамбарлик даъво қилғувчи «менинг пайғамбарлиғимнинг аломати шул сувнинг ёғ бўлуб кетмагидур», ёки «ернинг тебрангил десам, тебраниб кетмагидур» деса, шунинг айтганидек бўлуб кетса, унинг даъвоси тўғри бўлуб чиққай.

4 - даъво қилғувчининг мўжиза деб кўрсатмаги шарт бўлуб, айтганига мувофиқ бўлмоғи лозимдур. Бул шунинг учундурки: бир пайғамбарлик даъво қилғувчи «менинг пайғамбарлиғим учун шул кўлим ёки минган отим ёки эшагимнинг сўзламагидур» деса, кўли ёки оти ёки эшаги: «бул киши ёлғон айтадур», деб юборса, ул вақт унинг ёлғончилиғига далил бўлғай. Чунки ул кўрсатган нарсаси ўзининг даъвосига хилоф сўзлаб юборди. Чунончи Мусайлиматул каззоб «сув кўпайсан», деб бир қудукқа тупуруб эди, суви қуркуб қолди. Ул ёлғончи эди, унинг ёлғончилигини кўрсатти.

5 - бу «пайғамбарман», деб даъво қилғон киши келтурган нарсасини бошқа бироннинг келтуролмаслиги шартдур. Ўтган тўрт шарт баробарида бул шартда тамом топилса, ул вақт унинг даъвоси тўғри бўлуб чиқадур. Агар яна бирор келиб унинг мўжиза деб кўрсатган нарсасига ўхшағон нарсани кўрсатса, аввалгининг кўрсатган нарсаси мўжиза эмас эканлиги билиниб, унинг ёлғончи эканлиги сабит бўлғай.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: ((. «Ўз сўзларида тўғри сўзлаган бўлсалар, шул Куръондек бир китоб келтурсунлар».

((. «Улар: «ўзи ясаб олғон», демаётибларми?! Айтгилки, сизларда Куръони каримга ўхшағон ўн ясама суро келтурунглар!».

Яъни ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни сизлар: «Қуръони каримни ўзи тўкуб олғондур», десанглар, сизлар-да шунингдек бир китоб ясаб келтурунглар. Бўлмаса ўн суро ясаб келтурунглар. Бу-да бўлмаса бир кичик суро баробарида бир суро ясаб келтурунглар. Эмди бир китоб, ёки ўн суро, ёки бир кичик сурада келтура билмасанглар (буни келтуролмайдурсизлар) куйдурадурган, ўтунлари инсон бирла тош бўлғон дўзахдан сақланингларки, ул ўзи коғирлар учун ҳозирлаб қўюлғондур. Бул Куръон Оллоҳ таоло томонидан нозил бўлғондур, дегил деб буюрадур.

«Бу беш шарт бирла келтурулган мўжизалар тўғри сўзлайдурган кишилардан вужудга келадур, деб даъво қиласадурсизлар. Ҳолбуки ёлғончи дажжолдан-да вужудга келадур. Чунончи ҳадисларда келибдур», дейилса, биз жавоб берурмизки:

Дажжол худолик даъвосини қилғай, ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарлик даъвосини қилган эдилар. Бул тўғрида фарқ зохирдур. Ҳамда дажжол учун одамларга ибтило юзасидан баъзи хилоф() нарсаларни Оллоҳ таоло зохир қиласадур. Унинг узасига дажжолнинг шаклида айб бор бўлғай. Ул бир кўзи кўр бўлуб, яна бир кўзининг ниши чиққан бўлур(). Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқ ва суратларида тўғрисўз бўлмоқлариға далил бўладурғон нарсалар бўлуб, ўкумаган ва хат ўкумок, ёзмокни билмаган ҳолларида пайғамбарлик даъвосида бўлуб бир Куръонни келтургандурларки, бутун дунё ҳалқи ул Куръоннинг бирор кичик сурасидек нарсани келтурмакдан ожиздурлар.

Мўжизалар икки қисм бўладурлар:

Бири ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан машҳур тариқада нақл бўлғон, ва лекин вафотларидан кейин тугаб кетгандур.

(^۱)сурай Тур :ўттиз тўрт.

. سورة هود: ۱۳

(^۲)одатга хилоф، فوق العالی، داچى، мокчилар) .мусахҳих.(

(^۳)кўзи بۇرۇشىقان бўлур) .мусахҳих.(

Иккинчиси саҳих событлиги, вужудға келғонлиғи тавотур тариқада событ бўлғон бўлуб, унинг бирла илми зарурий хосил бўлғон бўлур. Бу тавотурниң шарти шулдурки, уни нақл қилғувчиларнинг ҳамма тариқаларида нақл қилғувчиларнинг ададлари шу даражада қўп бўлсунки уларниң ҳаммаларининг ёлғон айтмаклари мумкин бўлмасун, ҳамда нақл қилғувчилар нақл қилғон нарсаларини яхши билган бўлсунлар.

Мана шул тариқадаги тавотур Қуръони каримда мавжуддур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бор бўлуб ўтганликлари-да шу хилдур. Чунки уммати исломийя ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг замонларидан тортиб шул замонгача бир-бирларидан шу хил тавотур бирла Қуръони каримни ўқуб, ёд қилиб, нақл қилишиб келмакдадурлар. Ҳазрат Расулуллоҳ Мұхаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вужудлари, тўғрисўз бўлмоқлари мўжизалари бирла событдур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Қуръони каримни ҳазрат Жаброил алайҳис-саломдан, ҳазрат Жаброил алайҳис-саломнинг Оллоҳ таолодан олғонлиқлари ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳар табақада мутавотир тариқада нақл қилиб келгандурларки, уларга ёлғоннинг аралашмоғи мумкин эмасдур. Бу Қуръони карим ҳазрат Мұхаммад ибн Абдуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам - Оллоҳ таолонинг пайғамбариға Оллоҳ таоло тарафидан нозил бўлуб зухурға келди. Ўз замонларидағи қабул қилмағон коғирларға: «Оллоҳ таоло томонидан келганигига шубҳада бўлсангизлар, бутун олам аҳли йигилиб шул Қуръондек бир китоб келтурунглар. Бўлмаса ўн ясама сура келтурунг. Жуда бўлмаса бирор кичик сурасидек бирор сура бўлсада ясаб келтурунглар», деб таҳаддий қилинди. Улар буларнинг ҳаммасидан ожиз бўлдилар. Буларнинг ҳаммаларида шу хилда мутавотир бўлуб келгандурлар.

Бу тавотурниң мисоли инсонларнинг Макка, Мадина, Басра, Шом, Ироқ, Хуресон ва шунингдек шаҳарларнинг борликларини билмакларидекдур. Бунинг ўхшашлари жуда кўпдур.

Мана шул Қуръони карим ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биринчи мўжизаларидурки, ўзларидан кейин қиёматгача бокийдур. Бошқа пайғамбарларнинг мўжизалари ўзларидан кейин қолмай, ўзларидан кейин ўзлари бирла баробар мунқариз бўлуб кетгандур. Китоблари табдил ва таҳрифга учрагандурлар. Чунончи Таврот бирла Инжил ҳазрат Мусо ва Ийсо алайҳимас-саломдан кейин бузулуб, таҳриф ва тағиیر ва табдил топиб кетгандурлар. Қуръони карим бўлса, кун чиқарда бўлсун, кунботарда бўлсун, ҳеч бир ерда ҳеч кимса табдил киргузмакга йўл топмагондур. Оллоҳ таоло ўзи каломини таҳриф ва табдилдан сақлар эканлигини ваъда қилғондур.

Чунончи ояти каримада: ((. «Биз албатта бу Қуръони каримни ўзумиз нозил қилғондурмиз. Уни ўзумиз муҳофазат қилғувчидурмиз», деб буюрадур.

Бир минг уч юз саксон олти йилдан буён фарқ бўлмай сақланиб келинмакдадур.

Қуръони каримнинг эъжози ул тариқададур:

1 - араб тилидан ташқари бир услубда бўлуб, назми шеър назмидан билкул бошқадур. Чунончи Оллоҳ таоло пайғамбари ҳазрат Мұхаммад ал-Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида буюрадур: ((. «Унға шеърни ўргатмадик, унға шеър айтмак муносиб-да эмасдур».

Ҳазрат Абу Зар розияллоҳу анхунинг қардошлари ҳазрат Абу Зар розияллоҳу анхуга айтиб қолдики: «Мен Маккада бир кишини кўрдумки, ул киши сенинг динингдадур. Ул ўзини пайғамбар деб даъво қиласур». (Ҳазрат Абу Зар розияллоҳу анхунинг қардошларининг оти Анийисдур). Ҳазрат Абу Зар розияллоҳу анху айтадурлар: «Мен қардошимга: одамлар унинг ҳақида нима дейдурлар, дедим. Ул: «одамлар коҳиндор, соҳирдор дейдурлар», деди. Анийис ўзи шоир эди. Ул айттики: «Мен коҳинларнинг сўзларини эшитгандурман, уларнинг сўзларидан эмасдур. Шеър ўқайдурғонларга пеш қилдим, уларнинг ҳеч қайсиларининг

сўзларига тўғри келмайдур. Валлоҳқи, ул киши ўз сўзида тўғри сўзлайдур. Курайшлар шоир, коҳин, соҳирдур деб даъво қилмоқларида ёлғон айтадурлар», деди».

Шунингдек Утба ибн Рабийя-да: «шеър эмас, сеҳр эмас», деди. Ул вақт Қурайшга келиб насиҳат қилди. Қурайш қабул қилмадилар. Ул: «ундоғ бўлса, мен сизларнинг ишларингизга аралашмайдурман», деди. агар Утбадек бир киши Қуръони каримдек бирор нарсани эшитмаганлигини икror қилиб турса, унинг Қуръони каримни мўжиза эканлигини тасдиқ ва икror қилмоқдур.

У хил шоирлардан кўплари шу хил ўз ажзларини билдуруб эътироф эттилар. Чунончи ҳазрат Лабийд ибн Рабийя розияллоҳу анху-да зўр шоир эди. Мусулмон бўлгонидан кейин: «Қуръони карим туруб менга шеър айтмак тўғри эмас», деб умр бўйича шеър айтмакни тарқ қилди.

2 - бутун арабнинг услубларига хилофдур.

3 - алфозлари муҳтасар ва тотлиқ бўлуб, маъноси очик ва осон бўлмоғидурки, бунинг маҳлукдан вужудға келмаги мумкин эмасдур. Ҳар ким Оллоҳ таолонинг борлиғи ва қудрати комиласига иймон келтурган бўлса, ул биладурки, бу хил жазолат Оллоҳ таолонинг сўзидан бошқада воқеъ бўлмағай. Бул уч нарсаки, ул назм, услугуб, жазолатдур Қуръони каримнинг ҳар бир оятида мавжуддур. Ҳар бир сура ва оят бутун инсонларнинг сўзларидан ажраладур.

4 - араб тилидаги тасарруфидурки, ҳар бир араб ўзи ёлғуз мустақил тариқада бошқалар бирла иттифоқ қилмоқсизи бирор сўз айттолмайдур. Ҳолбуки бутун араблар ўз замонларида иттифоқ қилғондурларки, Қуръони каримнинг аввалидан охиригача ҳар бир калима ва ҳарф ўзининг лозим бўлғон ерига қўюлғондур.

5 - дунёнинг аввалидан тортиб нозил бўлғон зўр-зўр воқеаларни тамом бир-бир баён қилиб берган бўлуб, бир мадраса кўрмаган, ўкув, ёзувни билмаган бир кишининг томонидан баён бўлуши мумкин эмас().

Ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръон нозил бўлмай туруб ўқумоқ, ёзмоқни билмас эдилар. Пайғамбарлар бирла қавмлари ўрталарида бўлғон воқиотларни, ўтган замондагиларнинг ҳолатларини тамом баён қилиб берди. Бул ўзи инсоннинг иши эмас.

6 - Оллоҳ таоло Қуръони каримда ваъда қилғон нарсаларини тамом ўз ваъдасига мувофиқ вужудға келтургандур. Бул ўзи кўрунуб турган нарсалардандур. Бул ўзи ахбори мутлақа ва ахбор муқайяд бўлуб икки хилдур:

Ахбори мутлақа - бирор нарсани қайд ва шарт қилмай берилган хабарлар, қилинғон ваъдалардурлар. Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг душманлари бўлғон Макка мушрикларига ғолиб бўлмоқлари, Маккадан чиқарғонларнинг ўзлари Маккадан чиқарилур ёки ўлдурулур эканликларидур.

Аммо муқайяд бўлсалар улар қуйидаги хабарга ўҳшагон нарсалардурлар:

((. «Ҳар ким Оллоҳ таолоға таваккул қилса, Оллоҳ таоло унинг учун кифоя қилур».

((. «Ҳар ким Оллоҳ таолоға иймон келтурса, унинг қалбини Оллоҳ таоло тўғрилаб қўйгай».

((. «Ҳар ким Оллоҳ таолодан қўрқса, унинг учун йўл қилиб бергай, ўйламағон еридан рўзи бергай».

((. «Агар сизлардан чидамлик йигирма киши бўлсалар, икки юз кишига ғолиб келсунлар».

.(')Анкабут сураси. ٤٨ :

(‘)сураي طلا. ٣ :

(‘)сураي. ١١ :

(‘)сураي طلا. ٣-٢ :

(‘)سورۃ الـ۶۰)الـ۶۰ آنفولـ :

7 - келарда бўладурғон нарсалардан хабар бермагидурки, улар ваҳйдан бошқа тариқада хабардор бўлмағон муғайяботларданурлар. Бу хил нарсалардан Оллоҳ таолонинг ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға: келтурган динлари ҳамма динларга ғолиб келур, деб ваъда қилғонлиғидур.

Чунончи ояти каримада буюрадур: (). «Оллоҳ таолонинг ўзи пайғамбари ҳазрат Мұхаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳамма динларга ғолиб қилмоқ учун Ислом дини бўлғон - хидоят дини, ҳақдин бирла кўндуруди».

Оллоҳ таоло мана бу ваъдаларини тамом жойига қўюб, қилғон ваъдалариға вафо қилди. Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳазрат Абу Бақр розияллоҳу анхунинг халифа бўлуб жиҳод учун лашкар кўндурууб турганларида: «Оллоҳ таоло Ислом динини ғолиб қилмоқни ваъда қилғондур. Нусрат Қозон сизлардадур», дер эдилар. Ҳазрат Умар розияллоҳу анхуда ўз замонларида шундог дер эдилар. Натижада кун чиқардан кунботаргача қуруқлиқ ва денгизларда футухотлар бўлмоқда эди.

Чунончи ояти каримада буюрадур: ((. «Сизлардан иймон келтуруб, яхши амал қилғонларни ер юзига халифа қилмоқни ваъда қилди, улардан илгаригиларнида халифа қилиб эди. Уларға ўзлари хуш кўрган динлари Исломни ижро қилиб юргузмакка имкон берур. Кўркувларидан кейин хотиржамликка айлантуруб юборгай. Улар менга ибодат қилурлар, бирор нарсани ибодатда менга шарик қилмайдурлар. Бундан кейин юз ўтурууб коғир бўлсалар, бу неъматларга шукр қилмоқ ўрнига кўрлик қиссалар, улар фосиқлар бўлуб, ўз жонларига зулм қилғон бўлурларда халифаликка ярамай қолурлар».

Демак, Куръони карим Оллоҳ таолонинг сўзи бўлуб, бандалари ўрталарида дастурул амал қилиб дунёning интизоми, охиратнинг саодати учун нозил қилғондур.

((. «Оллоҳ таоло пайғамбарининг кўрган тушини ростға чиқардики, ул ҳақиқатга мувофиқдур. (Пайғамбари саҳобаларға айтур эдики): албатта сизлар масжидул ҳаромға Оллоҳ таоло хоҳласа киурсизлар, соchlарингизни олдурууб, қаср қилдурууб ҳеч нарсадан кўрқмай киурсизлар. Оллоҳ таоло сизлар билмаган нарсани билур. Ундан илгарироқ бўладирғон фатҳдан хабар берадур». Байтуллоҳфа кирмай турууб ҳосил бўладурғон яқин бир фатҳни сизларга бергандур.

((. «Эсла ул кунники, Оллоҳ таоло икки тоифадан бирини сизларга деб ваъда қиладур. Сизлар қувватсиз тоифани хуш кўрадурсизлар».

((. «Рум аҳлилари арабларга яқин ерда мағлуб бўлдилар. Улар мағлуб бўлғонларидан бир неча йилдан кейин ғолиб бўлғайлар».

Мана бу ат-Талоқ: 2 ва 3, ат-Тағобун: 11, ал-Анғол: 65, ан-Нур: 55, ал-Фатҳ: 27, ал-Анғол: 7, ар-Рум: 1-3 оятларда тамом ғайбдан хабар берадурки, бу хабарларни Оллоҳ таоло пайғамбари ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламға билдурди. Буни Оллоҳ таолодан бошқа билмайдур. Оллоҳ таоло билурган қишигини биладур. Бул ўзи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўғрисуз эканликларини билдурмак учундур.

8 - Куръони каримда ҳалол-ҳаром ва бошқа дунёning интизоми, охиратнинг саодати учун баён бўлунғон аҳкомлардурлар.

9 - Куръони каримдаги балийғ сўзлар бирла баён бўлғон ҳикматлардурларки, бу хил кўп шарафлик ҳикматларнинг инсондан содир бўлмоғида одат жорий бўлмабдур.

10 - бутун Куръони каримда бор аҳком ва ахбор, буюруқлар бир бирларига муносиб суратда бўлғонлиғидурки, зоҳир ва ботинда ихтилоғсиздурлар. Чунончи ояти каримада

(^{٢٨})сураи. فتح:

(^{٥٥})сураи. نور:

(^{٢٧})сураи. فتح:

(^٧)ал-Анғол. سورۃ :

وَمِنْ (٤-١) سورۃ لار.

буюрадур: (). «Оллоҳ таолодан бошқанинг томонидан келган бўлғонда эди, албатта унда кўп ихтилоф топқай эдилар».

Мана бул ўзи ўн важхудурки аҳли суннат уламолари баён қилибдурлар. Демак, Қуръони каримнинг аввалидан охириғача иборатнинг кетишидаги услуби шу хилдур.

Чунончи бир ояти каримада икки буюруқ, икки наҳй, икки башоратни баён буюрадур: (). «Ҳазрат Мусо алайхис-саломнинг онасиға билдурдикки: Ўғлингни эмиза бергил, унга бирор зарар етмақдан кўрксанг (уни сандукка солиб) дарёға ташлагил, кўрқмағил, хафада бўлмағил, уни сенга қайтарадурмиз, уни (катта бўлғонида) пайғамбарлардан қилурмиз».

Шунингдек сураи ал-Моиданинг аввалида-да аҳдга вафо қилмоққа буюруб, аҳдни бузмоқдан манъ қилди, сўнгра ом тариқада тўрт оёғлиқ жондорларни ҳалол қилди, истиснодан кейин яна истисно қилиб сўнгра ўзининг ҳикмати ва қудратидан хабар берди. Бу нарсалар Оллоҳ таолодан бошқанинг қудратидан тошқори нарсалардур.

Оли Имрон сурасида ўлуб вақтнинг қўлдан кетиб фавт бўлғонидан кейин ҳасрат ва надомат қилмоқ, қиёмат ва унинг ҳисоби яхшиларга бериладурган савоб, ёмонларга бўладурғон азобдан хабар бериб, дунёға берилиб алданиб кетмақдан ҳазар қилдурди, дунёning азоби охиратға қарағонда оз эканлигини баён буюрди(: «Ҳар жон ўлумни тоткучидур. Сизлар жазоларингизни (яхши, ёмон) тамом олурсизлар. Ҳар ким дўзахдан нажот топиб, жаннатга киргузулса, ул киши муродига етган бўлубдур. Бу дунёning матойи эътиборсиз тириклиқдур».

Шунингдек аввалги ўтканларнинг қиссалари, бўйунтовлиқ қилғувчиларнинг охирғи ҳоллари, ҳалокатга учраганларнинг оқибатларидан хабар берадур(): «Улардан баъзилариға тош ёғдурдик, баъзиларини сайҳа - қаттиқ овоз бирла ҳалок қилдиқ, баъзиларини ер ютти, баъзиларини денгизда ғарқ қилдиқ. Оллоҳ таоло уларға зулм қиладурғон эмасдур. Ва лекин ўзлари ўз жонларига зулм қилур эдилар».

Демак, Қуръони карим Оллоҳ таолонинг сўзи бўлуб, бандалари ўрталарида дастурул амал, дунёning интизоми, охиратнинг саодати учун Оллоҳ таоло ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға нозил қилғондур. Бизларга амал қилмоқ учун буюруқ, юрганимиз лозим бўлғон чизиқдур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари мужмалларини муфассал, мубҳамларини баён, қийинларини осон қилиб берадур. Ҳадиси шарифда келибдурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн».

«Мендан билмасдан ҳадис баён қилмоқдан сақланинглар. Чунки ёлғондан ҳадис деб менга нисбат қилғон киши жойини дўзахдан охтарсун. Ҳар ким Қуръонни ўз раъи бирла тафсир қиласа, улар ўз жойини дўзахдан охтарсун». Бу ҳадисни имом Аҳмад муснадида, Тирмизий жомеида келтурубдурлар.

(')сураи.۸۳ :

(')сураи.۷ :

.(')Оли Имрон сураси. ۱۸۰ :

.(')Анкабут сураси: қирқ.

Иймон келтурамиз шундоғ дебки: Худойимиз бирлик сифатлари бирла мавсуф, ёлғузлик наытлари бирла манъутдур. Оллоҳ таолонинг сифат ва наытларига қўшулушқон халойикдан кимса йўқдур. Кўл, юз, эшитмак, кўрмак, ирома, сўзламак, кулмак, хуш бўлмоқ, аччиғланмоқ, таажжуб қилмоқ, энмақдек сифатлар бирла оят ва ҳадисларда васф қилинғон бўлуб, булат тамом кайфиятсиз, ташбих ва таътилсиз, тағиyr ва таъвилсиздурлар. Оллоҳ таоло оятларда ўзини васф қилғонидек, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларда Оллоҳ таолони васф қилғонларидек бўлуб, уни келганича кайфиятсиз исбот қилурмида, Оллоҳ таолонинг илмига қўюб берурмиз. Оллоҳ таолони юқорилик бирла васф қилурмиз. Оллоҳ таоло ҳамма маҳлукларидан юқоридур.

Оллоҳ таоло ўзини ўз каломида кўп васфлар бирла васф қилғондурки, ул васфлар маҳлукларда ҳам бордур. Оллоҳ таолони шул сифатлар бирла васф қилиб маҳлукқа ўхшатиб кўймоқ жоиз бўлмағонидек, маҳлукқа ўхшатиб кўймоқдан қочиб ул сифатлардан поклик бирла васф қилиб, инкор ва нафй қилмоқда жоиз эмасдур.

Маҳлукқа ўхшатиб кўйғонлар мужассима ва мушаббиҳа аталғонларидек, нафй ва инкор қилғонлар муаттила ва жаҳмийя аталғондурлар. Аҳли суннатнинг маслаклари бу икки тоифа (мужассима ва мушаббиҳа, муаттила ва жаҳмийя)нинг маслакларидан бошқадур. Бу икки тоифа бўлсалар, улар йўлдан адашқан залолат фирмалари дурлар. Аҳли суннат бўлса улар оёт ва ҳадисларда келган Оллоҳ таоло ҳаққидаги сифатларни таъвил ва инкор қилмай, бор бўйича кайфиятсиз қабул қилиб, илмини Оллоҳ таолога ва расулига ҳавола қилиб кўйғондурлар.

Оллоҳ таолодан бошқа бутун мавжудот маҳлук бўлуб, касиф ва латиф жисмлардан иборатдурлар. Касиф жисмлар туробий жисмлардек нарсалардурлар. Латиф жисмлар нурий, норий бўлуб, икки хилдурлар: нурий жисмлар фаришталар бўлғонларидек, норий жисмлар жинлардан иборатдурлар. Уларни Оллоҳ таолонинг ўзи яратқандур. Оллоҳ таолонинг маҳлуклари дур. Нурий, норий оламига масофани тай қилмоқ туробий олмаига қиёс қилинмайдур. Уларнинг тай масофа қилмоқлари енгилдур. Норий жисм ўтнинг алангасидан яратилғондур.

Оллоҳ таолони маҳлукларга қиёс қилиб бўлмайдур. Чунки маҳлукот олами юқори қўйи бўлуб, шуҳуд олами аталадурлар. Оллоҳ таоло олами ғайб аталадур. Оллоҳ таолони бандалари оёт ва аломуатларидан билиб пайғамбарлар кўрсатган тарикада кўрмай, иймон келтургандурлар. Оллоҳ таолони сифатларида олами ажсомга қиёс қилмоқ олами ғайбни олами шуҳудга қиёс қилмоқ бўлуб, бул ўзи жоиз эмасдур.

Шунинг учун салафи солиҳийн ва мутақаддимиин уламолардан иборат бўлғон аҳли суннат уламолари Оллоҳ таолонинг оёт ва аҳодисларда келган сифотларини таъвилсиз, кайфиятсиз қабул қилиб илмини Оллоҳ таолони ўзига ҳавола қилибдурлар. Бор бўйича қабул қилиб иймон келтурадурлар, ўз раъйларини тикиштурмайдурлар.

Мулла Алий Қори «Фиқҳи акбар шарҳи»да айтадурки: аҳли суннатки, улар тўрт мазҳаб уламоларидан иборатдурлар, улардан илгари ўткан салаф уламолари, тўрт мазҳаб мужтаҳидлари иттифоқ қилибдурларки: Қуръони карим Оллоҳ таолонинг каломи бўлуб, ғайри маҳлукдур. Оллоҳ таоло ҳамиша хоҳлаганида қачон хоҳласа кайси хилда бўлсада сўзлагучидур.

Имом Абу Ҳанифа Фиқҳи акбарда айтибдурки: «матн». «Оллоҳ таолонинг қўли, юзи бордур. Оллоҳ таоло Қуръони каримда ўзига нисбат қилғон қўл ва юз, нафс кайфиятсиз Оллоҳ таолонинг сифатлари дандур. Оллоҳ таоло ўзига нисбат қилғон қўлни неъмати ёки кудратидур дейилмагай. Чунки бундоғ деб таъвил қилмоқ Оллоҳ таоло ўзига нисбат қилғон сифатларини бекорга чиқармоқ бўлғай. Бул ўзи қадарийя, мўътазилаларнинг мазҳаблари дур. Ва лекин Оллоҳ таолонинг қўли кайфиятсиз сифатидур. Ғазаби, ризоси - аччиғи, курсандлиги кайфиятсиз сифатларидан икки сифатидур».

Ва яна мулла Алий Қори айтадур: «Фахрул-ислом айтибдурки: қўл бирла юзниг Оллоҳ таолога нисбат қилинмоғи ҳақдурки, асли маълум бўлуб висфи муташобиҳдур. Шунинг учун висф қилмоқдан ожиз бўлмоқ бирла аслини бекорга чиқармоқ жоиз эмас. Шамсул-аимма Сархасийда шундоғ дебдур. Яна Фахрул-ислом айтибдурки: аҳлус-сунна вал жамоа оёти

қатъийя ва далолоти яқийнийя бирла событ бўлғон аслни исбот қилдилар. Шул васф орқасидан юрмак бирла машғул бўлмоқни раво кўрмадилар».

Чунончи илмда русух топқон зотларни ояти каримада маҳтаб буюрадур: ((. «Илмда русух топқон кишилар: «муташобиҳга иймон келтурдук, ҳаммалари худойимиз - Оллоҳ таоло томонидан нозил бўлғондур», дейдурлар».

Ва яна мулла Алий Қори айтадурки: шунингдек ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг ҳадисларида муташобиҳ ҳадислар келгандур, унға-да иймон келтуруб кайфиятсиз қабул қилинадур.

Чунончи имом Абу Ҳанифадан: «Ҳадиси шарифда келган: «матн». «Ҳар кечада Оллоҳ таоло ерга яқин осмонга тушадур», деб келибдур. Бунға нима дейдурсиз?», деб сўралди. Имом Абу Ҳанифа: «кайфиятсиз тушадур», деб жавоб бердилар.

Демак, бу хил сифатларни кайфиятсиз қабул қилмоқ вожибдур.

Бутун юқкори, қуи мавжудот ва улар ўрталарида бор нарсаларни тамомила Оллоҳ таолонинг ўзи яратқандур. Улар тамоман латиф ва касиф - суюқ ва қуюқ жисмлардан иборатдурлар. Уларнинг ҳаммалари Оллоҳ таолоға муҳтождурлар. Оллоҳ таолонинг зоти бутун маҳлуқотдан бошқадур().

Бу маҳлуқотлар тамом кўрунуб турганлари учун шуҳуд аталадурлар. Оллоҳ таоло бу дунёда кўрунмаслиги учун ғайб ҳисоб қилинадур. ((. «Улар кўрмай аломатларидан билиб иймон келтурадурлар».

Кўрунуб турадурган нарсаларға кўрунмайдурган нарсаларни қиёс қилмоқ жоиз эмасдур. Шунинг учун Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон нарсани кайфиятсиз нисбат қилмоқ вожибдур.

Ояти каримада буюрадур: «Сўнгра Оллоҳ таоло арш узасида бўлди». Шул лафз бирла Куръони каримда етти ерда зикр бўлғондур.

Билмак керакким, « »нинг арабийят жиҳатидан холати уч хилдур:

1 - « »нинг силасига « » келса, «баробар бўлмоқ» маъноси берур. Чунончи: «матн» - «сув ёғочға баробар бўлди» бўлғай.

2 - « »нинг силасига « » келса, « » ва « » бўлур. Чунончи: - «Сўнгра осмонни яратмоқ томониға юз қилиб, етти осмон қилди» бўлғай.

3 - « »нинг силасига « » келадур. Ул вақт « »нинг маъноси « » - «юқкори бўлди» маъносида бўлғай. Чунончи: - «Сўнгра арш узасида бўлди».

Демак, Оллоҳ таолонинг арш узасида бўлмоғини «арш узасида ўлтурмоги», деб бўлмайдур. Балки арш узасида бўлмоғи улувллик -юқкорилик сифатидурки, уни кайфиятсиз қабул қилинадур-да, таъвилсиз бор бўйича қўюлуб бериладур.

Чунончи имом Моликдан бу тўғрида сўралғонда айтиб эдики: «матн». «ал-истиво лугат юзасидан маълумдур. Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон истивонинг кайфияти номаълумдур. Ундан сўралмоқ бидъатдур. «иставо алал арш»га иймон келтурмак вожибдур», деб жавоб берди.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам замонларида ҳеч кимса бу тўғрида савол қилмағон бўлуб, кайфиятсиз қабул қилиб иймон келтуруб юра бергандурлар. Уламои шофеийядан бაъзилари нақл қилибдурларки, имомул ҳарамайн аввалларда таъвил қилур эди, сўнгра охир умрида тавба қилиб «таъвил қилмоқ ҳаром», деб ҳукм қилғондур.

Бу тўғрида салаф уламоларининг таъвил қилмасликка ижмоъ қилғонликларини « »да нақл қилибдур. Бул ўзи бизнинг Мотурийдийя уламоларимизнинг ақидалариға мувофиқдур. Бу кейинги сўзлар мулла Алий Қорининг «Фикҳи акбар»га қилғон шарҳидан

(')сурай Оли Имрон.^v :

.(')сурай Шўро.¹¹ :

(')сурай Бақара.^r :

накұл қилинди.

Оллоҳ таоло ўз китобида ўзини васф қилғон оятларидан бир мунча оятларни мисол юзасидан нақл ва таржима қилиб ўтамиз:

«Оллоҳ таолодан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдур. Ҳамиша тирик бўлуб, ҳамма мавжудотни ўзи ту tub турадур. Оллоҳ таоло мудгиламақ, уйқу олмоқдан барийдур. Осмонлар бирла ерда бор нарсаларнинг ҳаммалари Оллоҳ таолонинг мулкидур. Оллоҳ таолонинг ҳукмидан тошқори ҳеч ким шафоат қилолмағай. Бутун махлуқотнинг ҳаммаларини аввалу охир тамом биладур. Махлуқотлар Оллоҳ таолонинг илмидан Оллоҳ таоло билдурган миқдоридагина биладурлар. Ундан бошқани билмайдурлар. Оллоҳ таолонинг курсиси осмонлар ва ердан кенгдур. Осмонлар бирла ерни муҳофазат қилиб турмак Оллоҳ таолоға оғир келмайдур. Оллоҳ таоло юқори, улуғдур». [сурай Бақара: 255].

«Ерга кирадурган, ердан чиқадурғон нарсани, осмондан тушадурган, осмонга чиқадурғон нарсани биладур. Ул ўзи ҳамиша қайда бўлсангизлар сизлар бирладур». [сурай Ҳадид: 4].

«Оллоҳ таолонинг ўхшашида ҳеч нарса йўқдур. Оллоҳ таоло эшитгучи, кўргучидур». [сурай Шўро: 11].

«Оллоҳ таоло арш узасидадур». [сурай Тоҳо: 5].

«Балки икки қўли ёзифликдур». [сурай ал-Моида: 64].

«Оллоҳ таоло ҳазрат Мусо алайҳис-саломға сўзлади». [сурай Нисо: 164].

«Улуғлиқ бирла қарамнинг эгаси бўлғон Оллоҳ таоло - Худойингнинг юзи бокий турадур». [сурай ар-Рахмон: 27].

«Худойинг саф тортқон фаришталар бирла келгай». [сурай Фажр: 22].

«Оллоҳ таоло улардан рози бўлуб, улар Оллоҳ таолодан рози бўлдиilar». [сурай Баййина: 8].

«Оллоҳ таоло уларни яхши кўрадур. Улар Оллоҳ таолони яхши кўрадурлар». [сурай ал-Моида: 54].

«Оллоҳ таоло уларға ғазаб қилди. Уларни лаънат қилди». [сурай Фатҳ: 6].

«Оллоҳ таоло улардан норози бўлди». [сурай ал-Моида: 80].

«Осмондаги зотдан хотиржам бўлдунгизларми?!». [сурай Мулк: 16].

Таҳовий ақидасида баён бўлмағон Ибн Абил Изнинг Таҳовийнинг ақидасига қилғон шархида келтурган Оллоҳ таолонинг ояти каримада келган сифатларини бул ерда нақл ва таржима қилиб ўтамиз:

().

«Ул Оллоҳ таоло шундоғ маъбуддурки, ўзидан бошқа ибодат қилинмоққа лойик зот йўқдур. Ғайбу ҳозирни билгувчи бўлуб, бағишлагувчи меҳрибондур. Ул Оллоҳ таоло шундоғ зотдурки, ўзидан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдур. Давомий суратда подшоҳдур, қодир, мутлақ ҳамма айблардан пок, ҳамма нақслардан солим, Одил, амон бергувчи, бандаларининг қилмишларидан хабардор, ғолиб бўлуб, ҳалқини салоҳлариға мувофиқ ислоҳ қилиб, ўз салоҳлари узасидан тасарруф қилғувчи улуғ шаън соҳибидур. Катталик ўзига махсусдур. Ҳар бир лойик бўлмағон сифатлардан барийъ - пок, улуғдур. Оллоҳ таолонинг ўзи яратқувчи, пайдо қилғувчи, сурат тортқучи, яхши исмларнинг эгасидур. Бутун осмонлар бирла ерда бор ҳамма махлуқот Оллоҳ таолоға тасбих айтадурлар. Ул ўзи ғолиб бўлуб, ҳикмат соҳибидур».

Бу оятлардаги Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон нарсалар Оллоҳ таолонинг сифатлари бўлуб, ўзи ўзига нисбат қилғондур. Уларни қайфиятсиз, ташбиҳсиз, таътилсиз, бор бўйича қабул қилурмиз.

Оятлардаги муташобиҳотлар маънолари билинадурган, билинмайдурган бўлуб, икки кисмдурлар:

1 - маънолари билинмайдурган муташобиҳотлар сураларнинг аввалларидаги муқаттаот хуруфлар бўлуб, буларнинг бораларида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан бирор сўз нақл бўлмайдур. Тафсир ёзғучилардан кўплари: «бу хуруфлардан муроди нимадур

Оллоҳ таоло биладур», деб ўтубдурлар. Баъзилари анча-мунча сўз айтган бўлсалар-да, «яна Оллоҳ таоло биладур», деб ўтубдурлар.

2 - маъноси очик, зохир бўлса-да, Оллоҳ таолоға нисбати тўғрисида салафи солиҳийн уламолари умумий тариқада зоҳирини қабул қилиб, кайфиятини Оллоҳ таолонинг ўзига ҳавола қилибдурлар. Чунки бу оятларда баён бўлғон сифатларнинг маъноси зохир бўлса-да, Оллоҳ таолоға нисбат қилмоқда иштибоҳ пайдо бўлғондур. Чунки Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон бу сифатлар инсонларда ҳам мавжуддур. Мухкам оят бўлғон: () ояти масъалани ешиб: «Оллоҳ таолонинг ўхшишида ҳеч йўқдур», деб Оллоҳ таолони бандаларға қиёс қилинmas эканлигини билдурди.

Демак, Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон бу хил сифатларни кайфиятсиз деб қабул қилмоқни ўргатти. Кайфият ва маъноларни Оллоҳ таолоға ҳавола ва тафвиз қилинди. Шул оят ҳукми бирла ташбих ва таътилдан сақланмоққа буюрди. Шунинг учундурки, бу хил сифатларнинг кайфият ва илмини Оллоҳ таолоға ҳавола қилғонларни Оллоҳ таоло ояти каримада(): «Илмда русух топқонлар: «бу хил муташобих оятларға иймон келтуurmиз. ҳаммалари худойимиз томонидан келгандур», дейдурлар», деб маҳтади.

(')сурай Шўро. ۱۱ :

.(')сурай Оли Имрон. ۷ :

Сифот ҳадисларидан ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки:

«Худойимиз ҳар кечада кечанинг охирги учдан бирида ерга яқин осмонға тушадурда, айтадурки: ким дуо қилурки, мен дуосини қабул қилай. Ким тилайдурки, тилагини берай. Ким мағфират талаб қилурки, унға мағфират қилай!». Бу ҳадисни Бухорий, Муслим сахихларида ҳазрат Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу воситалари бирла ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилибдурлар.

Ва яна буюрубдурларки: «Худойимиз шундог бир қавмдан таажжуб қиладурки, улар занжирлар бирла жаннатга судралиб олиб бориладурлар». Бу ҳадисни Бухорий сахихида ҳазрат Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу воситалари бирла ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилибдур.

Ва яна ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрудилар: «Оллоҳ таоло икки кишига куладурки, бири-бирини ўлдурадур-да, иккаласида жаннатга кирадур. Чунончи бир киши жиҳодға бориб шаҳид бўладур. Сўнгра буни ўлдургувчидар мусулмон бўладур. Сўнгра жиҳодға бориб бул-да шаҳид бўладур, жаннатга кирадур». Бу ҳадисни Бухорий ва Муслим сахихларида Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу воситалари бирла ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилибдурлар.

Ва яна ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «Сизлардан бирингиз ёки қардоши оғриқ бўлса айтсунки: «Эй осмондаги худойимиз, сенинг отинг муқаддас ва муборакдур. Ҳукминг осмон ва ер - улвий, суфлий коинотда юрадур, чунончи раҳматинг осмон бирла ердадур. Бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилғил, хатоларимизни кечгил. Сен яхшиларни парвариши қилғуввидурсан. Бу касалга ўзингдаги раҳматингдан бир раҳмат нозил қилғил. Ўз шифоларингдан бир шифо нозил қилғил», деса, ул вақт оғриқ тузалгай». Бу ҳадисни Абу Довуд сунанида келтурубдур. Бу ҳадиснинг санадидаги «Зиёда» деган киши мункарул ҳадисдур. Бу ҳадисни Ҳофиз аз-Заҳабий китоб « »да нақл қилибдур.

Ҳазрат Муовия ибнул Ҳакам ас-Суламий розияллоҳу анҳу айтибдурларки: «Ухуд тоғи бирла Жавония ўрталарида менинг қўй, эчкиларим бор эди. Ул қўй ва эчкиларни бир чўрим боқиб тураг эди. Бир куни қўйларимға чиқсан бир қўйумни бўри олиб кетибдур. Мен одамизоддурман кўп хафа бўлдум-да, ул чўрини бир шапалоқ урдим. Бул воқиани келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға баён қилдим. Бу чўрини ургонимни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда зўр() қилиб кўрсаттилар. Мен: «Ё расулаллоҳ! Ул чўрини озод қилиб юборақолайми?», дедим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «бор, ул чўрини чақириб кел», дедилар. Мен бориб чақириб келдим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ул чўрига қараб: «Оллоҳ таоло қайдадур?», дедилар. Ул чўри жавобига: «Оллоҳ таоло осмондадур», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «мен кимдурман?», дедилар. Ул чўри: «сиз Оллоҳ таолонинг пайғамбаридурсиз», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «бул чўри мусулмондур, озод қил», дедилар. Бу ҳадисни Муслим, Насойи, Абу Довуд, ва бошқа ҳадис имомлари ўз китобларида келтурубдурлар.

Демак, бу хил қуий осмонға тушмақ, таажжуб қилмоқ, кулмақ, юқорида бўлмоқ, чўрининг «осмондадур» демагини бор бўйича қабул қилиб, ўз кайфимизча таъвил қилмай, кайфиятини Оллоҳ таолонинг ўзига ҳавола қилиб зоҳирича қўюб берурмиз. Булар ҳаммалари Оллоҳ таолонинг сифатларидур.

Ўз ақлларини нақлий далиллардан муқаддам тутуб таъвил қилиб, салафнинг йўлларидан бошқа йўл тутганлар тойғинликдадурлар. Бунинг бирла ўзларини нажотға элта олмагайлар. Бу хил Оллоҳ таолонинг сифотлариға қарашлиқ оят ва ҳадисларни таъвил қилмай зоҳирича қўюб, кайфиятсиз қабул қилиб, илмини Оллоҳ таолоға ҳавола қилмоқ - инсонни тойғинликдан сақлайдур.

(¹) катта гуноҳ² моқчилар). мусахҳих.

Иймон келтурамиз шундог дебки: Оллоҳ таоло арши узасидадур. Ҳамма осмонлардан юқорида, тепасидадурки, халқидан юқори бўлуб халқидан алоҳидадур.

Чунончи Куръони каримнинг етти сурасида келибдур. Чунончи Аъроф сурасида 54инчи оят, Юнус сурасида Зинчи оят, Раъд сурасида иккинчи оят, Тоҳо сурасида бешинчи оят, Фурқон сурасида 59инчи оят, «Алиф, лом, мим сажда» сурасида 4инчи оят, Ҳадид сурасида 4инчи оятда келибдур.

Билмак керакким, Оллоҳ таоло аршга муҳтоҷ эмас, балки арш Оллоҳ таолоға муҳтоҷдур. Чунки аршни Оллоҳ таоло ўзи тутуб турадур. Арш етти қат осмондан юққори - тепаларида дур. Оллоҳ таоло халқидан юққори бўлуб, халқидан бошқадур. Бутун маҳлуқот Оллоҳ таолонинг қудрати бирла ҳаракат қиласидур. Оллоҳ таолонинг арш узасида бўлмоғи ҳақиқатдур. Ва лекин кайфиятсиз бўлуб, кайфиятини ўзи билур. Оллоҳ таолонинг халқи деганимизда Оллоҳ таолодан бошқа бутун юқори, қуи ҳамма борлик - мавжудот мурод бўладурлар.

Демак, бутун коинотдан Оллоҳ таоло юққоридур. Бутун коинотнинг энг юққориси аршдур. Бу коинот Оллоҳ таолонинг қудрати бирла турадурлар.

Имом Абу Ҳанифадан ривоятдурки, айтибдурлар: «матн».

Демак, «улув»ни Оллоҳ таолоға нисбат қилиб, кайфиятини Оллоҳ таолоға ҳавола қилмоқ саломатлик йўлдур. Оллоҳ таоло жисм оламидан юқори бўлуб, ердан тортиб аршгача жисм оламидур. Шунинг учун Оллоҳ таоло маҳлуқот оламидан юқори бўлуб, халқидан алоҳидадур, маҳлуқот олами бирла қўшулуши йўқдур.

Иймон келтурамиз шундог дебки: Оллоҳ таоло ҳар нарсаны яратқуучи ва моликидур. Оллоҳ таолонинг мулкида бирор кимсанинг шарикчилиги йўқдур. Оллоҳ таолодан бошқа чинакам маъбуд йўқдур. Оллоҳ таоло Голиб, ҳикмат сохибидур. Халқидан парвосиз бўлуб, махлуклари Оллоҳ таолодан кўз юмуб очқунча парвосиз бўлмайдурлар. Ҳар кимса Оллоҳ таолодан кўз юмуб очқунча ўзини парвосиз деб билса, ул кофир бўлур.

Оллоҳ таоло ҳамма махлукотларини кўз юмуб очқунча парвосиз бўлмай тутуб тургувчидур. Бутун мавжудот Оллоҳ таолога муҳтождурлар. Оллоҳ таоло махлуклариға ҳеч бир суратда муҳтож эмасдур. Халойикдан алоҳида бўлуб бутун махлукот кўз юмуб очқунча Оллоҳ таолодан парвосиз бўлолмагайлар.

Илмий, хабарий тавхид деб, Оллоҳ таолонинг ўзи, отлари, сифотлари, афъолларидан хабар бермақни айтиладур.

Чунончи Оллоҳ таоло буюрадур: «Оллоҳ таолонинг яхши отлари бордурки, ўшал отлари бирла чақиринглар. Оллоҳ таолонинг отларида ҳақдан ботилға юз қилғонларни ташланглар, уларни кўюб беринглар».

«Оллоҳ таоло шундоғ зотдурки ўзигина ҳақиқий маъбуд бўлуб, ўзидан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқдур. Оллоҳ таоло ҳақиқий подшоҳ бўлуб, ўз мулкида хоҳлаганини қилур, хоҳлаганча тасарруф қиласадур. Ўзидан бошқа тамоми мавжудот Оллоҳ таолонинг мулкидур. Муборак бўлуб, ҳамма айблардан покдур. Бандаларини зулмдан амон бергувчидур, бандаларининг қилмишлариға пойлокчидур. Голиб бўлуб, бандаларининг салоҳларига мувофиқ тасарруф қилғувчидур. Нокис сифатлардан барийъ бўлуб, улуглиқ ўзига хосдур. Мушриклар нисбат қилмоқда бўлғон шариклардан покдур. Оллоҳ таолонинг ўзи яратқувчи бўлуб, ҳукмини халқи узаларида юргузгучидур. Яхши суратга киргузгучидурки, ул зот яхши отлар соҳиби бўлуб, осмонлар бирла ерда бор махлуқотлар поклик бирла ёд қиласадурлар. Ул ўзи Голиб, ҳикмат соҳибидур».

Иродий талабий тавхиднинг маъноси Оллоҳ таоло ўз бандаларини ўзига ибодат қилмаққа, ўзидан бошқа ибодат қилмоқни тарк қилмоққа чакирмоқдур.

Ояти каримада буюрадурки: «Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилинглар, худойи таолоға бирор нарсани ибодатда шарик қилманглар».

Ва яна буюрадурки: «Ҳар бир қавмға пайғамбар кўндурудукки, Оллоҳ таолоға ибодат қилинглар, тоғутдан сақланинглар».

Оллоҳ таоло ер юзида инсонларни пайдо қилғон вақтидан тортиб кўндурган ҳамма пайғамбарларни «Биргина Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилинглар» деб, ақида ва ибодатда бошқаларни Оллоҳ таолоға шарик қилмаслиққа чакирмоққа буюргандур.

Ҳамма пайғамбарларнинг кўндурулган қавмлари бирла бўлғон воқиотлари кўрулса, шундан бошқа нарса чиқмайдур.

(). «Эй қавмим, ёлғуз Оллоҳ таолоға ибодат қилинглар! Сизларга Оллоҳ таолодан бошқа маъбуд йўқдур».

Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз қавмларини Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоққа чақирғани турдилар. Чунончи айтур эдиларки: «матн».

«Одамларға қарши Оллоҳ таолодан бошқа ҳақиқий маъбуд йўқлиғи, менинг Оллоҳ таолонинг ҳақиқий пайғамбари эканлигимга иймон келтургунларича уруш қилмоққа буюрулдум. шаҳодатайн қалималарини айтиб иймон келтурсалар, мендан қон ва молларини сақлаб қолғон бўлурлар, магар ҳаққи (шариат) бирла. Ҳисоблари Оллоҳ таологадур», деб буюрилар. Бу ҳадисни Бухорий, Муслим саҳиҳларида, Абу Довуд, Тирмизий, Насойи, Ибн Можа суннанларида келтурубурдулар. Бу ҳадис саҳиҳдур.

Бу тўғрида пайғамбарлар ўрталарида ҳеч ихтилоф йўқдур. Бунда носих ва мансухда йўқдур. Пайғамбар ўрталаридаги ихтилоф аҳкомлардадур. Оллоҳ таоло ҳар бир қавмға ўз замонасига қаратиб аҳкомлар жорий қилғондурки, улар муваққат бир нарсадурлар, муносиб вақтлари келганда ул ҳукмларни кўтариб ўрнилариға бошқа ҳукмлар жорий қилғондур. Бу хил нарсани носих ва мансух дейиладур. Аввалгиси мансух, кейингиси носих бўладур.

Ҳар бир қавмки, уларга бир пайғамбар келган бўлса, ўз қавми ўрталарида ўз замонасига мувофиқ баъзи аҳкомлар жорий қилғон бўлурки, ул тавхиддан бошқа нарсаларда бўлур. Ул пайғамбардан бир қанча вақт кейин ул қавмнинг диндаги ҳоллари бузулуб ширк ва бидъатлар пайдо бўлуб қолғони учун ул қавмни ислоҳға келтурмак учун яна бир пайғамбарни кўндурадур. Ул пайғамбар келиб: «Эй қавмим! Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилинглар. Оллоҳ таолодан бошқа ибодат қилинмоққа лойик кимса йўқдур», дейдурларда, уларни Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоққа чакирадур. Ва лекин аҳкомлардан баъзилари гоҳи тағайюр топиб қолғон бўлса, бошқа ҳукмлар жорий бўладур.

Бутун пайғамбарлар бирла қавмларининг ўрталаридаги бўлуб ўтган воқиотлар кўрулса, шундан бошқа нарса топилмайдур. Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вақтларида бўлғон воқиотларнинг баёнida ўтти.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда ўз қавмларини шунга чакирдилар. Ва лекин ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун инсонлар бирла жинларга пайғамбар бўлдилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари қиёматгача бўлуб, эмди қиёматгача бошқа пайғамбар келмагай. Фақат уммати исломийя уламолари ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрниларида тавхидга чақирмоқда давом этурлар.

Аввал бир пайғамбар келганда унға иймон келтурган киши яна бир пайғамбар келса унгода иймон келтурмак лозим бўлғай. Ул кейинги пайғамбар томонидан фарз бўлғон аҳкомларга амал қилмоқ лозим бўлғай. Буни қабул қилмай кейинги пайғамбарға иймон келтургани унамаса, аввалги пайғамбарғада коғир бўлғон бўлғай. Аввалги пайғамбарға уммат бўлғонлиғи унға фойда бермагай.

Чунончи ҳазрат Мусо алайхис-саломдан кейин умматлариға Ийсо алайхис-саломға иймон келтуруб, иттибоъ қилмоқ лозим бўлғонидек ҳазрат Мусо ва Ийсо алайхимас-саломнинг умматлари - яхуд ва насороларға ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламға иймон келтуруб мусулмон бўлмоқ лозим эди, ва лозимдур. Ўз динларида бўлғонлиқларини ҳар қанча исбот қиласаларда уларға фойда бермас.

Оллоҳ таоло ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламни бутун ер юзига пайғамбар қилиб юборди. Оллоҳ таоло наздида эътибор бўлғон дин дини Исломдур. «Ҳар ким Исломдан бошқани дин деб тутмак истаса, ул ундан қабул бўлмайдур»(), деб эълон қилди.

Демак, Ислом динидан бошқа динлар Ислом дини пайдо бўлғонидан кейин эътибор қилинмайдур. Бул ўзи Исломдан бошқа дин - яхудийят бирла насронийятлар ҳазрат Мусо ва Ийсо алайхимас-салом келтургандарича бузулмай турган бўлғонларида эди. Ҳолбуки яхудийят ҳазрат Узайр алайхис-саломни, насронийят ҳазрат Ийсо алайхис-саломни Худо тутуб, яхудийят бирла масийхийят динларини бутпараст динлари қилишиб олғондур(). Шунинг учун улар мушриқдурлар. Улар ўзларини «ҳазрат Мусо ва Ийсо алайхимас-салом динларидамиз», деб даъво қилмоққа ҳақлари йўқдур.

Оллоҳ таоло насороларнинг ҳазрат Ийсо алайхис-салом ҳақларида ёлғон эътиқодларини рад қилиб буюрадурки: ().

Бу Моида сураси етмиш иккинчи ва) () () инчи оятларда буюруладурки, Ислом дини пайдо бўлғонидан кейин насронийят Оллоҳ таоло юборғон динликдан чиқиб колғондур. Яхудийят бўлса улда ҳазрат Ийсо алайхис-салом мабъус бўлғонларидан кейин ҳазрат Мусо алайхис-салом келтурган динликдан чиқиб қолғондур. Шул сабаблардан Ислом динидан бошқа динлар Оллоҳ таоло наздида дин эътибор қилинмайдур: «Ҳар ким Ислом динидан бошқани ихтиёр қилса, ул ундан қабул бўлмағай»(). «Оллоҳ таоло наздида дин Ислом динидур»().

Бул ерда Моида сураси етмиш иккинчи оятнинг таржимасини ёзиб ўтурмиз: «"Албатта Оллоҳ таоло ҳазрат Ийсо алайхис-саломнинг ўзидур", деганлар коғир бўлдилар. Ҳолбуки ҳазрат Ийсо алайхис-салом ўзи айтгандурки: «Эй Истроил авлодлари! Менинг ва сизларнинг худойимиз бўлғон Оллоҳ таолоға ибодат қилинглар. Албатта ҳар ким Оллоҳ таолоға шарик исбот қилса, унга Оллоҳ таоло жаннатни ҳаром килгай. Золимларга ёрдамчи бўлмас», деб буюрадур.

Ҳазрат Ийсо алайхис-саломни ёки бошқа қайси бир кишини инсонлик ҳаддидан қўтариб юборса, ул ўзини ҳар қанча диндор ва ҳақ динда, деб ҳисобласада ул мушриқдур. Унинг даъвосидан ўзига нафъи йўқдур. Оллоҳ таолонинг бандаларидан талаб қилғон нарсаси Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоқ, халқидан бирор нарсани Оллоҳ таолоға шарик қилмаслиқдур. Унинг муқобилида бандаларини жаннатга киргузуб азоб қилмаслиқни Оллоҳ таоло ваъда қилғондур.

Чунончи саҳих Муслимда ҳазрат Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан нақл қиладурки, ҳазрат Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу айтибдурлар: «матн».

.(')сурай Оли Имрон ..^{۱۹} : сурай Оли Имрон.^{۸۰} :

.(')сурай.^{۳۱-۳۰} توبه:

(^)сурай ал-Моида.^{۷۲} :

.(^)

.(^)

.(^)

.(^)сурай Оли Имрон.^{۸۰} :

.(^)сурай Оли Имрон.^{۱۹} :

«Мен ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орқалариға Уфайр отлиқ эшакка мингашган эдим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки: «Эй Муоз, Оллоҳ таолонинг бандалари узаларида нима ҳаққи бордур, бандаларнинг Оллоҳ таолода нима ҳаққилари бордур, билурмисан?», дедилар. Мен: «Оллоҳ ва пайғамбари билур», дедим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки: «Оллоҳ таолонинг бандалари узаларидағи ҳаққи бандаларнинг Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоқ ҳамда ибодат ва ақидада Оллоҳ таолоға бирор кимсанни шарик қилмаслиқдур. Бандаларнинг Оллоҳ таолодаги ҳақлари ибодат ва ақидаларида ширк аралаштурмағонларни жаннатга киргузуб азоб қилмаслиқдур». Мен: «Ё расулаллоҳ, одамларға хуш хабар берайинми?», дедим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Йўқ, хуш хабар бермагил. Одамлар бу хуш хабарни эшишиб танбаллик қилиб, амал қилмай қўюрлар», дедилар».

Бу ҳадисда бандаларнинг Оллоҳ таолодаги ҳаққи деб Оллоҳ таолонинг зиммасига ҳақ исбот қиласидур. Ҳолбуки Оллоҳ таолонинг зиммасида кимсаннинг ҳаққи йўқдур. Фақатгина бул ҳадисда исбот қилинғон ҳақ Оллоҳ таоло ўз фазл ва қарами бирла ваъда қилиб, ўзига лозим олғон нарсани ҳақ деб баён бўлғондур.

Оллоҳ таолонинг бандаларидан талаб қилғон нарсаси Оллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилмоқ, ақида ва ибодатда бошқани Оллоҳ таолоға шарик қилмаслиқдур. Бандаларнинг ибодатларидан Оллоҳ таолоға ҳеч нарса ҳосил бўлмайдур. Буда бандаларнинг ўзларининг фойдалари учундур.

Бандалари бу талабни ерига еткузуб, тавхид асосида ўзларини тарбияласалар, Оллоҳ таолонинг ризоси, фазл ва қарамига мустаҳиқ бўлғон бўлурлар. Тавхид бандаларнинг қўнгулларида шу хил ўрнамоғи Оллоҳ таолонинг ҳамма буоруғлариға амал қилиб бўйунсунмақ, наҳй ва манъ қилғон нарсаларидан ўзларини сақламоқни лозим тутгайда, натижада фазл ва раҳматта лойиқ ва мустаҳиқ бўлғайлар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларидаги мусулмонларнинг ақидалари бирла бизнинг замонамиздаги мусулмонларнинг ўрталарида зўр фарқ бордур. Бизлар мусулмончиликни мерос тариқада ота-боболаримиздан олғонлигимиз учун кўнглумизда ул қадар Ислом ўрнаб етмаган бўладур.

Банда эътиқод ва ибодатда ширқдан ўзини сақламоқ баробарида гуноҳи кабиралардан ўзини сақламоқ лозимдур. Шунинг учун калиматуш шаҳода масъаласида яхшигина баёнотлар бордурки, гуноҳи кабирадан сақланғонни бошқа гуноҳларини кечиб жаннатга киргизур, деб ваъда қилғондур().

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Хуш хабар берманглар», деганларининг маъноси бу шаҳодатни амалсиз жаннатга кирмакни лозим тутадур, деб англаб амал қилмай қўймасунлар, тавхид [дўзахда)] ҳамиша қолмоқдан тўсадур. Тавхидда ўлган бўлуб, гуноҳи кабираларга иртиқоб қилиб, тавбасиз ўлганлар Оллоҳ таолонинг ихтиёридадур. Афв қилиб кечиб юборсун ёки адли бирла азоб қилиб гуноҳига лойиқ азоб қилиб, дўзахда қолдуруб, сўнгра азобдан қутқазгай. Чунончи ояти каримада буюрадурки:

(). «Албатта Оллоҳ таоло ширк келтурганни кечмайдур. Ундан бошқа гуноҳларни Оллоҳ таоло хоҳлағаниға кечиб юборғай».

Бу икки оят (Худ сураси 107,)нинг бораларида тафсиримизда комил баён бордур.

.(')сурай Нисо ..۳۱ :сурай Шўро ..۳۷ :сурай.۳۲ نجم:

(‘)жумла ушбу катта قوش орасидаги ئورانى تاڭوزۇتىپ دى) .мусаххих.(

(‘)сурай Нисо. ۱۱۶ ،۴۸ :

Тавхиднинг ҳақлари, уни камолига еткузгучиси буюрук ва манълари ҳамда тоатни лозим қилмоғидур. Чунончи ояти каримада буюрадур: «Ўзунгагина қулчилик қиласиз, ўзунгдан мадад талаб қиласиз. Бизни тўғри йўлга солғил (денглар)».

Оллоҳ таолонинг ўзидан бошқа ибодат қилинмоққа лойиқ, ҳақиқий маъбуд йўқдур, деб эътиқод қилмоқ ҳазрат Мухаммад Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни Оллоҳ таолонинг пайғамбариду, деб иймон келтурмакни ўзига олур эканлигини ўз жойида баён қилиб ўтгандурмиз.

Бу шаҳодатнинг орқасидан фаришталарға, пайғамбарларға, пайғамбарларға нозил бўлғон китоблар - Таврот, Инжил, Забур, Куръонға, қиёмат кунига, муқаддарға, ўлгандан кейин тирилмакка иймон келтурмак, ҳамда унда бўладурғон ҳисоб жазоға иймон келтурмак-да кирадур. Бул ўзи инсонни Оллоҳ таолонинг буюруқларини бажо қилмоқ, нахӣ қилғон нарсаларидан ўзини сақламоқ, Оллоҳ таолонинг тоати ва ибодатига тортадур. Мана булар иймон ва тавхидни камолига еткузадур. Куруқ тавхид агарчи инсонни абадий дўзахда қолмоқдан сақлайдур, ва лекин амалсиз нажот топмоққа етолмай, Оллоҳ таолонинг афви бирла азоби ўрталарида қалқиб қоладур. Ул ўзи Оллоҳ таолонинг ихтиёрига қарағон бир нарсадур.

Тавхиднинг мукаммилоти дунёнинг интизоми, охиратнинг саодатига сабабдур. Шунинг учун кўп уламолар амални иймонға қўшуб жуз қарор берибдурлар. Ва лекин иймонсиз амалнинг ҳамма мужтаҳидларнинг назларида нафъи йўқдур. Амал деганда Исломдаги ҳалол ва ҳаром, амр ва нахӣ, фарз, вожиб, суннат, тарғиб, тарҳиб, мустаҳаб остиға доҳил бўлғон ҳамма аҳкомлар кирадурлар.

«Мен мусулмонман, мусулмон бўлдум», деган киши ўзининг Ислом жамиятига аъзо эканлигини даъво қилғон бўладур. Бу амаллар унинг даъвосига шоҳид бўлуб тасдиқ қиладурлар. Аъзога шул жамиятнинг хусусий қавоидлариға побанд бўлуб - бўйунсунуб, амал қилмоқ лозим бўладур. Ундоғ қилмаса ул жамиятнинг аъзолигида бўлолмай, соқит бўлғай. Бу тўғрида сўз кўпдур. намуна тариқасида шунчалиси баён қилинди.

Тавхиднинг жазоси - савоби Оллоҳ таолонинг тавҳид аҳлига бу дунёда қилғон меҳрибончилиги, охиратда уларга бўладурғон воҳурчиликларидан хабар бермагидур. Чунончи ояти каримада буюрадур: «Албатта ул кишиларки, кўрмай туруб иймон келтуруб Оллоҳ таолодан қўрқадурлар, улар учун мағфират ва зўр савоб бордур».

Оллоҳ таолодан қўрқмоқ ҳамма хайрнинг боши бўлуб, ҳамма хикматнинг бошламасидур. Тавхиднинг банданинг кўнглида ўрнамоғига аломат бўлуб банданинг кўнглида Оллоҳ таолодан қўрқмоқни туймогидур. Оллоҳ таолодан қўрқмоқ тил бирла бўлмагай. Ҳамма хайру ҳўйига далолат қиласурғон нарса Оллоҳ таолонинг ҳайбати ва жалоли банданинг кўнлида ўрнамоғидур. Маърифатуллоҳ - Оллоҳ таолони чинакам танимоқ шунда ҳосил бўладур.

Оллоҳ таолонинг азами матни бандалик кўнглида қанча жой олғон бўлса, Оллоҳ таолодан қўрқмоқ ўшанча ҳосил бўладур. Оллоҳ таолоға қиласурғон ибодатини банда эҳсон тариқасида қилиб одат қилса, кўнглида Оллоҳ таолонинг ҳозири нозир эканлиги мутахаққик бўлуб, шуҳуд даржасига боргай. Унинг учун ибодат роҳат замони бўлуб қолгай.

Шунинг учун ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадис шарифларида буюрудурларки: «матн». «Кўзум ойдинлиғи намозда қилинди», дедилар.

Тавхид хукмидан чиққонларнинг жазолари ширк ахлидан хабар бермаги, бу дунёда ширк ахлига юборилғон уқубатлар, охиратда қайси хилда азоб ва занжирлар, ва ғуллар бўлур эканлигини баён буюрмагидур. Чунончи ояти каримада буюрадур:

«Куфрнинг сабабидан Оллоҳ таолонинг берган неъматларини табдил қилғон қавмлар ўз қавмларини ҳалокат уйига элтганликларини кўрмадингмики, улар дўзахфа кирадурлар. Ул ўзи жуда ёмон жойдур».

«Оллоҳ таолонинг оятларида сенинг бирла ботил тариқада жанжал қилғонларни кўрмайсанми? Улар ҳақдан юз ўгуруб қаёнға юз қилдурулурлар. Ҳолбуки ул оятлар Оллоҳ таоло томонидан нозил бўлғондур. Улар Қуръонни ёлғон деб бизнинг юборғон пайғамбаримиз бирла унинг келтургон шариатини ёлғонға чиқардилар. Улар яқинда билиб қолурлар шул вақтда ким, бўйниларида ғуллар, занжирлар бўлуб, юз тубан судралурлар. Қайнок сувда сўнгра ўтда ўтуланурлар. Сўнгра уларга: «Оллоҳ таолога шарик қилғон маъбудларингиз қайда қолди?!», дейилгай. Улар: «улар биздан адашиб кеттилар, балки биз уларга ибодат қилмас эдик», дегайлар. Шунингдек Оллоҳ таоло кофирларни йўлдан тоядурлар деб ёзиб кўйғондур». Бул ўзи ўз вақтида зоҳир бўлғай.

Биз бул ерда оятида: «Шунингдек кофирларни йўлдан тоядурлар деб ёзиб кўйғондур», деб таржима қилдиқ. Чунки бошқа далиллар бирла қирқ иккинчи рақамлик масъалада – қадар масъаласида таҳқиқ бўлуб ўтти. Оллоҳ таолонинг тақдирни бирла қазо, машийъати, ҳалқини «тойдурмоқ», «муҳр босмоқ» бирла таъбир қилинди.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: (). «Оллоҳ таоло бандаларига кофир бўлмокни хуш кўрмайдур. Агар шукр қилсангизлар, уни сизларга хуш кўрадур».

Оллоҳ таоло инсонни ер юзида яратқандан буён кўндурган пайғамбарлари ўз қавмларини фақатгина Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоқ - тавхидга чақуур эдилар. Қабул қилмағонларни Оллоҳ таоло ҳар хил азоблар бирла ҳалок қилғондур. Улар учун охиратдагиси яна тургандур. Ширк ва куфрнинг азоби абадийдур. Бу дунёда азобга дучор бўлуб шул азоб бирла ҳалок бўлғонликлари кўз олдимиздадур. Қуръони карим аввалидан охирағача тавхид хукмидан чиққонлар - ўз ширкларидан қайтмағонлар муомалалари бирла бўлғондур. Шунинг учун Қуръони каримни тадаббур бирла ўқумоққа буюрадур().

Бу хил оятларни бир-бир кетин териб бул ерда ёзмоқ бу китобимизга сифмайдур. Шунинг учун шул эллик еттинчи моддада ёзилғон оятлар бирла кифояланамиз. «Манбаул ирфон» тафсиримизни кўзларидан яхшигина кечурсунлар.

()сурай . ۷ : زمر

.()сурай Мухаммад. ۲۴ :

Куръони карим тавхиднинг ҳамма навъларига шомилдур. Шундоғки Куръони карим Оллоҳ таолонинг ўзидан ёки отлари, сифатлари, феълларидан, сўзларидан хабар берадур. Ёки Оллоҳ таолонинг ёлғуз ўзигагина ибодат қилмоқ, бошқани ибодат ва ақидада Оллоҳ таолоға шарик исбот қиласмиқ - бошқага ибодат қилмоқни нафй қилмоқға буюрмакдур. Ёки тавхид аҳлига берилган ҳақлар, уларнинг ҳақларида ворид бўлғон мадҳлар, ёки мушрикларни ёмонламоқ, уларнинг нофармонликлари, уларга бўладургон жазоларни баён қилмоқдан иборатдур.

Чунончи - «тамом оламни тарбият қилғувчиси бўлғон Оллоҳ таолоға ҳамма мақтовлар событ бўлсун», деган оят тавхидур рубубийядур.

- «Бағишлағучи, меҳрибон, жазо кунининг соҳибидур», деган оятлар тавхидул асма вассифатдур.

- «Ўзунгга бандалик қиласмиз, ўзунгдангина мадад тилаймиз», деган ояти тавхидул улуҳийядур.

- «Бизни ўзунг тўғри йўлға сол», деган ояти ҳидоят талабини ўзига олғондур.

- «Ўзунг инъом ва эҳсон қилғон зотлар йўллариға сол», деган ояти ўшал зотларнинг йўллариға солмоқни талаб қилмоқдур.

- «Газабға учраганлар, йўлдан тойғонлар йўлларида юрмакдан сақламоқни тилагаймиз» - нажот бермакни тиламагимиздур. Улар шундог қавмлардурларки, инод юзасидан хилоф қилиб ғазабға учраганлар, ёки билимсизлик бирла тўғри йўлдан тойғондурлар. Демак, Оллоҳ таоло бизларни шу хил зотлардек бўлмоқдан сақланмоққа буюрадур.

Инсонлардан баъзилари ўзлари ихлос қилғон зотларни ўз ҳадларидан ошириб ширкка тушуб кетгандурлар. Оллоҳ таоло бу сурада бизга ўзига ҳамд айтмақ, ўзигагина ибодат қилмоқ, ўзидан мадад тиламакни ҳар кунги беш намозда ҳар ракъатда такрор қилиб ўз кўнглида сақламоқ, шуни Оллоҳ таолодан тавфиқ бер, деб ҳидоят қилмоқни талаб қилмоқни кўнглида тутмакка буюрадур. Бул ўзи Оллоҳ таолонинг тавфиқ ва ҳидоятидан тошкори ҳосил бўлмайдур. Шуни ўз тилимизда такрор қилмоққа буюргандур. Шул ўзи Оллоҳ таоло тавфиқ берганларнинг йўлларидур. Шуни эсимиздан чиқармай тилаб юрмак, вирд қилиб олмоқға буюруб инод - кискисламақ, бузуклик юзасидан ғазабға учраган, билимсизлик юзасидан ўз йўлини йўқотиб қўйғонлар йўлларидан юрмакдан сақламоқни ўз тили бирла тилаб юрмакни сурада Оллоҳ таоло бизга таълим берди.

Бандага лозим бўлғон нарса ҳамма вақт Оллоҳ таоло берган муҳталиф, хисобсиз неъматларга шуқр қилиб, жазо кунида Оллоҳ таолонинг ҳузурида ҳисоб ва жазо учун турғузулур эканлигини ўйлаб, Оллоҳ таолонинг ғазабидан қўркуб, бўйунтовлиқ қилмоқдан сақланиб, ширк ва ширкка элтадурган нарсалардан ўзини қўркуб, Оллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилмоққа одатланиб, ҳар бир мушкил ва эҳтиёжларини ўзидан тилаб, ўзининг мадади бирлагина ширкдан сақланиб, ёлғуз ўзига ибодат қила билар эканлигини тушунуб, ўзидан мадад тиласун. Тўғри йўлдан иборат бўлғон тавхид йўлида сақламоғини ўзидан тиламакда бўлсун. Ҳамма вақт Оллоҳ таолонинг тавфиқи ва эҳсонига муҳтоҷ эканлигини ёдида сақлаб, Оллоҳ таолодан тавфиқ ва ҳидоят тилаб, ҳидоят ўзидан эканлигини унутмасун().

Бул йўл Оллоҳ таолонинг фазл ва марҳамати бирла сарафroz бўлғон хос бандаларнинг йўллари эканлигини билиб, уларнинг йўллариға солмоқни тилаб, ғазабға учраганларнинг сурати мужассамалари бўлғон яҳудлар, йўл йўқотқанларға сурати мужассама бўлғон насоролар эканликларини тушунуб, улардан ўзларини сақламоқни тиламакни ҳар куни беш намозда вирд қилиб олмоққа буюргандур. Чунки улар мусулмонларни ўзларидек коғир қилиб юбормоққа урунадурлар. Буни хўб онглаш керак.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Макқадан Байтул Мақдисгача кечаси олиб борилғонликлари жону танлари бирла эди. Ундан юқори осмонларға - Оллоҳ таоло хоҳлаған ерларга чикарилғонликлариға иймон келтурамиз. Оллоҳ таоло ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ўзи хоҳлаған нарсалари бирла икром қилди. Бул ўзи Оллоҳ таолога «улув»ни - юқориликни исбот қилмоқ учун улуг далилдур.

Чунончи ван-нажм сурасида буюрадурки: «Унга кучлик бир фаришта ўргатти. Ул ўзи яратилишда кучликдур. Ул фаришта ўз суратида кўрунди. Шул ҳолдаки ул ўзи юқори бир чеккада эди. Сўнгра ул ўзи яқин келди, қуийлаб яқин келди. Ўқ-ёйнинг икки бошининг орасича ёки ундан яқинроқ эди. Оллоҳ таоло бандаси ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳй қилиб нозил қиласурғон нарсасини нозил қилди. Кўнгул кўрган нарсасида адашқан эмас. Унинг кўруб турган нарсасида шак қилурсизми?! Ул иккинчи мартаба кўргандур сидратул мунтаҳо олдида. Ул сидратул мунтаҳо жаннатул маъвоздадур. Сидратул мунтаҳони ўраб оладурғон нарса ўраб олғондур. Кўз кўрган нарсасидан тоймади, кўрган нарсасидан бошқа ёққа ошмади, худойининг зўр аломатларини кўрди».

Оллоҳ таоло ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламға раҳматини дунё ва охиратда ом қилсун, омийн!

Бу меъроҳ тўғрисида ояти каримада Оллоҳ таоло буюрадур:

().

«Пок ул худойи таолоки, бандаси - ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни масжид ҳаром (каъба олди)дан масжиди Ақсо - Байтул Мақдисга кечаси олиб бордик, ул уйга атрофлари бирла кўшуб барака бергандурмиз. Бул ўзи ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламға оятларимиздан баъзиларини кўрсатмак учундур. Шаксиз Оллоҳ таоло эшигчучи, кўргучидур».

Агарчи ояти каримада «масжид ҳаромдан Байтул Мақдисга кечаси олиб бордик», деб буюрулган бўлсада, мутавотир бўлғон ҳадисда ундан осмонларға олиб чиқилғонликлари ва ундаги мушоҳадотлари баён бўлунғондур. Ван-нажм сурасида бешинчи оятдан тортиб ўн саккизинчи оятгача баён бўлуб, сидратул мунтаҳоға борғонликлари баён буюрулгандур.

Бу меъроҳи шариф бутун жону танлари бирла бўлғондур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини йигирма олти саҳоба ривоят қилғон бўлуб, мутавотир бўлғонлиғида шубҳа йўқдур. Бу тўғрида сўз айтмакнинг мажоли йўқдур. Бу меъроҳ ҳадисини ривоят қилғувчи саҳобалар ҳазрат Умар, Алий, Ибн Масъуд, Абу Зар, Молик ибн Саъсаға, Абу Хурайра, Абу Саид ал-Худрий, Анас ибн Молик, Ибн Аббос, Шаддод ибн Авс, Убай ибн Каъб, Абдураҳмон ибн _____, Абу Ҳайя, Абу Лайло, Абдуллоҳ ибн Амр, Жобир, Ҳузайфа, Бурайда, Абу Айюб, Абу Умома, Самура ибн Жундаб, Абул Ҳамро, Суҳайб ибн Синон ар-Румий, Умму Ҳониъ, Оиша, Асмо бинта Абий Бакр розияллоҳу анхумдурлар.

Булардан баъзилари муфассал, баъзилари муҳтасар ривоят қилибдурлар. Булардан ҳазрат Молик ибн Саъсаға розияллоҳу анхунинг ҳадисларини бу ерда ёзib таржима қилиб ўтурмиз. Чунки бу ҳадис муфассалроқ бўлуб, Бухорий, Муслим саҳиҳларида келтурубдурлар. Бошқа ҳадислардан кўра бу ҳадис жомеъроқдур.

Уламолардан баъзилари «меъроҳ бир неча дафъа бўлғондур», деган бўлсалар-да, саҳиҳ сўзга қарағонда бир бор бўлғондур. Ровийларнинг иборат сурушдаги ихтилофлари меъроҳнинг мутааддид бўлғонлиғиға далолат қиласурғондур. Ва яна меъроҳ кечаси ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайда эдилар ихтилоф бўлғон бўлсада, Молик ибн Саъсаға ҳадисларидаги сўз муқаддамроқ кўрунадур:

Чунончи ҳазрат Молик ибн Саъсаға розияллоҳу анху айтибдурлар:

«Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: мен Ҳатиймда ёнбошлаб ётиб эдим. (Бу ҳадисга ровий бўлғон Қатода баъзи вакт-да: «Ҳижрда эдим», деб қўяр эди.

Ҳақиқатда иккиси бирдур). Бир келгучи келиб: «бу уч кишининг ўрталаридағидур», деди. Кўқракларини ҳалқларидан тортиб киндикларигача ёрди. Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтур эдиларки: юрагимни чиқарib бир олтундан тогорача келтурууб эди. Уни иймон бирла ҳикматдан тўлғазилиб эди. Ул сув бирла ювдилар. Сўнгра ўз жойига қўюб, ростлаб тикиб қўйдилар. Сўнгра бир жонивор келтуруулуб эдик, ул жонивор хачирдан кичик роқ, эшакдан каттароқ эди. Ранги оқ бўлуб, Буроқ эди. Кўзи етган ерга қадам қўюр эди.

Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айттиларки: мен ул Буроқка миндурулдим. ҳазрат Жаброил алайҳис-салом мени олиб юрдилар. Ҳаттоқи мени энг ерга яқин осмонга олиб бордилар. Дарвозани очмоқни талақ қилдилар. «Кимдур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «мен Жаброилдурман», дедилар. «Сиз бирла ким бор?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бор», дедилар. «Ул зотни олиб келмакка қўндурулган эдими?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «хов», дедилар. Улар: «марҳабо, хуш келибдурлар», дедилар. Бу биринчи осмонға чиқсан, ҳазрат Одам алайҳис-салом бор эканлар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «бу зот сизнинг отанзгиз ҳазрат Одам алайҳис-саломдурлар, салом қилинг», дедилар. Мен салом қилдим, саломимға жавоб қайтардиларда, сўнгра: «хуш келдингиз, яхши ўғул, яхши пайғамбар», дедилар.

Сўнгра иккинчи осмонға қараб мени олиб чиқиб кеттилар. Бориб дарвозани қоқдилар. «Кимдур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «мен Жаброилдурман», дедилар. «Сиз бирла ким бор?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бордурлар», дедилар. «Ул зотни олиб келмакка буюрулуб эдими?», дедилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «хов», деб жавоб бердилар. Дарвоза очилди. Биз иккинчи осмонға чиқиб қарасақ унда ҳазрат Ийсо ва Яхъе алайҳимас-салом бор эканлар. Улар иккала холабаччадурлар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «булар ҳазрат Ийсо ва Яхъе алайҳимас-саломдурлар, салом қилинг», дедилар. Мен салом қилдим, улар жавоб қайтариб: «яхши биродар, яхши пайғамбарға марҳабо», дедилар.

Сўнгра учунчи осмонға қараб олиб юрдилар. Бориб ҳазрат Жаброил алайҳис-салом дарвозани қоқтилар. «Кимдур?», дейилди. «Мен Жаброилдурман», дедилар. «Сиз бирла ким бордур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бордурлар», дедилар. «Ул зотни олиб келмак учун буюрулуб эдими?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «хов», дедилар. Ул вакт: «хуш келибдурлар», деб бизга дарвоза очилди. Бул учунчи осмонда ҳазрат Юсуф алайҳис-салом бор эканлар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «бу киши ҳазрат Юсуф алайҳис-саломдурлар, салом қилинг», дедилар. Мен салом қилдим, жавоб салом қилиб: яхши биродар, яхши пайғамбар марҳабо, хуш келибдурлар», дедилар.

Сўнгра юқори чиқиб кета бердик. Ҳаттоқи тўртунчи осмонға еттиқ. ҳазрат Жаброил алайҳис-салом дарвоза очмоқни талақ қилдилар. «Кимдур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «мен Жаброилдурман», дедилар. «Сиз бирла ким бордур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бор», дедилар. «Олиб келмакка буюрулуб эдими?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «хов», дедилар. Дарвоза очилди, осмонға чиқиб қарасақ унда ҳазрат Идрис алайҳис-салом бор эканлар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «бу киши ҳазрат Идрис алайҳис-саломдурлар, салом қилинг», дедилар. Мен салом қилдим, саломимға жавоб бериб: «яхши биродар, яхши пайғамбарға марҳабо», дедилар.

Сўнгра юқорига қараб чиқиб кета бердик. Ҳаттоқи бешинчи осмонға етиб бордик. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом дарвозани очмоқни талақ қилдилар. «Кимдур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «Жаброилдурман», дедилар. «Сиз бирла ким бор?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «Ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бор», дедилар. «Олиб келмак учун қўндурулуб эдими?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «хов», дедилар. Дарвоза очилиб эди бешинчи осмонға чиқтиқ. қарасақ унда ҳазрат Ҳорун алайҳис-салом бор эканлар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «Бу киши ҳазрат Ҳорун алайҳис-саломдурлар, салом беринг», дедилар. Мен салом қилдим, жавоб бериб: «яхши биродар, яхши пайғамбарға марҳабо», дедилар.

Ундан олтинчи осмонға қараб юра бердик. Ҳаттоқи етиб бориб эдик, ҳазрат Жаброил алайхис-салом дарвозани очмоқни талаб қилдилар. «Кимдур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «Жаброилдурман», дедилар. «Сиз бирла ким бордур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «Ҳазрат Мұхаммад соллаллоху алайхі васаллам бордур», дедилар. «Олиб келгани күндурулуб әдими?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «хов», дедилар. Дарвоза очилди, олтинчи осмонға чиқтиқ. Қарасақ унда ҳазрат Мусо алайхис-салом бор эканлар. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «Бу киши ҳазрат Мусо алайхис-саломдурлар, салом қилинг», дедилар. Ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайхі васаллам: мен салом қилиб әдим: «Яхши биродар, яхши пайғамбарға марҳабо», дедилар. Мен ҳазрат Мусо алайхис-саломдан ўтуб әдим, ҳазрат Мусо алайхис-салом йиғладилар. «Нимага йиғлайдурсиз?», дейилди. Ҳазрат Мусо алайхис-салом: «Чунки мендан кейин пайғамбар бўлғон бир кишининг умматидан жаннатга менинг умматимдан кўп киши кирадур», дедилар.

Сўнгра ҳазрат Жаброил алайхис-салом юқорига қараб юрдилар, ҳаттоқи еттиинчи осмонға еттиқ. Дарвозани очмоқни талаб қилдилар. «Кимдур?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «Жаброилдурман», дедилар. «Сиз бирла ким бор?», дейилди. «Ҳазрат Мұхаммад соллаллоху алайхі васаллам бордур», дедилар. «Уни олиб келмакка буюрулуб әдими?», дейилди. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «хов», дедилар. «Хуш келибдурлар, марҳабо», деб дарвоза очилди. Биз еттиинчи осмонға чиқтиқ, қарасақ унда ҳазрат Иброҳим алайхис-саломдурлар, салом қилинг», дедилар. Мен салом қилдим, саломға жавоб бериб: «яхши ўғул, яхши пайғамбарға марҳабо», дедилар.

Сўнгра сидратул муңтаҳоға қўтарилидим. Қарасам набиқлари (мевалари) Ҳажарнинг куллалари (сув қўядурғон юмалоқ хумлари)дек келадур, барглари филнинг қулоқларидекдур. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «бу сидратул муңтаҳодур», дедилар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайхі васаллам айтибдурларки: тўрт ариқда сув оқиб турубдур. Иккиси ботин нахрлари бўлуб, иккиси зохир нахрлардурлар. Мен: «Ё Жаброил, бу нахрлар нучук нахрлардур?», дедим. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «Икки ботин нахрлар жаннат нахрларидурлар. Зохир нахрлар Нил дарёси бирла Фурот дарёсидур», дедилар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайхі васаллам Байтул маъмурни кўрубдурларки, ҳар куни етмиш минг фаришта кирадурлар, қайтиб уларға навбат тегмайдур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайхі васаллам буюрубдурларки: Хамр, сут, асалдан иборат уч идишда шароб олиб келиб менга туттилар. Мен сутни ихтиёр қилдим. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «Бу фитратдур, сиз ва сизнинг умматингиз шунинг узасидадурсизлар», дедилар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайхі васаллам буюрдиларки: сўнгра ҳар куни эллик намоз фарз қилинди. Сўнгра меъроздан қайтарда ҳазрат Мусо алайхис-саломнинг олдилариға келдим. Мендан: «Умматингизга Оллоҳ таоло нима фарз қилди?», дедилар. Мен: «Ҳар кунда эллик намоз фарз қилди», дедим. Ҳазрат Мусо алайхис-салом: «умматингиз ҳар куни эллик намозни адо қилолмағайлар. Сиздан илгари мен одамларни хўб синааб кўргандурман, Бани Исроилға хўб урунуб кўргандурман. Худойингизга қайтиб бориб мурожаат қилинг, умматингизга тахфиф қилмоқни сўранг», дедилар. Мен қайтиб мурожаат қилиб әдим, элликдан ўнни кечти. Мен қайтиб ҳазрат Мусо алайхис-салом олдилариға келдим. Ҳазрат Мусо алайхис-салом: «нимага буюрулдингиз?», дедилар. Мен: «қирқ намозга буюрулдум», дедим. Ҳазрат Мусо алайхис-салом: «сизнинг умматингиз адо қилолмағайлар. Сиздан илгари одамларни хўб синааб кўргандурман, Бани Исроилға хўб урунуб кўргандурман. Худойингизга мурожаат қилиб умматингиз учун енгиллатмакни сўранг», дедилар. Яна қайтиб мурожаат қилиб тахфиф қилмоқни сўраб әдим, яна ўнни кечти. Яна ҳазрат Мусо алайхис-салом олидилариға келдим. Ҳазрат Мусо алайхис-салом: «нимага буюрулдингиз?», дедилар. Мен: «ўттуз намозға буюрулдум», дедим. Ҳазрат Мусо алайхис-салом: «умматингиз ҳар кун ўттуз намозни адо қилолмайдурлар. Сиздан илгари одамларни хўб синааб кўргандурман, Бани Исроилға хўб урунуб кўргандурман. Худойингизга қайтиб мурожаат қилиб, тахфиф қилмоқни сўранг», дедилар. Мен қайтиб мурожаат қилиб тахфиф қилмоқни сўраб әдим, яна ўнни кам қилди. Яна ҳазрат Мусо алайхис-салом олидилариға

келиб эдим, «нимага буюрулдингиз?», дедилар. Мен: «йигирма намозга буюрулдум», дедим. Ҳазрат Мусо алайхис-салом: «умматингиз ҳар куни йигирма вақт намозни адо қилмоққа кодир бўлмагайлар. Сиздан илгари мен одамларни хўб синаб кўргандурман, Бани Исройл тўғриларида хўб урунуб кўргандурман. Қайтиб бориб тахиф қилмоқни Оллоҳ таолодан сўранг», дедилар. Мен яна қайтиб бориб Оллоҳ таолодан тахиф қилмоқни сўранг», дедилар. Мен яна бориб Оллоҳ таолодан тахиф қилмоқни сўрадим, Оллоҳ таоло беш намозга буюрди. Мен қайтиб ҳазрат Мусо алайхис-салом олидилариға келиб эдим, «нимага буюрулдингиз?», дедилар. Мен: «беш намозга буюрулдум», дедим. Ҳазрат Мусо алайхис-салом: «умматингиз беш намозни адо қилолмайдурлар. Мен одамларни хўб синаб кўргандурман, Бани Исройл бораларида хўб урунуб кўргандурман. Худойингизга мурожаат қилиб яна тахиф қилмоқни сўранг», дедилар. Мен: «худойимдан кўп тиладим, эмди уялдум. Эмди рози бўлуб таслим килурман», дедимда, ўз йўлумда юра бердим. Ул вақт нидо қилғувчи нидо қилиб: «фаризамни жорий қилдим, бандаларимга тахиф қилдим», деди». Бу ҳадисни Бухорий, Муслим Қатода воситаси бирла шунингдек ривоят қилибдурлар.

Меъроj ҳадисидаги ривоятда саҳобалар ўрталарида ихтилоф, зиёда ва нуқсонлар пайдо бўлғондур. Шуларни шул ерда баён қилиб ўтурмиз:

1 - ҳазрат Молик ибн Саъсаға розияллоҳу анхунинг ривоятларида «Ҳатиймда ёнбошлаб ётиб эдим, бир келгучи келиб, ўз шарикига: бу уч кишининг ўртасидагидур», деб келибдур.

2 - ҳазрат Анас розияллоҳу анхунинг ривоятларида: «ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжид ҳаромда эдилар, уч киши келдилар. аввалгилари: буларнинг қайсиларидур? Бири: ўрталаридағи яхшироқлариридур, деди. Яна бири: яхшисини олинглар, деди. Бу кеча шундог ўтти. Ҳаттоки эрта кечаси бўлди. Учовлари яна келдилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўзлари уйкуда бўлуб, қалб кўнгуллари бирла кўруб турган эдилар. Шунингдек пайғамбарларнинг кўзлари ухлайдур, қалблари ухламайдур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнга сўзламай кўтариб олиб Замзам қудуғининг олдида қўйдилар-да, ҳазрат Жаброил алайхис-салом ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўқракларини ёрдилар. Замзам суви бирла ювуб ичларини хўб тозаладилар. Сўнгра олтун тоғора келтурулдики, унда олтундан бир офтоба бор эдики, иймон бирла хикматдан тўғазилғон эди. Унинг бирла кўқрак ва халқларининг томурларини тўлғазиб қўйдилар. Сўнгра яна маҳкамлаб қўйдилар», деган сўз бордур. Бу ривоят Бухорийдадур.

Ином Аҳмаднинг ҳазрат Анас розияллоҳу анхудан нақл қилғон ривоятларида ҳазрат Молик ибн Саъсаға розияллоҳу анхунинг ривоят қилғон ҳадисларидағи зиёдалар йўқ бўлуб, фақатгина: «Бурок келтурулди», лафзи бордур. Ҳазрат Молик ибн Саъсаға розияллоҳу анхунинг ривоятларида: «бир жонивор келтурулди», деган лафзи бордур.

3 - ҳазрат Абу Зар розияллоҳу анхунинг ривоятларида: «ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтибдурки: уйумнинг шифи очилиб қолди. Мен ўзум Маккада эдим. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом туштилар», деган лафзи бордур.

4 - ҳазрат Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анхунинг ривоятларида: «мен бир куни масжид ҳаромда ётиб эдим, бирор мени уйғотти . Уйғонсам ҳеч ким йўқдур. Бирдан элас-элас бир нарса кўрунгандек бўлди. Кўзумни унға қаратиб масжид ҳаромдан чиқтим. Сизларнинг бу жондорларингизга ўхшагон бир жонивор турубдур. Сизларнинг бу жониворларингиздан хачирга ўхшаб келадур. Шунчаликки қулогини қимирлатиб турубдур. Унинг оти Бурок эди».

5 - ҳазрат Шаддод ибн Авс розияллоҳу анхунинг ривоятларида келибдурки: «ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: ўз асхобларим бирла хуфтон намозини Маккада кечрок ўқудум. Бироқ, ҳазрат Жаброил алайхис-салом бир добба келтурдиларки, ул оқ бўлуб, эшакдан зўрроқ хачирдан кичикроқ эди. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом менга хитоб қилиб: бу доббага мингил, дедилар. Ул добба бўйун бермаб эди, ҳазрат Жаброил алайхис-салом қулогидан тутуб тўғрилаб бердиларда, мени миндурдилар».

6 - ҳазрат Абдуллоҳ Ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг баъзи бир ривоятларида: «Ул доббанинг юрмакдаги одати шул эдики, қирға чиқса орқа оёғи узалур, қуиға тушса олдинги оёғи узалур эди», деб келибдур.

7 - Ҳофиз Ибн Жарирнинг ҳазрат Абу Хурайра розияллоҳу анҳу воситалари бирла ривоят қилғон ҳадисида айтибдурки: «ҳазрат Жаброил алайҳис-салом ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурлариға келдилар. Ўзлари бирла ҳазрат Мекоил алайҳис-саломда бор эдилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: Замзамдан бир тоғорачада сув олиб келинг, қалбини тозалаб соғлаб қўйялиқ, дедилар. Яъни шарҳи садр қиласайлиқ, дедилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қоринларини ёриб уч бор ювдилар. Ҳазрат Мекоил алайҳис-салом уч бор Замзам сувидан олиб келдилар. Қалбдаги филни чиқарип ташладилар-да, иймон ва ҳикмат бирла тўлғаздилар. Икки елкалари ўртаси - долийлариға муҳри нубувватни бостилар. Сўнгра бир от келтурдиларда унға миндурдилар. Ул отнинг одими кўзи тушган ерга етар эди».

8 - Абул Қосим ат-Табароний Мўъжам ал-Кабирда ҳазрат Умму Ҳониъ розияллоҳу анҳодан ривоят қилиб айтадурки: «Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси бизнинг уйумизда ётиб эдилар. Мен ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни йўқотиб қўйдум. Курайшнинг томонидан бирор нарса еттими, деб уйқум қочиб кетти. Сўнгра эрта билан ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтиб қолдиларки: ҳазрат Жаброил алайҳис-салом менга келиб қўлумдан тутуб эшикка олиб чиқтилар. қарасам дарвозанинг олдида бир добба турубдур. Ул хачирдан кичикроқ, эшакдан зўрроқ. Унға мени миндуруб олиб юрдилар, ҳаттоқи мени Байтул Мақдисга еткузуб тўхтадилар. Ҳазрат Иброҳим алайҳис-саломни кўрсаттиларки, сурату хўйлари менга ўхшар эди. Ҳазрат Мусо алайҳис-саломни кўрсаттилар, буғдойранглик, узунбўйлик бўлуб, соchlари кўнғуроқ соч эмас эди. Ўзлари Азди Шануа қабиласининг одамлариға ўхшаб келар эди. Ҳазрат Ийсо алайҳис-саломни кўрсаттилар, ул зотни Урва Ибн Масъуд ас-Сақафийға ўхшаттим. Масихуддажжолни кўрсаттилар, ўнг кўзи текиз эди, уни Қатан ибн Абдулuzzозга ўхшаттим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Мен чиқиб Курайшга меъроҳ воқеасини баён қилай деб эдим, дедилар. Ровий ҳазрат Умму Ҳониъ розияллоҳу анҳодан нақл қилиб айтадурки: Мен ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чодирларига осилиб олдим: Оллоҳнинг отини ёдлатаманки, сиз қавмингизга бориб хабар берсангиз улар сизни ёлғончи қилурларда, инкор қилиб сизга ёмон муомала қилурлар, дедим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чодирларини силтаб чиқарип олиб чиқиб кеттилар. Жубайр Ибн Мутъим туруб: Шул сўзунгни айтмаганингда бўла билур эдики, сенинг шаъннинг бошқа бўлсун. Бизнинг олдимизда бўла туруб шул қадар ерларга бориб келдим, дейдурсан, деди. Курайшдан бир киши: Бизнинг туяларимизни йўлда кўрдунгми, деди. (Курайшнинг тижорат учун Шомға борғон қофиласи йўлда қайтиб келмакда эди). Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Ҳов, кўрдум. Бир туяларини йўқотиб қўюб истаб юруб эдилар, дедилар. Ул киши яна: Фалонийларнинг туяларини кўрдунгми, деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: Ҳов, фалон ерда кўрдум. Бир қизил туяларини кўрдумки, йиқилиб синиб ётубдур. Бир ёғоч чорада сувлари бор экан, олиб ичдим, дедилар. Қофилани ададлари қанча эди, деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уларни санаб ўлтурмоққа фурсатим йўқ эди», дедилар. Сўнгра ўрниларидан турмак бўлуб эдилар, ул туялар тамом кўрсатилди. Ул вақт туяларини санаб Қурайшға хабар бердилар. «Сорбонлари бунчадур, сорбонларнинг бири Абу Бакр ибн Абий Кухофадур, улар эрта билан етиб келурлар», дедилар. улар: «Мухаммаднинг сўзи тўғрими экан», дейишиб туруб эдилар, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган вақтларида етиб келдилар. Улардан: «Туяларингиз йўқолдими?», деб сўрадилар. улар: «Ҳов, йўқолиб эди», дедилар. яна бирлари: «Сизларнинг қизил туяларингиз йиқилиб синдими?», дедилар. Улар: «Ҳов», дедилар. «Сизларнинг чораларингизда сувларингиз бор эдими?», дедилар. Ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анҳу: «Ҳов, сувни мен қўюб эдим, ҳеч ким ичган эмас эди, тўкубда ташлаған эмас эдик», дедилар. Ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анҳу воқеадан хабардор бўлуб, дарҳол тасдиқ килдилар. Ўшал кундан Сиддиқ отолдилар.

9 - Ҳазрат Молик ибн Саъсаъа розияллоҳу анхунинг ривоятларида: «Ҳазрат Жаброил

алайхис-салом олиб юрдилар, ҳаттохи ерга энг яқин осмонға олиб бордилар», дейилгандур. Масжиди Ақсонинг баёни йўқдур. Ҳазрат Анас розияллоҳу анхунинг ривоятларида ҳам шу хил бўлуб, тўғри осмонға чиқиб кетила берилганлик бордур. Бул ўзи Бухорийнинг ривоятидадур. Имом Аҳмаднинг ривоятида: «Ҳазрат Жаброил алайхис-салом мени олиб юрдиларда Байтул Мақдисга еткузуб тўхтадилар. Буроқни пайғамбарлар ўз суворийларини боғлайдурган ҳалқага боғладум-да, Байтул Мақдисга кириб унда икки ракъат намоз ўкудум. Сўнгра қайтиб чиқтим. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом бир идишда ҳамр, бир идишда сут олиб келдилар. Мен сутни ихтиёр қилдим. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «Фитратни ихтиёр қилдингиз», дедилар. Сўнгра ерга энг яқин осмонға олиб чиқиб кеттилар», дебдур.

Бул ўртада Буроқни ҳалқага боғлағандан кейин яна Буроқдан сўзланмади. Шул сабабдан баъзилар Буроқ Байтул Мақдисда қолғондур деб даъво килибдур. Бизнинг фикримизча Оллоҳ таоло ҳар нарсага қодирдур. Буроқсиз ҳар қанча ергада еткузуб қўя биладур. Фақат Байтул Мақдисга бормоқ учунгина Буроқ келтурулган, деб далилсиз даъво қилмоқ тўғри эмас, фақат бирор наси сарих лозимдур. Ҳар қадар Буроқ лозим бўлса, улда ал-малаул аъло - осмонлар учун лозимдур.

Имом Аҳмад ҳазрат Анас розияллоҳу анхудан келтурган ривоятида: «Ҳазрат Мусо алайхис-салом қабрларида намоз ўкуб турган еридан олиб ўттилар», деган сўз келибдур.

Баззорнинг ҳазрат Анас розияллоҳу анхудан қилғон ривоятида айтадурки: Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтибдурлар: «Мен ухлаб ётиб эдим. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом икки елкам ўртасига бир шапалоқ урдилар. Мен дараҳт олдига бордумки, ул дараҳтда икки агад парранда уясидек нарсалар бор эди. Унинг бирига ҳазрат Жаброил алайхис-салом, яна бирига мен ўлттурдик. Ул дараҳт кўтарилиб Хофиқайн - олами шуҳуд бирла олами ғайбни олиб кетти. Ўзумни у ёқ-бу ёқ қилиб қараб турубдурман. Хоҳласам эди осмонни ушлар эдим. Ҳазрат Жаброил алайхис-саломни қарасам хушидан кетиб йиқилиб бўрёдек ёпушуб кетибдур. Оллоҳ таолонинг маърифати тўғрисидаги унинг фазилатини билдим».

Яна Баззор бу ҳадисни ривоят қилиб бўлуб айтадурки: «Бизнинг билганимизча бу ҳадисни ҳазрат Анас розияллоҳу анхудан Абу Имрон ал-Жавний воситаси бирла ал-Хорис ибн Убайдгина ривоят қилғондур. Басралик бўлуб машҳур кишидур. Бу ҳадисда қуйидаги лафзлар бордур: «менга осмон дарвозаларидан бир дарвоза очилди. Унда улуғ нурни кўрдум. Қарасам ҳижобнинг бериги ёғида дур ва ёқутнинг рафрафи - пардаси бордур. Оллоҳ таоло менга хоҳлаганча вахй қилди»».

9 - Байҳақий « » китобида Сайд ибн Мансурдан нақл қилибдур, Ҳофиз Ибн Жарир ўз санади бирла ҳазрат Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилибдурки, айтадур: «қачонки ҳазрат Жаброил алайхис-салом Буроқни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб келдилар, Буроқ думини у ёқ-бу ёққа қилиб тарҳашлик қилғондек бўлди. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «Эй Буроқ, тек тур. Сенга бу зотдек киши минган эмасдур», дедилар. Сўнгра ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Буроқقا миниб жўнаб қолдилар. Йўлнинг бир томонида бир кампир турубдур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ё Жаброил, бу нимадур?», дедилар. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «юра беринг», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «хўб», деб юра бердилар. Бирор йўлда узоқ ерда туруб: «Ё Муҳаммад, бу ёққа келинг», деб бирор чакирадур. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «юра беринг», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «хўб», деб чақирғонға қулоқ солмай юра бердилар. Сўнгра Оллоҳ таолонинг маҳлукларидан бир мунча киши ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға йўлуқуб: «ассалому алайка, эй Аввал, ассалому алайка, эй Охир, ассалому алайка, эй Ҳошир», дедилар. Ҳазрат Жаброил алайхис-салом: «саломлариға жавоб қайтаринг», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жавоб қайтардилар. Шул хилда иккинчи, учунчи мартаба бир қанча кишилар йўлуқуб аввалгидек бир қанча кишилар салом қилиб эдилар. Ҳаммасига жавоб қайтардилар. Ҳаттохи Байтул Мақдисга бориб тўхтадилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға ҳамр бирла сут, сув пеш қилинди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сутни ихтиёр қилдилар. Ҳазрат Жаброил алайхис-

салом: «фитратни ихтиёр қилдингиз, агар сувни ихтиёр қилсангиз, умматингиз ғарқ бўлур эдилар. Ҳамрни ихтиёр қилсангиз эди умматингиз тойғон бўлур эди», дедилар. Сўнгра ҳазрат Одам алайҳис-салом ва бошқа пайғамбарлар юборилдилар. Ул кечада уларға ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам имом бўлуб намоз ўқудилар. сўнгра ҳазрат Жаброил алайҳис-салом айттиларки: Йўлда кўрган кампир дунё мисолидурки, умри тамом бўлуб озгина қолғондур. Йўлда сизни чакирғон кимса Оллоҳ таолонинг душмани Иблисдур. Сизга салом қилғон зотлар ҳазрат Иброҳим ва Мусо ва Ийсо алайҳимус-салом эдилар».

Байҳақий « » китобидада шу хил ривоят қилибдур. Ва лекин баъзи алфозларда ғаробат ва накорат бордур.

10 - Ибн Абий Ҳотим тафсирида ўз санади бирла ҳазрат Анас розияллоҳу анхудан ривоят қиласурки, ҳазрат Анас розияллоҳу анҳу айтибурлар: «Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Байтул Мақдисга олиб борилғон кечада ҳазрат Жаброил алайҳис-салом ўзлари бир добба олиб келиб эдиларки, ул добба эшакдан зўроқ, хачирдан кичикроқ эди. Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни унга миндуруб олдилар. Оёғи кўзи етган ерига етар эди. Байтул Мақдисга бориб Боби Мұхаммад деган ердаги тошга келиб қўллари бирла тештилар. Сўнгра ул доббани ул тошга боғладилар. Сўнгра масжиднинг ўртасида тўхтадилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға хитоб қилиб: «Оллоҳ таолодан жаннатнинг ҳурларини кўрсатмакни тилаб эдингизми?», дедилар. Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «ҳов», дедилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «ана ўшал хотунларга бориб салом қилинг», дедилар. Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айттиларки: мен келиб уларға салом қилдим, улар саломимға жавоб қайтардилар. Мен: «сизлар кимсизлар?», дедим. Улар: «бизлар хушхуй, чиройлиқ хотунлардурмизки, гуноҳдан пок бўлуб гуноҳ бирла кир бўлмағон яхши инсонларнинг хотунларидурмизки, улар жаннатда ҳамиша тургувчи бўлуб кетмайдурлар, ҳамиша тирик бўлуб ўлмайдурлар», дедилар. Сўнгра қайттим, кўп ўтмай одамлар тўпландилар. Бирор азонни айтти ва такбир тушурди. Саф тортиб: «Ким имом бўлур?», деб мунтазир бўлуб туруб эдик, ҳазрат Жаброил алайҳис-салом келиб қўлумдан тутуб мени илгарига ўтказиб қўйдилар. Мен имом бўлуб икки ракъат намоз ўқуб берганимдан кейин ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «Кимларга имом бўлдунгиз билдингизми?», дедилар. Мен: «йўқ билмадим», дедим. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «Сизнинг орқангизда ҳамма пайғамбарлар намоз ўқудилар», дедилар-да, сўнгра мени осмонга олиб юрдилар».

Ҳазрат Анас розияллоҳу анхунинг ҳазрат Абу Зар ва Убай ибн Каъб розияллоҳу анхумодан ривоятларида Буроқ баёни йўқ эди. Қоринларини ёрғонлиқлари мужмал ва муҳтасар тарикада баён бўлғондур. Байтул Мақдиснинг ҳикояси йўқдур.

11 - ҳазрат Бурайда ибнул Ҳусайн ас-Суламий розияллоҳу анхунинг ҳадисларида «ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: мени меърожға олиб чиққан вактда ҳазрат Жаброил алайҳис-салом қўллари бирла Байтул Мақдисдаги зўр тошни тешиб, Буроқни боғлаб қўйдилар», деган сўз бордур.

12 - ҳазрат Ҳузайфа ибнул Ямон розияллоҳу анхунинг ҳадисларида: «ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни меърожға олиб чиққонларида ҳазрат Жаброил алайҳис-салом ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни олиб жўнаб қолдилар. Ҳаттоқи Байтул Мақдисга келдилар. Зир ибн Ҳубайш айтурки: Мен: «Байтул Мақдисга бордилар, унда икки ракъат намоз ўқудилар», дедим. Ҳазрат Ҳузайфа розияллоҳу анҳу менга қараб: «Ё аслъ (бошининг тепасида сочи йўқ киши аслъ дейиладур), отинг нимадур? Юзунгни танийдурман, отингни билмайдурман», дедилар. Мен: «Зир ибн Ҳубайшдурман», дедим. Ҳазрат Ҳузайфа розияллоҳу анҳу: «ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ул кеча Байтул Мақдисда намоз ўқуғонликларини нучук билдинг?», дедилар. Мен: «Қуръони карим хабар берадур», дедим. Менга: «Ўқу», дедилар. мен ўқудум: «- покдур ул худоки, бандасини кечаси масжид ҳаромдан масжиди Ақсоға олиб борди». Ҳазрат Ҳузайфа розияллоҳу анҳу: «бу оятда намоз ўқудилар, деган сўзни топасанми?», дедилар. Мен: «йўқ», дедим. Ул вакт айттиларки: «валлоҳки, ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқумадилар. Унда намоз ўқугон бўлғонларида эди, Маккада намоз (Байтуллоҳга ҳаж қилмоқ)

фарз бўлғонидек Байтул Мақдисда-да сизларға фарз бўлуб қолур эди. Валлоҳки, Буроқдан тушмай осмонгача бордилар, осмонларнинг дарвозалари очилди. Жаннат ва дўзахни кўрдилар. Охиратнинг ҳаммасини ваъда қилиндилар. Сўнгра қайси хилда кетган бўлсалар ўшандоғ қайтиб келдилар. Яъни келарда-да намоз ўқумадилар», дедилар-да, хўб кулдиларда: «сизлар менга айтурсизларки, Буроқни қочиб кетмасун деб боғлаб қўйди. Олами шуҳуд, олами гайб мусаххар қилинғон эдилар». Мен айттимки: «Ё Аба Абдуллоҳ, ул Буроқ қандоғ эди?». Ҳазрат Ҳузайфа розияллоҳу анху: «мана бундоғ эди», деб қўллари бирла ишорат қилиб: «оқ, узун бўлуб, кўзи етган ерига қадам қўяр эди», дедилар». Бу ҳадисни имом Аҳмад, Абу Довуд ат-Таяласий, Тирмизий, Насоий муснад ва сунанларида келтурубдурлар. Тирмизий айтибдурки: «ҳазрат Ҳузайфа розияллоҳу анху бошқалар исбот қилғон нарсаларни нафй қилибдурлар. Улда Буроқ боғлаб қўймоқ, намоз ўқумоқлариidor». Биз айтамизки: исбот қилғувчилар нафй қилғувчидан муқаддам бўладур.

13 - ҳазрат Шаддод ибн Абс розияллоҳу анхунинг ривоятларида айтибдурларки (бу ҳадисни Муҳаммад ибн Ийсо ат-Тирмизий ривоят қилибдур): «биз айттикки: «Ё расулаллоҳ! Қайси хилда сизни меърожға олиб чиқилди?». Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки: Маккада хуфтонни ўз асҳобларим бирла кичикириброк ўқудум. Сўнгра ҳазрат Жаброил алайҳис-салом келдиларда, ўзлари бирла бир Буроқ олиб келиб эдилар. Ул ўзи эшакдан зўрроқ, ҳачирдан кичикроқ эди. «Бунға мининг», дедилар. Ул Буроқ бироз типирчилаб эди, ҳазрат Жаброил алайҳис-салом қулогидан тутуб туруб мени Буроқка миндурдилар. Буроқ жўнаб қолди. Кўзи тушкан ерга қадами тушар эди. Ҳатто бир хурмозорға келдик. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом мени ул ерга тушурдиларда, «бу ерда икки ракъат намоз ўқунг», дедилар. Мен икки ракъат намоз ўқудум. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом менга: «қаерда намоз ўқудунгиз?», дедилар. Мен «Оллоҳ биладур», дедим. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «Мадянда, ҳазрат Мусо алайҳис-саломнинг дараҳтлари олдида намоз ўқудунгиз», дедилар. Сўнгра Буроқ бизни олиб юрди. Кўзи тушган ерга қадами етар эди. Сўнгра бир ерга еттиқ унда иморатлар кўрунди. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом «тушунг», дедилар. Мен туштим, «намоз ўқунг», дедилар. Мен намоз ўқудум. Сўнгра миндим. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «билурмисиз, қаерда намоз ўқудунгиз?», дедилар. Мен «Оллоҳ биладур», дедим. «Ҳазрат Ийсо алайҳис-салом туғулғон ер - Байтул Лаҳмда намоз ўқудунгиз», дедилар. Сўнгра Буроқ бизни олиб жўнаб қолди. Ҳаттоқи Байтул Мақдиснинг жанубий дарвозасидан кирдик. Масжиднинг қибла тарафиға келиб Буроқни ул ерга боғлаб қўйдилар. Шундог бир дарвозадан кирдикки, кун бирла ой ул тарафға мойил бўладур. Оллоҳ таоло хоҳлаған ерида намоз ўқудум. Мени қаттиқ чанқоқ олди, икки идиш келтурулди. Бирида сут, бирида асал бор эди. Иковини баробар юборилиб эди, ўйлаб туруб, сутни олиб ичтим. Ҳаттоқи терлаб кеттим. Олдимда бир киши тиззасига суяниб ўлтуруб эди. Ул: «соҳибинг фитратни ихтиёр қилди, хидоят насиб бўладур», деди. Сўнгра Буроқни миндим. Буроқ бизни олиб кетти. Шаҳар бор жилғага келдик, қарасақ жаҳаннам тепалардек кўрунуб турубдур. Ҳазрат Шаддод ибн Абс розияллоҳу анху айтибдурларки: Мен: «Ё расулаллоҳ, жаҳаннамни нучук топтингиз?», дедим. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «қизик кўмурдек топтим», дедилар. (Бул ўзи меърождан қайтқанларидан кейиндур). Мени қайтариб олиб жўнадилар. Фалон ерда Курайшнинг қофиласига яқин ердан ўттук. Улар бир туяларини йўқотиб юруб эдилар. Фалони уларни тўплаб туруб эди. Мен уларга салом қилдим. баъзилари: «бу Муҳаммаднинг овозидур», дедилар. сўнгра тонг отмай туруб асҳобларим олдилариға етиб келдим», дедилар.

Ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анху келиб: «Ё расулаллоҳ, бу кеча қаерда эдингиз? Мен сизни ухлайдурғон ерингизни ахтардум», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «бу кеча Байтул Мақдисга бордум», дедилар. Ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анху: «Ё расулаллоҳ! Байтул Мақдис бир ойлик йўлдур. Менга васф қилиб беринг», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «менга бир йўл очилди, кўруб тургандек бўлуб туруб ҳар бир сўрағон нарсасини қандоғ бўлса ўшандоғ айтиб бердим», дедилар. Ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анху: «гувоҳлик бераманки, сиз Оллоҳ таоло пайғамбаридаурсиз», дедилар. Мушриклар: «Ибн Абий Кабшани кўрунгларки, бу кеча Байтул Мақдисга бордум, деб даъво қиладур», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

vasallam: «сизларга айтган сўзумнинг далили сизларнинг қофилаларингизни фалон ерда кўрдум. Улар туюларини йўқотиб туруб эдилар. Уларни фалони тўплаб олиб эди. Улар ўз юрушларида фалон куни фалон ерга тушурлар, фалон куни келгайлар. Энг олдиларида бир кулранг түя келадур. Ул туюнинг устида бир кора шолчаси, икки қопи бўлғай», дедилар. Ўшал ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган кунларида, ўшал түя олдида қофила етиб келди». Бу қадри Байҳақийнинг ривоятида келганидур.

Бунда икки ери бордурки, улар бошқа саҳих ҳадисларга хилоф бўлуб, мункардек кўрунадур. Улда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Байтул Лаҳмда намоз ўқудилар дейилгани, ҳамда ҳазрат Абу Бақр розияллоҳу анхунинг Байтул Мақдиснинг васфларини сўрагонликлариидур. Бу иккиси тўғри эмас эканлиги билинадур. Чунки бу ривоятда ҳазрат Абу Бақр розияллоҳу анхунинг Қурайш қофиласи бирла эмас эканликлари билинадур. Бундан бошқа саҳих ҳадисда ҳазрат Абу Бақр розияллоҳу анху Қурайш қофиласи бирла эдилар.

14 - ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анхумонинг ривоятларида қуйидаги нарсалар бордур. Имом Ахмаднинг ривоятларида келибдурки: «ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жаннатга кирдилар. Жаннатнинг бир тарафида аста-аста қабқоб (гуп-гуп)нинг овози иштиладур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: ё Жаброил, бу нимадур?, дедилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «Бу муаззин Билолдур», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайтиб келганларида: «Билол нажот топти, мен шул ҳолда кўрдум», дедилар. Яна ҳазрат Мусо алайҳис-салом бирла кўруштилар. «Уммий пайғамбарға марҳабо», дедилар. Бу зот буғдойранглик бўлуб, узун бўйлик, сочу соқоллари силлиқ қўнгуроқсиз бўлуб, қулоқлари баробарида ёки юқкорироқ эди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «бу киши ким?», дедилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «бу киши ҳазрат Мусо алайҳис-саломдурлар», дедилар. Ундан ўтуб жўнаб бир ҳайбатлик, улуғ оқсоқол кишига учрадилар. Ул кишида: «марҳабо», деб салом қилдилар. Ҳамма пайғамбарлар салом қилур эдилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «бу киши кимдур?», дедилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «бу киши отангиз Иброҳим алайҳис-саломдурлар», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дўзахни кўрдилар. Унда бир қавмни кўрдиларки, улар нажосат ейдурлар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «булар кимдурлар?», дедилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «булар ғийбат қилиб одамларнинг гўштларини чайнагучидурлар», дедилар.

Яна бир қизилозлик кўк кўз кишини кўрдилар. «Бу кимдур?», деб сўрадилар. Ҳазрат Жаброил алайҳис-салом: «бу киши ҳазрат Солиҳ алайҳис-саломнинг туюларини ўлдургувчи кишидур», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжиди Ақсоға киргланларида намоз ўқудилар. Қарасалар пайғамбарлар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға қўшулуб намоз ўқуб турубдурлар. Намоздан фориғ бўлғонларидан кейин икки кося келтурулди. Бирида сут, бирида асал бордур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сутни олиб ичтилар. Ўзлари бирла бўлғон зот: «фитратни ихтиёр қилдингиз», дедилар». Бу ҳадиснинг исноди саҳих бўлсада, сиҳоҳ китобларида келмабдур.

Ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анхумонинг яна бир ривоятларида келибдурки: «ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Байтул Мақдисга кечаси олиб борилдилар. Яна ўшал кеча қайтиб келдилар. Қурайшга кечасиги сафарларини баён қилиб эдилар, улар далил сўрадилар. Байтул Мақдиснинг аломатларини айтиб бердилар. Буларни эшишиб баъзи кишилар ишонмай муртад бўлди. Уларни Оллоҳ таоло Абу Жаҳл бирла қўшуб бўйниларига урди. Абу Жаҳл: «Мухаммад бизни шажаратуз Закқум - қўмартки дарахти бирла кўркутадур. Хурмо бирла маска олиб келинглар», деб улардан заққум ясади. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дажжолни ўз сурати бирла кўрдилар. Ҳазрат Ийсо ва Мусо ва Иброҳим алайҳимус-саломни кўрдилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дажжолдан сўралдилар, жавоб бериб: «Йўғон бўлуб, оқликда ҳаддан оша эди, бир кўзининг ниши иргиб чиққан, юлдуздек ярқирар эди. Сочлари дарахтнинг шохларидек эди. Ҳазрат Ийсо алайҳис-саломни кўрдум, оқ юзлик, қўнгуроқ соч бўлуб қоринлари ичига кирган, кўзлари ўткур эди. Ҳазрат Мусо алайҳис-саломни кўрдум, сочлари кўп яратилишда қаттиқ эдилар. Ҳазрат Иброҳим алайҳис-саломни кўрдим, тамом аъзолари менга ўхшар эди. Ҳазрат

Жаброил алайхис-салом: «отангизга салом килинг», дедилар. Мен салом қилдим», дебурлар. Бу хадисни Насойи сунанида келтурубдур.

Оллоҳ таолонинг китоби Қуръони каримда бор нарсаларга, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлариға амал қилмоқ вожибдур. Ҳамда салафи солиҳ ва уларнинг изларида юрган мужтаҳид имомлар, фуқаҳо ва мухаддисийнлар ва уларнинг изларидан юрган халаф уламоларининг йўлларидан юрмак вожибдур. Бидъатлар, шариатга хилоф янги чиққан нарсалар, бидъат ахлиларидан ўзларини сақламоқ вожибдур.

Ҳар бир ўзини Ислом байроби остида деб билган кишига китоб ва суннат ҳукмлари остида юрмак вожиб бўлуб, хилоф қилмоқ жоиз эмасдур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари, тобеъийн ва табаъ тобеъийн уламолари, аимма мужтаҳидийн, дин улуғлари бўлғон зотларнинг йўллари китоб ва суннатдур. Ул ўзи Қуръони карим, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатлари - ҳадис шарифларидан. Шул тариқадан қил микдорида чиққан кишига иқтидо қилиб бўлмас. Ул киши дин улуғларидан бўйлолмайдур.

Ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Сизларнинг ўрталарингизда икки нарса қолдурдум. Улар Оллоҳ таолонинг китоби - Қуръони карим бирла суннатимдурлар. Уларга иқтидо қилмоқда бўлсангизлар, ҳаргиз йўлдан тоймагайсизлар. Улар қиёмат кунида менинг хузуримға ҳавзи Кавсар олдида келмагунча бир-бирларидан ажралмагайлар», дедилар. Бу ҳадисни Ҳоким Найсбурий «Мустадрак»да ҳазрат Абу Ҳурайра розияллоҳу анху воситалари бирла ривоят қилибдур.

Мусулмон кишига исломнинг йўли бўлғон китобуллоҳ ва суннати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тошқори қадам кўймоқ жоиз бўлмагонидек, бу иккисидан тойғон киши йўл йўқоткан бўлуб, ўзи учун ҳалокатга йўл ҳозирлаған бўлғай. Оллоҳ таоло ва расулининг чизган чизикларидан чиққан, ўзини куфр ва бидъат қоронғулиқлариға отқан бўлғай. Бул йўлни унға шайтон кўрсатган бўлур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: ((. «Ул кишики, унинг ёмон амали унға яхши қилиб кўрсатилгандур, ул уни яхши деб билгандур. Ҳақиқатда ул киши йўлдан тойғондур. Оллоҳ таоло хоҳлаганини тойдурғай, хоҳлаганини йўлға соладур. Йўлдан озғонларнинг озғонлиги сени хафа қиласун. Уларнинг қилмоқда бўлғон нарсаларини Оллоҳ таоло билгувчидур».

Ва яна бир бошқа оятда буюрадурки:

(). «Оллоҳ таоло иймон келтургандарнинг валийсидур. Уларни қоронғулиқлар (куфр ва ширк қоронғулиқлари)дан (Ислом) ёруғлиғига чиқарадур. Коғир бўлғонларнинг йўлини хуш кўргучилар шайтонлар бўлуб, уларни дин ёруғлигидан куфр ва ширк қоронғулиқлариға тортқилайдурлар. Улар дўзахийлар бўлуб, унда ҳамиша қолғувчи бўлурлар».

Оллоҳ таоло бандалари учун хуш кўруб юборғон дини Ислом бўлуб, ул китоб ва суннатдан иборатдур. Улда Оли Имрон ўн тўққизинчи ояти()да баён бўлунғон Исломдур. Ул динга кирмаганлар коғир бўлурлар. Бу Ислом динини ҳазрат Мухаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келтургандурлар.

Исломга кириб буюрган йўлида юргаганлар, Исломни ўз кайфларига тобеъ қилиб олғон шайтон тузогиға тушган фосиқлар бўлурлар. Булар тоатдан тошқори бўлғон кишилардурлар. Бул ўзи бепарволик сабабидан бўлса. аммо қасдан ташлаб кўйғон бўлғонда Исломда бўлуб туруб исломнинг асоси бўлғон китоб ва суннатдан бошқа йўл ахтарғонлар, Ислом ёруғлигини кўюб куфр ва ширк қоронғулиқларини ихтиёр қилғонлар бўлуб, шайтоннинг занжирига тушган шайтон асиридурлар. Улар шайтон бирла кўшулуғ жаҳаннамга кетгайлар.

Бидъат ва бидъатийлардан ижтиnob қилиб, ўзини сақламоқ лозимдур. Чунки бидъат ўзи инсонни тойғинликнинг зўрроғига элтгай. Инсон бидъати бўлса, ул ўзининг туткан йўлини тўғри ва яхши деб билгай. Ўз йўлидан қайтмоқ кўнлиниңг кўчасиданда ўтмагай. Тавба

(')сураи. ^ فاطر :

(')сураи Бақара. ۲۰۷ :

.(')

қилмоқдан узоқ қолғай. Бунға эргашганлар яна шундօф бўлғайлар. Бидъатий бўлмай суннат узра юрган бўлса, ул ўзини бидъат аҳлидан узоқ тутмаса, уларнинг эътиқодлари, қилиқлари таъсир қилиб кетмакдан амин бўлолмағай. Агар дўстлик қилмай душман тутуб, душманлигини кўнглида сақлаб юрган бўлса-да, ихтилот ва аралашмоқ сабабидан бора-бора кўнглида кирлик пайдо бўлуб, уларға яқинлашиб қилмоқлари-да мумкиндор.

Оллоҳ таоло исломнинг зўр-зўр аҳкомларини баён буюрадурки: ((. «Мана бул менинг тўғри йўлумдур. Шунга эргашинглар, бундан бошқа йўлларға юрманларки, сизларни Оллоҳ таолонинг йўлидан оздуруб кетадурлар».

Хазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «матн». «Ҳар ким шул дин - Исломда ундан эмас нарсани пайдо қиласа, ул ўзига мардуддур, қайтаришур». Бу хадисни Бухорий ва Муслим саҳиҳайнда, Абу Довуд, Ибн Можа сунанларида келтурубдурлар.

Демак, Ислом усулига тўғри келмаган нарсани динда пайдо қиласа, ул узоқ тойғинликда қолибдур. Тойғинликни ўзига оладурган нарсани бидъат дейдурлар. Бидъат ва бидъатийларга яқинлашқанлар Оллоҳ ва расули хуш кўрмаган йўлни чикорғонларга яқинлашқон бўлуб, ўзларини ҳалокатга элтгайлар. Оллоҳ таоло мусулмонларнинг ҳолларини бора-бора яхши бўла бермаги, ёки бир ҳолатда турмагини истайдур. Ул ўзи китоб ва суннатда қойим бўлмоқдур. Унинг хилофини қилмоқ китоб ва суннатдан узамоққа элтадур. Ул вакт Оллоҳ таоло бериб қўйғон неъматларининг зоил бўлмоғи турган ишдур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: (). «Албатта Оллоҳ таоло ҳар бир қавмға бериб қўйғонларини ўз феълу хуйларини ўзгартмагунларича ўзгартмагай».

Демак, бизнинг узамизга келган бало ва кулфатларнинг сабабларини ўзумиздангина ахтарайлиқ. Китобуллоҳ ва суннати Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нимадан иборатдур ўйламай, ўз раъи ва фикрларимиз орқаларидан юруб, ўзумизни суратдагина Исломда топмадиқми?! Биз бирла китобуллоҳ ва суннати Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрталарида масофалар пайдо бўлуб, юрган йўлларимиз бора-бора қоронгулиқ томониға бўлуб, ўзумиз Оллоҳ таолонинг ғазабига учраб, тарқоқлиқ, ихтилоғға тушуб қолмадиқми?! Ўзумизни китоб ва суннатга солишуруб кўрмак хаёлимиздан кечмәтибдур. Бу Қуръони каримдаги ҳикматларни англайдурган димоғ бизда йўқдур. Ўзумизни маломат қилмоқни ўйламаётидурмиз. Бир-бирлари бирла қирилишиб ётқан арабларни Қуръони карим ва суннати Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қайси даражаларга еткузуб эди? Исломнинг аввалида мусулмонлар фатҳ қилғон ерларнинг одамлари арабларни Оллоҳ таолонинг фаришталари ҳисобламаб эдиларми?!

Оллоҳ таоло илгариги умматлар - яхуд ва насороларға хитоб қилиб буюрадурки: ((. «Агар яхуд ва насоро - Бани Исроил Таврот бирла Инжилни қойим қилғонларида эди, узларидан, оёғлари остидан (ердан) ер эдилар. Улардан инсофликлари-да бордур. Улардан кўпларининг амаллари жуда ёмондор».

Яхуд ва насоролар ўзларидаги Таврот ва Инжилни қойим қилсалар эди, Қуръони каримга иймон келтурмакни лозим тутар эди. Ул вакт ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларини тасдик қилур эдилар. Демак, уларға мусулмон бўлмоқ лозим эди, бундан бошқа чора йўқ эди.

Инсоннинг нажоти Исломда бўлғонидек мусулмонларнинг нажотлари ҳам китоб ва суннатдадур. Бундан бошқа чора йўқдур.

Демак, инсонларга бошқа нарса нажот учун кафил бўлолмағай. ундоғ бўлса, мусулмонлар ўзларининг ҳаёт ва мамотларида фавзу саодатларини ўз динлари Исломдагина ахтарсунлар. Улда китоб ва суннатдурлар. Шунгагина эргашмак лозимдур. Фалосифа, ёвруполикларнинг

(')сурай^۱ лан. ۱۰۳: عام:

(')сурай^۱ лар . ۱۱: ﴿عَلَيْهِ الْأَنْفُسُ﴾ سوراسی^{۱۰} инчи оятни кўздан кечурсунлар.

(')сурай ал-Моида. ۶۶ :

динсизликлари, дахрийликлари ҳалокатнинг ўзигинаидур. Уларнинг орқаларидан юрмак шайтон орқасидан юрмақдур. Ўзи учун равшан чироғни кўюб қоронгулиқда йўл истаб, кўли бирла кўрдек пайпаслаб юрган кишига ўхшайдур.

Ҳадиси шарифда келибдурки «матн». «Ҳар ким ҳидоятни Қуръони каримдан бошқада ахтарса, уни Оллоҳ таоло тойдурғай». Бу ҳадисни ҳазрат Алий розияллоҳу анҳу воситалари бирла Тирмизий сунанларида келтурубдурлар.

Ҳазрат Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васалламға иймон келтурмакнинг маъноси ул зотни тамом оламнинг худойининг пайғамбариурлар, ҳамма пайғамбарларнинг хотами - охирги, сайдидлариурлар, деб жазм тариқада эътиқод килмоқдур. Банданинг иймони ул зотнинг пайғамбарликлариға иймон келтурмагунча тўғри бўлмагай. Ҳалойиқ ўрталарида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатлари бирлагина файсала килингай. Ул зот ҳамд байроби, мақоми маҳмуд, ҳавзи кавсарнинг соҳибиурлар. Пайғамбарларнинг хатиблари ва имомлариурлар. Умматлари ҳамма умматларнинг яхшилари бўлуб, асҳоблари ҳамма пайғамбарларнинг асҳобларининг яхшилариурлар. Қиёмат куни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурлариға келиб ҳавзи кавсардан ичиб қиёмат кунги ташаликдан кутулуб сероб бўлгайлар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликлари тўғрисида (1) моддалиқ масъала ҳамда (36) моддалиқ масъалада яхшигина таҳқиқот ўтти. Бул ерда «

» ва « » калималари тўғрисида сўзланиб ўтулур:

Чунончи ояти каримада буюрадур: () - «Ва лекин Оллоҳ таолонинг пайғамбари, ҳамда пайғамбарларнинг энг охиргилариурлар».

Абус Сууд тафсирида айтурки: пайғамбарларни хатм қилғувчилариурлар. Яъни хатм қилиб муҳр босиб қўйғучидурларки, ўзларидан кейин пайғамбар келмагай. Гўёки хатм, муҳр босиб қўйғондурлар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг балоғатга етган ўғуллари бўлса эди, албатта пайғамбар бўлур эди. Чунончи ҳадиси шарифда келибдурки: «Иброҳим яшаса эди, пайғамбар бўлур эди», дебдурлар.

Ҳазрат Ийсо алайҳис-саломнинг охирги замонда осмондан тушмаклари ҳазрат пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотамун-набийин бўлмоқлариға хилоф эмас. Чунки ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин янгилатдан пайғамбар бўлуб келмагайлар. Балки илгаридан пайғамбардурлар. Ҳамда осмондан тушуб ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шариатларида ҳукм қилурлар, қаъбага қараб намоз ўкурлар.

Бухорий ва Муслим саҳихларида ривоят қилиб келтурубдурларки, «матн». Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки: «Менинг илгари ўтган пайғамбарлар бирла мисолим шунга ўхшайдурки: Бир қаср - ўрда, зўр иморат солинибдурки, ул ниҳоят чиройликдур, фақатгина бир гиш ўрни очиқ қўюлғондур. Ҳар томондан келган томошачилар ул иморатнинг келишимлик бўлғонига таажжублар қиласурлар. Фақат тамом бўлмай қолғон ўшал ғишининг ўрнини кўруб: «Бул иморат хўб яхши бўлубдур. Фақат шул ғишининг ўрни очиқ қолибдур. Шул ғишида қўюлуб қўйулса эди, қўп яхши бўлур эди», деб кетурлар. Ана ул гиш мендурман. шул ғишининг ўз ўрниға қўюлуши бирла шул иморат тамом айб сиз бўлуб битти. Мен-да ҳамма пайғамбарларни тамомиға еткуздум. Менинг бирла пайғамбарлар хатм бўлдилар. Эмди пайғамбар келмагай», дедилар.

Ва яна ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки: «матн». «Албатта менинг беш отим бор: мен Мухаммадурман, мен Аҳмадурман, Ҳоширдурманки, қиёмат қиёмат куни одамлар менинг оёғимда тўпланурлар. Мен Моҳийдурманки, менинг бирла Оллоҳ таоло куфрни йўқотқай. Мен Оқибдурманки, мендан кейин пайғамбар келмагай», дедилар. Бу ҳадисни имом Молик Муваттода, Бухорий ва Муслим саҳихларида, Тирмизий, Насойи сунанларида ҳазрат Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анху воситалари бирла ривоят қилибдурлар. Ҳадис саҳихдур.

Ва яна Муслим саҳийҳида ривоят келтурубдурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн». «Албатта менинг умматимда дажжол, ёлғончилар пайдо бўлгайлар. Ҳаммалари ўзларини Оллоҳ таолонинг пайғамбари деб кўрсатурлар. Ҳолбуки мен пайғамбарларнинг энг охиргилариурман, мендан кейин пайғамбар келмагай».

(')сурайла : حِزَابْ حَقِيرْكَ.

« » - пайғамбарларнинг саййидлари дурлар. Ҷунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн». «Мен қиёмат куни ҳазрат Одам алайҳис-салом авлодларининг саййидлари дурман. Энг аввалги қабр ёрилиб чиққан киши бўлурман. Энг шафоат қилғувчи, энг аввалги шафоати қабул бўлғучи бўлурман», дедилар. Бу ҳадисни Муслим сахиҳда, Абу Довуд сунанида келтурубдурлар.

Ва яна имом Аҳмад муснадида келтурубдурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн». «Қасам ул зотғаким, менинг жоним унинг қабзасидадур, агар ҳазрат Мусо алайҳис-салом сизларнинг ораларингизда тирик бўлса эди, мени қўюб ҳазрат Мусо алайҳис-саломга эргашиб кетсангизлар эди, албатта йўлдан тойғон бўлур эдингизлар. Умматлардан сизлар менинг насибамдурсизлар, пайғамбарлардан мен сизларнинг насибаларингиздурман», дедилар.

Абу Яъло ал-Мавсиилий муснадида нақл қилибдурки: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн». «Ахли китоб (яхуд ва насоро)лардан бирор нарса сўраманглар. Ҳолбуки улар тойғон кишилар бўлуб, сизларни йўлга сололмайдурлар. Ёки сизлар уларнинг ботил сўзларини тўғри деб берурсизлар, ёки ҳақни ноҳақ деб берурсизлар. Ҳақиқат шулки: ҳазрат Мусо алайҳис-салом сизларнинг ўрталарингизда тирик бўлса эди, Мусо алайҳис-саломга менга эргашмақдан бошқа нарса жоиз бўлмагай эди».

Муслим ибнул Ҳажжож сахиҳида ҳазрат Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилибдурки, айтибдурлар: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «матн». «Қасам ул зотғаким, менинг жоним унинг қабзасидадур, яхудий ё насронийдан иборат бўлғон миллатлардан бир киши мени эшитса сўнгра менга иймон келтурмаса, ул дўзахга киргай».

Ва яна ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдиларки: «матн».

«Беш нарса берилдимки, уларни пайғамбарлардан мендан бошқа кимсага берилган эмас:

1 - Бир ойлик ердан душманларнинг кўнгулларига қўрқув солиниш бирла нусрат берилдим.

2 - Менга ер юзини масжид ва поклайдурган қилинди. Ҳар кимни намоз вақти топса, ёдига тушганда ўкуб олсун.

3 - Ганиматлар менга ҳалол қилинди. Мендан илгари кимсага ганиматлар ҳалол қилинғон эмас.

4 - Шафоатни берилдим.

5 - Пайғамбарлар хос қавмлариға кўндуруулур эдилар, мен ҳамма инсонларга пайғамбар бўлдум».

Шафоат тўғрисида (32 - 3) моддалик масъалада ўтти.

Имом Аҳмад ҳазрат Абдуллоҳ бин Амр ибнул Ос розияллоҳу анҳумодан бошқа алфозлар бирла шул маънони ривоят қилибдур.

Ахли қибла - бизнинг қибламиз, Каъбаи шарифга қараб намоз ўқуйдурғонларни ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам келтурган шариатларни ҳар бир айтган сўзларини рост деб тасдиқ қилиб, ўзларининг динлари деб эътиқод қилиб юрганларни мусулмон деб атайдурмиз. Бирор гуноҳга иртиқоб қилмоқлари бирла ҳалол деб эътиқод қилмағон миқдорларида «коғир бўлди», деб ҳукм қилмайдурмиз. «Иймонлик бандага гуноҳи зарар қилмайдур», дебда айтмайдурмиз.

Ахли қибла деб ўз даъвосида, эътиқодида Исломни ўз дини, Каъбани ўзининг қибласи деб билган кишиларни айтадурлар. Булар ҳадиси шарифда келганидек фирмә- фирмә бўлғондурлар. Ахли суннатнинг аломатлари шулки: улар оят ва аходиси шарифда келган нарсаларни ақллариға хилоф бўлғони учун таъвил қилиб амалдан қолдуруб ўлтурмайдурлар. Балки алар раъси валъайн - бошу кўз устига, деб қабул қиладурлар. Ул оят ва аходисда келган нарсалар Оллоҳ таолонинг зоти ақдасига мутааллик бўлсалар, таъвилсиз, кайфиятсиз қабул қилурлар. Агар аҳкомда бўлсалар, аввал китобуллоҳ, сўнгра ҳадиси набавийялар, сўнгра ижмоус саҳоба вал-уламо, сўнгра қиёс - ўз тартиби бирла қабул қилурлар.

Модомики улар шул усулда бўлсалар, баъзи хос раъй сабабидан Ислом уламолариға хилоф бўлсалар, ёки гуноҳи кабира иртиқоб қилғон бўлсалар ёки ўз раъйлариға қаратиб таъвил қилсалар, уларни бу хил ишлари сабабидан Исломдан тошқори, деб ҳукм қилмайдурмиз. Фақатгина шул иртиқоб этган гуноҳларини ҳалол деб эътиқод қилсалар, ёки қатъий ҳукмни қайтарсалар, ул вақтда у хил кишиларнинг коғир бўлғонликларида шубҳа қолмайдур.

Демак, мўмин бандалар уч фирмәга бўлунурлар: мўмин мутеъ, мўмин фосик, мўмин мубтадеъ. Яъни: итоат қилғувчи солиҳ банд мусулмон, гуноҳлик мусулмон банд, ахли бидъат бўлғон мусулмон.

Мана булардан гуноҳкор бўлғон мусулмон бирла динида бидъат пайдо қилиб олғон мусулмонлар гуноҳлари, бидъатлари сабабидан коғир бўлмагайлар.

Мусулмонлар бу оят () ҳукми остида, Оллоҳ таолонинг фазли бирла адли ўртасида қалқиб қолғай. Оятнинг таржимаси: «Албатта Оллоҳ таоло ширк келтурулганни мағфират қилмағай, ундан қуисини хоҳлаганига мағфират қилгай».

Инсонни диндан чиқариб қўядурғон нарса ширк бирла куфрдур. Ширкнинг қисмлари (93)дан (98) моддагача, куфрнинг қисмлари (100)дан (104) моддагача ушбу ақида китобимиизда баёни келур. Биз бу китобимиизда кўп ерда ширк тўғрисида сўзлаб келмакдамиз. Куфр бўлса ул ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаром эътиқод қилмоқдур. Қатъий далил бўлғон ояти куръоний ёки ҳадис мутавотир, ёки машҳур бўлғон ҳадис бирла событ бўлғон ҳукмлардан бирини инкор қилмоқдек нарсалардур. (100 - 104) моддаларда баёни келур.

Булардан бошқа суратлар фисқ ва маъсиятдек нарсалардурлар. Гуноҳга иртиқоб этмак бирла куфрга кирмайдур. Биравни далилсиз куфрга ҳукм қилмоқ борасида кўрамиз; агар бу ҳукм ҳакиқатга хилоф бўлса, ул ҳукм ўзига қайтур. Гуноҳ қилмоқни жоиз кўрмак бирла куфрга кириб қоладур.

Аммо «иймонлик бандага гуноҳ зарар қилмайдур», деган масъалага келсак, бул муржия номлиқ бидъат аҳлининг эътиқодларидур. Улар инсоннинг иймони бўлғонидан кейин ҳар қанча гуноҳ қилсада ул азоб кўрмайдур, дейдурлар. Бул ўзи бутун ворид бўлғон оят ва ҳадисларга хилофдур.

Ахли суннатнинг эътиқоди шулки: гуноҳкорнинг гуноҳи Оллоҳ таолонинг ихтиёрида бўлуб, хоҳласа фазли бирла кечиб юборғай, хоҳласа адли бирла азоб қилғайда(), сўнгра гуноҳи миқдорида азоб тортқонидан кейин дўзахдан чиқғай. Ёки шафоат қилғувчиларнинг шафоатлари бирла қутулғай. Ёки ўзининг фазл ва қарами бирла дўзахдан чиқариб, жаннатга киргузгай. Бул ўзи гуноҳи кабиралар тўғриларида дур. Аммо гуноҳи сагира бўлса, гуноҳи

(')сурай Нисо. ۱۱۶، ۴۸ :

.(')сурай Нисо. ۱۱۶، ۴۸ :

кабирадан сақланғон кишилар түғриларида Оллоҳ таолонинг ваъдаси бордур(). Чунончи иккинчи моддалик масъалада кўпгина сўз ўтти.

Гуноҳи сағира ҳар хил яхши амаллар воситалари бирла каффорат бўлуб ўчурулуб кетгай. Гуноҳи сағираларда мудовамат қила бермак бирла гуноҳи сағира гуноҳи кабирага айланиб кетгай. Бандаларга лозимдурки, Оллоҳ таоло каримдур, деб ҳадеб гуноҳи сағираларга бўлсада иртикоб эта бермай, ўзини гуноҳлардан тортиб юрсун. Ҳарна бўлса, солих бандалар йўллариға юрмакни ўзига лозим тутсун. Оллоҳ таолонинг фазли бандаларига зўрдур. Бандаларга лозимдурки, Оллоҳ таолони ҳамма вақт ҳозири нозир билиб, ҳамма вақт тавба ва истиғфор бирла бўлсун. «Яхши йўлға юрмакни насиб қилғил», деб дуо қилмоқдан қолмасун.

Аммо бидъат аҳли бўлсалар, улар бидъатларининг сабабидан куфрга ҳукм қилинмайдурган бўлсаларда, бидъатларининг сабабидан дўзахқа кирсалар, азоб тортиб вақти тамом бўлса ёки шафоат қилғувчиларнинг шафоатлари сабабидан дўзахдан чикар эканлик томони ғолиброк кўрунадур.

дуо.

Мусулмонларга бидъат аҳлиларидан алоқаларини узуб, улардан билкул ажралиб кетмаклари лозимдур. Динда жидол ва хусумотлар қилишмоқни тарк қилмоқ, бидъат аҳлининг китобларини кўрмаслик, уларнинг сўзларига қулоқ солмаслик, ҳар бир шариатда йўқ, янги пайдо бўлғон нарсалардан ўзини тортмоқ лозимдур. Ҳар бир исломнинг шиор ва аломатларидан, суннат тариқасидан бошқа тариқада юрмак бидъатдур.

Ҳар бир динида Оллоҳ таоло ва расулидан келмаган нарсаларга эргашмақда бўлғон кимсалардан сақланиб, уларнинг сухбатлариға яқин бормаслик лозимдур. Салафи солих йўлларида бўлғон аҳли суннат ҳамма вақт суннатга иттибоъ қилиб, халойикни бидъат аҳлидан қўркуб келгандурлар. Ҳар бир мусулмонға аҳли бидъатдан ўзини узок тутуб, уларнинг китобларини мутолаа қилмоқдан сақланиб, уларга ўзларини ўхшатмоқдан тортмоқ лозимдур. Уларнинг сўзларига қулоқ солмасун. Ҳар бир динда маълум бўлмағон нарсалар, Ислом буюргаган нарсалар бидъат бўлғонидек у хил одамлар бидъатидурлар.

Бидъат аҳли бирла суннат аҳлининг ўзларига маҳсус аломатлари бор бўлуб, улда кийим ва қиёфатдадур. Чунончи аҳли суннатлар кийимларини суннатда келган тариқада киядурлар. Соқолларини бир қабзадан кам қилмайдурлар, мўйловларини калта қилиб, иштон-куйлакларини ошиқларини ёптуруб киймайдурлар. Емак, ичмакларида аҳли бидъат ва куффорларнинг тутумларини тутмайдурлар.

Ҳадиси шарифда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн». «Ҳар ким ўзини бир қавмга ўхшатса, ул ўшал қавмдандур». Бу ҳадис узун ҳадисдан бир парча бўлуб, ҳадис сахиҳдур. Шунинг учундурки салаф уламолари ҳар бир турмушларида аҳли бидъатга ўхшамоқдан ўзларини сақлар эдилар. Чунки ўзини бир қавмга ўхшатмоқ ул қавмни хуш қўрмакдан келадур.

Бизнинг замонамиздаги мусулмонлар ўзларини ҳар нарсада ёвруполикларга ўхшатмоқка урунадурлар. Бул ишларини ўзлари учун фаҳр кўрадурлар. Чунончи соқол қирмоқ, соchlарини ифранжий қилиб орқасидан қайчи, мошина бирла қийиб ўзларини ёвруполикларга ўхшатмоққа урунадурлар. Ҳолбуки ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни соchlарининг баъзисини олдуруб баъзисини қолдурмоқдан манъ қилиб эдилар. Бу феъллари бирла бир томондан ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам манъ қилғон нарсани қилиб Оллоҳ ва расулига осий бўлсалар, яна бир томондан ўзларини ёвруполикларга ўхшатмоқдадурлар. Чунки ёвруполиклар даҳрий, мулҳидлар бўлуб, ҳар бир мусулмонга ўзларини сурат ва тутумда улардан узок тутмак лозимдур. Уларга ўзларини ўхшатмоқ мамнӯй бўлуб, жоиз эмасдур.

Аҳли бидъатлар мусулмон бўла туруб уларға ўзларини ўхшатмоқ, уларнинг сухбатларидан манъ, ва қиликлари ё суратлариға ўхшатмоқдан ижтиnob қилмоққа буюрулуб турулганда, кофир мулҳидларнинг қиликлари, одатлари, турмушларида ўзларини уларға ўхшатмоқ қайси даражада қабиҳдур! Бул ўзи очиқ нарсадур.

Бизнинг ёшлиаримиз ўзларининг қадамларини қараброқ боссунлар. Оллоҳ таолонинг дини осмон бирла ерда бир бўлуб, улда Исломдур. Ҳар бир ўзини Исломга нисбат қилғон кишилар ўзларининг даъволарини амалий суратда исбот қилсунлар. Қиёфат, кийимларини Ислом кўрсатган тариқада тутсунлар. Кофир ва даҳрийларга ўхшатмоқдан ўзларини тортсунлар. Ислом аҳлининг турмишлари Ислом томонидан таъйинланган бўлуб, ул йўлда юрмак лозимдур. Бошқа бир қавмнинг турмишлари, қиёфат ва одатлари мусулмонлар учун турмиш, қиёфат ва одат бўлолмағай.

Бизнинг ҳозирги замонамида ёвруполикларнинг турмишлари зиёдасича мусулмонлар ўрталарида торолмоқдадур. Бу хил нарсалардан сақланмоқ керакдур. Бунинг маъноси мусулмонларни улум ва фунун синоийядан ва ҳарбийядан тўсмоқ эмас. Чунки улум ва фунун синоийя мусулмонларнинг танбаллиқ, парвосизлик бирла қўлларидан чиқариб юборгон ўз молларидур. Унингсиз яшамоқ мусулмонларга мумкин эмасдур.

Анфол сураси 60инчи(), Тавба сураси 123инчи() ояти каримада Оллоҳ таоло мусулмонларни душманларини қўрқутуб турадурган даражада қувват ҳозирламоққа буюрадур. Бу қувват нима бирла бўлур эканлиги зоҳирдур. Бу фунун синоийя ва ҳарбийяни ўрганмак учун динини қурбон қилиб юбормоқ лозим келмайдур. Сурат ва қиёфатларини бузмоқнида лозим тутмайдур. Киёфатларинигина ёвруполикларга ўхшатиб олмоқ ақлсизликдур.

Яна билмак керакдурки, бу ёвруполикларнинг Ислом мамлакатларида очқан мактаб ва мадрасалари мусулмонлар ўрталариға даҳрийликни тикиштурмак учунгина дурки, улардан ҳазар қилмоқгина эмас, кўзларини очиброк ҳамма вакт дин бирла хисоблашиб юрмак лозимдур. Буларнинг Ислом мамлакатларида очқан мадраса ва мактаблари салийби аҳмар урушининг энг маҳкам ва қувватлигидур. Чунки Ислом авлодлари ул мактабларда ўқумоқда эҳтиёт бирла ўқумаса, динсиз, фикрлари бузуқ бўлуб - заҳарланиб, илход йўлиға тушуб қолмоқлари очиқ нарсадур. Булар Ислом ва мусулмонлар учун заарарлик бир тоифа бўлуб чиқадурлар. Улар ёвруполикларнинг тешаларига соп бўлуб, ватан авлодининг бошларига бало, жонларига жазо бўлуб чиқурлар.

Ҳар ҳолда 1333-ҳижрий, 1914-милодийда бошланғон умумий ёврупо урушидан илгари руслардан бизнинг нафрат қилмоғимиз яхши бир одат эдики, ажнабийлар бирла оралашмай ўзумизнинг диний одатларимиз бирла ёшларимизни ўстуруб эдик. «Ҳуррият» (1335-ҳижрий, 1917-милодий) замонидан бошлаб асафнок ҳолатлар пайдо бўлмоққа бошлади.

Бизнинг мактаб ва мадрасаларимиз ибтидоий, ўрта, олий мадрасаларимизда ўқуйдурғон болаларимизни бу хил ёврупопарвардалари() таъсиrlаридан сақлаб, унинг ўрниға ўз динимиз усулида тарбия топқон, динлик, динини таниғон муаллимлардан ташкил топқон мактаб ва мадрасаларда ўқутмоқ лозимдур. Ва лекин бизнинг Туркистон ёшларимиз диний тарбиядан узоқ бўлуб етишган бўлсалар-да, узундан узоқ тажрибалардан кейин бу ёврупо кузгуnlари мусулмонларга эл бўлмаслиқларини билиб, Исломдан хабарсиз бўлсаларда дин мухиблари бўлуб етишгандурлар. Шунинг учун биз Туркистон ёшларимизнинг келардаги ҳолатлари порлоқ эканлиги қаноатидамиз.

Бўла билурки, бизнинг дин ва аҳкомлари тўғрисида ажнабийларнинг биз мусулмонларнинг борамизда басламакда бўлғон маҳфий қасдларида қилғон баҳсларимиз сабабидан баъзи кимсалар: «Сутра патлун киймакнида жоиз қўрмайдур», деб хаёл қилмасунлар. Балки бизнинг сўзумиз бу тўғрида бошқадур. Сутра патлун ёвруполиклар чиқорғон кийимлари бўлмай, мусулмонларнинг ўзларининг моллари дурки, қўлларидан чиқиб ёвруполикларнинг кийимлари бўлуб қолғондур. Ёвруполик Андалус фотихларидан олғондурлар. Кейинги замонларда мусулмонлар ташлаб қўйғондурлар. Демак, сутра патлун бизнинг баҳсимиздан ташқаридур.

Демак, ёвруполикларнинг Ислом мамлакатларида очқан мактаб ва мадрасалари ёки ўз мамлакатларидаги ўрта, олий мадрасалари динсизлик асосига курулғондур. Мусулмонларни тойдирib юбормоқ учун курулғондур. Унда динсизлик тўғриларидан мухозаралар бўладур.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: ((. «Ахли китобдан кўплари ҳақиқат очилғонидан кейин сизларни кофир қилиб динларингиздан тойдуруб юбормоқ истайдурлар. Бул ўзи уларнинг кўролмаслиқлариданур».

Демак, Оллоҳ таоло мўмин бандаларини ахли китоблар йўллариға юрмасликка буюруб, уларнинг мусулмонлар ҳақларида басламакда бўлғон душманликларини билдурадур. Улар мусулмонларнинг ҳақ узасида эканликларини билиб туруб кўролмаслиқларидан мусулмонларнида ўзларидек кофир қилиб, ўзлари бирла баробар дўзахқа олиб кетмаккacha

.(‘)

.(‘)

((ёврупо ўзларидек - ёвруполиклар қўлида тарбият топқон кимсалар) .мусаххих.(

((сураи Бақара. ۱۰۹ :

ирикоб этмакда эканликларини баён буюрадур. Шул хил қилиб Оллох таоло мусулмонларнинг қулоқлариға қўрғошим қўйғондек қўюб қўйғондур.

Дахрий - мулхидлар бўлсалар улар динни танимайдурлар. Динни инсониятга хилоф заҳар деб биладурлар. Шунинг учун уларнинг заарлари яна зўрдур. Мусулмонларға улардан, уларга дум бўлғонлардан сақланмоқ зиёда лозимдур. Ёвруполиклар ўзларини насронийятга нисбат қилмоқда бўлсаларда, ўзларининг динларини бузулғон эканлигини эрта қачон билгандурлар. Шунинг учун уларнинг кўплари динсиз, дахрийдурлар. балки диндорлари йўқ дарајасида бўлуб, уларда диндорлик оти бўшдан сотилмоқдадур.

Буларга илова қилиб ўтуладурган нарса шулки, юқорида аҳли бидъатларнинг сұхбатларидан ва китобларидан сақланиб, улардан ўзларини узок тутмакка буюрулгандур. Бунға қарағонда ёвруполикларнинг ва уларнинг Ислом мамлакатларидаги парвардалари, ҳам русларнинг ёлғон жаннатларини маҳтагучи, ёлғон ташвиқотчилари, англизларнинг Ислом зиддига ҳозирлаб қўйғон Қодёний - Аҳмадийя жамоатлари, Эронда пайдо бўлғон Бобий, Баҳоий динларидан ва ҳам уларнинг китобларидан парҳез қилмоқ мусулмонларнинг энг аввалги вазифаларидур. Булар ҳаммалари мусулмонларни йўлдан чиқармоқ, Исломни бузмоқ учун пайдо қилинғон нарсалардурлар. Улар ўзларини мусулмон ҳисоблаб, мусулмонларни коғир ҳисоблайдурлар. Улар нодон ҳалқ учун заҳар ва оғудурлар. Уларнинг ҳаммалари мусулмонларнинг оёғларини осмондан келтурмак истайдурлар. Булар тамом мусулмонларни шакка солиб, йўлдан тойдуруб ўзлари бирла қўшуб жаҳаннамга олиб кетмак истайдурлар().

Халқ диндан узаб қолғонликлари, динда билимсиз бўлуб қолғонлари учун уларнинг кўлларига тушуб қолмоқларининг қўркуси бордур, бул ўзи қийин эмас.

Демак, Туркистонға тошкоридан кирган номаълум китоблар, ғазита ва журнолларни тафтиш бирла киргумзак керакдур. Туркистонға ўз динларини киргумзак учун англизлар, Қодёний ва Бобийлар ишламақдалар. Улар ўзларининг тотлиқ сўзлари бирла Туркистонлик содда ҳалқларни алдаб юбормоқлари мумкиндур. Мусулмонларга лозимдурки, ўзларининг хайру нажотларини Куръони карим ва аҳодиси набавийядан олинғон илоҳий аҳкомларда билсунлар. «Руҳонийлар алдамчилар», деган русларнинг тарафидан ёшларни алдамоқ учун чиқорғон шайтоний сўзларни ёшларнинг кўнгулларидан кўтариб ташламоққа урунмоқ керак. Бизнинг нажотимиз шул китоб ва суннатдадур. Куръони карим ва суннати набавий демакдан мурод ҳалқни мазҳабдан чиқариб юбормоқ эмас, балки ўзи йўлларини Куръони карим ва суннати набавийя сояларида тўғрилаб юрсунлар, демакдур. Мазҳаблар шул китоб ва суннатга назар юзасидан пайдо бўлғондурлар. Салаф деб шуларни айтиладур. Мужтаҳид имомлар шул йўл узасида эдилар. Ҳакиқатда Ислом аҳли ўрталарида бузук ақидаларни торқамоқдан сақламоқ, қўрумоқ керакдур. Шунинг учун маҳсус чизиқ чизиб, бу хил эҳтиётлар қилингандур.

Исломнинг тозалиғига кишт етадурган нарсалардан ёшларни қўркуб, заҳарлик ақидалардан таъсирланмақдан тўсмоқ учун хос жойларда маҳсус устозлар воситалари бирла тарбияламак лозимдур.

Бу бизнинг сўзумиз бир тоифага маҳсус бўлмай, ҳар бир Ислом ахлиниңг оёғларига болта бўладурғон тоифаларнинг китоб ва рисолаларидан мусулмонларни ҳазар қилдурмоқдур.

Дуо.

Ахли жаннатнинг Оллоҳ таолони ихота ва кайфиятсиз кўрмаклари ҳақдур. Чунончи Оллоҳ таоло китоби - Қуръони каримда баён буюрадурки: «Ул куни юзлар ёркирагон бўлур, худойларини кўргучи бўлурлар»() .

Бу кўрмакнинг маъноси Оллоҳ таолонинг илми ва иродасига мувофиқ бўлур. Бу тўғрида келган саҳих ҳадислар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган ва ирова қилғонларидекдур. Бизлар бу тўғрида ўз раъйимиз бирла мудоҳала қилмайдурмиз. Ўз истакларимиз бирла сўз айтмайдурмиз. Чунки бандада динида Оллоҳ таоло ва расулининг ҳукмларига бўйунсунуб, шубҳа ва иштибоҳ бўлғон нарсаларни билмакда билгучига ҳавола қилғондагина саломат қолур. Оллоҳ таолони жаннатдагиларнинг жаннатда кўрмакларини ҳамда Оллоҳ таолонинг зотига дахли бор оят ва ҳадисларни таъвил қилмай, кайфиятсиз қабул қилғондагина динида саломат қолғай. Ўз ваҳми - нотўғри фикри бирла таъвил қилмоқ бирла иймони саҳих бўлмағай. Ҳамма вақт таслимни ўзига лозим тутмак керакдур. Пайғамбарларнинг дин ва ақидалари шулдур. Бир кимса нафй қилмоқдан ва маҳлукка ўхшатмоқдан сақланмаса, йўлдан тойғай, Оллоҳ таолони поклик бирла ёд қилмоқдан ожиз қолгай.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: (). «Оллоҳ таолони кўзлар ихота қилолмайдур, Оллоҳ таоло ҳамма кўзларни ихота қиладур. Оллоҳ таоло ҳамма дақиқ, ҳамма майдадар нарсаларни билгувчи, хабарликдур».

Уламоларнинг бу жумлаи шарифаси тўғрисида сўzlари бор бўлуб, саҳих ақида бирла бузук ақиданинг ўрталарида бул ерда тасодум - хилоф воқеъ бўлғондур. Ахли суннат ва жамоатдан иборат бўлғон салафи солиҳийннинг ақидаларини баён қилиб, далилларини очик суратда кўрсатиб ўтамиз. Бунинг бирла замонамиздаги ҳақиқат истагучиларнинг кўнгулларини тиндуруб, роҳат берган бўлурмиз.

Ибну Касийр тафсирида айтадурки: «Оллоҳ таолони бандалар бу дунёда кўрмайдурлар, охиратда кўрадурлар. Чунончи бу тўғрида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан мутавотир тариқада ҳадис ривоят бўлубдур. Чунончи ҳазрат Абу Саид Худрий, Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик, Жарир ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий, Суҳайб ибн Синон ар-Румий, Билол ва бошқа кўп саҳобалар розияллоҳу анҳум воситалари бирла ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят бўлғон ҳадисларда Оллоҳ таолони жаннатдагилар жаннатда кўрар эканликларини исбот қилибдурлар.

Бу идрокки, топмоқ маъносидадур, уламолар айтибдурлар: идрок руъят (кўрмак)дан хосроқдур. Идрок ҳамма ёғи бирла ихота тариқасида кўрмакдур. Ихотани нафй қилмоқ кўрмакни нафй қилмоқ бўлмайдур. Ихотатул илмни нафй қилмоқ бирла илмни нафй қилмоқ бўлмайдур. Кўрмакни нафй қилмоқ камол бўлмай, кўрмакни исбот қилмоқ камол бўладур. Чунки йўқ нарса кўрунмайдур. Оллоҳ таоло бордур. Инсоннинг жисми бу дунёда Оллоҳ таолони кўрмакка тоқат қиломайдур. Охиратда инсоннинг жисми Оллоҳ таолони кўрмакка лойиқ бўлуб қолурда кўрмакни кўтара биладур.

Шул сўзнинг эгалари айтибдурларки: идрокни нафй қилмоқ ҳақиқатини билмакни нафй қилмоқдур. Бу ҳақиқатни Оллоҳ таолонинг ўзигина биладур. Мусулмонлар жаннатда Оллоҳ таолони кўрурлар, ва лекин ҳақиқатини билмагайлар. Чунончи ойни ёки кунни кўрганлар ойни ой деб, кунни кун дебгина кўрурлар ва биладурлар. Ва лекин ҳақиқатларини билмайдурлар. (). Оллоҳ таолонинг ўхшашида ҳеч нарса йўқдур.

Икрима айтибдурки: осмонни кўрадурсан ва лекин ҳамма ёгини кўрмайдурсан. Оллоҳ таолони кўрмакда шундоғдур. Оллоҳ таолони кўруб ихота қилиб бўлмас. Ихотадан юқори ва улуғ ва покдур.

(')сураи қиём. ۲۲-۲۳ :

(')сураيٰ لان. ۱۰۳ :

(')суرايٰ لار و فی: ۲۷ :

Ояти каримада буюрадур: ((. «юзлар ул куни ярқирағон бўлуб, худосини кўргучи бўлур».

Чунончи ҳазрат Мусо алайхис-салом ҳақларида буюрадурки: ((. «Қачонки ҳазрат Мусо алайхис-салом мийқотимизга келди, худоси унга сўзлади. [шунда])) ҳазрат Мусо алайхис-салом: «Эй худойим! Ўзунгни менга кўрсатгил, мен сени кўрай», деди. Оллоҳ таоло: «сен мени (бу дунёда) ҳаргиз кўролмагайсан. Ва лекин тоғқа кара, ул тоб келтуролса кўра билурсан», деди. Қачонки тоғқа тажаллий қилиб - кўрунуб эди, тоғни толқон қилиб ташлади. Ҳазрат Мусо алайхис-салом хушларидан кетиб йиқилдилар. Ҳушларига келган вақтларида: «эй Худо, сен поксан! Тавба қилдим. Мен энг аввалги иймон келтурганларданурман», дедилар».

Баъзи илмсиз кишилар бу (ал-Аъроф: 143) оятдаги - «сен ҳаргиз кўролмагайсан» жумлаи шарифасини дунё ва охиратда кўрмасликка олибдур. Ҳолбуки бу нафй бу дунёда кўрмакдан нафйдур. Кўрмакнинг имкони бўлмаса эди, ҳазрат Мусо алайхис-саломдек улуғ зот муҳол нарсани талаб қилмас эдилар.

Хофиз Ибн Жарир (ал-Қиёмат: 22-23) оятнинг тафсирида: аҳли жаннатлар Оллоҳ таолони кўргайлар. Бандалар Оллоҳ таолони кўрмакда Оллоҳ таолонинг азамати, улуғлигини ихота килолмағайлар. Балки Оллоҳ таолонинг назари бандаларни ўраб олғай. Ҳадиси шарифдаги «сизлар ўн тўрт кечалик тўлун ойни ёки кундузи кунни кўрмакда бир-бирингизни тўсушиб қолмағонларингиздек Оллоҳ таолони очикдан очик кўрурсизлар», демаклари Оллоҳ таолони кўрулмаги учун мисол бўлмай, бандаларнинг Оллоҳ таолони кўрмаклари учун мисолдур. Чунончи ўзумиз ой, кунларни кўрамиз, кўруб юрмақдамиз. Шундоғ бўлсада уларнинг ҳақиқатларини ҳалигача билганимиз йўқдур. Балки тахмин бирла сўз айтамиз. Илмий тажрибалар соясида ундоғ, бундоғ дейдурмиз. Оллоҳ таоло тажриба ва таҳқиқотдан, ихота ва қиёсдан ташқаридур. Чунки Оллоҳ таолонинг зоти маҳлукот оламидан юққори бўлуб, маҳлукот олами Оллоҳ таолонинг назари остидадур.

Бухорий ва Муслим сахихларида() ҳазрат Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қиласурларки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «матн». «Албатта Оллоҳ таоло ухламайдур, ухламаслиғи керакдур. тарозунинг палласини юкори, қуи қиласур. Кундузнинг амали кечадан илгари, кечанинг амали кундуздан илгари Оллоҳ таолоға кўтарилиб турадур. Ҳижоби нур ёки ўт бўлуб, пардаси очилса эди, назари етган ерини юзининг ёруғлигининг ўткурлиги куйдуруб юборғай эди».

Билмак керакким, Оллоҳ таолоға нисбат қилинғон юз, қўл, соқ, инмак, газаб, хуш бўлмоқ ва бошқа маҳлукларға айтиладурган сифатлар кайфиятсиз кабул қилинадур. Бутун салаф имомлари бўлғон имом Абу Ҳанифа, имом Молик, имом Шофеий, имом Аҳмад, Суфён ас-Саврий ва бошқа мужтаҳид имомлар розияллоҳу анхумнинг мазҳаблари шулдур. Бу мазҳаб ташбиҳдан узоқ, таътилдан барийъ бўлуб таъвил қилғувчиларнинг таъвиллариға йўл қўймоғондурлар.

Ибн Жузай ўзининг тафсирида айтибдурки: () - «Юзлар ул куни ярқирағон бўлуб, худойларини кўргучи бўлурлар» ояти кўз бирла кўрмак маъносидадур. Бул ўзи қиёмат куни мусулмонлар жаннатга кирганларида Оллоҳ таолони кўрмаклари учун очик далилдур. « »нинг маъноси « » маъносида бўлмоги учун силасига « » келмаганда бўлур. Аммо « »нинг силасига « » келса, ул вақт « »нинг маъноси « » - кўрди маъносида бўлур. Бунинг узасига мутавотир бўлғон ҳадис оятининг маъноси кўрмак маъносида эканлигини

(^۱)сурай қиём.۲۲-۲۳ :

(^۲)сурай ал-Аъроф.۱۴۳ :

(^۳)жумла ушбу катта فوْسَةً орасидаги یا دی) .мусаххих.(

(^۴)бу ҳадисни Муслим, Ибн Можа ривоят қиласурлар, Бухорийда келмабдур) .мусаххих.(

(^۵)сурай қиём.۲۲-۲۳ :

тақид қиласадур. Бошқа бир оятда буюрадурки: ((. «Улардан баъзилари сенга қарайдурлар». Бул ўзи кўз тутмак маъносида бўлмай, қарамоқ -кўрмак маъносидадур.

Алий ибн Ҳазм « » китобида ёзибдурки: «Мужоҳиддан: «мусулмонлар Оллоҳ таолони охиратда кўрмайдурлар», деган сўз ривоят бўлубдур. Ҳақиқатда Мужоҳидга мутавотир бўлғон ҳадис етмагандур. Ҳасан Басрый, Икримадан-да шу хил сўз ривоят бўлубдур. Ва лекин бу иккисидан: «Оллоҳ таолони жаннатдагиларга кўрмак вожибдур», деган сўз-да ривоят бўлубдур. «Мусулмонлар Оллоҳ таолони қиёмат куни кўрмайдурлар», деганлар айтибдурларки: «кўрмак оқ, қизил, кўк, қорадек нарсаларни кўрмакка айтиладур. Оллоҳ таоло бу нарсалардан покдур. Ҳолбуки ахли суннат уламолари ўшал тариқада кўрмакни ирова қилмағондурлар. Балки Оллоҳ таолони кўрмак учун қиёматда инсоннинг ўзига лойик бир қувват пайдо қилғай, ўшал қувват бирла кўрурлар. .()

Чунончи Оллоҳ таоло ўзини билмак учун қувват берди, ўшал қувват бирла Оллоҳ таолони билурмиз. Ҳазрат Мусо алайҳис-саломғада Оллоҳ таоло шундоғ бир қувват бердики, унинг бирла Оллоҳ таолонинг сўзини эшитур эдилар.

Ояти бирла Оллоҳ таолони кўрмайдур, деб ҳужжат тутуб бўлмайдур. Чунки бу оят ҳамма ёғи бирла ихота қилиб кўрмакни нафий қилғондур. Идрокда ихота қилмоқ бор бўлуб, ул ихота бирла кўрмакда йўқдур. Чунончи ояти каримада буюрадурки: () - «Қачонки икки лашкар бир-бирларини кўруштилар, ҳазрат Мусо алайҳис-саломнинг қавмлари: «бизлар тутулурмиз», дедилар. Ҳазрат Мусо алайҳис-салом: «Ундоғ эмас! Оллоҳ таоло менинг бирладур. Мени ўзи йўлға солғай», дедилар».

Мана бу оят шуни кўрсатурки, икки лашкар бир-бирларини кўрдилар. Қавмлари: «тутулурмиз», деб эдилар, ҳазрат Мусо алайҳис-салом: «йўқ, тутулмагаймиз», дедилар. Кўрушмак бирла идрок бир бўлмай, бошқа эканлиги маълум бўлди. Нафий қилинғон нарса идрок эди. Идроксиз кўрмак собит бўлди. Идрокдан кўркуб эдилар, уни нафий қилди. Чунончи баҳри Қулзумда Фиръавн лашкари бирла гарқ бўлди. Ҳазрат Мусо алайҳис-салом қавмлари бирла руъядан кейин денгиздан ўтуб қутулдилар.

Бир калима луғатда нима учун вазъ қилинғон бўлса ундан бошқаға ҳамл қилмоқ жоиз эмас. Бундан бошқаға тортқиласмоқчи бўлғонлар ҳақиқатни ҳақиқатдан чиқармоқча урунғон бўлурлар.

Мутавотир тариқада ривоят бўлғон ҳадисни ҳақиқатда арабий таркибни нучук эканлигини хаёлда тутуб туруб, қиёмат куни жаннатда мусулмонлар Оллоҳ таолони кўрурлар, деб билмак вожибдур.

Ибну Касийр Ҳофиз Ибн Жарирдан нақл қилибдур: ал-Қиёмат сураси 22-23 оятининг тафсирида Атия ал-Авфий айттурки: мусулмонлар қиёмат кунида Оллоҳ таолони кўргайлар. Кўрмакларида Оллоҳ таолонинг улуғлиғидан ҳамма ёғини ихота қилолмағайлар. Оллоҳ таолонинг назари ҳамма халойиқни ихота қиласадур. Мана бул сўз ўзи (ал-Анъом: 103) оятининг тафсиридур. Оллоҳ таолонинг улуғлиғи, азаматини ҳақиқати бирла на инсонлар ва на фаришталар ихота қилолмағайлар. Ҳазрат уммул муъминийн Оиша розияллоҳу анҳо айтибдурларки: бу оят Оллоҳ таолони қиёмат кунида кўрмакни исбот қилиб, бу дунёда кўрмакни нафий қиласадур. Бу (ал-Анъом: 103) оятдаги нафий азамат ва жалолат бирла Оллоҳ таолони ихота тариқасида кўрмакнинг нафийидур. Бул ўзи мумкин эмас.

Дую.

(۱) سورا: ۴۳

(۲) سورا شےर: ۶۱-۶۲

Ҳазрат Одам алайхис-салом ва авлодларидан Оллоҳ таолонинг аҳд ва мийсоқ олғонлиги хақдур. Чунончи ўз китобида буюрадурки: «Ёд қилинглар ул кунники, худойинг ҳазрат Одам алайхис-салом авлодларининг орқаларидан (мийсоқ кунида) авлодларини чиқариб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб: «Мен сизларнинг худойларингиз эмасманми?», деди. Улар: «Нима учун худойимиз эмас экансан?! Албатта худойимиздурсан. Биз ўзларимизга ўзумиз гувоҳлик берамиз», дедилар. Бу гувоҳ қилмоқ шунинг учунки, қиёмат кунида айтиб ўлтурмангларки: «Бизлар бу нарсалардан хабарсиз эдик», ёки «ширк келтурган ота-боболаримиз эдилар. ботил ишлар қилғонларнинг гуноҳларига бизларни ҳалок - азоб қилурмисан?», деб ўлтурманглар деб эди».

Бу оятда баён бўлғон «мийсоқ» тўғрисида тафсир уламоларидан икки хил сўз бордур.

Бири шулки: ҳазрат Одам алайхис-салом авлодларини қумусқалардек чиқариб, улардан гувоҳликларини олди. Бул ўзи оятдаги иборатнинг таржимасидур. Ҳадисларда келган ривоятларга қарағонда ҳазрат Одам алайхис-саломнинг ўзларидан авлодларини чиқариб, улардан гувоҳликларини олди деган маъно бордур.

Яна бир сўз шулки: ҳазрат Одам алайхис-саломнинг авлодларидан - қиёматгача пайдо бўладургандаридан гувоҳликларини олди деганинг маъноси уларни бор қилиб, ўз вақтларида вужудга келмаклари бўлуб, улардан гувоҳликларини олмоқ инсонларға ақл бериб, ақлий далиллар қойим қилиб, ўзини уларнинг худойлари эканлигини кўнгулларига солиб, ақллариға гувоҳ бердуруб, ўз узаларига шоҳид - гувоҳ қилиб кўймоғидур. Гўёки: «мен сизларнинг худойларингиз эмасманми?», дегандек бўлди. Уларнинг ақллари: «сен бизларнинг худойимиздурсан», деб икрор қилғон бўлдилар. Бу сўзлар Ибн Жузайдандур.

«Мадорик» айтурки: Ёд қил ул кунники, Худойинг одам авлодларини орқаларидан аҳд олмоқнинг маъноси оталарининг пушт камарларидан ўз вақтларида чиқармоғидур. Уларни ўз жонларига гувоҳ қилдики: «сизларнинг худойларингиз эмасманми?». Улар: «албатта худойимиздурсан», деб гувоҳлик берган бўлдилар. Бул ўзи тамсийл тариқададур. Бунинг маъноси ўзининг уларнинг худойлари эканлиги, ёлғуз маъбути барҳақ. Ўзи эканлигига далиллар қойим қилмоғи, уларға ақл бермаги бўлуб, уларнинг гувоҳлик бермаклари ақллари бирла онгламакларидур. Ҳамманинг яратқувчиси Оллоҳ таолонинг ўзи эканлигига шубҳа йўқ эканлиғидур. Гўёки уларға: «сизларнинг худойларингиз эмасманми?», деган бўлди. Уларда: «шундоғдур, сен бизнинг худойимиздурсан. Биз ўзумиз ўзумизга гувоҳдурмиз. сенинг бизнинг биргина маъбудимиз эканлигингта икрор қилдик», деган бўлдилар. Бу сизлардан бу хил қилиб мийсоқ олмоқ, илм бериб истидлол қилмоқقا кодир қилиб кўйғонлиғимиз шунинг учундурки, сизлар бир куни: «ширк келтуруб, ширкни пайдо қилғонлар илгариги ўтган ота-боболаримиз эдилар. Биз уларға эргашиб эдик. Уларнинг гуноҳларини бизга юклайдурсанми?», деб ўлтурманглар дебдур.

Мана шул икки сўзни Ибну Касийр тафсирида нақл қилибдур.

Оллоҳ таолонинг пайғамбари ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламға икром тариқасида умматларига ғиёс юзасидан ҳавзни берганлиги ҳақдур. Чунончи ояти каримада буюруладур: - «биз сенга ҳавзи кавсарни бердик». Бу түғрида келган ҳадислар мутавотир бўлуб, ўттуз неча саҳоба ривоят қилғондурлар.

Бу ҳавзи Кавсар ҳадисини ривоят қилғон саҳобаларнинг ривоятларини Ибну Касийр «» номлик тарихда ёзғон китобида тамом санаб чиққандур.

Улардан Бухорий саҳийхида келтурган ҳадис - ҳазрат Анас розияллоҳу анхұнинг ривоят қилғон ҳадисларидурки: «матн». Албатта ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «Менинг ҳавзимнинг катталиги Айла - Фазза бирла Ямандаги Санъонинг ўрталаричадур. Унда бор ибрийқларнинг ададлари осмондаги юлдузларчадур».

Муслим саҳийхида, Абу Довуд, Насой суннларида ҳазрат Анас розияллоҳу анхұдан ривоят қилибдурларки: «Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизнинг ўртамиизда масжид шарифда ўлтурууб эдилар. Бироз мизғигандек бўлуб олдиларда, сўнгра бошларини кўтариб, кулумсираб ўлтурдилар. Бизлар: «Ё расулаллоҳ! Сизни нима нарса қулдурди?», дедик. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳозирда бир сурा нозил бўлди», дедилар: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм «албатта биз сенга Кавсарни бердик. Худойингга ибодат қил, нахр қил. Албатта сени ёмон кўргучи киши ўзи абтардур».

Ибну Касийр тафсирида айтибдурки: дунё ва охиратда сенга кўп хайрлар бердик. Ул хайрлардан бири жаннатдаги ҳавзи кавсардур. Шул қадар эхсон қилмоқда бўлғон Худойингга ибодат қил, намозларингда ихлос бирла бўлғил, ҳадийларингни Оллоҳ таолонинг отини айтиб туруб сўйғил((. Сенинг келтурган дининг - Ислом камолига етгай, ер юзида нашр бўлғай. Сенинг отингни қиёматгача одамларнинг тилларида жорий қилурман. Ҳамма сени ёмон кўрганнинг ўзи авлодсиз қолиб, кети узулуб қолғай.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сурани тамом ўқуб эшиттурдилар. Сўнгра: «Кавсар нимадур, билурмисизлар?», дедилар. Саҳобалар: «Оллоҳ ва расули билур», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ул бир нахр - ариқдурки, ул ҳавз бўлуб, Оллоҳ таоло менга жаннатда бергандур. Унда кўп хайрлар бордур. Умматим қиёмат кунида ундан ичурлар. Идишлари юлдузларнинг ададларичадур», дедилар».

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға халойик ўрталарида файсала қилмок учун Оллоҳ таоло сақлаб қўйғон шафоат ҳақдур. Чунончи бу тўғрида кўп ҳадислар келгандурлар. Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Кечасининг баъзисида туруб намоз ўқуғил. Бул ўзи сенинг учун хос тариқада лозим бўлғон ибодатдур. Шоядки Худойинг сени маҳмуд бўлғон мақомда қойим қилғай».

Бу тўғридаги узун ҳадисни таржима қилиб тафсиrimiz «Манбаул ирфон»да баён қилғондurmiz.

«Мақоми маҳмуд» тўғрисида Ибну Касийр тафсирида сахих Муслимдан нақл қилиб айтадур: «Фарздан кейин қайси намоз афзалроқдур?», деб ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўралди. Жаноб ҳазрат жавоб бериб: «Кеча намозидур», дедилар.

Шунинг учундурки, Оллоҳ таоло расулини фарз намозлардан кейин кеча намозига буюрди. Таҳажҷуд намози кечаси уйкудан туруб ўқуладурғон намоздур. Алқама, ал-Асвад, Иброҳим ан-Нахайй ва бошқа кўп кишилар шундоғ дебдурлар. Ҳофиз Ибн Жарир: тафсир уламоларининг кўплари ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиёмат кунида одамлар ўрталарида файсала қилмок борасидаги шафоатларидур. Одамлар нима қиласларини билмай совурулуб юрмакда бўлғонларида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни қутқазиб қўймоқ учун шафоат қилурлар, дебдурлар.

шафоат тўғрисида (32-3) моддалик масъалада яхшигина баён бўлунғондур. Шафоатларнинг неча хил эканликларини ўшанда баён қилинди.

Иймон келтурамизки, ҳаж ва жиҳод иккиси мусулмонларнинг амирлари бирла бўладурғон, қиёматгача давом этадурган фарзлардурки, уни одилнинг адли, золимнинг зулми фарзликдан чиқариб қўймағай.

Биз ҳаж тўғрисида ўн олтинчи модда, бешинчи рақамлик масъалада кифоя қилурлиқ сўзлар ёзиб ўтгандурмиз.

Бул ерда жиҳод тўғрисида Бақара сураси 190-оят тафсирида ёзғон нарсаларимизни нақл қилиб ўтурмиз.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: ((. «Сизларга қарши уруш қилғувчиларға қарши Оллоҳ йўлида жиҳод қилинглар. Ҳаддидан ошириб юборманглар. Албатта Оллоҳ таоло ҳаддидан ошириб юборгучиларни хуш кўрмайдур» .

Хижратдан илгари уруш қилмоқдан манъ қилинғон эди. Яхши тариқада мудофаа қилмоққа буюрулган бўлуб((, «кечириб тургил»)), «улардан яхши тариқада юз ўгуруб, алоқангни узуб қўйғил»)), деб буюрган эди.

Сўнгра Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб қувватланғонларидан кейин мушрикларга қарши уруш очмокқа: «коғирлар томонларидан урушға қолғонларға бу тўғрида мазлум бўлғонлари учун уруш қилмоққа ижозат берилди»), деб ҳукм бўлди.

Бақара сураси 190-193инчи(, Анфол 60инчи(), тавба 123инчи() оятлар ўз тартиблари бирла Ислом томонидан мусулмонларға жиҳодни фарз қилди. Бу тўғрида тафсirimизда яхшигина сўзлар бордур.

Биз айтамизки: Ислом жиҳод динидур. Бунда шак йўқдур. Ва лекин одамларни қилич соясида зўрлуқ бирла мусулмон қилмоқ учун жиҳодға буюрулган эмас. Балки инод ва кискисламак бирла қаршилиқ қилғон мушрикларга қарши урушға буюрулган бўлуб, фақат дунёда исломнинг шону шавкатларини кўрсатиб турмак учун қувват ҳозирламоққа буюрулгандур. Чунончи Анфол 60, Тавба 123инчи оятлар ҳақиқатни кўрсатиб берадур.

Араблардан бошқаларнинг ўрталарида исломнинг ёйилмоғи Ислом фотихларининг фатҳ қилғон ерларидағи мағлуб қавмлар ўрталарида Ислом таълимоти бирла муомала қилиб, ҳусни сулуклари соясида уларнинг муҳаббатларини ўзларига тортмоқлари бирла бўлуб эди. Уларға адл ва инсоғ бирла пеш келиб, ҳакконий тариқада муомала қилиб, зулм ва тааддий, ҳақсизликдан ўзларини узокка тутуб: «бизлар инсониятни ўрнотмоқ, ҳалқдан зулм ва ҳақсизликни кўттармак, ҳалойиқнинг роҳат бирла яшамоқ, ҳеч кимдан қўрқмай, озор топмай кун кечирмаклари учун жиҳод қилмоқдамиз», дер эдилар.

Бунинг бирла ерликлардан кўплари мусулмон бўлуб, мусулмонлар сафларида ўз қавмларидан мусулмонларға хилоф уруш қилмоқда бўлғонларга қарши уруш қилур эдилар. Мусулмон фотихлари хушмуомалаликлари ила уларни ўзларига мағнатисдек тортур эдилар. Қолғонлари ўзларидан мусулмон бўлғонларнинг ваъз ва иршодлари бирла мусулмон бўлуб, ватанларида Исломдан бошқа дин қолмаб эди. Ота-боболарининг динларини Исломга олиштурууб олиб эдилар. Чунончи Туркистон, Синд фатҳларининг баёнида муфассал баён бўлғондур.

(^{١٠})сураи Бақара.^{١١٠} :

(^{١١})сураи : فصلت: ўттиз тўрт.

(^{١٢})сураи ал-Моида.^{١٣} :

(^{١٤})сураи.^{١٠} : مزمول:

(^{١٥})сураи.^{٣٩} : حج

(^{١٦})

(^{١٧})

(^{١٨})

Исломнинг қувват ҳозирламоққа буюрмаги, исломнинг жиҳод дини бўлмоғи – мусулмонларни бошқалардан қўрумок учун, ўзларининг шону шавкатларини бошқаларнинг кўзларига гавдалантуруб қўрсатиб қўймоқ учундурки, кўзларини очиб мусулмонларнинг мамлакатларига хомтама бўлуб, мусулмонларға қарши уруш очмоққа журъат қилмасунлар, ўз адаблари бирла бўлуб юрсунлар, дебдур. Анфол 60, Тавба 12 Зинчи оятлари шул сўзга нотикдур.

Ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Мен қиёмат олдида қилич бирла кўндурулдум, ҳаттоқи ёлғуз Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилинсун. Менинг ризқим найзамнинг соясида қилинди. Хорлиқ, ҳақирилик менинг ҳукмимга хилоф қилғонларға қилинди. Ҳар ким ўзини бир қавмға ўхшатса, ул ўшал қавмданур». Бу ҳадисни имом Аҳмад, Абу Яъло ал-Мавсилий муснадларида, Табароний Мўъжам ал-Кабирда келтурубдурлар.

Мусулмонлар жиҳодни ташлаб қўюб, роҳатға берилиб, динда бепарво, Оллоҳ таолоға осий бўлуб, шайтон йўлига кириб, ўз истакларига қул бўлуб кетдилар-да, ўзларини ажнабийлар қўлларида ўюнчиқ топтилар. Бу ҳадисда бўлғон ваййдлар бошларига келди. Эмди кутулмоқ учун чора тополмай ўлтурубдурлар.

Исломда буюрулган жиҳод ўз киёнини сақламоқ, душманларнинг юракларига қўрқув солмок учун бўлуб, «ха» деганда «мана», деб турадуган ҳозирлиқ эди. Ислом қўйни емак учун бўри ишлатган далилларни ишлатмақдан манъ қиласадур. Хидоъ, макр, фириб ишлатмакни жоиз кўрмайдур. Ислом Оллоҳ таолонинг ҳукмларини ерига еткузмак учунгина жиҳодға буюргандур.

Ҳадиси шарифда келибдурки: «матн». «Ҳар ким Оллоҳ таоло калимаси баланд кўтарилисун, деб уруш қилғон бўлса, ул уруш Оллоҳ йўлидаги жиҳоддур». Бу ҳадисни Бухорий, Муслим саҳиҳларида келтурубдурлар.

Бошқа бир ояти каримада буюрадурки: ((. «Динда зўрлик йўқдур. Тўгри йўл бирла тойғинлик бир-бирларидан ажролди. Ҳар ким тоғутга коғир бўлуб, Оллоҳ таолоға иймон келтурса, ул маҳкам тутқани тутган бўлубдурки, унинг ажралиб кетмаги йўқдур. Оллоҳ таоло эшитгучи, билгувчидур».

Куръони карим арабий бўлғонлиги, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам араб бўлуб, арабларга исломнинг ҳақиқати зоҳир бўлғони учун уларнинг Исломни қабул қиласликлари инод юзасидан эди. Шунинг учун араб мушрикларидан жизя олинмас, Исломга кирмакдан бошқа нарса қабул бўлмас эди. Бу араблардан бошқа қавм – яхудий ва насоролар ва мажуслардан энг аввал уруш бошланмай туруб, мусулмон бўлмоқ ёки жизя бермак ёки урушға ҳозир бўлмоқ талаб қилинур эди. Мусулмон бўлсалар хўб, мусулмонларға нима жорий бўлса уларға-да шул ҳукм жорий бўлур эди. Чунки уларда мусулмонларнинг қаторлариға кўшулдилар. Мусулмон бўлмай жизя бермакни қабул қиласалар, улардан жизяни қабул қилинур-да, уларнинг жон ва моллари маҳфуз бўлур эдида, динларига тўкунадурғон бирор иш қилинмас эди. Чунки уларнинг куфрлари исломнинг ҳақиқатидан хабарлари йўқлиғидан эди. Улар мусулмонларнинг диёнат, такво, хуш хулқ, хушмуомалалик ва адлу инсоф, ҳаққониятларини кўруб, Оллоҳ таолодан қўрқуб, бошқадан қўрқмасликларини билиб, ўз ихтиёрлари бирла мусулмон бўлуб кетар эдилар. Чунончи Туркистон, Синд мамлакатларида шундоғ бўлди. Оз кунда мусулмон бўлуб кеттилар. Чунончи Туркистон аҳли тамом мусулмон бўлиб кетди. Ўзлари мусулмон бўлғондан кейин баъзилари Ислом динида факих ва мухаддис бўлушуб, ўз халқларини ваъз ва иршод ила мусулмон қилиб юбордилар. Ўз тилларида даъват қилиб Исломда зўр-зўр кишилар еткуздилар. Ислом марказларига бориб ўқуб, факих, мужтаҳидлар, мухаддислар етуштурдилар. Ўз ватанлари Туркистонни Ислом марказларига айлантуруб юбордилар.

Миср, Шом, Ёврупо, Андалус, Хурсон, Африқада насороларнинг мусулмонларға қилғон зулмлариdek зулмлар улардан вужудға келмади. Бильъакс, мусулмонларнинг уларға қилғон инсоний муомалаларини кўруб, бу кун урушуб юрган қавмлар мусулмонлар қаторлариға

кирганларидан кейин мусулмонларға қўшулуб кеттилар. Ўз қавмларидан мусулмонларға карши урушмоқда бўлғонларнинг зидларида мусулмонларнинг сафлариға ўтуб ўз қавмлариға карши уруштилар. Мусулмонлар уруш пилани юзасидан бир ерни ташлаб чиқиб зўррок бир кувватлариға қўшулоқ истасалар, мусулмон бўлмағонларида мусулмонларни чикиб кетмақдан тўсуб, ўзлари мусулмонларнинг сафларида ўз қавмлариға қарши уруш қилиб, фотих мусулмонларга кўмак қилур эдилар.

Демак, дунёда исломнинг торолғонлигига сабаб ахторилса, улда мусулмонлар Ислом хукмларини комил суратда жону диллари бирла юргузмакларида эди. Кўрасизки, кеча жону дил бирла мусулмонларға қарши урушуб турган қавмлар мусулмонларнинг мағлуб қавмга қилғон инсоний муомалаларини кўруб, мусулмон бўлуб кетар эдилар.

Бу кун кўрасизки, улар – мағлуб бўлғон халқлар фотихлардан мутаассир бўлуб, ўзларида Ислом мубаллиғлари бўлуб ўлтурубдурлар. Улар Ислом мужоҳидлари, Ислом кўмондонлари, Ислом муаллифлари бўлуб, муфассирлар, мухаддислар, мужтаҳидлар этиштуруб ўлтурубдурлар. Буларни нучук қилич бирла мусулмон бўлғондур, деб бўладур?!

Инсонлар ўрталаридаги душманлик дин учун бўлмоқ керакдур. Бу кун адоват қилиб, урушуб юрган бир қавм урушни тарқ қилиб жизя бермакка рози бўлуб сулҳ қилсалар, ўртамиздаги адоват кўтарилиган бўлур – уруш тўхтойдур. Ёки бутунлай мусулмон бўладур. Демак ўртадаги адоватнинг тамом бўлмоғи икки суратда бўладур: бири мусулмон бўлмоғи бўлуб, яна бири жизяга рози, мусулмонларға тобеъ бўлуб қоладур, Ислом химояси остига кирадур, ғалаба Исломда бўлур.

Демак мусулмонлар ғолиблиқ суратда, мусулмон бўлғонда ҳаммаси бир динда бўлдида «сен-мен» йўқ бўлди. Исломда инсоннинг жазоға мустаҳик бўлмоғ қуфр ва ширқдан эди. Ул иккиси йўқ бўлди, ёки қуфрнинг шавкати синди, Ислом ҳукми остига кирдида уларға қарши уруш қилмоқ зулм бўлуб қолди.

«Киромун котибийн» отлик инсонларнинг яхши, ёмон амалларини ёзиб турадурган фаришталар борлиқларига иймон келтурамиз. Уларни Оллоҳ таоло бизларга пойлоқчи қилиб кўйғондур. Улар бизнинг - яхшидур, ёмондур - қилғон амалларимизни ёзиб турадурлар.

Чунончи Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадур: «Албатта сизларга киромун котибийн фаришталар пойлоқчидурлар, қилмоқда бўлғон амалларингизни биладурлар». Ва яна буюрадурки: «Бу бизнинг ёздуруб қўйғон китобимиздурки, сизларга ҳақиқатни очиб берадур. Унга сизларнинг қилмоқда бўлғон амалларингизни ёздуруб турар эдик».

Ва яна ояти каримада буюрадурки: «Ул кунни эслагилки, икки фаришта ўнг ва чапдан ўраб ўлтурғон бўлурлар»().

«Инсоннинг ҳар бир сўзини сўзлаганда ёзиб тургувчи бўлур»().
«Улар яширин сўзлаган сўзларини биз эшитмайдурмиз, деб гумон қиласурларми? Нима учун эшитмас эканмиз?! Балки, бизнинг элчиларимиз қошлирида ўлтуруб, ёзибда турадурлар»().

«Ҳар банда учун фаришталар бордурларки, орқама орқа уларнинг олдиларидан орқаларидан келиб Оллоҳ таолонинг ҳукми бирла кўрқуб турурлар»().

«Албатта бизнинг элчиларимиз уларнинг қилмоқда бўлғон ҳийлаларини ёзиб турурлар»().

Бухорий ва Муслим сахихларида келтурган ҳадиси шарифда келибдурки: «Сизларга Оллоҳ таолонинг фаришталари навбат бирла – кечаси фаришталар, кундузи фаришталар - келиб турадурлар. Эрта намози бирла аср намозида бир-бирлари бирла дўқунушурлар. Кечасиги фаришталар эрта намозида кундузги фаришталарга қўюб кетурлар. Кундузги фаришталар аср намозида кечасиги фаришталарга қўюб кетурлар. Оллоҳ таоло ҳузурига ҳозир бўлғонларида, Оллоҳ таоло: «Бандаларимни қайси ҳолда ташлаб келдингизлар?», деб сўрагай. Оллоҳ таоло ўзи биладур. – Улар: «Бордик, намоз ўқуб турууб эдилар, қайттиқ, намоз ўқуб турууб эдилар», дегайлар».

Оятнинг тафсирида ёзибдурларки, икки фаришта бири ўнгдан, бири чапдан амалларни ёзиб турурлар. Ўнгдаги яхши амалларни, чапдаги ёмон амалларни ёзиб турурлар. Яна икки фаришта олди, орқадан кўрқуб тургай. Демак, кеча ва кундуз тўрт фариштанинг ўрталарида бўлур. Демак инсонга лозимдурки, бу тўрт фаришталардан уялсун, ҳар бир қилмишини хисоблаб тургувчи Оллоҳ таолодан кўрқсун.

Ва яна ҳадиси шарифда келибдурки: «Ҳар бир инсонга бир жин ва бир фаришта бўлур» (фаришта яхшилиққа, жин ёмонлиққа буюруб тургайлар), дебдурлар. Саҳобалардан бири: «Ё расулаллоҳ, сизга ҳам шундоғми?», деб сўрадилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васаллам: «Ҳов, шундоғ ва лекин менинг бирла бўлғон менга бўйун эгиб қолгондур», дедилар».

.(١)سuraي.١٧:

.(٢)سuraي.١٨:

.٨٠. الزخرف:

.(٣)سuraي لار.١١: عد:

.(٤)سuraي يونس:٢١:

Азоби қабрга муносиб бўлғон кишига қабр азоби ҳақдур, деб иймон келтурамиз. Мункар ва Накийрнинг қабрдаги сўроғларида ҳақдур. Худойи, дини, пайғамбаридан сўралур. Чунончи бу тўғрида кўп ҳадислар келгандурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан кўп саҳобалар ривоят қилғондурлар. Қабр жанинатнинг бўstonларидан бир бўстон бўлгай, ёки дўзах чукурларидан бир чукур бўлгай.

Ҳар ким охират, гўр азоби, қилиб турган амалларидан сўралур эканлигини билган ва иймон келтурган бўлса, ўзини унутмаслиги лозимдур. Ўзидан бепарво бўлмасун, охиратни узоқ кўрмасун, ўлуши бирла қиёмати қойим бўлур эканини хаёлида тутсун. Чунончи қирқ олтинчи моддалик (самаратул иймани биллаҳи вал явмил охир) масъалада беш ҳадисни баён қилиниб ўтулди.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларида афзалроқлари ҳазрат Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анҳу, сўнгра ҳазрат Умар ал-Форук розияллоҳу анҳу, сўнгра ҳазрат Усмон Зун-нурайн розияллоҳу анҳу, сўнгра ҳазрат Алий ибн Абий Толиб розияллоҳу анҳу ҳазрат саййидуно Фотима ал-Батул розияллоҳу анҳонинг завжларидурлар. Хилофат-да мусулмонларнинг иттифоқлари бирла шул тартибдадур.

Саҳобалардан ўн киши ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан жаннатидурлар, деб башорат берилгандур. Улар ҳазрат Абу Бакр, Умар, Усмон, Алий, Абдурраҳмон ибн Авф, Саъд ибн Абий Ваққос, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибнүл Аввом, Саид ибн Зайд, Абу Убайда ибнүл Жарроҳ розияллоҳу анхұмдурлар.

Чунончи Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хадис шарифларида: «Абу Бакр жаннатидур ва Умар жаннатидур ва Усмон жаннатидур ва Алий жаннатидур ва Талҳа жаннатидур, Зубайр жаннатидур, Абдурраҳмон ибн Авф жаннатидур, Саъд ибн Абий Ваққос жаннатидур, Саид ибн Зайд жаннатидур, Абу Убайда ибнүл Жарроҳ жаннатидур», дебдурлар. Бу хадисни имом Аҳмад муснадида, аз-Зиё ал-Мақдисий «ал-Мұхтора»да ҳазрат Саид ибн Зайд розияллоҳу анхудан келтурубдурлар. Тирмизий Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анхудан нақл қилибдур.

Биз айтамизки: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан меърож хадисида: «Билолнинг қабқобининг овозини жаннатда эшиттим», деб келибдур. Булардан бошқалар ким бўлсун жаннати, деб қатъий тариқада айтиб бўлмайдур, балки умид қилинадур.

Шунингдек, гуноҳи кабираларга иртиқоб қилиб юрган кишилар ҳақларида «дўзахийлар», деб қатъий тариқада ҳукм қилиб бўлмайдур. Уларнинг ҳукмлари Оллоҳ таолонинг ихтиёрида бўлуб, адли бирла азоб қиласа ўзи билур, фазли бирла афв қилиб кечиб юборсада ўзи билур((. Нисо сураси 31инчи(, Нажм сураси 32инчи() оятларда: «Агар кабира гуноҳлардан сақлансангизлар, Оллоҳ таоло сизларни сағира гуноҳларингизни афв қилиб жаннатга киргузгай», деб буюрадур.

Иккинчи рақамлик масъалада бу тўғрида яхши нарсалар ўтти.

.(')сураи Нисо.١١٦، ٤٨ :

.(')сураи Нисо.٣١ :

.(')сураи.٣٢ نجم:

Бизларга ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ҳақларида яхши эътиқод қилмоғимиз вожибдур. Уларни яхши кўрайлик, яхшиликларини хотиримизда тутуб, улардан баъзи накл қилинғон, баъзи нотўғри ҳолатлардан, уларнинг ўз ўрталарида бўлуб ўтган ҳолатлардан кўз юмайлиқ, ишимиз бўлмасун. Улар учун мағфират талаб қиласлиқ. Исломда иймон келтурмакда илгари эканликларини билайлик.

Чунончи ояти каримада буюрадурки: «Аввалги муҳожирлардан кейин ҳижрат қилғонлар айтур эдиларки: «Эй худойимиз! Бизни, биздан илгари иймон келтургандарни мағфират қилғил. Иймонлик бандалар ҳақларида бизнинг кўнгулларимизга гина солмағил. Эй худойимиз, сен ўзунг лутфлик, меҳрибондурсан», дейдурлар».

Ҳамда буюрадурки: «Ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирла бўлғонлар коғирларға қаттиқ, ўз ўрталарида бир-бирларига меҳрибондурлар. Уларни (ҳамма вакт) рукуъ ва сужуда кўрадурсан. Улар Оллоҳ таолонинг фазлини ва ризолифини истайдурлар. Уларнинг юзларидан сажданинг асари билиниб турадур».

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки: «Менинг саҳобаларимни сўқманглар. Сизлардан бирингиз Уҳуд тоги баробарида (Оллоҳ таоло йўлида) олтун сарф қилса эди, уларнинг муд ёки ярим мудларига етадурган савоб ҳосил қилмас эдилар». Бу ҳадисни Бухорий, Муслим саҳиҳларида, Абу Довуд, Тирмизий, Насоий, Ибн Можа сунанларида келтурубдурлар.

Демак, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сұхбатларида бўлуб, хидматларида бўлғон саҳобалар ҳақларида лозимдурки инсон адаб сақласун, ўз ҳаддида бўлсун. Улар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сұхбатларида бўлуб, жон ва молларини курбон қилмоқдан кейин турмаган зотлардурлар. Улар ҳақларида адабсизлик бирла, носазо сўз айтган киши ойға қараб хурган итдекдур.

Бизларга ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг хотунларини мусулмонларнинг оналари(), деб эътиқод қилмоқ вожибдур. Улар ҳар бир ёмонлиқдан покдурлар. Улар:

1 - ҳазрат Хадича розияллоху анҳодурлар. Ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг энг аввалги олғон хотунларидурлар. Ул замонда ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам йигирма беш ёшда, Хадича розияллоху анҳо кирқ ёшда әдилар. Ўзлари давлатлик хотун бўлуб, қуллари воситаси бирла тижорат қилиб турар әдилар. Ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламға текканларидан кейин ҳамма давлатларини ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳазрат Хадича розияллоху анҳодан кўрган болалари Қосим, Абдуллоҳ - Тайиб, Тоҳир - бўлуб, қизлари ҳазрат Руқайя, Умму Кулсум, Зайнаб, Фотима розияллоху анхум әдилар. Булардан ҳазрат Фотима розияллоху анҳодан бошка болалари тамом ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламға пайғамбарлик келмай туруб туғулғондурлар. Ҳазрат Фотима розияллоху анҳо ёлгуз пайғамбарлик келганидан кейин тугулуб әдилар. Шунинг учундурки, ҳазрат Фотима розияллоху анҳода бор мазийт бошқаларида йўқ әди.

2 - ҳазрат Савда бинти Замъа розияллоху анҳодур. Бу хотунларини ҳазрат Хадича розияллоху анҳонинг вафотларидан кейин олғондурлар. Ўзи Қурайшдан бўлуб, саҳих сўзга карагонда эллик бешинчи ҳижрийда вафот қилдилар.

3 - ҳазрат уммул мұъминийн Оиша ас-Сиддиқа бинти Абий Бакр ас-Сиддиқ розияллоху анҳодурлар. Бутун хотунлари орасида энг факийхароқларидурлар. Вафотлари эллик еттинчи ҳижрийдадур.

4 - ҳазрат уммул мұъминийн Ҳафса розияллоху анҳо ҳазрат Умар ал-Форук розияллоху анхунинг қизларидурлар.

5 - ҳазрат уммул мұъминийн Умму Ҳабиба розияллоху анҳо. Отлари Рамла бўлуб, ҳазрат Абу Суфён розияллоху анхунинг қизларидурлар.

6 - ҳазрат уммул мұъминийн Зайнаб бинти Жаҳш розияллоху анҳо бўлуб, бу зот ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг аммаларининг қизидурлар. Бу зотнинг бораларида Қуръони каримда (Ахзоб сураси 36-37 инчи) оят() нозил бўлди.

7 - Зайнаб бинти Хузайма розияллоху анҳо бўлуб, «уммул масаакий» - мискинларнинг оналари, деб лақаблангандурлар.

8 - ҳазрат Маймұна бинтил Ҳорис ал-Хилолий розияллоху анҳо бўлуб, ҳазрат Ибн Аббос розияллоху анхұмоннинг холаларидурлар.

9 - ҳазрат уммул мұъминийн Сафийя бинти Ҳуяй ибн Ахтаб ал-Хорунија розияллоху анҳо. Хайбар урушида асира бўлғон әдилар, ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам озод қилиб никоҳлариға олғондурлар. Ўзлари ҳазрат Ҳорун алайҳис-салом авлодлариандур.

10 - ҳазрат Жувайрия бинтил Ҳорис ал-Мусталиқий розияллоху анҳо. Банил Мусталиқ урушида асира бўлғон әдилар. Буни-да ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам озод қилиб никоҳлариға олғондурлар.

11 - ҳазрат уммул мұъминийн Ҳавла бинти Ҳаким розияллоху анҳо.

12 - ҳазрат уммул мұъминийн Умму Салама розияллоху анҳо.

Мана булар ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг азвожи мутахҳаротларидурлар. Булардан «уммул масаакий» Зайнаб бинти Хузайма бирла уммул мұъминийн Ҳавла бинти Ҳаким, ҳазрат Хадича бинти Хувайлид розияллоху анхунна ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг тириклик замонларида вафот қилиб кетиб әдилар. Колгон тўқкузлари ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламдан кейин қолиб, илм жихатдан кўп фойда еткуздилар.

Буларнинг энг афзалроқлари ҳазрат Хадича ва Оиша розияллоху анхумодурлар. Ҳар ким ҳазрат Оиша розияллоху анҳоға бирор нарсани тухмат қилса, ул коғир бўлғай. Ҳолбуки ул нарсадан ул зотни Оллоҳ таоло поклаған бўлуб, ҳақларида Куръони каримда хос тариқада ўн оят нозил қилғондур.

Бул ерда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп хотун олғонлиқлари борасида озроқ сўзлаб ўтурмиз:

Бу тўғрида бизни сўзламакка мажбур қилғон нарса Мисрда чиқмоқда бўлғон «Рузул-Юсуф» отлиқ мажалласида баъзи ўзини танимағон аҳмаклар томонларидан қилинғон адабсизликдур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам улар тухмат қилмоқда бўлғон нарсаларидан барийъ эканликлари куйидаги сўзлардан зохир бўлур. Ислом дунёсидан ташқарида сўзлаганлар Ислом авлоди бўлмағон, Исломни танимағон, Ислом душмани бўлғон қавмлар томонларидан бўлғон сўзлар ойга ҳурган итдек бўлуб кетадур.

Ҳофиз Ибну Касийр тафсирида Мұхаммад ибн Исҳоқнинг сийрат китобидан нақл қилиб айтадурки: Мұхаммад ибн Каъб ал-Қуразий айтадур: Утба ибн Рабийъа Қурайш ичида катта кишилардан ҳисобланур эди. Ул бир куни Қурайш бирла ўлтурууб эди, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ёлгуз масжидул ҳаромда ўлтурууб эдилар. Ул Утба Қурайшга қараб: «Эй жамоат! Мен Мұхаммадга бориб, бир сўзлашиб баъзи нарсаларни пеш қилас. Шояд, баъзисини қабул қилса, биз-да уни қўюб берсак, ул-да биз бирла иши бўлмай қолса. Бу тўғрида сизлар нима раъй берурсизлар?», деди. Қурайш-да бунинг сўзини маъкул кўрдилар. Бул воқеа ҳазрат Ҳамза розияллоху анҳу мусулмон бўлғон кунларида эди. Ул вақт ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб мусулмон бўлғонларда кўпаймақда эдилар.

Ул вақт Утба ибн Рабийъа ўрнидан туриб ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурлариға келиб ўлтурди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға хитоб қилиб: «Эй Мұхаммад! Сенинг бирла бизнинг ўртамиздаги нарса белгилик нарсадур. Сен ўз қавмингга шундоғ зўр бир нарса() келтурдингки, унинг бирла тўпимизни буздунг, ақлликларни ақлсизга чиқардинг, бутларимизни айбладинг, динларимизни ёмонладинг, ўтган ота-боболаримизни коғир деб ҳукм қилдинг. Эмди, мендан эшит, бир неча нарсани олдингга қўюрман, ўйлаб қўрурсан. Шоядки, шулардан баъзисини қабул қилсанг. Биз-да сени қўюб берурмиз, биз бирла сенинг-да ишинг бўлмасун», деди.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сўзлагил, мен эшитай», дедилар.

Ул: «Эй қардошим! Сен шул келтурган нарсанг бирла мол тўпламоқчи бўлсанг, биз сенга мол тўплаб берайликки, ҳаммамиздан молдорроғимиз бўлғил. Агар катта бўлмоқ хаёлингда бўлса, сени ўзумизга катта қилиб олайлиқки, сендан тошқори бирор иш қилмайлиқ. Подшоҳ бўлмоқ истасанг, сени ўзумизга подшоҳ қилиб олайлиқ. Агар хотунсираб қолғон бўлсанг, ўз қавмимиз Қурайшдан кимларнинг қизларини истасанг, ўн қизни сенга таллаб олиб берайлик. Агар димоғингга бирор халал етган бўлса, даво килишайлиқ. Сени тузалтурмакка молларимизни сарф қилалиқ», деди.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қулоқ солиб ўлтурдилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мендан-да эшит», дедиларда, «Аузу биллаҳи минаш-шайтонир ражийм, Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», деб Фуссилат сураси (Хо Мим ас-сажда)нинг аввалидан ўқуб кетдилар. Үқба икки қўлини орқасиға қилиб, таяниб ўлтурди. 13инчи оят бўлғон оятининг охириғача: «Агар юз ўтурсалар, «сизларни-да Од ва Самуд соиқаларидек соиқадан қўрқутаман», дегил», оятини тамом қилиб эдилар, Утба: «Бас, энди», деб ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизларини тутуб, ўрталаридаги қариндошлиқдан қасам бериб: «Эмди етишар», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ё Абал Валийд эшиттингми? Эмди ўзунг бил», дедилар.

«Хотунсираб кетсанг», деган жумласига келсак, ул хос ҳазрат Жобир розияллоху анхунинг ривоятларида бордур, холос.

(¹)яъни, катта ҳу мусибат бўлғон нарса). мусаххих.(

Бу Утба ибн Рабийя ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға шунинг учун бу сўзларни айтиб эдики, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шулардан бирини қабул қилиб уларга айтмақда бўлғон сўзларини тарқ қилиб кўйсун.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўн қизни-да қабул қилмадилар, подшоҳликнида қабул қилмадилар. Хотунсираб қолған, хотунға берилган деганлари тўғри бўлса эди, бул подшоҳлик бирла ўн хотунни қабул қилиб кўя қолмас эдиларми?! Хусусан, подшоҳлиқни қабул қилсалар эди, хотунларда истаганларидек бўлар эди, яна ўз даъватларида давом эта билур эдилар. Бу нарсаларни қабул қилмадилар.

Йигирма беш ёшлик йигит қирқ ёшлик хотунни олиб, шунинг бирла қирқ ёшга етгунларича на даъват, ва на бошқа ишлар бирла ўралашмадилар. «матн», деб() Қурайшнинг айтган нарсаларида сабр бирла даъватларида давом этдилар. Йигирма саккиз йилни ором бирла кечирдилар. Бунинг маъноси нима эди?! Хотунбозлик чиқадурми?!

Ва яна (Аҳзоб Збинчи) оят()да ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммаларининг қизи Зайнаб бинти Жаҳш масъласига ишорат қиладурки: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайд ибн Ҳорисани сотиб олиб озод қилиб, уни ўгул тутган эдилар. Шунга аммаларининг қизини никоҳлаб бермакчи бўлуб эдилар. Зайнаб бинти Жаҳш бу тўғрида тарҳашлик қилиб, қабул қилмай туриб олди. Ул вақт шул оят нозил бўлди. Ул оятнинг таржимаси қуйидагидур: «Ҳеч бир иймонлик эркак ва хотунға жоиз эмаски, Оллоҳ ва расули бирор ишга ҳукм қилсалар, ул унға тарҳашлик қилсун. Ҳар ким Оллоҳ таоло ва пайғамбариға бўйунтовлиқ қилса, ул очик тойғинлиқда қолғон бўлубдур».

Ул вақт ҳазрат Зайнаб розияллоҳу анҳо: «Ё расулаллоҳ! Шул кишига тегмагимни хуш кўрасизми?», дедилар. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳов, хуш кўраман», дедилар. Ҳазрат Зайнаб розияллоҳу анҳо: «Ундоғ бўлса, мен-да Оллоҳ ва расулига бўйунтовлиқ қилмайдурман», деб қабул қилдилар.

Шундоғ бўлсада, ўзлари ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммаларининг қизи, эрлари озод бўлғон мавло бўлғони учун катталик қилиб юрар эдилар. Бир куни Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға хотунидан шикоят қилиб, кўюб юбормоқ фикрини изҳор қилди. Оллоҳ таоло ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға: «Зайнаб розияллоҳу анҳо бир куни сени хотунунг бўладур», деб билдурган эди. Шундоғ бўлсада, «Хотунунгни кўюб юборма, маҳкам тут. Худодан кўрқил», дедилар.

Ул вақт Оллоҳ таоло шул (Аҳзоб сураси 37 инчи) оят()ни нозил қилди. Оятнинг таржимаси будур: «Ёд қил ул кунники, унға иймон келтурмакни насиб қилмоқ бирла Оллоҳ таоло инъом қилғон, ўзунг озод қилиб қулликдан кутқазиб кўймоқ бирла инъом қилғон киши - Зайд ибн Ҳорисага: «Хотунунгни маҳкам тут, кўюб юборма, худодан кўрққил», дейдурсан. Ўз қалбингда бўлғон нарсаники, уни худойи таоло зоҳир қилғувчиидур, маҳфий тутадурсан. Одамлардан кўрқадурсан, [холбуки]() Оллоҳ таолодангина кўрқмагинг зиёда лозимдур. Қачонки Зайд уни талоқ қилиб кўюб юбориб эди, (иддаси чиқиб унинг бирла алоқаси қолмади), биз уни сенга никоҳ қилдиқ. Бул шунинг учундурки, одамларнинг тутунгнан ўгуллари бўлуб, ўз хотунини кўюб юборғон - иддалари чиқсан бўлса, уни ўз никоҳлариға олмоқни ўзларига ножоиз кўруб юрмасунлар, дебдур. Оллоҳ таолонинг ҳукми юргучидур».

Бу оятлар нозил бўлмай туруб, (Аҳзоб сураси 4 ва 5инчи) оят((-да: «Тутунгандан ўғул ўғул

(^)яъни, пайғамбарлик келганидан сунг ای :одамлар, мен сизларга Оллоҳнинг пайғамбариждурман «(деб) .мусаххих.(

.(^)

.(^)

(^)жумла ушбу катта قوس орасидаги ئورانни تاқозوئى دى) .мусаххих.(

..(^)

бўлмайдур. Ўз отасига нисбат қилинглар («Зайд ибн Мухаммад» деманглар, «Зайд ибн Хориса» денглар), деб буюрулган эди.

Бу нарсаларни бошқа суратга солиб юборгон Ислом душманларининг сўзларидан сақланинглар. Улар сизларнида ўзларидек кофир қилиб, ўзлари бирла қўшуб жаҳаннамга олиб кетмакчидурлар():

Бизнинг замонамизда кофиirlар тузоқлариға тушурган мусулмон ёшларни-да шул хил қилиб, динларидан Исломдан чиқариб юбормоқдан кейин турмайдурлар.

Исломдан илгари Арабистонда ҳар ким хоҳлағанча хотун ола берар эди. Сураи Нисо нозил бўлуб, улда тўртдан зиёда хотун олмаслиққа ҳукм бўлди. Бир кишининг ўн хотуни бор эди, яна бир кишининг саккиз хотуни бор эди, шунингдек тўртдан зиёда хотунлик одамлар кўп эдилар. Нисо сурасидаги (учинчи) оят() нозил бўлғонидан кейин ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммасини тўртдан зиёдасини қўюб юбормоққа буюрдилар.

Аммо ўзларининг тўғриларида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ояти каримада: «Пайғамбарга Оллоҳ таоло фарз қилғон нарсасида кисинтқилиқ йўқдур. Ўтган пайғамбарларға-да Оллоҳ таолонинг жорий қилиб қўйғон тариқаси шу хилдур. Оллоҳ таолонинг ҳукми жорий бўладурғон ишдур»(). «Мухаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам сизлардан бирор кимсанинг отаси эмас»(). «Эй пайғамбар! Биз сенга маҳрини бериб олғон хотунларингни ҳалол қилдиқ. Ганимат юзасидан қўлингга асира бўлуб тушган чўриларни-да ҳалол қилдиқ. Ҳамда амакиларинг, аммаларинг, тоғаларинг, холаларинг қизларини сенинг бирла ҳижрат қилғон бўлсалар ҳалол қилдиқ. Ҳамда бир хотун ўзини сенга ҳадийя қилиб тутган бўлса, унида ҳалол қилдиқ. Ул ўзи сенинг ўзунгта хос ҳалол бўлуб, сендан бошқага жоиз эмас»().

Сўнгра охирида келиб тўхтағон ери (Аҳзоб: 52) ояти бирла: «Қўлунгда бўлғон ҳозирги (тўқкуз) хотундан бошқа хотун олмоқ сенга ҳалол эмас. Ёки булардан бири ўрнига яна бошқа олмоқ-да жоиз эмас»(), деб ҳукм бўлди.

Демак, инсонларнинг яримлари хотунлар бўлғони учун; уларға таблиғ қилмоқ, динда лозим бўлғон хотунлар бирла эрлари ўрталаридаги хусусий нарсаларни хотунлардан сўролмоққа зарурат бўлғони учун; Оллоҳ таоло ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға хусусий тариқада муаллималар етиштурмак учун тўқкузға() хотун олмоққа, ундан оширмаслиқ, улардан бирини алиштурмаслиққа ҳукм қилғондур. Аҳодисларни татаббуъ қилғон кишиларга зохир бўладур.

Ҳамда бу хотунлардан кўплари уммати исломийянинг хотун қисмлариға таълим ва таблийғни кўзда тутган бўлса, баъзилари эрдан қолиб ўзи ҳамда авлодларини бўлмак тўғриларида ожиз бўлуб қолғон хотунларға кўмак қилмоқ учун эди. Бу тўғридаги ҳолатларни тафаҳҳус қилғонларға зохирдур.

.(')сураи Бақара .. ۱۰۹ :сураи Нисо.۸۹ :

.(')

.(')сураи لا.۳۸ :حزاب

.(')сураи لا :حزاب

.(')сураи لا.۵۰ :حزاب

.(')сураи لا.۵۲ :حزاب

) ('')тўқкуз (۴۶) ёки (тўқкузға (۴۷) бўлса керак) .мусахҳих.(

Мусулмонларға ўз узаларида ҳоким бўлуб турган имомлариға итоат қилиб, ҳукмларига бўйунсунмак вожибдур. Ҳар ким халифа бўлса, одамлар унға байъат қилиб тўплансалар ёки қиличи бирла ғолиб бўлуб халифа бўлғон бўлсада, унгада итоат қилмоқ вожибдур. Хилоф қилмоқ, унга қарши чиқиб бояй бўлмоқ, мусулмонларни иккига бўлмак ҳаромдур. Модомики шариатга хилоф ишга буюрмаган бўлса. Агар шариатга хилоф ишга буюрса, ул вақт унға итоат қилмоқ вожиб бўлмағай, итоат йўқдур.

Салаф уламоларини яхшилаб ёдлаймиз, уларни мақтаймиз, уларнинг ҳақларида яхши сўзлар айтурмиз. Улар раббоний – худойпараст уламолар бўлуб саҳоба, тобеъийн, табаъ тобеъийн ва улардан кейингилардан иборат бўлуб, улар мужтаҳид имомлар, фуқаҳо ва мухаддислардурларки, улар дин ва ундаги аҳкомларни таблиғи тўғриларида ҳақки бирла қойим бўлдилар – камлик қилмадилар, ҳалққа еткуздилар, Куръон ва ҳадисни мудофаа қилиб, уларга бирон нарса қўшмоқдан саклаб келдилар.

Оллоҳ таоло улардан рози бўлсун, уларга мусулмонлар томонларидан Оллоҳ таоло жазойи хайрлар берсун. Бизларда уларнинг босқан қадамларидан юрамиз, тутган йўлларидан чиқмайдурмиз. Чунки улар уммати исломийянинг йўлбошчилариурлар, миллатнинг посбонлариурлар. Улар тўғри йўлдаги имомлар бўлуб, Оллоҳ таолонинг авлиёлари бўлғон солиҳ бандалардурлар, динда росих бўлғон уламолардурлар.

Салаф уламолари, деб ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан дину аҳкомларини олиб ўзларидан кейингиларга еткузган зотлар бўлуб, улар саҳоба, тобеъийн, табаъ тобеъийн, атбоъ табаъ тобеъийндан иборат бўлуб, улар мужтаҳид имомлардурларки, улар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган Қуръони карим ва аҳодиси набавийяларни бор бўйича бир-бирларидан олиб, ҳар ким онглайдурган қилиб, бизларга тавзих бирла осон қилиб еткузгандурлар. Ҳар қайси оят ва ҳадислардан ҳосил бўлғон хукмлар – фарз, вожиб, суннат, мустахаб, ҳаром, мубоҳ, макрухларни баён қилиб бергандурлар.

Фолбин, мунажжим, китоб ва суннатга, ижмои умматга хилоф бирор нарсадан хабар бергувчиларни тасдиқ қилмаймиз – «рост айттилар», демайдурмиз.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Ҳар ким Оллоҳ таолонинг пайғамбари келтурган нарсанинг ҳақлиги событ бўлуб туруб пайғамбарға хилоф қилса, мусулмонларнинг йўлларидан бошқа йўлга юрса, унинг ихтиёр қилғон йўлини ўзига кўюб берурмизда, ўзини жаҳаннамга киргузурмиз. Ул ёмон борадурғон жойдур».

«"Оллоҳ таолодан бошқа осмонлар бирла ерда бор нарсалар ҳаммалари ғайбни билмайдурлар. Ўзларининг қачон тирилур эканликларини-да билмайдур", дегил».

«Эй иймон келтурган бандалар! Оллоҳ таолоға, пайғамбариға ҳамда ўзларингиздан бўлғон ҳукмдорларға итоат қилинглар. Агар бирор нарсада ўрталарингда жанжал қилишиб англашмовчилик пайдо бўлуб қолса – Оллоҳ таолоға, қиёмат куниға иймон келтурган бўлсангизлар, – ул нарсани Оллоҳ ва расулиға қайтаринглар – Китоб ва Суннатга мурожаат қилинглар. Бул ўзи кўп яхши бўлуб оқибатида яхшидур».

Фол кўргучилар, «фалон юлдуз фалон ерга келса, оламда мана бу хил нарса пайдо бўладур», деганларнинг сўзларига, ёки Оллоҳ ва расулининг ҳукмлариға хилоф даъволарда бўлғон кимсаларнинг сўзларига ишонмасликка буюрадур.

Ислом уламолари (мужтаҳидлар, Китоб ва Суннатдан хабардор бўлғон зотлар) иттифок қилғон нарсаларга хилоф қилғонларнинг сўзларига ишонманглар. Динда ҳақикат эканлиги билинган нарсаларни қўюб, бошқа нарсалар орқаларидан юрганлар мусулмонлар юрган йўлдан бошқа йўлга юрганларни Оллоҳ таоло бу дунёда қўюб берур-да, умри тугаб ўлуб Оллоҳ таолоға қайтқонда борар жойи жаҳаннам бўлур.

Бу хилда «ғайбни билурман», деб даъво қилғонлар ўзларининг қачон тирилишларини билмайдурлар. Улар илми ғайбни нучук билурлар?!

Қиёмат аломатларининг ҳақлиғига иймон келтурамизки, ул қиёматдан илгари воқеъ бўладур. Улда дажжолнинг пайдо бўлуши, имом Маҳдийнинг хуружи, ҳазрат Ийсо алайхис-саломнинг осмондан тушмаклари, куннинг кунботардан чиқмоғи, доббатул арзининг пайдо бўлмоғидур.

Қиёматдан илгари охир замон бўлғонда қиёматнинг аломатларидан бўлғон нарсалар зухурга келур. Ҳар қайси аломат инсонни ҳайратга қолдурадурган бўладур.

Ҳазрат Авф ибн Молик ал-Ашхай розияллоҳу анхудан ривоятдурки, айтибдурлар: «Мен ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурлариға Табук газвасида келдим. Жаноблари чармдан бўлғон чодирда ўлтуруб эдилар. Буюрдиларки: «Қиёматнинг олдида олти хил воқеа бўладур: ўлат (бирдан ўлиб қолмоқ) келурда сизлардан кўп киши ўлуб кетур. Сўнгра Байтул Мақдиснинг фатҳи бўлур. Сўнгра мол кўпайиб кетур, ҳаттоқи бирорвға юз олтун берилса «менга шуни берадурми?», деб хафа бўладур. Сўнгра фитна пайдо бўлур, мусулмонларнинг фитна кирмаган уйлари қолмагай. Сўнгра бани асфар – Рум насоролари бирла сизлар ўрталарингизда худна бўлур. Бу худнада ғадр қиладурлар. Сизларга саксон байроқ остида хужум қилиб келурлар. Ҳар байроқ остида ўн икки минг киши бўладур»(). Бу ҳадисни Бухорий, Абу Довуд, Ибн Можа, Табароний Мўъжам ал-Кабирда келтурубдурлар.

Ҳазрат Ҳузайфа Ибн Асийд розияллоҳу анхудан ривоят бўлубдурки, айтибдур: «Бизлар қиёмат кунидан сўзлашиб ўлтуруб эдик, бирдан ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб қолдиларда: «Нимадан сўзлашиб ўлтурубдурсизлар?», дедилар. Бизлар: «Қиёмат куни борасида сўзлашиб ўлтурубдурмиз», дедик. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўн аломатни кўрмагунингизча қиёмат қойим бўлмағай», дедилар, «Ул ўндан – тутун, дажжол, куннинг кунботардан чиқмоғи, ҳазрат Ийсо алайхис-саломнинг осмондан тушмаклари, Яъжуҷ Маъжуҷ, уч карра ер ютмаги – кун чиқарда ёки кунботарда, жазиратул Арабда ер ютмаклари, энг охиргиси Ямандан ўт чиқиб одамларни маҳшаргоҳга суруб кетмагидур». Бу ҳадисни Муслим саҳийхида келтурубдур.

Саҳийхайнда (лафз Бухорийнинг лафзидур) келибдурки, ҳазрат Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоятдур: «Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хузурларида дажжолдан сўз бўлди. Ул вакт ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «Оллоҳ таолонинг сифатлари сизларга маҳфий эмасдур. Оллоҳ таоло аъвар эмас. Дажжол аъвар бўлуб, ўнг кўзи кўрдур, чап кўзининг ниши иргиб чиққан узум донасиликдур».

Ҳазрат Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоятдурки, айтибдурлар: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «Ҳар бир келган пайғамбар дажжолдан ўз қавмини қўрқутуб келгандур. Билиб қўйунгларки, ул аъвар – бир кўзи кўр бўлғай. Худойларингиз аъвар эмас. Икки кўзининг() ўртаси – пешонасида , деб ёзиглиқдур».

Баъзи бир ривоятда яъни кофирдур, деб тафсир қилибдур.

Бухорий ва бошқалар ҳазрат Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилиб айтибдурларки: ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар: «Меним жоним қабзасида бўлғон зотга қасамки, яқин ўртада ҳазрат Ийсо алайхис-салом осмондан тушгайлар. Одил ҳукмдор бўлуб, салийбни синдергай, тўнғузни ўлдургайлар, жизяни кўтариб ташлағайлар. Дунё шул қадар кўпайгайки, уни ҳеч ким қабул қилмағай. Ҳаттоқи бир сажда дунё ва дунёда бор нарсадан яхширок бўлғай». Сўнгра ҳазрат Абу Хурайра розияллоҳу анху айтибдурларки: «Истасангизлар: () оятини ўқунглар». Таржимаси будур: «Китоб аҳлидан ҳеч ким қолмай ҳазрат Ийсо алайхис-салом ўлмай туруб иймон келтургай.

(')муаллиф رحمة عليه بیشته سئنی ساناب دیلار. ушбу ҳадиси шарифда расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олти воқеанинг биринчиси қилиб ўзларининг вафотларини س ноганлар). мусаххих.(

(')яъни, дажжолнинг икки кўзи). мусаххих.(

(')сураи Нисо. ۱۰۹ :

Ҳазрат Ийсо алайҳис-салом қиёмат куни гувоҳ бўлғайлар».

Ҳазрат Ийсо алайҳис-салом осмондан тушурлар, дажжолни ўлдурганларидан кейин Яъкуж Маъжужлар чиқурлар. Ҳаммалари ҳазрат Ийсо алайҳис-саломнинг дуолари бирла бир кечада ўлуб қолурлар. Бу тўғридаги узун ҳадисларнинг муҳтасар тариқада ҳосили шулдур.

Доббатул арз хуружи бўлса, бул тўғрида ояти каримада буюрадур: (). «Уларга вавда қилғон сўзумизнинг келадурган вақти келса, уларға ердан бир ҳайвонни чиқарғаймизки, ул одамларни бизнинг оятларимизга ишониб етмаган эканликларини сўзлаб бергай».

Куннинг кунботардан чиқмоғи бўлса, ояти каримада ишорат қиласур: ((. «Улар фаришталарни келмаклари ёки Худойингнинг келмагини, ёки Худойинг аломатларидан баъзисининг келмагинигина кутадурларми?! Худойингнинг баъзи аломатлари келиб қолса, ул вақт келтурган иймонлари уларға фойда қилмайдурки, илгари иймон келтурмаган ёки иймонлари бирла ўзлариға хайр ҳосил қилмаб эдилар. Уларға: «ўшал кунни кутунглар, бизларда кутуб тургувчикурмиз», дегил».

Бундан мурод куннинг кунботардан чиқишидур.

Доббатул арз бирла куннинг кунботардан чиқмоқлари бир-бир кетин бўлғай. Бу иккисидан қайсиси аввал келса, кейингиси унинг орқасидан келур. Чунончи бу тўғрида Бухорий сахиҳида келтурубдур.

(^)сураи.۸۲ : نمل:

(^)сураи ал-Анъом.۱۰۸ :

Жаннат ва дўзах яратилғон - бор бўлуб, улар ҳаргиз тугаб йўқ бўлуб кетмагайлар. Чунки Оллоҳ таоло жаннат ва дўзахни халойиқни яратмай туруб яратқандур. Уларга лойик одамларни-да яратқандур. Улардан хоҳлағанларини жаннатга ўз фазли бирла киргузгай, хоҳлағанини жаҳаннамга адли бирла киргузгай. Ҳар қайси фирмә ўз йўлиға қараб кетгай. Ҳар қайси тоифа (жаннати ёки дўзахий)лар нима учун яратилғон бўлсалар, ул нарса учун амал килурларда, буларга бу амаллари сабабли жаннати ёки дўзахий бўлурлар, деб ҳукм бўлуб бўлғондур. Яхшилиқ, ёмонлик бандаларға Оллоҳ таоло тарафидан ёзилиб қўйулғондур.

Биз юқорида қирқ иккинчи модда бўлғон тақдир масъаласида узундан узоқ баён қилиб ўттуки, дунёда бўладурган ёки бўлмайдурғон нарсаларни Оллоҳ таоло билиб, «бўладур» ёки «бўлмайдур», деб ёзиб қўйғондур.

Жаннат бирла дўзахни-да шул халойиқлар учун яратқандур. «фалони жаннати» ёки «фалони дўзахий», «фалони жаннат учун амал қилиб жаннатга киргай», «фалони дўзах учун амал қилиб дўзахқа киргай», деб билиб, ёзиб қўйғондур. Бунда зўрлаб бандани ўз ихтиёриға кўймай, дўзах учун амал қилдурғон деган нарса йўқдур.

Киёмат куни ҳақдур. Ҳар ким қиёмат қойим бўлғонда ҳисобға тутулуб, ўзига жазо ёки сазо топур. Бу нарсалар пайғамбарлари воситалари бирла шак қолмайдурғон даражада тамом бандалариға билдурулғандур.

Киёматнинг келмаги тўғрисида Куръони каримда 85 оят, ўлгандан кейин тирилмак тўғрисида 26 оят, амалга кўра жазо берилур эканлиги тўғрисида 70 оят келибдур.

«Куръони каримни тушунуб туруб ўқимайдурларми?! Кўнгулларида қуфллари борми?!»(), - деб хўб хитоблар қилинғондур.

Бу дунёда инсонларға пайғамбарлар кўндурууб, Оллоҳ таолонинг ўзига ибодат қилмоқ, шайтон йўлиға юрмасликка буюрулғандур.

Охирги пайғамбар бўлғон бизнинг пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламға Куръони каримни нозил қилиб, мусулмонлар тойиб кетмасун деб шул Куръонни қиёматгача қолдуруб, маъбудини танитиб, уларни охират азобидан кўркутуб, бул тўғрида узр баён қилмоқча йўл қўймогондур. Буларнинг ҳаммалари банданинг ихтиёри тамом ўзида эканлигини хўб билдуруб бергандур.

Кофиirlарға бўладурғон тугамайдурған азоб борасида ояти каримада буюрадур:

((. «Ҳар бор терилари ўтуланиб кетганда, азоб тортсунлар, деб териларини янгилатиб қўйғаймиз».

((. «Ўт ҳар бор ўчуб борса, ўтини уларға яна тезлатиб қўйғаймиз», деб буюрадур. Бул ўзи азобни яхшигина тотсунлар, дебдур.

Ушбу оятлардаги « ма» лафзи давомни ифода қилур эканлиги зоҳирдур.

Шул сабабларга кўра (Худ сураси 107 ва 108 инчи)() оятлардаги « »ни: «мунқатеъдур», дебдурлар. Ул « »нинг маъноси «ва лекин» деган бўладур. Ва лекин баъзилари 107 оятдаги « »ни муттасил дебдурлар. Ул умумдан хосни - дўзахдаги азобда бўлғон кофиirlар бирла мусулмон осийларидан азобда бўлғонларни чиқиб кетадурлар, деб истисно қилинғон бўладурда, мусулмонлар чиқиб кетиб, кофиirlар ҳамиша азобда қоладурлар, деган бўладур.

Баъзилар ўзини раҳимдил олиб, кофиirlарнида чиқариб юбормоқ истасаларда, (ан-Нисо сураси 41, ал-Исро сураси 95 инчи) оятларга хаёл қилмағондурлар.

.(')сураи Муҳаммад. ۴ :

(‘)сураи Нисо. ۶ :

(‘)сураи ال۷ :

.(‘)сураи ۱۰۸-۱۰۷ هود :

Лавҳи Махфузга ва унға ёзилғон нарсаларнинг ҳаммаларига иймон келтурамизки, муқаддаротларни Оллоҳ таолонинг ҳукми бирла қалам ёзиб қўйғондур. Оллоҳ таоло нима нарсаларни бўладур деб ёзиб қўйғон бўлса, ҳамма ҳалойиқ келиб, уни бўлмайдурғон қилмоқ истасаларда қилолмагайлар. Шунингдек бўлмайдур деб ёзғон бўлса, уни бўлдуролмагайлар. Қиёматгача бўладурғон, бўлмайдурғон нарсаларни ёзиб, қалам кўркуб қолгондур.

Ояти каримада: ((. «Балки ул ўзи Куръони карим бўлуб, Лавҳи Махфузда ёзиглиқдур», деб буюрадур.

Абул Қосим ат-Табароний Мўъжам ал-Кабирда ўз санади бирла келтурубдурки: Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «Лавҳи Махфузни Оллоҳ таоло оқ гавҳардан яратқан бўлуб, эни етти осмон бирла ернинг орасича келадур. Муқоваси қизил ёқутдур. Оллоҳ таоло унға бир куни уч юз олтмиш карра назар қилғай. Ҳар қарашида ҳалқ қиласидур, тиргузадур, ўлдурадур, азиз қиласидур, хор қиласидур - истаганини қиласидур».

Ул Лавҳи Махфузда дунёдаги ҳамма муқаддаротни ёзғондур. Оллоҳ таоло ҳамма муқаддаротни ёзмоқ учун яратилғон қалам энг аввал яратилғон нарсадур. Абу Довуд сунанида ёзибдурки: «Қиёматгача бўладурғон нарсани аввал қалам бирла ёзилди».

Арш энг аввал яратилғондурми ёки қалам энг аввал яратилғондурми, уламолар ихтилоф қилибдурлар. Буни Абул Ало ал-Ҳамдоний баён қилибдур. Сўзнинг сахихроғи шулки: арш энг аввал яратилғондур. Чунончи ҳазрат Абдуллоҳ бин Амр розияллоҳу анхумонинг ривоятларида ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурлар: «Ҳалойиқнинг муқаддаротларини осмон бирла ерни яратмоқдан эллик минг йил илгари ёзғондур. Ул вакт арши сув узасида эди».

Мана бу лафздан сарих билинадурки, арш энг аввал яратилғон бўлуб, муқаддаротни арш яратилғондан кейин ёзғондур.

Қадар масъаласини қирқ иккинчи моддалик масъалада ёзғон бўлуб, унда кўп нарсалар бордур.

Матн.

Иймон келтурамизки, тирикларнинг дуоларининг ўлукларга фойдаси тегадур, садақалариданда ўлуклар фойдаланурлар. Ахли суннат уламолари бу тўғрида иттифоқ қилибдурлар.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Улардан кейин келганлар айтадурларки: «Эй худойимиз! Бизлардан илгари келиб иймон келтурган қардошларимизни мағфират қилғил. Мусулмонларға кўнгулларимизда хафалиқ қўймагил», дейдурлар».

Ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоятдурки, айтибдурлар: «Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир киши келиб: «Ё расулаллоҳ, менинг онам менинг йўқлигимда ўлуб қолибдур. Унинг учун садака қилсан, савоби унга тегадурми?», деди. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳов, етадур», дедилар. Ул киши: «Жанобингизни гувоҳ қилурманки, михроқ отлиқ боғим онам йўлида садакадур», деди». Бу ҳадисни Бухорий сахийхида ҳазрат Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо воситалари бирла ривоят қилибдур.

Ҳадисларда тирикнинг садакасидан ўлукларнинг фойдаланишлари тўғрисида кўп нарса келибдур. уламолар: «Ўлукнинг қарзини тирик адо қилса, ул қарз ўлукнинг бўйнидан сокит бўладур», дебдурлар. Бу тўғрида «қариндош бўлсун, бегона бўлсун баробардур», дебдурлар.

Ҳаж тўғрисида уламолар ўрталарида ихтилоф бўлубдур. Чунончи имом Мұхаммад ибнул Ҳасан аш-Шайбоний: «ҳаж учун сарф қилинғон нафақасининг савоби тегадур», дебдур. Бошқа уламолар: «ҳажнинг савоби тегадур», дебдурлар. Шул кейинги сўз сахихдур, дебдурлар.

Баданий ибодат тўғрисидада бироз ихтилоф бордур. Чунончи имом Абу Ҳанифа, имом Аҳмад, жумхур уламолар: «Рўза, намоз, Куръон ўқумоқ, зикр Оллоҳнинг савоби тегадур», дебдурлар, имом Молик, имом Шофеий: «Етмайдур», дебдурлар.

Ўлукнинг ҳаққига қилинғон дуолар, садақалар, намоз, рўза, Куръон ўқуб савобини бағишламоқ тўғрисида кўп ҳадислар келибдур. Аммо Куръон ўқумоққа бир қорини буюруб, унга ижара тариқасида пул бермак, унинг савобини ўлукка бағишламоқ бўлса, буни салаф уламоларидан кимса қилмабдур. Мужтаҳид имомлардан бирор кимса буюрмабдур. Фақат таълим тўғрисидагина уламолар ўрталарида сўз бордур. Чунончи Ибн Обидийн Шомий («Раддул Муҳтор» соҳиби) «Шифоул алийл фий бутланил-васијати билхатамати ваттаҳалийл» китобида Куръони каримни ужра бирла ўқумоқ ва ўқутмоқнинг жоиз эмаслигига узундан узоқ сўзлагандур.

Куръони каримни қабр олдида ўқумоқ тўғрисида уламолардан уч хил сўз бордур. Дағн вактида Куръон ўқумоқ макруҳми, ёки макруҳ эмасми, икки хил сўз бўлуб, «Дағндан кейин макруҳдур», деган сўз имом Абу Ҳанифа, имом Моликдан ривоят бўлубдур. Имом Аҳмаддан икки сўз ривоят бўлубдур. Чунки бу бидъат бўлуб, бу тўғрида суннатдан бирор нарса келмабдур. «Куръон ўқумоқ намозга ўхшайдур. Қабр олдида намоз ўқумоқ макруҳдур, ўкуса бўладур», деган сўз имом Мұхаммаддан ривоят бўлубдур. Яна бир ривоят имом Аҳмаддан манқулдур. Булар ҳазрат Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят бўлғон сўзга эътимод қилибдурки, дағн қилур вактида сураи Бақаранинг охирини ўқумоқни васият қилибдурлар. Мана булар шул сўздан истидлол қилибдурлар. Аммо дағндан кейин Куръон ўқумоқ макруҳдур дебдурлар. Шул сўз қавирироқ кўрунадур.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларини яхши кўрамиз. Бирор кимсани яхши кўрмакда ҳаддидан ошириб юбормайдурмиз. Саҳобалардан бирор кишини ёмон кўрмаймиз, уларни ёмон кўрганларни ёмон кўрамиз. Уларни яхшилиқдан бошқа нарса бирла ёдлаганларни-да ёмон кўрамиз. Яхшилик бирлагина ёдлаймиз.

Уларни яхши кўрмак дин ва иймон, эҳсон – хайрлик бўлмоқнинг аломатидур. Уларни ёмон кўрмак куфр ва нифоқ бўлуб, ўз ҳаддан ошмоқдур. Ҳар ким саҳобаларни, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг покдоман хотунларини ҳамда авлодларини яхшилик бирла ёдласа, ул нифоқдан барийъ бўлубдур.

Саҳобалар ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сухбатларида бўлуб, Оллоҳ таоло бандалари учун хуш кўрган дини() - Исломни ер юзида ёйиб, бизларга еткузгандурлар. Улар ўзларининг хуш ахлоқлари сабабидан урушуб фатҳ қилғон ерларидаги одамларнинг қалбларинида қўшуб фатҳ қилғон эдилар. Уларни ўзларига мағнотисдек тортиб, меҳрибончилик ила пеш келур эдилар.

Оллоҳ таоло ўз қаломида уларни маҳтаб буюрадурки:

«Ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Оллоҳнинг пайғамбариждур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирла бўлғонлар коғирларға қаттиқ, ўз ўрталарида бир бирларига меҳрибон бўлуб, рукуъ ва саждада бўлғучилардурлар. Оллоҳ таолонинг фазли ва розилигини истайдурлар. Уларнинг юзларида сажданинг асари бордур. Бул ўзи уларнинг Тавротдаги сифатларидур. Инжилдаги сифатлари бир экиндеқдурки, ул экин шохлайдур, қаттиқ бўлуб тикланадур-да, экувчиларга хуш кўринадур. Бул ўзи коғирларни аччиғландумроқ учундур. Улардан() иймон келтуруб, яхши амаллар қилғонларға мағфират ва зўр савобни Оллоҳ таоло ваъда қилғондур».

Бу ҳазрат Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сабабларидан ер юзида томур отқан куфр бирла ширкнинг томурларини қурутуб, юмуруб ташламоқни ирова қилғон эканлигини билдурадур.

Асл масъала шундадурки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мабъус бўлғон замонларида инсонлар - араблар бир-бирлари бирла қирилишиб икки фирмә бўлуб, бир-бирларини эзиб қонларини сўрмоқда давом этур эдилар. Араб жазираси ширк бирла қопланғон бўлуб, ўз ўрталарида қирилишмоқ бирла мубтало эдилар. Инсоният йўлидан тойиб, ҳақ йўлдан жуда узаб кетган эдилар. Ер юзида бор яҳудийят бирла насронийят миллатлари ўз динларини таҳриф қилиб - бузуб, ифлос қилиб, динликдан чиқариб, васанийятга айлантуруб юборғон() бўлуб, кучсизларни кучликлар эзмаклари табиий суратга кириб қолғон эди. Шул ишлардан норози бўлғон зотлар ўзлари учун ҳақ дин ахтариб, баъзилари бузук дин бўлсада насронийят динига кирмакка ўзларини мажбур кўрмакда эдилар. Баъзилари насронийятнида қабул қилмай, Зайд бин Амр ибн Нуфайлдек кишилар янада ҳақ динни истамакда эдилар.

Шундоғ бир замонда Оллоҳ таолонинг иродаси араби мустаъриба бўлғон Ҳижоздаги арабларнинг шону шавкат ва эътиборлик қабиласи бўлғон Қурайш қабиласининг Баний Ҳошим жамоасидан Абдул Мутталибининг ўғлининг ўғли ҳазрат Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдул Мутталиб соллаллоҳу алайҳи васалламни сайламоққа бўлуб, шул зотни Оллоҳ таолонинг ўзи руҳоний тарикада тарбиялаб - камолига еткузуб, бутун ер юзига пайғамбар қилиб кўндуруди.

Ўзлари ёлғуз бўлғон холда тавҳид байроғини кўтариб: «Эй ҳалойиқ, мен сизларнинг ҳаммаларингизга Оллоҳ таолонинг пайғамбариждурман»(, «матн» - ёлғуз Оллоҳ таолонинг

.(')сураи ал-Моида.۵ :

(')яъни, саҳобалар) .ڏمۇساقىخىخ.(

.۳۰. التوبه: (

.(')сураи ал-Аъроф.۱۰۸ :

ўзига ибодат қилинглар, Оллоҳ таолодан бошқа маъбуд йўқдур, ҳокимият Оллоҳ таолонинг ўзининг ҳокимияти бўлуб, ибодат ўзигадур, шул ўзи ҳақ диндур, деб бутун дунёдаги инсонларни шул тавҳид дини бўлғон Исломга чақирмоққа турдилар. Йигирма уч йил муддатида бу Оллоҳ таоло нозил қилғон китоб – Қуръони карим кўрсатган йўл бирла бутун Арабистон жазирасига Исломни ёйиб бўлуб эдилар.

Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга иймон келтуруб, атрофлариға тўпланғон зотларни шундог тарбияладиларки, ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин ўрниларида туруб оз муддат ичиди Исломни шарқан ва гарбан Чин худудидан тортиб баҳри муҳийти атласийгача, ва шимолан ва жанубан Ёвроподан тортиб баҳри муҳийти ҳиндий ўрталарини исломобод қилиб юбормоққа муваффак бўлуб эдилар. Булар ўз ўрталарида ақа-уқадек бир-бирлари бирла меҳрибон бўлуб, Ислом динини ёйдилар. Исломга қарши турган кофирларга қарши арслонлардек раҳмсиз эдилар.

Букун Исломга қарши урушуб юрган кофирлар буларни арслонлардек кўрур эдилар. Эртаси мағлуб бўлуб қолсалар, мусулмонларни ўз оталаридек меҳрибон топур эдилар-да, уларнинг - Ислом мужоҳидларининг хушмуомалаликларини кўруб мусулмон бўлур эдилар. Эртасига мусулмонлар сафларида ўз қавмлариға қарши йўлбарслардек уруш қилур эдилар. Ўн икки минг лашкар бирла бир мамлакатни уруш қилиб фатҳ қилсалар, бир йил ичиди мусулмон бўлғонлардан уларнинг сафларида юз минг лашкар бўлуб, кофирларга қарши уруш қилмоққа ҳозир бўлур эдилар. Бу мусулмон бўлмагонлар ёни-велларидағи мамлакатларга мусулмонларни: «Оlamдаги мазлум халқни зулмдан қутқазғувчи Оллоҳ таолонинг фаришталари келдилар», деб ёзиб танитур эдилар.

Улар юзларининг энг юқориси бўлғон пешоналарини Оллоҳ таолонинг даргохida ерга кўюб сажда қилғонлиқлари учун юзлари ярқираб, юзларидан нур томилиб турар эди. Бул ўзи уларнинг Тавротдаги васфлари эди. Ҳар бир банда Оллоҳ таолонинг динида қанча ихлос бирла бўлғон бўлса, унинг чехраси кўнлидаги ихлосини зоҳир қилиб билдуруб турадур. Туркий масал бордурки: «Сендан угина, мендан бугина». Банданинг ихлоси қанча бўлса, Оллоҳ таолонинг fazли ундан зўроқдур.

Инжилдаги сифатларини Оллоҳ таоло бир экинга ўхшатадур. Ердан заиф бир суратда чиқиб, бора-бора зўрайиб маҳкамланиб ўрнаб кетиб, экинчиларни хуш қиладур, деб баён буюргандур. Чунончи Исломнинг аввалги холида мусулмонлар ғариб бўлуб туруб, сўнгра зўрайиб томир отиб дунёға ёйилди. Шунингдек, ҳар ким иймон келтуруб, яхши амал қилса, ул Ислом хукмини лозим бўлғон ерига етқузгандур. Унинг учун Оллоҳ таолонинг хузурида кўп савоб ва мағфират бор эканлигини кўрсатадур.

Ҳар ким бу саҳобалар ҳақларида хушақидалик бўлуб, яхши сўз айтиб юрган бўлса, ҳамда ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг покдоман покиза хотунлари ҳақларида оналаримиз, деб яхши ақидалик бўлса, ҳамда авлодларини иззат ва ҳурмат ва эҳтиром ила ёдламоқда бўлса, ул ўзини нифоқдан сақлабдур.

матн.

Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан кейин хилофатни энг аввал ҳазрат Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхуға исбот қиласиз. Сүнгра ҳазрат Умар розияллоҳу анхуға, сүнгра ҳазрат Усмон розияллоҳу анхуға, сүнгра Алий розияллоҳу анхуға исбот қиласиз. Суннати набавийя узасида чинакам қойим бўлуб ўтган халифалар шулардурлар. Тўгри йўлда бўлғон имомлар шулардурлар.

Бу тўгрида Ислом уламолари иттифоқ қилғондурлар, рофизийларнинг хилофларининг эътибори йўқдур. Уларнинг мазҳаблари Исломни бузмоқ учун дунёда пайдо бўлғон мазҳабдур. Бу мазҳабнинг бонийси Абдуллоҳ ибн Сабаъ номлик яҳудийдур. Улар аксар ривоят қилғон ҳадисларидағи ровийлари тамом аҳли суннат тарафларидан ёлғончи, ҳадис тўқумоқ бирла тухмат қилинғон кишилардурлар. Бу хил кишилардан ривоят қилиб ўз ихтиёрлари бирла бино қилғон мазҳаблари қабул бўлмайдургон мазҳабдур. Шунинг учун хилофат борасидаги сўзлари тамом эътибордан соқитдур. Ҳазрат Расууллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламдан кейин кетма кет халифа бўлуб ўтган зотлар ҳазрат Абу Бакр Сиддик, ҳазрат Умар Форук, ҳазрат Усмон Зин-нурайн, ҳазрат Алий ибн Абий Толиб розияллоҳу анхумнинг афзалликлари-да шул хилофат тартибидадур. Саҳобаларнинг ўрталарида бўлуб ўтган кўнгулсиз воқеалар тўғриларида ўзумизча бирор сўз айтмайдурмиз. Бундан сақланмоқ керак. Улардан бирор кимса тўғрисида ёмон сўз айтмак тўғри эмас. Шунинг учун уламолар айтибдурларки: «Ул замонда тўкулган қонлардан Оллоҳ таоло қўлумизни саклаған эди, эмди бу тўгрида тилимизни-да сақлайлик».

Оллоҳ таолонинг дини ерда ва осмонда бир бўлуб, улда Исломдур. Чунончи ояти каримада буюрадур: «Албатта Оллоҳ таоло наздидаги дин Ислом динидур». «Ҳар ким Ислом динидан бошқани дин тутса, ул ундан қабул бўлмагай». «Мен сизларга Ислом динини хуш кўрдум».

Бул баён қилғон нарсаларимиз зохир ва ботинда бизнинг динимиз ва ақидамиздур. Бу баён қилғонларимизга хилоф қилғон кишилардан безордurmiz. Оллоҳ таолодан тилаймизки, бизни иймонда событ қадам қилсун. Шул иймон бирла умримизни тамом қилсун. Оллоҳ таоло бизни мушаббиха, мўътазила, жаҳмийя, қадарийя ва бошқа муҳталиф нотўғри мазҳаблардан, ҳар хил бидъатдан иборат бўлғон ақидалардан сақласунки, улар аҳли суннат ва жамоатга хилофдурлар. Биз улардан безордurmiz, улар бизнинг наздимизда тойғинликда қолғон, ҳалокатга учраган, бузук йўлдаги одамлардурлар.

Мана шул баён қилғон ақидамиз Исломи ақидадурки, уни ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам келтургандурлар. Оллох таоло ҳазрат Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам ва мұмінларға хитоб қилиб: «Бу күн сизларга динларингизни комил қилиб бердим, неъматимни еткүздім, сизларга Ислом динини хуш күрдүм» оятыни шул Ислом ақидаси борасыда нозил қилди. Ҳар ким шуни жони, дили бирла қабул қилиб маҳкам тутса, ул комил мусулмон бўлғон бўлур.

Бу Ислом динидан бошқа динни ўзига дин қилмоқни ихтиёр қилса, ул ундан қабул бўлмагай, ул охиратда зарар тортқучилардан бўлур.

Дуо.

Шул баён бўлғон ақиданинг хилофи бўлғон нарсалар бор бўлуб, баъзилари инсонни диндан чиқариб, ҳамишалик дўзахда қоладурғон қилиб қўядур. Баъзилари мушрик ёки кофир қилиб қўймасада инсонни камол даражасидан ўз динида парвосизлик ёки камчиликка тушуруб қўядур. Бул ерда ул нарсаларни баён қилиб ўтурмизки, инсон бунинг бирла ўз динида кўзлик бўлуб юрсун.

Албатта тавхиднинг зидди ширк бўлуб, иймоннинг зидди қуфрдур.

Ширк уч қисмдур, ширки акбар, ширки асгар ва ширки ахфодур.

Куфр икки қисм бўлуб, куфри акбар, куфри асгардур. Куфри акбар инсонни диндан чиқариб қўядур. Куфри асгар инсонни диндан чиқармайдур.

Зўр ширк ул инсонни диндан чиқариб юборадурда, инсонни мушрик қилиб қўядур. Мушрик дўзахда ҳамиша қолгай.

Чунончи Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадур: «Албатта Оллоҳ таоло ширкни кечмайдур. Ундан бошқасини хоҳлағанига кечадур». Ва яна: «Ҳазрат Ийсо алайҳис-салом айтибдурки: «Эй Исроил (Яъқуб алайҳис-салом) авлодлари, менинг ва сизларнинг худойимиз бўлғон Оллоҳ таолога ибодат қилинглар. Ҳақиқат шулки, ҳар ким ширк келтурса, унга Оллоҳ таоло жаннатни ҳаром қилгай, борар жойи дўзах бўлгай. Золимларга ёрдамчилар бўлмагай».

Бу ширк ўзи тўрт қисмдур.

Аввалгиси сиғинмоқ ширкидур. Бул ўзи Оллоҳ таолодан бошқаға сиғинмоқ бўлуб, жоиз эмасдур.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Кемага минсалар ихлос бирла Оллоҳ таолонинг ўзига сиғиниб ёлворурлар. Қачонки Оллоҳ таоло уларға нажот бериб қуруқлиққа чиқарса, бошқаға сиғинурлар».

Илгариги замонларда мушриклар бошлариға бало келмай тинч юрсалар Оллоҳ таолони унутуб, ўзлари ихлос қилиб юрган зотлариға, бутлариға сиғинур эдилар. Кемага миниб қолса, денгиздан қутулдурмогини тилаб, Оллоҳ таолоға ёлворур эдилар. Денгиздан нажот бериб қуруқлиққа чиқариб қўйса, яна Оллоҳ таолони унутуб, бутлариға сиғинмоққа турар эдилар.

Бизнинг замонамиизда шундог одамлар пайдо бўлдиларки, қаттиқ кунлар бошлариға келсада Оллоҳ таоло эсларига келмайдур. Буларнинг ширклари ҳаммадан ёмондур. Худо паноҳ берсун!

Иккинчиси ният, ирода, қасд ширклари дур. Оллох таоло ояты каримада буюрадурки: «Хар ким бу дунё тириклигини истаса, уларға амалларининг жазоларини тамом бергаймиз, улар бу дунёда камситилмагайлар».

«Хар ким бу дунё ҳосилини истаса, ундан унга бергаймиз, унга охиратда ҳеч насиба йўқдур».

«Хар ким бу дунёни истаса, хоҳлағанимизга ўз хоҳлағанимизча берурмиз. Сўнгра унга охиратда дўзахни бергаймиз. Улар хорлик, Оллох таолодан узоқлик ҳолатда жаҳаннамга киргайлар».

Демак, ҳар кимга бу дунёдаги тилаги тамом берилмайдур. Оллох таоло хоҳлағанига хоҳлағанича бергай. Аммо охират учун ишлаган бўлса, унинг бирига ўндан тортиб етти юзгача ва зиёдаси ила бергай. Бул ўзи ваъдадур().

Учунчи ширки акбар тоат ширкидур. Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Улар Оллоҳ таолоға кўшуб аҳбор ва руҳбонлари бирла ҳазрат Ийсо алайхис-саломни маъбуд тутуб олдилар. Ҳолбуки Оллоҳ таолонинг ўзигагина ибодат қилмоққа буюрулгандурлар. Оллоҳ таолодан бошқа маъбуд йўқдур. Оллоҳ таоло улар исбот қилмоқда бўлғон шарикдан покқур».

Бу оятнинг саҳиҳ тариқада ишколсиз тафсири - уламолари ва улуғлариға Оллоҳ таолонинг хукмига хилоф суратда итоат қилмоқлари дур. Чунончи ҳазрат Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анхуга: «Уларнинг улуғлариға Оллоҳ таолонинг хукмига хилоф суратда итоат қилмоқлари ибодат қилмоқлари дур», дедилар() .

Бу тўғрида ўн тўққизинчи моддалик бўлғон дуо масъаласида кўп сўзлаб ўттук.

(¹)дегучи расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдурлар) .мусаҳҳих.(

Тўртунчи муҳаббат ширкидур.

Чунончи ояти каримада буюрадур: «Одамлардан баъзилар борки, улар Оллоҳ таолодан бошқа маъбудларини Оллоҳ таолони яхши кўргандек яхши кўрадурлар. Иймонлик бандалар Оллоҳ таолони зиёда яхши кўрадурлар».

Билмак керакким, муҳаббат ширки Оллоҳ таолодан бошқани истиқлол тариқада Оллоҳ таолони яхши кўргандек яхши кўрмакдур. Аммо пайғамбарларни яхши кўрмакки, улар Оллоҳ таолонинг хукмини еткузадурлар, ёки солих бандаларни яхши кўрмакки, улар умрларини Оллоҳ таолонинг ибодатида ўтказгандурлар, мана булар «ширкул маҳабба» атолмайдурлар. Балки «ал-хуббу фил-лаҳ»дур. «Ширкул маҳабба» юқорида айтганимиздек ёлғон маъбудларини Оллоҳ таолони яхши кўргандек яхши кўрадурлар. Мана бул ўзи «ширкул маҳабба» аталадур.

«Ширки асгар» деб риёни айтиладур. Чунончи ояти каримада буюрадур: «Ҳар ким худойига мулокот бўлуш эътиқодида бўлса, яхши амал қилсун, ибодатида бошқани Оллоҳ таолоға шарик қилиб олмасун». Риё инсонни диндан чикариб қўймайдур.

Оллоҳ таоло учун қилинадургон амалини одамларга кўрсатмак ниятида қилса, у хил амалга савоб бўлмагай. Оллоҳ таоло хузурида ҳозир бўлғонда : «бор, ким учун амал қилғон бўлсанг ўшандан савоб талаб қил», дейилгай. Бу хил ишлар мусулмонлар ишлари эмасдур, кўнглида иймон жой олмағон кишиларнинг ишларидур. Банда амали риёдан холис бўлсун деса, Оллоҳ таолонинг улуғлиғи, ҳозирлигини кўнлида тутуб туруб ибодат қилсун, бошқа кимса унинг хаёлида бўлмасун.

«Ширки хафий» деб инсондан билар, билмас вужудға келиб қолғон нарсалардур. Бул ўзи юқкоридаги «ширки асғар»га яқын нарсадур. Ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам буюрубдурларки: бу уммати исломийяды ширк қора тош узасида коронғу кечада чумоли юргандекдур. Унинг каффорати «Эй Худо, мен сенга билиб турууб ширк келтурмакдан паноҳ элтаман, билмай вужудға келиб қолғон бўлса ундан магфират талаб қиласман», демакдур.

Хадисларда икки хил баён бўлғон, бири эмди баён қилғон нарсадур. Яна бир хили «ширки хафий»: «матн», демак; Оллоҳ таолонинг отидан бошқа пайғамбар, Каъба, Куръондек нарсаларга қасам айтмакдек нарсалардур.

Инсонни диндан чиқариб юбородурғон зўр куфр олти хилдур.

Улардан бири ҳақиқат очилғонда уни ёлғонға чиқармоқдур. Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Ёлғондан тўқуб Оллоҳ таолонинг ҳукмидур дегучи ёки ҳақ келганда билиб туруб уни ёлғонға чикорғондан кўра золимроқ кимса йўқдур. Кофирларнинг борар жойлари жаҳаннам эмасми?!».

Иккинчиси инкор ва гердаймак, мутакаббирлик қилиб қабул қиласлик куфридур. Чунончи Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Ёд қил ул кунники, биз фаришталарга: «Одам (алайхис-салом)ға сажда қилинглар», дедик. ҳамма фаришталар үзларини саждага ташладилар. Ва лекин Иблис инкор ва катталик қилиб сажда қилғони унамади, кофирлардан бўлди».

Ва яна бошқа бир оятда буюрадурки: ((. «Унға бизнинг оятларимиз ўқуб эшигтурулса, мутакаббирлик қилиб, гердаймак юзасидан эшигмагандек бўлуб юз ўгурадур, гўёки кулоқлариға қўрғошим қўюлғондур».

Учунчиси куфри шакдур, чунончи улда куфри зан бўлуб, ҳақ ва ҳақиқатнинг хилофидур. Эътиқодида жазм бўлмағон, шундоғмукин деб хаёл қилмоқ, ишонмак йўқлигини айтиладур.

Чунончи боғ эгасининг қиёмат бўлмайдур деб қилғон эътиқодидекдур. Чунончи ояти каримада ҳикоят қиласур: «Ул киши боғига кирди. Ул ўз жонига зулм қилғон кишидур. Ул айтадурки: «бу боғдаги мевалар тугайдур деб хаёлимга келмайдур. Қиёмат бўладур деб ўйламайдурман. Агар худойимға қайтарилғон суратимда-да, бундан яхшироқ боғ-бўстон топурман», деб ул коғир тилидан ҳикоя қиласур. «Унға йўлдоши бўлғон мусулмон киши айтиб қолдики: Сени (ҳазрат Одам алайҳис-саломдан бошлаб) турпоқдан, сўнгра (таносул тариқасида) нутфадан яратқон, сўнгра катта киши қилиб қўйғон Худойингға коғир бўлдунгми?! Мен бўлсан айтurmanki, шул мени яратқан зот худойим бўлуб, унға кимсани шарик қилмайдурман».

Тўртунчиси куфри эъроз – юз ўгурмак куфридур. Оллоҳ таолонинг хукмлари зоҳир бўлуб, пайғамбарининг сўзи тўғрилигини билиб туруб иймон келтурмакдан юз ўгурмақдур.

Ояти каримада Оллоҳ таоло буюрадурки: «Коғир бўлғонлар пайғамбарларнинг сўзларига, кўрқутганлариға қулоқ солмоқдан юз ўгургучилардурлар».

Бешинчиси күфри нифоқ бўлуб, улда иймонни изҳор қилиб, ўзини мусулмон кўрсатиб, кофиригина кўнглида сақлайдурда кофиригига давом этадур.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Бул шунинг учундурки, улар (зоҳирда) иймон келтурдилар, сўнгра (куфрларини кўнгулларида сақлаб) кофир бўлдилар (кофириклича қолдилар). уларнинг кўнгулларига муҳр босилди, улар ақлга келмайдурлар».

Олтинчиси инод куфри бўлуб, ҳақиқат очилиб турсада кискисламак юзасидан иймон келтурмакни қабул қилмаслиқ, ҳақ зоҳир бўлсада кўролмаслик юзасидан қаршилиқ қилмоқни айтиладур.

Оллоҳ таоло Макка мушрикларининг инод юзасидан айтган сўзларини ҳикоя қилиб буюрадур: «Қурайш коғирлари: «Ердан (Маккадан) сув чиқариб булоғ очиб қўймагунингча; ёки хурмозор, узумзор боғларинг бўлуб, ораларида сувлар ариқларда оқиб турмагунча; ёки осмонни ўзунг даъво қилғонингдек бошимизга парча-парча қилиб тушурмагунингча; ёки Оллоҳ таолони фаришталар бирла очикдан очик келтурмагунингча иймон келтурмаймиз. Ёки олтундан уйунг бўлмағунча; ёки ўзунг осмонға чиқмоғунингча сенга иймон келтуруб бермаймиз. Осмонга чиқкан тақдирингдада ўзунгни осмонға чиққанингни тасдиқ қиласурғон хат олиб келмагунингча – ул хатни ўзумиз ўқиб кўрумиз – иймон келтурмаймиз», дедилар. «Худойим покдур, мен инсондан бўлғон пайғамбаргинадурман», дегил. Бу одамларни иймон келтурмакдан тўскон нарса «Одамзоддан бизга пайғамбар кўндурудими?!», демакларигина дур».

Жисмоний лаззатга берилиб, руҳоний кўтарилишни танимағон, руҳоний кўтарилишда бўлғонларни ҳамажий деб билганлар ҳаммани бирдек билиб олурларда, ўзларидан ҳақ ва ҳақиқатга чақириб келган зотларга ишонмай коладурлар. Оллоҳ таолонинг хукмларини ҳалиққа еткузмак учун кўндурулган пайғамбарларни ёлгончи қилиб: «руҳониятнингина тамсил этадурган фаришталардан пайғамбар бўлса эди», деб инкор қилмоқ учун шул сўзларини далил тутуб, келган пайғамбарларни ўзларининг иймон келтурмакларидан умидларини уздуруб қўймоқчи бўладурлар. Шунинг учун буюруладурки: дунёда юрган ақл соҳиби бўлғон инсонларни ер юзида Оллоҳ таолонинг хукми остида юрмак учунгина яшатиб қўйғондур. Уларға Иблис мусаллат бўлуб олғондур. Шунга кўра ҳар вақт тўғри йўлдан тойғон инсонларни тўғри йўлга чақирмоқ учун ўз жинсларидан пайғамбарлар кўндурадур.

Бул ўзи мақсадни онглаш осон бўлсун дебдур. Агар фаришталарда инсонлардек ўз ихтиёрлари бирла юрадурган бўлуб, уларга нафс юклатилган бўлғонларида эди, уларғада ўз жинсларидан пайғамбарлар кўндургай эди.

Куфрнинг иккинчи тури бўлғон куфри асгар куфрони неъматдур. Ул ўзи инсонни диндан чиқариб қўймайдур. Уни бизда ношукурчилик дейдурлар. Бу хил ношукурчилик инсонлардан кела берса, ул вақт Оллоҳ таоло ул неъматни тортиб олиб, ўрниға бало юборадур. Баъзи вақт ношукурчилик ошиб кетиб қўкка етиб қоладур. Оллоҳ сакласун.

Оллоҳ таоло ояти каримада буюрадурки: «Оллоҳ таоло бир шахар ахлини мисол баён қиласидур; ул шахар ахли хотиржамлиқда яшар эдилар. Ризқ-рўзилари ҳар томондан кенгчилик бирла келур эди. Улар Оллоҳ таолонинг берган неъматларига ношукурчилик қилдилар. Оллоҳ таоло уларни очлик, кўркунчлик балоларига мубтало қилди. Бул ўзи Оллоҳ таолонинг неъматларига уларда бўлғон ношукурчилик сабабидандур».

Неъматнинг давоми шукронага боғлиқ бўлғонидек, неъматнинг заволига сабаб ношукурчилиқдур. Ҳар бир инсонга лозим бўлғон нарса ўз ҳолатини текшарив юрмак бўлуб, ҳамма вақт неъматга шукр қилиб, ўзидан ул неъматнинг кетиб қолмоғидан кўрқсан.

Шул (Иброҳим сураси еттинчи) оятда⁽¹⁾ буюрадурки: «Ёд қилинглар ул қунники, худойингиз: «шукр қилсангизлар неъматимни зиёда қилурман. Ношукурчилик қилсангизлар менинг азобим қаттиқдур», деб эълон қилди».

(1) (оят)

103 - (матн)

Нифоқ икки қисм бўлуб, эътиқодий ва амалийдур. Эътиқодийси бўлса, ул иймонни изҳор қилиб - ўзини мусулмон қилиб кўрсатиб, коғирлигини дилида маҳфий тутуб юрмакдур. Бул ўзи олти қисмдур.

104 - (матн)

Олти хил нифоқнинг аввалгиси: пайғамбарни ёлғончи қилмоқ;
Иккинчиси: пайғамбарнинг келтурган динини ёлғонға чиқармоқ;
Учунчи: пайғамбарнинг келтурган динининг баъзисини ёлғонға чиқармоқ;
Тўртунчиси: пайғамбарнинг келтурган нарсасини сўймаслиқдур;
Бешинчиси: пайғамбарнинг динини паслаб кетмагига хуш бўлмоқ;
Олтинчиси: пайғамбарнинг динининг кучаймагини хуш кўрмаслиқдур.
Мана буларни дилида сақлайдур⁽¹⁾, ҳақиқатда ўзи мусулмон эмасдур.

(1) яъни, мунофиқ кимса. (мусахҳих).

105 - (матн)

Амалий нифоқ ул мунофиқларнинг ишлари дур. Ва лекин шулар мусулмонлардан вужудга келиб қолса, уни «коғир бўлди», «мунофиқ бўлди», дейилмайдур. Ва лекин «мунофиқнинг ишини қилди», дейиладур. Шунинг учун мусулмон кишига лозимдурки, бу хил ишлардан сақлаб, мунофиқлар қаторларига кириб қолмоқдан кўрксун.

Ул беш хил бўлуб, уларни ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ҳадисларида келтургандурлар:

1 - ёлғон сўзламак; 2 - ваъдага хилоф қилмоқ; 3 - амонатга хиёнат қилмоқ; 4 - жанжал вақтида охтариб сўқадур; 5 - бирор бирла аҳд қилса, унга хилоф қиласур.

Чунончи ҳазрат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубдурларки:

(ҳадис)

«Мунофиқнинг аломати учдур: сўзласа ёлғон сўзлайдур; ваъда қилса ваъдасига хилоф қиласур; амонат қўйулса амонатга хиёнат қиласур». Бу ҳадис Бухорий сахихида ҳазрат Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу воситалари бирла ривоят қилибдур.

Ва яна бошқа бир ҳадисда буюрубдурлар:

(ҳадис)

«Тўрт нарса борки, улар бир кимсада мавжуд бўлса, ул чинакам мунофиқ бўлғай. Агар улардан бирор хислат унда бўлса, унда нифоқдан бир хислат бўлғай, уни тарқ қилғунча. Улар амонатга хиёнат қилмоқ, сўзласа ёлғон сўзламак, аҳд қилиб аҳдига хилоф қилиб ғадр қилмоқ, жанжалда охтариб сўқмацдур». Бу ҳадисни Бухорий сахихида ҳазрат Абдуллоҳ бин Амр розияллоҳу анҳумодан нақл қилибдур.

Бандаларга лозимдурки, бу хил мунофиқларнинг аломатлари бўлғон нарсаларни ўзларига яқин келтурмасунлар, ҳамма вақт ўзларини қил узасида сақласунлар. Бул ўзи Оллоҳ таолонинг ҳидоятига қарайдур.

(арб). Омийн.

(арб).

Саййид Қосим ал-Андижоний 1386-ҳижрий, Зул-ҳижжа ойининг охири якшанба куни, аср намози олдида. 1387-ҳижрийда тасҳих тамом бўлди⁽¹⁾

(1) Китоб муаллифнинг ўзлари ёзган учта қўлёзма нусхалари асосида нашрга тайёрланиб, бу иш 1422-ҳижрий йил, муборак Рамазон ойининг 17-куни аср пайтида ниҳоясига етди. (арб) (мусаххих).